

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ  
ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

**Я.Х.Ғаффоров**

# **ТАРИХ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ**

*5110600-Тарих ўқитиши методикаси бакалавр таълим  
йўналиши талабалари учун дарслик*

ТОШКЕНТ  
«ISHONCHLI HAMKOR»  
2021

УДК  
КБК

Мазкур дарслик тарих ўқитиши методикаси самарадорлигини ошириш муаммолари амалий жиҳатдан умумлаштирилган ва Ўзбекистон Республикасининг илгор мактаблари ҳамда олий ўқув юртлари тарих ўқитувчилари иш тажрибаларида синаб кўрилган экспериментал, илмий методик ва педагогик ишлар натижасидир.

Дарслик Олий ўқув юртлари тарих таълими (5110600-Тарих ўқитиши методикаси) йўналиши бакалавриат босқичи талабалари, шунингдек умумий ўрта маҳсус қассб-хунар таълим билим юртлари ўқитувчилари учун мўлжалланган.

**Маъсул мухаррир:**

**Ж.Н.Абдураҳмонова** – тарих фанлари номзоди, доцент

**Тақризчилар:**

**Э.З.Нуриддинов** – тарих фанлари доктори, профессор.

**Х.Э.Юнусова** – тарих фанлари доктори, профессор.

**О.Н.Носиров** – тарих фанлари номзоди, доцент

ISBN 978-9943-7090-4-1

*«Мен барчангизни тарихни ўрганишида яна-да уйғоқ, янада фаол бўлишга чақирмоқчиман. Тарихга сергак қараган одамгина доимо ҳушёр ва огоҳ бўлиб яшайди. Бугунги вазиятга ҳам келгуси жараёнларга ҳам холис ва ҳаққоний баҳо бера олади. Бу эса ҳозирги мураккаб ва шиддатли замонда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, юксак тараққиётга эришишининг энг муҳим шартидир!»<sup>1</sup>.*

**ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ**

## **КИРИШ**

Ўзбекистоннинг мустақил давлат деб эълон қилиниши ўзбек халқининг маънавий ва маърифий ҳаётида бутунлай янги бир даврни бошлаб берди. Шу боисдан ҳам «Ўзбекистон халқлари тарихи» фани ёшлиаримизга таълим-тарбия асосларини давр талаби даражасида олиб беришда алоҳида аҳамият касб этади.

Ватанимиз тарихини ўрганиш ёшлиарни авлодларимизнинг кўп минг ийллик маданий ва маънавий мероси, уларнинг жаҳон илмий тафаккури ва маданияти тараққиётига қўшган улкан ҳиссаси билан таништириш, маданиятимиз беназир алломалари номларини ҳурмат билан тилга олиш, улар билан фаҳрланишга, миллий ифтихор тарбиясини амалга оширишга ёрдам беради.

Таълим тизими ривожланишининг бугунги кундаги босқичида жаҳон мамлакатларида жумладан, АҚШ, Япония, Хитой Халқ Республикаси, Жанубий Корея ва Европанинг иқтисодиёти ривожланган бошқа давлатларида таълимнинг ташкилий ва бошқарув тузилмалари, уларнинг ривожланишларига муҳим аҳамият қаратилиб келинмоқда. Ривожланган мамлакатлар иқтисодиётида мамлакат умумий бойлигининг 16 фоизи моддий капиталга, 20 фоизи табиий бойликлар, 64 фоизи эса инсон капиталига тўғри келади, бу эса ўз навбатида, таълим тизимини

---

<sup>1</sup> Шавкат Мирзиёев. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. –Тошкент: Ўзбекистон, 2019, 3-жилд. -Б.147.

ривожлантириш ва таълим тизимини бошқаришдаги жараёнларда замонавий менежмент ҳамда унинг тамойилларига амал қилиш масалаларига катта эътибор қаратилаётганлигини кўрсатади. Ҳатто, Германия ва Япония каби ривожланган мамлакатлар миллий бойлигининг 80 фоизини инсон капитали ташкил этади<sup>1</sup>. Жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари бошқариш назарияси ривожланишнинг ҳар бир босқичида инсон капитали, шахснинг камол топиши, ёш авлодни тарбиялашга доимо олимлар, изланувчилар, тадқиқотчилар, амалиётчилар ва кенг жамоатчилик томонидан алоҳида эътибор бериб келинмоқда<sup>2</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганларидек, дарҳақиқат, “Ривожланган мамлакатларда таълимнинг тўлиқ циклига инвестиция киритишга, яъни, бола 3 ёшдан 22 ёшгача бўлган даврда унинг тарбиясига сармоя сарфлашга катта эътибор берилади. Чунки ана шу сармоя жамиятга 15-17 баробар микдорда фойда келтиради. Бизда эса бу кўрсаткич атиги 4 баробарни ташкил этади.

Бинобарин, инсон капиталига эътиборни кўчайтиришимиз, бунинг учун барча имкониятларни сафарбар этишимиз шарт”<sup>3</sup>

Мамлакатимизда Халқ таълими тизимида давлат бошқарувини такомиллаштириш, вазирлик фаолиятини умумий ўрта ва мактабдан ташқари таълим тизимини ривожлантиришга йўналтириш, таълимнинг бошқарув органлари фаолияти са-марадорлигини ҳамда масъулиятини ошириш, ўқув-тарбия жараёнига илгор педагогик ва АҚТларини самарали жорий этиш

---

<sup>1</sup>НТаълим бўйича Бутунжакон форуми. Якуний хисобот.-Дакар, Сенегал: 2000. 26-28апрель.

<sup>2</sup> Мухамедов F., Ходжамқулов У., Тоштемирова С. Педагогик таълим инновацион кластери. –Тошкент: Университет, 2020.-Б.102.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлиса Мурожаатномаси // Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги // 28.12.2018//<http://uzat.uz>

орқали таълим сифатини таъминлаш соҳаларига оид бир қатор президент ва хукумат қарорлари қабул қилинди<sup>1</sup>.

Замонавий жамиятда таълимнинг ривожланиши ва бу соҳада инновацияларни ривожлантиришдан иборат бўлиб, бунда таълим тизимидағи инновацион бошқарув амалиётларини жорий этиш ва уларнинг муваффақиятли намуналарини тарқатишга ёрдам беради. Инновацион жараёнларни бошқариш эса давлат таълим сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан бири бўлиб, уни айни пайтда олимлар, сиёsatшунослар ва жамоатчилик орасида муҳо-камалардан ўтказилиб келингандиги айни муддаодир.

Ўқитувчининг бош вазифаси ўқувчиларда мустақил фикр юритиши кўнималарни ҳосил қилишдан иборатлигини кўпинча яхши тушунамиз, лекин, афсуски, амалда, тажрибамизда унга риоя қилмаймиз. “Мустақил фикрлаш катта бойлиkdir”<sup>2</sup>

Демократик жамиятда ҳар бир фуқаро, биринчи галда болалар, умуман ҳар бир инсон эркин фикрлайдиган этиб тарбияланади. Агар болалар эркин фикрлашни ўрганмасалар, таълим самараси паст бўлиши табиий.

Зеро, республикамизнинг “Миллий дастури”да алоҳида қайд этилганидек, - “Юқори малакали педагог кадрларнинг етишимаслиги, сифатли ўқув-услубий ва илмий адабиёт ҳамда дидактик материалларнинг камлиги, таълим тизими, фан ва ишлаб чиқарии ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик ва ўзаро фойдали интеграциянинг (ҳамжиҳатлик) йўқлиги кадрлар тайёрлашининг

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Халқ таълимини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5538-сон фармони 2018 йил 5 сентябр; Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича харакатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли фармони. 2017 йил 7 февраль; Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-3304-сонли қарори, 2017 йил 30 сентябр; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг “Умумий ўрта ва ўрта маҳсус қасб-хунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 187-сонли қарори, 2017 йил 6 апрел.

<sup>2</sup> Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойdevori. –Тошкент: Шарқ, 1997, -Б.8-9.

*мавжуд тизимидағи жиіддий камчиликлар сирасында киради”<sup>1</sup>.*

Тарих дарсларида ўзлигимизни англаш хусусида гап борар экан, аввалимбортарих ўқитувчисини ўзининг гўзмутахассислигига бўлган эътиқоди кучли бўлиши керак. У *Ватанимиз тарихи ва унинг ўқитиши аҳволи шўролар даврида қандай эдио, миллий мустақиллигимизни қўлга киритганимиздан кейин унда қандай ўзгаришилар содир бўлди, деган аниқ саволга аниқ мантиқий жавоби бўлмоғи керак*. Ахир Куръони Каримда ҳам “*Ҳар бир мусулмон савобни ўзидан бошламоғи керак*” дейилган-ку!

Ўқувчиларнинг билимларини юкори даражада бўлишида мактабда педагоглар жамоаси томонидан ўзининг касбиға фидойиллиги боис юкори обрўға эга бўлган тарих ўқитувчисининг шахси ҳам катта рол ўйнайди. Шунинг учун тарих ўқитувчиси ўз устидан тинмай ижодий иш олиб бормоғи лозим.

Тарих ўқитувчиси маълум зарурий билимлар билан қуролланган бўлиши билан бир қаторда шу билимларни ўқувчилар онгига сингдириб, уларни олган билимларини шахсий эътиқодларига ўсиб ўтишига эриштирмоқ методикасидан ҳам моҳирона фодалана олмоғи керак. Акс ҳолда “*таълим – ўқувчиларга!*” тамойилининг амалга ошмасдан, таълимнинг ҳаракатсиз консервация ҳолида қолиб кетишидан ўзи сакласин.

Таниқли тарихчи-методист олим А.И.Стражев тарих ўқитувчилари учун эгаллаши зарур бўлган билим ва методик маҳорат хусусида фикр юритар экан, шундай ёзади:

- *биринчидан*, тарихни илмий-методологик жиҳатдан батафсил ўзлаштириб олмоғи керак;
- *иккинчидан*, турли соҳалар бўйича аниқ тарихий билимлар билан қуролланган бўлмоғи керак;
- *учинчидан*, кенг миқёсдаги умуммаънавий, умумбашарий дунёқарашга эга бўлмоғи керак;
- *тўртинчидан*, педагогик ва психологияк билимларни ўз ичига олган, мустақил педагогик фан ва санъат сифатида шаклланган фан – тарих ўқитиши методикаси билан ҳар томонлама қуролланган, замонавий тарих ўқитувчисига хос сифатлар мажмуининг соҳиби бўлмоғи керак”<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. –Тошкент: Шарқ, 1998. -Б.36.

<sup>2</sup> Стражев А.И. Методика преподавания истории. Пособие для учителей.-

А.И.Стражев фикрига қўшилган ҳолда, биз бугунги жаҳон миқёсидаги илмий-техникавий ахборот технологияси авж олиб бораётганлигини ҳисобга олган ҳолда, айниқса тарих ўқитувчisinинг бизнинг мамлакатимиз шароитида ўқувчи ёшларда миллий гояси ва мафкурасини жадаллик билан шакллантириб боришда таълимнинг техника воситаларидан – Интернетда кенг тарғиб этилаётган ахборотлардан, умуман, даврий матбуот материалларига чуқур таҳлилий тафаккур билан ёндошган ҳолда фойдаланиш тарих таълимининг самарадорлигини ошириб боришда ижобий натижа бериши шак-шубҳасизdir.

Энг асосийси, Президент Ш.М.Мирзиёев асарлари ижтимоий фанларни ўқитишининг илмий-методологик асоси эканлигини ҳисобга олган ҳолда, имкон бор жойда, ҳар бир мавзуни ўтиш жараёнида Президент асарлари, нутқлари, оммавий ахборот воситалари ходимларига берган интервьюларидан келиб чиқадиган илмий-назарий концепцион тушунчаларни ўқувчилар онгига етказиш тарих ўқитувчisinинг жамият усткурмаси сифатида ўзининг демократик базасига холисона хизматининг ифодаси бўлмоғи керак.

Тажриба шуни кўрсатдик, тарихий билимлар қанчалик чексиз бўлмасин, инсоннинг билиш имконияти мутлақ эмас, балки нисбатан баён этилади. Шу боис биз ўзимизнинг педагогик фаолиятимизда ҳали Ўзбекистонимиз шароитида юкори даражада илмий-педагогик муаммо – тарих ўқитиш методикасининг такомиллаштириш борасида турли даврларда турли мамлакатларда нашр этилган адабиётлар билан танишиб чиқдик. Уларни ўрганишимиз уларда баён этилган илмий-назарий, методик ва дидактик фикр-мулоҳазалардан ҳоли бақудрат фойдаландик. Шу билан бирга, уларнинг айримларида баён этилган фикр мулоҳазаларда дарс варианtlари, концепциялар ва хулосаларнинг бизнинг фикримиз бўйича номақбуллиги хусусида ҳам ўзимизнинг танқидий эмас, уларни қабул қилолмаслигимиз хусусида ўз фикр-мулоҳазаларимизни билдиридик. Лекин, бизнинг мақсадимиз, мустақиллигимиз туфайли мамлакатимизда илм-фан бекиёс тараққий этиб бораётган даврда етилиб келаётган бўлажак методист-олимларимиз мамлакатимиз илмгоҳларида

“тарих ўқитиши методикаси” дейилмиш илмий-педагогик фан тараққиётига кўл урганларида биз ишора этган адабиётлар таҳлилига яна бир бор эътиборларини қаратиб, ўзлари яшаб ижод этаётган давр талаблари билан илмий-методик жиҳатдан солиштирсалар, албатта, илмий-методик жиҳатдан фойдадан ҳоли бўлмас, деган умиддамиз.

Чунки, мустақиллик йўли Ватанимиз халқларининг тарихий анъаналари ва маънавий бойликларини қайта тикловчи, янги мазмун билан бойитувчи йўлдир. Бу эса тарих ўқитиши миллий асосга қуришни, халқимизнинг, меҳнатсеварлик, ҳамкорлик, дўстлик, инсонпарварлик, озодлик ва мустақиллик, маърифатпарварлик каби анъаналари, имон, инсоф, меҳр-оқибат, ор-номус, каттага ҳурмат, кичикка муруват, меҳмондўстлик, Ватанга ҳамда халққа садоқат каби олийжанов фазилатларини чукур ўрганишни, уларни асраб-авайлаб, ёшлар қалбига, қон-қонига сингдиришни, шу асосда уларнинг сиёсий онгини ўстиришни ўзига англашига кўмаклашишни, Республикамиз келажаги учун астойдил хизмат қиласиган ёшларни етиширишни асосий вазифа қилиб қўяди. Мамлакатимиз тарихини ўрганиш ёшларнинг бу тарихий анъаналар ва олийжаноб фазилатлар манбаларини, улар мустаҳкам заминга эгалигини, тарихан таркиб топғанлигини, авлоддан-авлодга ўтиб, мазмунан бойиб борганлигини, жамиятнинг равнаки ва фаровонлиги, инсонларнинг маънавий камолоти учун хизмат қилиб келганлигини, уларни бундан кейин асраб-авайлаб давом эттириш, авлодларимизнинг инсоний фазилатларига содик бўлиш ўзларининг муқаддас бурчлари эканлигини англаб олишларига ёрдам беради.<sup>1</sup> Зоро, юртбошимиз Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганларидек, “Буюк тарихда хеч нарса изсиз кетмайди. У халқларнинг қонида, тарихий хотирасида сакланади ва амалий ишларида намоён бўлади. Шунинг учун ҳам у қудратлидир. Тарихий меросни асраб авайлаш, ўрганиш ва авлодлардан-авлодларга қолдириш давлатимиз сиёсатининг энг мухим устувор йўналишларидан биридир”<sup>2</sup>

---

<sup>1</sup> А.Саъдиев. Ўзбекистон халқлари тарихини ўқитиши.-Тошкент: Ўқитувчи, 1993. -Б.3-4.

<sup>2</sup> Шавкат Мирзиёев. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. –Тошкент: Ўзбекистон, 2019. 1-жилд, -Б.29.

# **1-МАВЗУ: ТАРИХ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ-ИЛМИЙ ПЕДАГОГИК ФАН**

## **Режа:**

1. Тарих ўқитиши методикасининг илмий-педагогик фан сифатида шаклланиши ва тараққиёти.
2. Тарих ўқитишда ўқувчиларнинг билиш фаолияти ва мустақиллигини оширилиши.
3. Тарих фанининг назарий ва методологик асослари.
4. Тарих фани ва ҳозирги замон жамияти.

**Калит сўзлар:** фидокор, ғуур, маърифий, оригинал, тарғиботчи, тарихий мушоҳада, илмий меърос, реакция, мустасно, ташаббускор педагог, таҳлилил тафаккур, сұхбат методикаси, тарихий экскурсия.

## **1. Тарих ўқитиши методикасининг илмий-педагогик фан сифатида шаклланиши ва тараққиёти**

Тарих ўқитиши методикаси умуман таълим тизимида ўқувчилар томонидан тарихий билимларни ўзлаштириш, шу асосда тарих ўрганишнинг мазмуни, мақсади ва унинг ташкил этиш методлари масалаларини қамраб оладиган, халқ таълими соҳасида тарих таълими олдига кўйилган асосий мақсад биринчи Президент Ислом Каримов алоҳида қайд этиб ўтганидек «биз юртимизни янги босқичга, янги юксак маррага олиб чиқмоқчи эканмиз, бунда бизга ёруғ фоя керак. Бу фоянинг замирида халқимизнинг ўзлигини англаши ётади. Ҳаққоний тарихни билмасдан туриб эса ўзликни англаш мумкин эмас»<sup>1</sup> деган тамойил асосида таълим тизимида тарихий билим ва тушунчалар, тамойиллар ва дунёқарашларини фаол шакллантириш ва ривожлантиришни тадқиқот этадиган илмий-педагогик фандир.

Тарих ўқитиши методикаси фанининг ҳозирги жамиятдаги ҳолати ва ролини таҳлил этишга киришмоқдан олдин, ҳозирги

---

<sup>1</sup> //Мулоқот. 1998. -Б.16.

замон ва ўтмишнинг машхур мутафаккирларининг бу муаммони қандай шарҳлаганликларини эслайдиган бўлса, **Цицерон** «тарих-ҳаёт мураббийсидир» деб атаган бўлса, **Леонардо до Винчининг** фикрича «ўтган давр ва жаҳон мамлакатлари ўтмишини билмоқ - инсон кўрки ва унинг ақлий маҳсулидир». Рус тарихининг отаси **Н.М.Карамзин** бу борада фикр юритар экан «Тарих халқларнинг мұқаддас китоби бўлиб, уларнинг ҳаёти ва фаолиятларининг кўзгуси, ота-боболарининг авлодларга қолдирган кашфиётлари ва одоб-ахлоқларидан лавҳалар бўлиб, ҳозирги даврни шарҳлаш ва келажакка намуна бўлиб хизмат қиладиган, тўлдирадиган заруратдир» деб ёзди. **В.Г.Белинский** эса, «буғунги кунни тушунмоқ ва келажагимиз тўғрисида ишорага эга бўлмоқ учун ўтмишимизни сўроқлаб суриштирмоғимиз лозим» лигини қайд этади. **В.О.Ключевский** «авлодларимизни ўрганиб, ўзликни – ўзимизни англаймиз. Тарихни билмасдан туриб, биз ўзимизни бу дунёга нега ва нима учун келганлигимиз, қандай қилиб ва нимага интилмоғимизни аниқ англамоғимиз керак», дейди.

Биринчи Президент Ислом Каримов тарих таълими ва сабоғи хусусида фикр юритар экан, «*Тарих соҳасида меҳнат қилаётган олим, мутахассисларга мурожсаат қилмоқчиман: сизлар миллатимизнинг ҳаққоний тарихини яратиб беринг, токи у халқимизга маънавий куч-кудрат баҳси этсин, гурурини уйготсин. Ўз тарихини билган, ундан руҳий қувват оладиган халқни енгиг бўлмайди. Биз ҳаққоний тарихимизни тиклашимиз, халқимизни, миллатимизни ана шу тарих билан қуроллантиришимиз зарур*<sup>1</sup>», деб кўрсатди.

Табиийки, ёш авлодда фуқаролик ҳис-туйғуларини тарбиялаш ва ўзи туғилиб ўсган Ватанга садоқат, фидокор шахсни шакллантириш ҳар бир жамиятнинг диққат марказида бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади. Шундай экан, XIX асрнинг иккинчи ярмида Ўрта Осиёни босиб олган Чор Россияси ва 1917 йилдан ҳукмронликни ўз қўлига олган большевиклар партияси Ўрта Осиё халқларининг 150 йил давомида тутқунликда ушлаб турган даврда ҳам бундай масала эътибордан четда қолган эмас эди.

<sup>1</sup> //Мулокот. 1998. –Б.13-16.

Ўзбекистонда тарих ўқитиши методикасини педагогик фан сифатида шаклланишида юкорида қайд этганимиздек, Ўрта Осиё халқларининг 150 йил давомида Чор Россияси ва большевиклар томонидан ҳам иқтисоий, ҳам маънавий жиҳатдан тутқунликда ушлаб туришда ўзининг маълум тамғасини қолдиради. Шу боис биз тарих ўқитиши методикасининг илмий-педагогик фан сифатидаги масала хусусида сўз юритар эканмиз, ўлкамизда ҳар томонлама ҳукмронлик қилиб келган Чор Россияси, кейинги большевиклар партиясининг маърифий соҳада олиб борган фаолиятига қисқача тарихий экспкурс қилмоғимиз шарт.

Тарихий фактларга мурожаат қиласиган бўлсак, Россияда тарихдан дастлабки, оригинал ўқув қўлланмаси XVII асрнинг 70-йилларида яратилган бўлиб, «Синопсис» (лотинча *sinopsis* – тўплам, турли муаллифларнинг мақолаларининг тўпламишининг умумий шахси), яъни тарихий воқеаларни шархлаш деб аталганлигини гувоҳи бўламиз. Бу ўқув қўлланмасида Россия ва Украина халқлари тарихи қисқача баён этилган бўлиб, 30 маротабадан ортиқ қайта нашр этилганлигининг гувоҳи бўламиз.

«Синопсис»ни тузган муаллифлар ўз ўқув қўлланмаларида жадвал тузиб, жадвалда тарих ўқитищдан асосий мақсад ўша даврда рус князлари ва украин герцогларининг исм шарифлари, яшаган даврларини ифода этадиган саналарни алоҳида қайд этишга ҳаракат қилганлар.

XVII асрда Россиядаташкил этилган ўрта ўқув ташкилотларида тарих ўқитиши жорий этилган бўлиб, умумий тарих ва рус тарихининг мустақил курслари ҳам ўқитила бошланган эди. Рус тарихидан яратилган ана шунай дарсликлардан бирининг муаллифи **М.В.Ломоносов** эди.

1760 йилда М.В.Ломоносов томонидан «Россиянинг қисқача йилномаси»<sup>1</sup> нашр этилиб, бу китоб дарслик сифатида XVIII асрнинг охирига қадар кенг фойдаланилди. Фақатгина 1799 йилга келиб М.В.Ломоносовнинг бу дарслиги оммавий билим юртлари учун чиқарилган «Россиянинг қисқа тарихи»<sup>2</sup> номи билан яратилган дарслик билан алмашилди.

<sup>1</sup> Ломоносов М.В. Краткий Российский летописец. СПб 1870.

<sup>2</sup> Краткая Российская история. СПб. 1980.

XVIII асрға келганды Россия тарихининг алоҳида фан сифатида шакланишида биринчи рус инқилоби республикачиси А.Н.Радишчевнинг роли катта бўлди.

Россияда чоризмнинг феодал крепостнойлик тузуми инқирозга юз тутган бир вақтда чор ҳукумати мактабларнинг ҳамма турлари ва йўналишларида мактаб, билим юртлари, гимназия ва университетларда крепостной – монархик дунёқарашларни кенг тарғиб этадиган сиёsatни ҳар томонлама кучайтириди.

1828 йилда «университетлар қарамоғидаги гимназиялар ва билим юртлари учун устав» чоп этилган бўлиб, унда очик ойдин «халқ таълими ишларини четдан таъсир этадиган салбий ҳолатлардан ҳимоя қилиш керак»лиги алоҳида қайд этиб ўтилган эди.

Мазкуруставдаталабалардиқат-эътиборларини ўшадаврнинг муҳим сиёсий муаммоларидан четга жалб этиш ва бутун жаҳонга кенг тарқалиб бораётган француз буржуа инқилоби ғояларидан мутлоқ узоклаштириш мақсадида рус гимназияларидан реакцион типдаги герман ва австрия мактабларида кенг қўлланилаётган классицизм<sup>1</sup> ва «неогуманизм»<sup>2</sup> ғояларини кенг тарғиб этишга алоҳида эътибор берилган эди. Бу тизим асосида умум ўрта таълимнинг умумий ўрта соатларининг 41% ини ташкил этадиган Қадимги классик тилларни ва юонон, рим тарихини ўрганишга ажратилган эди.

Ўқувчиларни мафкуравий жиҳатдан тарбиялашда халқ маорифи вазири, граф С.С.Уваров томонидан ишлаб чиқилган тамойил – асосан таълим тарбия жараёнига христианлик ахлоқини фаол шакллантириш, подшога садоқат, мамлакатни ҳокими – мутлоқлик (монархия) усулида бошқаришни ҳар томонлама қўллаб-кувватлаш, инқилобий ғояларга ва айниқса уларнинг тарғиботчиларига қарши фаол кураш олиб бориш алоҳида уқтирилган эди. Мана шундай «ҳақиқий русча ҳимоянинг асосини ташкил этадиган фан, жаноб вазир С.С.Уваровнинг фикрича, тарих таълимига юклатилган эди».

---

<sup>1</sup> Классицизм – лотинча – *classicus* – биринчи даражали.

<sup>2</sup> «Неогерманизм» - нео – лотинча « neos » янги. Янги гуманизм. Россияда XVIII асрда дворянлар муҳитида энг олий маданият деб тан олинган Қадимги юонон ва Рим маданиятига нисбатан бўлган хайриҳоликка айтилади.

Чоризмнинг реакцион сиёсати шунга олиб келдики, тарих таълими тарихий ҳақиқатдан ва тарих фанида кўлга киритилган илфор тафаккур ва тамойиллардан анча орқада қолиб кетди.

Мактаб дарслекларидан мамлакатнинг ижтимоий-иктисодий тараққиётига тегишли масалалар, тарихий тараққиёт қонунларини олиб бориш, уларнинг жамият тараққиётида тутган ўринлари, бир сўз билан айтганда ўқувчиларни Россияда мавжуд бўлган феодал-крепостной тузум эртами-кечми, ўз ўрнини янги илгорроқ давлат бошқарувига бўшатиб бериш имкониятлари билан таниширишдан мутлоқ йироқда эди. Шу жоиз рус революцион-демократ ёзувчиси **Н.А.Добролюбов** Россиядаги ўша даврдаги тарихга бўлган бундай муносабат «*Даврга, воқеалар ва тарихий шахсларга тўла, аниқ ҳарактеристика берини учун зарур бўлган вақтни ўқитувчи айрим нарсаларни ўқувчиларга ёдлатиши билан вақтини йўқотади*»<sup>1</sup>, деб ёзган эди.

Рус демократларида В.Г.Белинский ва **А.И.Герцен** фаолиятларида ҳам Россия тарихида жамиятни ҳаракатга келтирувчи куч самодержавия ёки черков бўлмасдан, балки, меҳнаткашлар оммасининг ҳаракатлари – фаолиятлари эканликларига кўп маротаба атрофлича баён этиб берган эдилар. Шунинг учун ҳам, деган эдилар, улар – мактабда тарих ўқитишида ўқувчиларга биринчи галда рус халқининг энг иқтидорли намоёндаларини кўрсатиб уларга халқ оммасининг меҳнатда ва ижодий фаолиятларида кўрсатган фидойиликлари ва айниқса, меҳнат фаолиятларида яратувчилик имкониятлари, чет эл босқинчиларига қарши олиб борган қаҳрамонона курашлари билан атрофлича танишириш, ёшларни ватанпарварлик йўлида тарбиялашга алоҳида аҳамият бериш лозимлигини атрофлича тушунтириб ўтдилар.

В.Г.Белинский рус халқи ва бошқа халқлар тарихини тўғри баён этишда ўз даврини тўғри тушунишини гоявий асоси ва халқни жамият тараққиётий йўлида курашиши руҳида тарбиялашнинг асоси деб баҳолади. У, «*бизнинг асримиз – асосан тарихий аср. Тарих эндиликда ҳар қандай ҳаётий билимнинг ягона шарти*

<sup>1</sup> Н.А.Добролюбов. Избранные педагогические высказывания. Учпед из. 1939, -С.167.

*ва умумий асослари бўлиб қолди. Тарихсиз на санъат ва на фалсафани англаш мумкин бўлмасдан қолди. Бизнинг давримизда тарихий муроҳада ҳар қандай билим, ҳар қандай ҳақиқатнинг асосидир»<sup>1</sup> деб ёзган эди.*

Биз, В.Г.Белинскийнинг тарих фани хусусидаги илмий меросига синчилаб қарар эканмиз, унинг тарих фани назарияси билан барча XIX асрнинг 40-йиллари шароитида тарих фанини ўқитиши самарадорлигини ошириш методикаси хусусида ҳам бир қатор қимматбаҳо илмий-методик фикрларни баён этган-лигининг гувоҳи ҳам бўламиз. Масалан, В.Г.Белинский аниқ тарихий воқеаларни баён этишда албатта «*керакли тарихий воқеани умумлаштириши ва ундан аниқ хулоса чиқарии лозимлигини*», *тарихий фактларни баён этишда маълум «фикр, қарааш, муносабат, тушунчаларни, асосан эътиқодни шакллантишига, маълум фалсафий «ишонч» ва «гоя»ни шакллантириши тарихчининг дикқат марказида бўлмоғи керак дейди»*.

В.Г.Белинский ўқитувчиларни тарих сабоғи билан тўла қуроллантириб ёшларни феодал-крепостной тузумга қарши курашга, ўз ватанини севадиган, унинг буюк келажагига ишонадиган фаол онгли ёшларни тарбиялаш лозимлигини алоҳида қайд этади. В.Г.Белинскийнинг «*Ватанни севмок - демак унда инсониятнинг энг юксак олий жаноб орзу истакларининг ижобат бўлганлигини кўрмоқ ва бунинг учун фаол курашмок демакдир*», деган фикри ҳар бир халқ ва жамият учун фойдадир.

Россияда крепостной тузумнинг тепадан туриб бекор қилиниши мамлакатда ўзига хос инқилобий ўзгаришларнинг куч ишлатмасдан туриб, тинч йўл билан амалга оширилиши мамлакатда тарихий-сиёсий тафаккурни янги босқичга кўтарилишида янги даврни бошлаб берди. Худди мана шу даврда **С.М.Соловьев** томонидан 29 томдан иборат «*Россия тарихи*», шунингдек ўрта мактаблар ва гимназиялар учун ҳам тарих фанидан дарсликлар яратилди. С.М.Соловьевнинг Россия тарихини яратишдаги ижоди Россия тараққиётининг «чегараланганлик» назариясини «кашф» этганлиги боис ўша

<sup>1</sup> В.Г.Белинский. Избранные философские сочинения. -Москва: 1941. -С. 267.

даврнинг ўзидаёқ Н.Г.Чернышевский ва Н.А.Добролюбовлар томонидан кескин таңқид қилинган эди.

XIX асрнинг 60-йиллари оралиғида Россияда бошланган сиёсий реакция мактаб ва гимназияларда тарих ўқитишида ҳам ўзининг яққол ифодасини топди. Реакция идеологияларининг ашаддий вакилларидан бири, халқ таълими вазири М.И.Кратков тарих ўқитишининг ёш авлод онгини уйғотишига таъсирини янада очиқроқ пайқаб, «тарих-ниҳоят заарали ўқув фани» деб айтади.

Тарих фанини мактаб, гимназия ва олий ўқув юртлари ўқув режаларидан батамом олиб ташлашнинг имкони йўқлиги жоиз, уни ўқишига ажратилган соатлар кескин қисқартирилди. Эндиликда XIX асрнинг 60 йиллари даври тарихини ўрганиш умуман ўқув дастурларидан олиб ташланиб, вазирликнинг кўрсатмаси билан «монархларнинг, (яъни ҳокими мутлоқ соҳибларининг) донолиги» ва «исёнкорлар ҳаракатини жамият учун заарарлигини фоши этиши»га хизмат қилишга мўлжалланган. Д.М.Иловайскийнинг тарих дарслигидан фойдаланишга кўрсатма берилди.

Россия мактабларида тарих фани юкорида қайд этилган ҳолатда ўқитилган бўлса, унинг том маъносидаги мустамлакаси бўлмиш *Туркистон ўлкаси мактабларида тарих ўқитиши қандай аҳволда эди?* Бу масала бўйича айрим архив ҳужжатларига мурожаат қиласиз.

Архив ҳужжатларининг кўрсатишича 1878 йил Верный шаҳрида Еттисув вилояти бошланғич мактаб ўқитувчиларининг съезди бўлиб ўтади. Кауфманнинг кўрсатмаси билан Туркистон ўлка ўқув бошқармасининг амалдорлари «Ўқитувчилар съезди раисининг номига қўлланма» тайёрладилар. Бу қўлланмада қуидагиларни ўқиймиз: «Умуман мактаб ўқитувчиларига съездда шуни ўқтириши керакки, Ватан тарихини ўрганиши жараёнида, рус давлати мактабларининг вазифаси қандайдир шахси ноаниқ «инсонга» таълим бериш ва уни ривожлантиришдан иборат бўлиб қолмасдан, рус давлатига ҳақиқий садоқатли инсонга таълим бериш ва уни ривожлантиришдан, черков ва Ватанига содик, бир сўз билан айтганда ўз ватанини севадиган, унинг қонунларини ҳурмат қиласидиган, ўзининг ва ўз мол-мулкини она ери фойдасига қурбон қиласидиган ёшларга таълим бериш ва

*ривожлантириидан иборат бўлмоги керак»<sup>1</sup>.*

Ўлка ҳокимининг ушбу лойихасини айрим назоратчилар ва мактаб директорлари катта маҳоратлар билан турмушга татбиқ этишга жон-жаҳдлари билан киришдилар. Фарғона вилояти билим юртлари инспектори ўзининг йиллик ҳисоботида ёзишича «ўқитувчилар ўзларининг педагогик фаолиятларида болаларда «тахтга ва Ватанга садоқат, уларда диний-ахлоқий бурч, ақл-идрокларини онгли фаолият ва меҳнатга сафарбар этишига қаратилгандир».

Туркистон ўлкаси билим юртларининг Бош нозири Туркистон ўлкаси ўқитувчилари ва мактаб раҳбарларига йўллаган навбатдаги қўлланмасида қўйидагиларни ёзган эди: «Она Ватанимизга нисбатан садоқат, ҳис-туйгуларини, содик фуқаролик мажбуриятларини мустаҳкамлаш мақсадида рус ва рус бўлмаган маҳаллий ўқувчиларни ҳам тарих курсини ўқитиши жараёнида ҳар бир имконият яратилиши билан Туркистон ўлкасини бошқараётган, унинг ҳокими мутлогои бўлган император жанобларининг исмлари, унвонларини, таҳт вориси бўлмии шаҳзоданинг исми, шарифлари, уларнинг оналарини исми шарифларини ёддан билишга алоҳида эътибор бериш керак»<sup>2</sup>лиги алоҳида уқтириб ўтилган.

1890 йилда Туркистон ўлкасидаги эркаклар гимназиясида 1871 йилда тасдиқланган классик гимназия ўқув режаси асосида машғулот олиб борилар эди. Фақат 1890 йилга келганда подшоҳ томонидан янги ўқув режаси тасдиқланган эди. 1890 йилдан иборат жамоатчиликнинг тазиики асосида реакцион кайфиятда бўлган Чор Россиясининг халқ таълими вазири Делянов бир мунча ён беришларга мажбур бўлди. Лотин тилига ажратилган соатлар 7 соатга, юнон тили 3 соатга қисқартирилиб, янги тилларни ўрганишга 19 соат ажратилди. Тарихга эса 1 соат, географияга 2 соат вақт ажратилди<sup>3</sup>.

Айрим демократик кайфиятда бўлган педагоглар тарих

<sup>1</sup> ЦАУ Узбекский ССР, фонд 47, д. 166.

<sup>2</sup> ЦАУ Узбекский ССР, фонд 47, дело 838. Опись управления учебными заведениями Туркестанского края. 1890 г.

<sup>3</sup> «Сборник постановлений по Министерству народного просвещения, том XV, -С. 204.

фанидан талабаларга минимум объектив билимларни бериш лозимлигини алоҳида қайд этиб ўтдилар. Масалан, Туркистон мактабларининг гимназиясининг директори **Н.П.Остроумов** ўқувчилар тарихни оз бўлсада ўргансалар – у, лекин ҳар томонлама асосланган бўлсин, деб ёзган эди.

XIX асрнинг 90-йилларида Туркистонда фаолият кўрсатиб келаётган айрим мактаблар фаолиятларида тарих ўқитишни ўша давр ўқув дастурлари асосида бир мунча такомиллаштирилиб бораётганликлари, тарихий материалларни бир хил такрорлашдан мустасно бўлиб, уларнинг мазмунларига қараб гурухларга бўлиш – диний, маърифий, бошқарув маълумотлари ва бошқалара бўлиниши ва ривожлантириб боришдаги таълим элементларини шакллантириш усулларини кўллай бошлаганликларини учратиш мумкин эди. Айрим ўқитувчилар билимнинг таълимий доирасини кенгайтириб бериш йўлида ҳам ижодий фаолият кўрсата бошладилар. Лекин бундай ташаббускор педагоглар ниҳоятда озчиликни ташкил этар, уларнинг янги педагогик-методик қарашлари кўпинча реакцион чор ҳокимияти томонидан, уларнинг таклиф-мулоҳазалари мустамлакачилик базасига фидойиларча хизмат кўрсатишдан йироқ бўлганлигимиз эътиборга олинмас эди. Шунга қарамасдан жамият тараққиёти билан ҳамоҳанг бўлган тарих таълими ва унинг кўллаш методикасида ҳам айрим ташаббуслар содир бўлиб турди. Масалан, 1887 йилда **В.П.Наливкин** Туркистондаги дастлабки рус-тузем мактабларида тарих ўқитишда Россия шаҳарлари билим юртларида қўлланиладиган **Аристовнинг «Россия тарихидан ҳикоялар»** ва **Блинновнинг тарихдан ўқиш** китоби сифатида чоп этилган «Пчелка» («Асаларича») китоби бошқа китоблардан ҳам фойдаланган.

1885 йилда В.П.Наливкин Янги Марғилонда Фарғона вилояти бошқармасининг босмахонасида 73 саҳифадан иборат бўлган «Россиянинг қисқача тарихи»ни ўзбек тилида «Жаҳонгиртўра Наманғоний» лақаби остида нашр этди. Китобда Россия тарихининг энг қадимги давридан бошлаб, тики Александр III нинг подшолик даври қисқача кўчирма сифатида баён этилган бўлиб маҳаллий аҳоли учун тушунарли бўлишига алоҳида эътибор берилган эди. Кўп тушунчалар мусулмонлик услубида

таққослаштириш (масалан – русча «Царь» иборасини ўзбекча «хон», «амир», «бек» ва ҳокозо), шарҳлаш йўли билан тузилган эди.

Ушбу китобча мустамлака ўлканинг ўкув раҳбарлари рус-тузем мактабларининг «тузем» - яъни лугавий маъноси «чет эллик» - маҳаллий халқ болалари таълим оладиган синфлар учун тавсия этган эдилар. «Туркестанский ведомость»-нинг 1885 йил 15-сонида бу китобчанинг маҳаллий халқ болаларини рус тарихи билан қисқача таниширишдаги ўрнига ижобий баҳо берилган эди.

Шундай қилиб, Россиядаги сиёсий реакция империяда тарихий тафаккурнинг ривожланишини батамом тўхтата олмади. Худди мана шу йилларда таникли тарихчи олим **М.М.Стасюлевич** тарих ўқитишида ҳукмрон бўлиб турган «формал метод»дан воз кечгани ҳамда «реал метод»ларга асосланиб яратилган тарих дарслклари асосида ўқитилиши ва бу жараёнда ўқувчилар ўқитувчиси раҳбарлиги остида тарихий хужжатлар устида ишлаш ва улардан кенг фойдаланишга эришиш методлари хусусида ўзининг қатор илмий-методик таклифларини баён этди.

XIX асрнинг охири XX аср бошларида жамият тараққиётига демоқратик муносабатда бўлган олимлардан **М.Н. Покровский**, **Н.А. Рожков**, **М.М. Ковалевский** ва мустақил социологик деб юритиладиган йўналиш вакилларидан бири **Р.Ю. Випперлар** тарих фанини ўқитиш методикаси ва мазмунини умуман қайта кўриб чиқиб, таълим-тарбия тизимига жорий этиш гоясини кўтариб чиқдилар. Буларни тарихни ўрганишга нисбатан қарашлари, ғоялари талабалар томонидан тарихий фактни фақатгина билимларни ўзлаштириш орқали олишдангина иборат бўлиб қолмасдан, балки амалда талабаларнинг тарихдан олган билимлари уларнинг шахсий ҳаётларида амалий аҳамият касб этиши лозимлигини атрофлича кўрсатиб беришдан иборат эди. Улар жумладан мактаб тарих курсларида иқтисодий масалалардан кўпроқ билим беришни, иқтисодиётнинг жамият тараққиётидаги ўрни ва ролини атрофлича очиб беришга, шунингдек талабаларни турли тарихий манбалар устида мустақил ишлашларини ташкил этиши йўли билан уларда таҳлилий тафаккур қобилияtlарини ривожлантиришга қаратилган эди.

## **2. Тарих ўқитишда ўқувчиларнинг билиш фаолияти ва мустақиллигини оширилиши.**

XIXасрнинг охири ва XX асрнинг бошларидаги кўпгани методистлар тарих ўқитишда ўқувчиларнинг билиш фаолияти ва мустақиллигини оширувчи воситалар ҳамда услубларни, жумладан, хужжатлар ва дарслерлар билан ишлаш, режа ва кўчирма(конспект)лар тузиш усулларини ўйлаб топиш билан шуғулландилар. Суҳбат методикаси ҳам ҳар томонлама ишлаб чиқара бошлади.<sup>1</sup>

Методист Я.С.Кулжинский<sup>2</sup> дарслердаги муҳим ҳужжатлар билан таъминлашни, дарсда улар бидан ишлашни таклиф этди. Ҳужжат усул дарслердаги холосаларни ҳужжатлардан олинган фактлар билан мустаҳкамлашни кўзда тутар эди.

Бир гурӯҳ услугчилар М.М.Стасюлевичнинг тарих предметини ўқитишини асосан тарихий ҳужжатлар устида ишлаш негизига куриш лозимлиги ҳакидаги фикрга қайтдилар. Бошланғич таълим-да кўпроқ тарихий расмлардан кенг фойдаланиш таклиф этилди.

С.В.Фарфоровский А.Ф.Гарвич ва бошқа таникли услугчилар лабаратория услуги тарафдорлари бўлиб, улар хрестоматиялар ва методик қўлланмалар тузган эдилар. А.Ф.Гартвич ёшларининг билиб фаолиятини фаоллаштириш усулларини излаб топишга ҳаракат қилиб, материални изчил баён этишдан воз кечишни, дарслердан факат ёрдамчи тариқасида фойдаланишни тавсия қилди, тарихни тизимли ўрганиш ўрнига ўқувчиларнинг айрим мавзулар бўйича рефератлар тайёрлашни ва уларни муҳокама этишларини тавсия қилди.

Ёшлар билан ишлашда А.Ф.Гартвич дарсларда театр саҳна кўринишларини ташкил этиш, тарихий ҳодисаларни драммалаштириш усулини кенг қўллади. Бу йўл аслида синфдан ташқари ишларни синфга кўчириш бўли, синф-дарс тизимини инкор этишга олиб келарди.<sup>3</sup>

---

<sup>1</sup> Хмелёв А.Н. Передовые методисты начало XXв. Преподавание истории в школе 1959. №5.

<sup>2</sup> Кулжинский Я.С. Методика систематического курса истории.СПБ.1914.

<sup>3</sup> Хмелёв А.Н. Передовые методисты начало XX в. Преподавание истории в школе. 1959. №5. –С.71.

Россиядаги 1917 йил октябрь инқилоби натижасида ўрнатилган шўролар ҳокимияти ҳам тарих фани ва уни ўқитишига бефарқ қарамади. Шўролар ҳокимиятининг дастлабки йилларида тарих ўқитиши методикасининг курилиши ва ривожлантирилиши бирмунча оғир кечди. Биринчи жаҳон уруши, фуқаролар уруши натижасида иқтисоди бир мунча оғир аҳволда қолган бир шароитда ёш шўролар даврларида тарих ўқитиши бўйича ўша давр талабига жавоб берадиган ўкув дастурлари ва дарсликларини яратиш учун маблағ деярли йўқ эди. Бироқ, ҳар қандай қийинчиликларга қарамасдан фуқаролар уруши йилларида ҳам тарих фани ва уни ўқитиши методларини такомиллаштириш бўйича маълум амалий ишлар қилинди. Илғор тарихчи олимлар ва ўқитувчилар томонидан ишлаб чиқилган тахминий ўкув режалари ва методик тавсиялар ишлаб чиқилди. Р.Ю. Виппер ва **М.Н.Коваленколарниң Россия тарихидан яратган дарсликлари** қайтадан нашр этилди.

Шўролар хукуматининг дастлабки йилларида тарих ва умуман ижтимоий, гуманитар фанларни ўқитишдан кузатилган асосий мақсад ёш авлодда дахрийликка асосланган, рус халқидан бошқа халқларнинг тарих ўрганиш жараёнида ўзлигини миллий жиҳатдан англашдан умуман узоқ кутишга асосланган «интернационализм» ғояси асосида тарбиялашга асосланган эди. Шу боис токи XX асрнинг 20-йиллари охиригача РСФСР сафига кирган қарам мамлакатларнинг тарихи на умумтаълим мактаблари ва на олий ўкув юртларида асосий ўкув фани сифатида ўқитилган эмас эди. Шу жоиз бу даврда тарих ўқитиши методикасига маҳсус фан сифатида таҳлил этиши кун тартибиға киритилган эмас эди.

Шўролар хукуматининг 1932 йил 25 авустда «бошлангич ва ўрта мактаблардаги ўкув дастурлари ва режими хақида» чиқарган қарори умуман тарих ўқитишини такомиллаштиришда янги, айтиш мумкин ўша давр талабининг заруратларидан келиб чиқкан тарихий хужжат бўлди десак ҳато бўлмайди. Мазкур қарорда мактабда ўрганиладиган ижтимоий фанлар дастурига тарихий нуқтаи назардан қарашни янада такомиллаштириш, тарих, ижтимоёт фанларида ўтказиладиган машғулотларда маҳаллий материаллардан кенг фойдаланиш зарурлигини эътиборга олиш,

шу билан бирга ўқувчиларга тушунарли тарихий материалларни пухта танлаш, ижтимоиёт фанларининг асосий бўлим ва мавзуларини зарур асосли материаллар билан, тарихий экспурсия ва таққослаш материаллари билан таъминлаш; - ижтимоиёт ва тарих фанларидан тузилган дастурларда СССР халқларининг миллий маданиятига, уларнинг *адабиётига, санъатига, тарихий тараққиётига* оид энг муҳим билимларни, шунингдек, СССРга кирадиган ўлкаларни ўрганиш жараёнида аниқланган тарихий билимларга доир элементлар, яъни ҳар бир ўлканинг *табиий хусусияти, саноати, тарихий ёдгорликлари, қишлоқ хўжалиги ижтимоий-иктисодий тараққиёти, маданияти* ва ҳокозоларни киритиш зарур»<sup>1</sup>лиги алоҳида кўрсатилган эди.

Мазкур қарорнинг ижроси шўролар хукумати Халқ Комиссарлари Кенгашининг 1934 йил 15 майида эълон қилинган «СССР мактабларида фуқаролар тарихини ўқитиш тўғрисида»ги маҳсус қарори асосида ўрганилиб чиққандан кейин маълум бўлишича, таълим тизимида тарих фанини ўқитилиши мамлакат миқёсида кўп ҳолларда «схематик усул ва умумий обзор усули»да ўқитилиб келаётганлиги қаттиқ танқид этилган эди.

СССР Халқ Комиссарлари Кенгашининг 1934 йил 25 августда «СССР мактабларида фуқаролар тарихини ўқитиш тўғрисида»ги қарори аслида хукуматнинг 1932 йил 25 август қарорини зудлик билан турмушга татбиқ этиш йўлидаги қарор бўлиб, унинг пайдо бўлишига халқаро майдонда содир бўлаётган ижтимоий-сиёсий воқеалар ҳам туртки бўлган эди. Германия ва Италияда фашистлар диктатурасининг ўрнатилиши шўролар фаолиятида ҳам мактаб сиёсатига давлат аҳамиятига молик сиёsat сифатида муносабатда бўлишини тақозо этмоқда эди.

Мазкур қарорга асосан СССР мактабларида фуқаролар тарихин ўқитишнинг методик тизимлари асоси яратилган эди. Қарорга асосан СССР мактабларида Ватан тарихи билан бир қаторда жаҳон халқлари тарихи ҳам ўқитиладиган бўлди. Бу тарихий хужжат мамлакатда тарих таълим мининг тизимлаштиришни аниқ белгилаб бериш билан бирга тарих ўқитиш методикасини

---

<sup>1</sup> Народное образование в СССР. Сборник документов. 1917-1973 гг. – Москва: Просвещение. 1974. –С. 161-162.

ҳам илмий-педагогик фан сифатида шаклланиши ва ривожида катта тарихий даврни бошлаб берди. Эндилиқда умумтаълим мактабларининг 4-синфларида СССР тарихидан айрим ҳикоялар ўқитила бошланди. 1937 йилга келганда 7-синфларда ўқувчиларга шўролар давлат тузуми, фуқароларнинг хуқуқ ва бурчларини ўргатишга қаратилган «СССР Конституцияси» ҳам маҳсус курс сифатида ўқитиладиган бўлди.

1940 йилга келганда умумтаълим мактабларининг 5-6 синфлари учун **А.В.Мишулин** таҳрири остидаги Қадимги дунё тарихи дарслиги, 6-7 синфлар учун **Е.А.Касминский** таҳрири остидаги Ўрта асрлар тарихи дарслиги, 8-синфлар учун **А.В.Ефимов** томонидан ёзилган янги тарихнинг 1-даври ва 8-10 синфлар учун **А.М.Панкратова** таҳрири остида тайёрланган СССР тарихи дарслиги чоп этилди.

1945 йилга келиб, **Б.М.Хвастов** таҳрири остида янги тарихнинг 2-даври дарслиги ҳам нашр этилди. Шундай қилиб, умумтаълим мактаблари тарихнинг ҳамма йўналишлари бўйича замонавий дарсликларга эга бўлди. Бу дарсликлар асосли тарихий материалларга бойлиги, тарихий хариталар ва дидактик материалларнинг бойлиги билан алоҳида ажralиб турар эди. Шундай қилиб, мактаб тарих курси дарсликларининг яратилиши уни ўқитиш методикасини ташкиллаштириш учун ҳам катта имкониятлар яратиб берди.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида давр талабидан келиб чиққан ҳолда, ўқувчиларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш мақсадида тарих ўқитишни бирмунча ўзгартириш талаб этилар эди. Шу боис иккинчи жаҳон урушининг бошланиши билан собиқ СССРнинг уруш қамраб олган кўп худудларидаги саноат корхоналари, илмий-тадқиқот марказларини Ўрта Осиё ва Қозогистонга кўчирилганлиги даврида Москвада фаолият юритган СССР ФА Тарих институтининг бир қатор таникли олимлари ҳам ўз илмий тадқиқот ишларини Тошкент шахрида давом эттиришларига тўғри келган эди. Улар уруш йилларида Тошкентда Ўзбекистоннинг умумтаълим мактаблари учун «Улуг Ватан уруши йилларида Ўзбекистон тарихини ўрганиш» деб номланган ўқув қўлланмасининг қўллэзмасини яратдилар.

Ижтимоий ҳаёт ижтимоий онгни белгилаш оддий ҳақиқатдир.

Шундай экан, иккинчи жаҳон уруши йилларида СССРнинг даҳшатли уруш марказида бўлиши тарих ўқитиши жараёнида ёш авлодни ҳарбий ватанпарварлик тарбиясини юқори савияда олиб боришни тақозо этар эди. Шу боис тарих ўқитувчилари ўзларининг педагогик фаолиятларида ўқувчиларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг энг самарали йўлларини кўллашни, ўқувчиларда она Ватанга садоқатлик руҳида тарбиялашнинг турли метод ва воситаларини кўллашда катта амалий ишлар олиб бордилар. Бу вазифаларни бажаришда тарих фани ўқитувчиларига *адабиёт, тасвирий санъат асарлари, кино ва театр* санъати асарларидан ҳам кенг фойдаландилар. Уруш шароитини ҳисобга олган ҳолда ёшлар тарбиясига комплекс ёндошиши ўқувчилар фаолликларини ошириб боришда ҳам катта ижобий таъсир ўтказди. Тарих фани ўқитувчисининг тарбиявий ишларида ўқувчилар томонидан маҳаллий жангчиларнинг фронтдан йўллаган хатлари, газета материаллари ўқувчилар томонидан ҳарбий ватанпарварлик мавзусида ташкил этилган кечалар, уруш қатнашчилари билан ўтказилган тадбирлар ҳам катта тарбиявий роль ўйнайди.

СССРда умумий саккиз йиллик таълимга ўтиш муносабати билан шўролар хукумати 1959 йил 8 октябрида “Мактабда тарих ўқитишининг баъзи ўзгаришлари тўғрисида” Қарор қабул қилди. Қарорда кўрсатилишича, IV синфларда “СССР тарихидан эпизодик ҳикоялар” ўрганилиши, V-VI синфларда “Қадимги дунё ва ўрта асрлар тарихи элементар курси”, VII-VIII-синфларда эса СССР тарихининг совет давлатчилиги ва ижтимоий меъёрининг энг муҳим соҳаларини қамраб олган элементар курси, шунингдек чет мамлакатлар янги ва энг янги тарихидан киритилган энг муҳим масалалар элементар курси ўқитилиши зарурлиги кўрсатилган эди.

IX-XI синфларда эса СССР тарихи, чет мамлакатлар янги ва энг янги тарихининг систематик курсларини ўқитилиши кўрсатилган эди.

Мактаб тарих курсларининг қурилиши тарих ўқитиши методикасини маълум даражада концентрациялашувига олиб келди. Бу ҳол тарихий фактларни танлаш, тарихий тушунчаларни тўла ифода аниқ дифференциялашувида, шунингдек тарих

ўқитишида эпизодик ҳикоялар ва СССР тарихи систематик курсларини ўқитишида ўқувчиларга тарихий таълим изчиллиги хусусидаги билиш тафаккурларини шакллантиришида қатор қийинчиликларни келтириб чикаради. Шундай қилиб, тарих ўқитишида жорий қилинганд бундай тизим тарих ўқитишини ташкил этишида ўқитувчилар олдида қатор мураккаб методик муаммоларни келтириб чикаради. Умумтаълим мактабларида тарих ўқитишидаги мана шундай камчиликлар шўролар хукуматининг 1965 йил 14 майида “Мактабларда тарих ўқитишидаги ўзгаришлар тартиби тўғрисида” яна бир Конунни яратилишига туртки бўлди. Эндиликда VII-X синфларда ўрганиладиган СССР тарихининг элементар ва систематик курслари ўрнига ягона систематик курс ўқитиладиган бошласа, VIII-X синфларда янги ва энг янги тарих курслари ўқитиладиган бўлди.

Мазкур қонун талаблари асосида мактаб тарих дарсларининг вазифалари ва функциялари ҳам бирмунча аникланди. Илгари тарих ўқитишининг вазифаси ўқувчилар хотирасида дарс жараёнида ўрганилган материалларни мустаҳкамлаш билан чегараланиб келган бўлса, 60-йиллардан умумтаълим мактаблари учун чиқариладиган тарих дарсликларининг вазифаси бирмунча такомиллашиб бориб, ўқитувчи учун дарслик ўқувчиларни дарс жараёни ва уй вазифаларини бажариш жараёнида уларга зарур кўлланма функциясини ҳам бажарадиган бўлди. Кейинги дарсликларда муаллифлар томонидан киритилган матнлар билан бирга, турли тарихий ва замонавий ҳужжатлар, расмлар, жадваллар, чизмалар, турли-туман маълумотномалардан иборат бўлган дидактик материаллар кенг ўрин олган эди. Тарих дарсликларида катта параграфларга, айrim ҳолларда расмларга муаммоли сўроқ ва вазифаларни қўйилиши ўқувчилар хотирасида тарихий материалларни чукур ва атрофлича тафаккур этиш, уларни бир тизимга солиш ўқитувчилар томонидан ўқувчиларнинг ўкув фаолиятларига раҳбарлик қилиш жараёнини такомиллашувига ёрдам берди. Шундай қилиб, тарих дарсликлари ўқувчиларга тегишли таълим бериш ва улар хотираларида тарихий билимларни мустаҳкамлабгина қолмасдан, уларнинг билимларини ривожлантириш, турли тарихий манбалар устида мустақил ишлаш, ўкув фаолиятларида ўз билимларидан жадал

равишда фойдаланиб, олаётган билимларини узлуксиз ривожлантириб бориш усулини шаклланиб боришида ҳам катта рол ўйнайди.

Тарих дарсларида ривожлантириб бориладиган таълимнинг назарий ғояси биринчи маротаба тажрибали тарихчи-методист олимлар **Ф.П.Коровкиннинг** ва **Г.М.Донскойларнинг** “Ўрта асрлар тарихи” дарслкларида ўзининг тўла ифодасини топган.

Шундай қилиб, тарих ўқитиши методикаси тарихида дунёда биринчи маротаба “*дарснинг таълими мақсади*”, “*дарснинг тарбиявий мақсади*” талабларини такомиллаштириб бориб, “*дарсда ривожлантирилиб бориладиган таълим*” тамоилии жорий этилди. Шунинг учун муаллифларнинг ўша давр тарих дарслклари олдига қўйилган илмий-методик ва дидактик талабларни меёрида ёритганликлари 1973 йилда давлат мукофотини олишларига сабаб бўлди.

60-йилларида умумтаълим мактабларида СССР тарихи ўқув дастурининг йирик тарихий даврларини ўрганиш мавзуларида “Бизнинг ўлка” деб номланган маълум ўқув соатлари ўtkазилган. Мавзунинг киритилиши ўқитувчи ва ўқувчиларга дарс жараёнида маҳаллий материаллардан фойдаланишини фаоллаштириш ва уларни дарс жараёнида кўллаш методикасининг шаклланиши ва такомиллашувида, айниқса тарих таълимини ҳаёт билан алоқасини боғлаш, баъзи назарий тамоилларни амалиётдаги аксини кўрсатишда алоҳида аҳамият касб этади.

### **3. Тарих фанининг назарий ва методологик асослари.**

«Тарих» илмий атама сифатида икки ўзаро алоқадорликдаги тушунчани ифодалайди. *Биринчидан*, - тарих жамият тараққиёти тўғрисидаги фан бўлиб, унинг обьекти кишилик жамияти ўтмишининг, унинг турли-туман соҳалардаги тараққиёти ва ўзгариб бориш жараёнини ўрганадиган фандир.

Тарих фан сифатида ўтмишдаги ва бугунги реал ижтимоий ҳаётни ўрганади ва ўргатади. *Иккинчидан*, тарих - бу инсоният тўғрисидаги фан бўлиб, жамиятнинг ўтмишини тадқиқот йўли билан аниқлаб, ўтмишда инсон томонидан яратилган, инсон

заковатининг натижалари бўлган жараённи тадқиқ этиш ва бизгача ўрганиб етказадиган фандир. Шундай экан, унинг вазифаси имкон қадар тарихий жараённи тўла, бутунлигича, унга интеграцион ёндошган ҳолда тадқиқ этишдан иборат.

Кўпгина тарихчилар тарихий жараённинг субъекти инсон деб қарайдилар. Лекин бу масалада бошқача қарашлар ҳам мавжуд. Масалан, **А.Тойнби** ўзининг «*Тарихий ривожланиш*» деб номланган асарида «*Тарихнинг ҳақиқий яратувчиси илоҳий кучдир*»,<sup>1</sup> деган фикрни билдиради.

Классик историографияда тарихий жараён тарих қонунлари билан ифодаланишни билдиради. Тарих фанининг асосий таянч категориясини тарихий факт ва тарихий манба, шунингдек тарихий макон ва тарихий замон ташкил этади.

Тарих ўрганишдаги энг фундаментал муаммо-бу тарихий факт ва тарихий манбалари бўлиб, мана шу икки масалага том маънода илмий ёндошиш тарих фанининг назарияси ва методикасини аниқ белгилашда ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Бу борада рус олими, профессор **М.А.Барг** шундай ёзади: «*Тарихий фактлар реал мавжуд бўлган фактлардан иборат бўлиб, маълум макон ва замон доирасида содир бўлади, уларнинг мазмуни, уларнинг изоҳлаши ёки шарқлашга боғлиқ бўлмайди*».<sup>2</sup>

Ҳар бир фанда бўлганидек, тарих фанида ҳам ўзининг назарияси ва методологияси мавжуддир.

*Назария* - бу илмий билимлар йиғиндиси бўлиб, у ёки бу фаннинг шаклланиши қонуниятлари ва бошқа фанлар билан мавжуд бўлган алоқадорликларини билиш жараёнидир.

Методология масаласига келадиган бўлсак, «методология» сўзи грекча «метод» (metodos-тадқиқот этиш йўли, назарияси, таълимоти) деган маънони англатса, logos таълимот деганидир.

«Методология» тушунчаси икки асосий тушунчадан иборат бўлиб, биринчидан, фан соҳасида амалга оширилиб бориладиган маълум йўллар, операциялар тизимига айланса, иккинчидан, шу тизим тўғрисидаги таълимот, метод назариясига айтилади.

Ҳар қандай фаннинг методологияси хусусида гап борадиган

<sup>1</sup> А.Тойнби. Постижение истории. –Москва:1994. –С.11-12.

<sup>2</sup> Барг М.А. Эпоха и идеи: Становление историзма. –Москва: 1987.

бўлса, одатда шу фанга хос методлар мажмуига айланади.

Тарих ўқитиш методикаси фанининг *методологияси* деганда бу борадага илмий билимларининг тузилиши ва ривожланишини, уларнинг натижаларини асослаш йўлларини амалиётда мазкур фанга хос бўлган илмий билимлар механизмини самарали татбиқ этилишига айтилади.

*Тарих фани методологияси* деганда тарих фанлари доирасидаги илмий билимларнинг тузилиши тамойилларига, шакли ва илмий жиҳатдан тарих фани доирасида қўлланиладиган таълимотга айтилади. Тарихнинг фан сифатида назарий-методологик асослари ўзида мазкур фаннинг қонуниятлари ва тамойилларини, фақатгина шу фанга хос бўлган категориал тушунчалар аппарати ва билиш методларини ўз ичига олади.

Тарихчи ўз даврининг фарзанди. Унинг меҳнатида у яшаб ижод этган даврнинг тамғаси қолади. Ўтмишини, шунингдек яқин ва энг узоқ даври характеристикасининг шоҳиди бўламиз. Келажак шароити билан тарих ҳам янги маънавий қиёфада бўлиб, янгича баҳоланади. Мазкур ўринда шунга алоҳида эътибор бериш лозимки, тарихга нисбатан юкорида кайд этилган ҳолат содир бўладиган бўлса, *тарихий билимлар методологияси* ҳам ўзгаради. Буни яқин ўтмишимизда шўролар даврида якка ҳукмронлик қилиб келган коммунистик ғоя ва мафкура мисолида кўрилса, айни муддао бўлур эди.

*Ўзбекистонда тарих фанининг тарихи ва тарих таълим мининг ўзигахосхусусиятларимавжуд.* Масалан, XX асрда, яънишўролар мустамлакачилиги даврида коммунистик мафкуранинг таъсири остида миллий тарихимизнинг ёритишда тарихий социологик ёндошишлар ҳукмрон эди. Натижада миллий тарихимизда содир бўлган кўпгина воқеа ва ҳодисалар ўша даврнинг ҳукмрон ғояси ва мафкураси нуқтаи-назаридан баҳоланиб, кўп ҳолларда тарихий воқеалар, уларни келтириб чиқарган объектив сабаблар том маънода сохталаштирилди. Лекин, озчиликни ташкил этган бўлса-да, ўша дахрийликка асосланган шўролар даврида ҳам ҳақиқий кўтариб чиқаришга муваффақ бўлганлар. Масалан, шўролар даври тарихий асарларида Амир Темур шахсига характеристика беришда ҳам бир-бирига қарама — қарши фикрлар кўзга ташланади. Жумладан, «Темур, - деб ёзади ўзбек

темуршунос олими, Темур ва темурийлар даврини биринчи бўлиб қўлёзма матнлар асосида ўрганиб чиққан профессор Маҳкам Абдураимов, - ёшлигиданок ўзининг ақли расолиги билан ажралиб турарди. Ундаги ҳарбий истеъодод жуда эрта уйғонганди: у отда яхши чопар, ўқ-ёйни моҳирлик билан отар эди. Темурнинг ҳаётлик пайтида дин аҳллари дахлсиз эди. Авлодлари ҳам бу анъаналарга содиқ қолдилар. Темур дин арбобларигагина эмас, балки дунёвий фанларнинг намоёндалари бўлган. У туркйлар, араблар, форслар тарихини яхши билар, амалий аҳамиятга эга бўлган медицина ва илми нужум фанлари хусусида кенг мушоҳада юрита олар эди... Кези келганда Темур душманларига олийжаноблик ва сахийлигини намойиш қилолган.

Темурнинг ички сиёсати имкони борича Мовароуннахр моддий ва маънавий фаровонлигини кўтаришга қаратилган эди.

Моварауннахр ва Самаркандда бунёд этилган нодир ва абадий обидалар бевосита Темур номи билан боғлиқдир. Ўрта Осиёда ўтган барча ҳукмдорлар орасида у улуғ бунёдкор ва забардаст Амир сифатида ном козонган эди»<sup>1</sup>.

Амир Темурга тавсиф беришда яна бир ўзбек тарихчи олими, профессор Гога Хидоятов шундай ёзади: «У ўқии ва ёзини ўрганмаган бўлиб, турк ва форс тилларида яхши гапирав эди...»

Темур Чингизхон ва унинг ҳарбий тартибларини ихлосманди бўлиб, ҳамма юришларини ташкил этиш, ҳарбий харакатлар ва маъмурий кўрилиш ишларида унга тақлид қиласар эди... Унинг ҳамма ҳарбий тактикаси Чингизхондан ўзлаштириб олинган эди»<sup>2</sup>. Амир Темурга характеристика беришда тарих фанидан методистликка даъвогар бўлган тарихчилар ҳам четда қолмадилар. Масалан, Ахмаджон Саъдиев Ўзбекистон мактабларида «Темур давлатининг ташкил топиши» мавзусини қандай ўқитиши лозимлиги хусусида шундай илмий башорат қиласади:

«Темур давлатининг ташкил топишига бағишиланган биринчи дарсда Темурнинг шахсига характеристика бершида, - деб

<sup>1</sup> Ўзбекистон XV-XVI асрларда ижтимоий - иктисадий тафаккурнинг ривожланиши тарихидан. Тўплам. Ўзбекистон ФА: 1960.

<sup>2</sup> Г.А.Хидоятов. Менинг жонажон тарихим.-Тошкент: Ўқитувчи. 1992. –Б.156-169.

уқтиради **А.Саъдиев**, -Темурнинг жаҳонга ҳукмрон бўлиши ҳаваси билан босқинчилик урушларига кириб кетганлиги мамлакатдаги ишлаб чиқариш кучлари ва воситаларининг кенг миқёсда ривожланишига тўсқинлик қилгани, Темурнинг ваҳшиёна ҳаракатлари, зулми халқнинг қаҳр-газабига сабаб бўлганлиги айтилади. Темурнинг улкан империяси - феодал ҳукмдорлар империясидан иборат бўлиб, унинг ҳақиқий марказлашиши учун етарли иқтисодий замин бўлмаганлиги учун мустаҳкам эмаслиги тушунтирилади»<sup>1</sup>.

Ўзбекистоннинг бутун жаҳон сиёсий, ижтимоий-иктисодий ва маданий жараёнига фаол кириб бориши, унинг жаҳон интеграциясининг ривожланиб боришидаги бугунги ўрни ва роли таъсири остида ўқувчи ёшларни замонавий ҳаётга мослашиб боришлиари педагогик жамоа олдига қўйидаги асосий йўналишлар бўйича қатор энг муҳим вазифаларни тезкорлик билан хал этиш лозимлигини тақозо этмоқда:

- талаба ёшларда Ўзбекистон фуқароси ва ватанпарварлари сифатларини шакллантириш, уларда ўзбекларга хос фуқаролик ва ватанпарварлик ҳис-туйғуларини тарбиялаш;
- ўқувчиларни демократик жамият ва демократик қадрияtlар руҳида тарбиялаш;
- ўқувчиларда доимо ўз кўзини ҳар томонлама ақлан ва жисмонан такомиллаштириб бориш, уларда ижодий фаоллика бўлган эҳтиёжларини фаол шакллантириб бориш ва мустаҳкамлаш;
- ўқувчиларда ижтимоий характерда бўлган турли туман йўналишлардага ахборотларга ижодий ёндашиш, уларни таҳлил этишга танқидий назардан қараш кўнималарини фаол ривожлантириб бориш;
- айниқса, уларда коммуникацион маданиятни, яъни турли ғоя ва эътиқодга бўлган кишилар билан самимий алоқа боғлай олиш маданиятини мукаммал тарбиялаш бугунги илмий-техника инқилоби бекиёс авж олиб бораётган давр талабидир.

---

<sup>1</sup> А.Саъдиев, Ўзбекистон тарихини ўқитиш методикаси. –Тошкент: Ўқитувчи. 1980. –Б.70-71.

#### **4. Тарих фани ва ҳозирги замон жамияти.**

Тарих таълимининг энг муҳим мақсадларидан бири ўқувчиларда ўзбек фуқароси сифатларини мукаммал ривожлантириб бориш ва камол топтиришда, уларда миллий ва маънавий қадриятларимизга чуқур ҳурмат, ўз маданияти ва ўзгалар маданиятини ҳурмат билан эъзозлаш каби сифатларни фаол шакллантириб борилиши лозим. Шу билан биргаликда ўз тарихи, ўз маданияти билан фахрланиш бошқа халқлар, бошқа маданиятлар моҳиятини камситишга олиб келмаслиги керак.

Бугунги кунда Президент Ш.М.Мирзиёев асарлари, нутқлари ва оммавий ахборот воситаларига берган интервьюоларида бундайин бағрикенглик алоҳида ўринни эгаллади. Ана шу анъаналар моҳияти ҳар бир дарс ва синфдан ташқарида олиб бориладиган машғулотлар давомида ўқувчилар қалбига сингдирилиб борилиши керак.

Тарих ўқитиш назарияси хусусида гап борар экан, бунда тарих ўқитишга интеграцион ёндашиш, айниқса ижтимоий фанлар билан, биринчи галда «Миллый ғоя ва мафкура» фани билан илмий-назарий ва методик жиҳатдан узвий алоқадорликда олиб бориш тарих ўқитиш назариясини такомиллаштиришда муҳим омил эканлиги диққат марказида бўлмоғи керак. Шундай экан, Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирлиги, Республика маънавият ва маърифат Маркази томонидан «Ўқувчи-талабалар онги ва қалбига миллий ғояни сингдиришда таълим-тарбиявий ишларни ўзаро уйғун ҳолда ташкил этиш бўйича услугубий тавсиялар» тарих ўқитиш назариясининг давр талаби асосида такомиллаштириб боришда ҳам алоҳида аҳамият касб этади:

1. Ҳар бир грухда ўқувчи-талабаларга миллый ғоя ва мафкурани сингдиришнинг мазмун ва моҳиятини, ёш ва интеллектуал хусусиятларини ҳисобга олиб ёндашиш.

2. Ўқувчи-талабаларга эзгулик билан ижтимоий фаолликни узвий равишда мужассамлаштирилган ҳолда сингдириш.

3. Миллый ғоя ва мафкурани сингдиришнинг йўналишлари ва босқичларини белгилаш.

4. Миллий ғоя ва мафкурани сингдиришнинг метод ва шакллари ҳамда воситалар механизмини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилиш.

5. Ўқувчи-талабаларнинг онги ва шуурига миллий ғоя ва мафкурани сингдиришда ижтимоий тарбиянинг бирча омиллари ҳамкорлигидаги ишларни амалга ошириш.

6. Дарслардан ташқари машғулотларда миллий ғоя ва мафкурани сингдиришга доир педагогик технологиялар ҳамда энг мақбул амалий усуллари кўллаш.

7. Ўқувчи-талабаларнинг маънавий-ахлоқий сифатлари ҳамда дунё қарашини бойитиб бориш билан бирга миллий мафкуранинг моҳияти, ижтимоий тараққиёт ва шахс камолотини таъминлашдаги ўрни, аҳамияти, миллий ғоя ва мафкурани ўрганиш заруратини доимий равишда мақсадга мувофиқ ёритиб бориш.

8. Миллий ғоя ва мафкура асосида талаба-ўқувчилар маънавиятини шакллантиришни аниқ максадга йуналтирилган педагогик фаолият негизида ташкил этиш.

9. Фанни ўқитиши ва тарбиявий ишларнинг узвийлиги-узлуксизлигини таъминлаш.

10. Ўқитиши жараённида берилаётган билимлар ва келтирилаётган асосларнинг аниқлигига риоя қилиш.

11. Назарий билимлар ва ҳаётий мисолларнинг ўзаро мослиги, уларнинг бир-бирини тўлдиришига эътибор бериш.

12. Фанлараро алоқа тамойилига риоя қилиш, тушунчаларини содда, аниқ бериш, уларни ўрганувчиларнинг ёши, дунёқараши, рухиятига мослигини таъминлаш.

13. Ўқув дастури, кўлланма ва дарсларнинг бир-бирига мос бўлишини таъминлаш.

14. Дастурда белгиланган мавзулар ва уларга ажратилган соатларнинг ўқув кўлланмалари ва дарсларга мос келиши ҳамда тўла ёритилишини таъминлаш.

15. Ўқувчининг дастурда белгиланган мавзулар бўйича кўшимча илмий-методик материалларга эга бўлиши, ўз устида мунтазам ишланиши таъминлайди.

16. Дастур вазифаларини тўлиқ амалга ошириш учун зарур бўлган методик тавсия, амалий машғулотлар, мустақил ишлар

учун мавзулар, саволлар, таянч иборалар лугати, қўшимча адабиётлар ва ёрдамчи манбаларни такомиллаштириш.

Тарих ўқитиши жараёнида қўйидагилардан кенг фойдаланиш;

- миллий истиқлол ғоясини сингдириш жараёнида тарихий бой маънавий меросимизга доир билимлар беришга эътибор қаратиш;

- халқ педагогикаси ва буюк алломаларимизнинг фалсафий қарашлари ва мулоҳазаларини ўрганиш;

- мустақилликка эришгандан кейинги ўтган давр мобайнида барча соҳаларда (ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий-маданий) амалга оширилган улкан ўзгаришлар ҳакида тушунча бериш тарих ўқитишининг методологик асосини ташкил этади<sup>1</sup>.

*Хусусий дидактика сифатида тарих ўқитиши методикасининг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?* Тарих фанининг мазмуни ва унинг тизими биринчи галда ўқувчилар билиб олишлари керак бўлган маълум хронологик рамкада бўлган тарихий билимларни, мактаб тарих курсининг асосий мазмуни, тарихий воқеаларнинг ўзаро алокадорлиги ва қонуниятлари, фактик маълумотлар тизими, тасаввур ва тушунчалар тизимидан иборат бўлмоғи лозим. Табиийки, бу талаблар умумтаълим мактаблари, ўрта-маҳсус қасб-хунар билим юртларида ўрганиладиган тарих фани ўқув дастурида, дарслекларида, ўқув-методик қўлланмаларида ўзининг тўла ифодасини топган бўлмоғи керак. Шу боис тарих фани бўйича яратилган дарслеклар тарих фанининг бугунги кун талабларига мос келмоғи керак. Шулардан келиб чиқиб, тарих фани ўқитувчиси ҳам ўзининг кундалик педагогик фаолиятида ўрганилаётган мавзу мазмунини тушунтириш, ўқувчиларни маълум тарихий хуласаларга келтиришда энг асосийси ўрганилаётган тарихий материални давр талаби даражасида баён этиш, ўқувчиларда миллий истиқлол ғояси ва мағкурасини фаол шакллантиришда самарали методларни қўллаш билан амалга оширмоғи лозим. Лекин, тарихий материални танлаш масалалари, унинг ҳажми ва дозировкаси, мактаб тарих курсининг структурасини белгилаш, тарихий фактларни баён этиш усуллари, бу тушунчаларни дарс-

<sup>1</sup> // Маърифат. 2005. 13 август.

нинг қандай ўрни, муддатида қўллаш масалалари ва унинг йўллари фақат тарих ўқитиш методикаси воситасидагина амалга оширилади. Тарих фани мактаб курсида тарихни концентрацион ҳолда ёки узлуксиз ҳолда ўрганиш кераклиги, тарихий материалларни қайси синфда қандай ўрганиши, унда ўқув масалалари билан билан шуғулланмайди. Бу масала маълум муаммолар рамкаси, тарих фанининг системали ёки концентрацион ҳолда ўрганиш талабларидан келиб чиқсан ҳолда тарих ўқитиш методикаси фани зиммасига тушади.

Хўш, тарих ўқитиш методикаси нинг ўзи нима?

**Методика** – бу “педагогик фан бўлиб, маълум ўқув предметини ўқитиш қонуниятларини тадқиқ этадиган маҳсус фандир”<sup>1</sup>.

Методика (грекча *methodis*) “Педагогика фанининг соҳаларидан бири бўлиб, маълум фанни ўрганиш қонуниятларини тадқиқ этишга айтилади”<sup>2</sup>.

Ҳар икки манбадаги билдирилган изохларни умумлаштириб шуни айтиш мумкинки, мазкур умумий таърифларнинг тарих ўқитишга татбиқ этадиган бўлсақ, тарих ўқитиш методикаси фани олдида тарих ўқитиш жараёни қонуниятларини янада такомиллаштириб бориб, унинг ҳар томонлама ривожланган, миллий ғоя ва мафкура билан қуролланган комил инсонни тарбиялаб вояга етказиш жраёнига самарали таъсир кўрсатадиган педагогик фандир.

Хуллас, тарих ўқитишнинг методологикасосини педагогик фан бўлганлиги боис билиш назарияси ташкил этади. Педагогикага нисбатан хусусий дидактикани ташкил этган тарих ўқитиш методикаси педагогика, психология фанларининг умумий тамойиллари ва хulosалари билан органик алоқадорликда бўлиб, тарих ўқитишнинг муаммоларини ўргатадиган фандир.

Тарих ўқитиш методикаси тарих ўқитувчиларининг амалий тажрибаларига суннади, ўқитувчилар олдида тарих ўқитишнинг илфор тажрибаларини умумлаштиради ва келажакда тарих дарсларида ўқув-тарбия ишларини янада такомиллаштириш,

<sup>1</sup> Педагогическая энциклопедия. -Москва: 1965. т.II –С.806.

<sup>2</sup> Современный словарь иностранных слов. -Москва: 1993. -Б.376.

ўқувчиларда миллий ғоя ва мафкурани шакллантириш ва такомиллаштиришда, уларда ўзлигини англаш ва фуқаролик ҳистийғуларини камол топтиришда яратувчилик ролини ўйнайди.

### **Савол ва топшириқлар:**

1. Тарих ўқитиш методикаси фанининг ҳозирги жамиятдаги ҳолатини таҳлил эта оласизми?
2. Ўзбекистонда тарих ўқитиш методикасини педагогик фан сифатида шаклланишидаги асосий фактлар нималардан иборат эканлигини асослаб берингчи?
3. XIX-аср охири ва XX аср бошларида Туркистанда тарих ўқитишнинг ахволи қандай бўлганлигини эслай оласизми?
4. Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистонда тарих ўқитишнинг ахволи қандай бўлганлигидан хабарингиз борми ?
5. Мустақил Ўзбекистонда тарих ўқитиш методикасининг илмий педагогик фан сифатида шаклланиши учун қандай шартшароитлар яратилганлигини тушунтириб бера оласизми ?
6. Тарих фанининг ўтмишдаги ва бугунги реал ижтимоий ҳаётдаги ўрни қандай эканлигини тушунтириб берингчи?
7. Тарих фанини ўрганишдаги энг фундаментал муаммо нималардан иборат эканлигидан хабарингиз борми? Бор бўлса, уларни изоҳлаб бера оласизми?
8. Тарих фанининг назарияси ва методологияси нималардан иборат? Қисқача асослаб беринг.
9. Ўзбекистонда тарих фанининг тарихи ва тарих таълимининг ўзига хос хусусиятлари ҳакида сизнинг фикрингиз қандай ?

### **Адабиётлар**

1. Шавкат Мирзиёев. Нияти улуғ ҳалқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. -Тошкент: Ўзбекистон, 2019. 3-жилд, -Б.147.
2. Шавкат Мирзиёев. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. -Тошкент: Ўзбекистон, 2019. 1-жилд. –Б.29.
3. Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. -Тошкент: Шарқ, 1991. –Б.8-9.

4. Белинский В.Г. Избранные философские сочинения. -Москва: 1941. -С.267.
5. Барг М.А.Эпоха и идеи: Становление историзма. –Москва: 1987.
6. Добролюбов Н.А. Избранные педагогические высказывания. -Учпед из. 1939. –С.67.
7. Саъдиев А. Ўзбекистон халқлари тарихини ўқитиши. -Тошкент: Ўқитувчи, 1993. –Б.3-4
8. Стражев А.И.Методика преподавания истории. Пособие для учителей. -Москва: 1964. -С.278.
9. Тойнби А. Постижение истории -Москва: 1994. –С. 11-12.
10. Кулжинский Я.С.Методика систематического курса истории. СПБ. 1914.
11. Хмелёв А.Н.Передовые методисты начало XX в. Преподавание истории в школе. 1959. №5.
12. Хидоятов Г.А. Менинг жонажон тарихим. -Тошкент: Ўқитувчи, 1982. –Б.156-159.

## **2-МАВЗУ: ТАРИХ ДАРСИ, УНИНГ ТУРЛАРИ ВА ТУЗИЛИШИ**

### **Режа:**

1. Тарих дарсларининг турлари ва уларни таснифлаш.
2. Тарих дарслари орқали ўқувчиларда таҳлилий тафаккурни ривожлантириш.
3. Тарих ўқитишда таълим билан тарбиянинг уйғунлиги.
4. Ўқувчиларнинг мустақил ишларини ташкил этиш-таълимни демократлаштиришнинг асосидир.

**Калит сўзлар:** индивидуал машғулот, билимлар мажмуаси, фронтал, стандарт, тематика, дастуруламал, классификация, дарс варианлари, диспутлар, рентабелли дарслик, жозибали дарс, интеграция, амалий метод, кўникма ва малака, реферат, профессионал билимдонлик.

### **1. Тарих дарсларининг турлари ва уларни таснифлаш**

Маълумки, дарс мактабда ўқув ишларининг ягона шакли эмас. Экскурсия, ўзлаштирмовчилар билан олиб бориладиган индивидуал ва гурухларда олиб бориладиган машғулотлар, имтиҳонлар олдидан ўтказиладиган маслаҳатлар ҳам ўқув жараённинг турли шаклларини ташкил этади. Шунинг учун ҳам буларнинг ҳаммаси машғулотларнинг ёрдамчи турларигина бўлиб, дарснинг ўқув жараёнида хал қилувчи функцияси ўрнини эгаллай олмайди. Бошқа фанлар каби тарих ўқитишда ҳам дарс ўқиш турини асосини ташкил этади.

Дарснинг мазмуни тарихни ўрганиш, яни ўқувчиларга ўқув дастурида мўлжалланган меъёрдаги маълум тарихий билимлар мажмуасини ва шу тарихий ашёлар асосида ўқувчиларни маънавий жиҳатдан тарбияламоқ лозим.

Тарих таълими мураккаб ва кўп қиррали жараённи ташкил этади. Дарс жараёнида биз сўраш ёки сухбат давомида ўқувчилар билимини текширамиз, уларни илгари ўтилган мавзулар юзасидан олган билимларини янада мустахкамлаймиз, ўрганилаётган

тариҳий материални таҳлил этиш ва умумлаштириш йўли билан унинг мазмунини ўқувчилар томонидан атрофлича ўзлаштириб олишларига ҳаракат қиласиз. Шунингдек, дарс давомида ўқувчиларни янги тариҳий тушунчаларни самарали ўзлаштиришлари учун ўзларида мавжуд бўлган илгариги тариҳий билимларидан фойдаланишларига ундеймиз. Янгидан ўрганилаётган тариҳий материал асосида уларнинг билимларини чуқурлаштириш, кенгайтириш ва тизимлаштириш хусусида изчиллик билан иш олиб борилади. Энг асосийси дарс давомида ўқувчиларни ўрганилаётган тариҳий материал устида самарали ишлаш қобилиятлари ва малакаларини шакллантириб боришга эришмоғимиз лозим. Чунончи, ўқувчи дарс жараёнида тариҳий ҳариталар билан эркин ишлаши ва уларга қараб аниқ мўлжалламоқлари, тариҳий ҳужжатлар ва ўлкашунослик материаллари устида мустақил ишлай билиши, уларни киёсий таққослаши, тариҳий фактларини тўғри таҳлил эта билмоғи лозим. Буларнинг ҳаммаси тарих дарсининг (умуман ижтимоий фанлардан, жумладан инсон ва жамият курсидан ўтказиладиган ҳар кандай дарснинг) дидактик томонини характерлайди, унинг гоявий мазмунини атрофлича очиб беришга хизмат қиласи.

Тарих дарси қатор таълимий ва тарбиявий масалаларни хал этишга қаратилгандиги билан характерланади. Тарих дарсида таълим-тарбия вазифаларининг кўпқирралилиги уни ўқитишда кўлланиладиган кўп хилли методлар билан характерланади.

Дарснинг афзаллиги ана шундан иборатки, унда ўқитувчилар билан ҳар бир ўрганилаётган тариҳий материалларнинг синфда фронтал ва индивидуал иш олиб бориш имкониятига эга бўлади.

Бироқ, тарих дарси олдида таълимий ва тарбиявий, гоявий ва сиёсий вазифаларнинг қанчалик кўп эканлигига қарамасдан, алоҳида олинган ҳар бир дарс бутун дарс тизимида ички бирлик ва тугалликни ташкил этади.

Аввало ҳар бир дарс ўз мавзусига, номига эга бўлади. Ўқитувчи эса уз навбатида давлат ўқув дастури ва дарсликнинг-мазмунига қараб мазкур дарсда ўрганиладиган мавзуни аниклайди.

Тарих ўқитувчиси ҳар бир дарс мавзусини аниклашда тариҳийлик (историзм) системалик ва изчилликка доимо ижодий ёндошиб бормоғи лозим.

Дарс давомида ўрганиладиган мавзунинг материали бир неча масалаларга (саволларга) бўлиш, ўз навбатида мазкур дарснинг аниқ режасини тузишга ёрдам беради. Дарс режаси неча пунктдан иборат бўлиши бевосита ўрганилиши керак бўлган мавзунинг мазмунидан келиб чикмоғи керак. Мазкур ўринда биз дарснинг режаси албатта шунча пунктдан иборат бўлмоғи зарур деган кўрсатмани стандарт сифатида тавсия этмаймиз. Шу жоиздан биз машхур тарихчи методист **А.А.Вагиннинг** дарс режаси пунктлари одатда иккитадан кам бўлмаслиги ва беш олтидан кўп бўлмаслиги керак деган кўрсатмасини ўринсиз деб биламиз.

А.А.Вагин тарих дарси назарияси хусусида фикр юритар экан, «*дарс мавзуси ва унинг режаси ўқувчиларга маълум қилиниши керак*»<sup>1</sup>, деб кўрсатади. Бироқ, дарс режаси ўқувчиларга қандай маълум қилиниши кераклигини аниқ, кўрсатмайди (оғзакими, ёзмами, ҳаммаси бирданига ўқиб эшиттирилиши ёки ёзизб кўрсатилиши керакми ёки бирин-кетинми?). Республикамиз илфор тарихчиларининг тажрибаси дарс режасини ёки синф доскасига ҳар бир пунктни навбати билан кетма-кетликда баён қилиб бориш жараёнида ёзишни, ёинки кўчма доскада бир йўла ёзилган режани синф доскасининг бир чеккасига илиб қўйилган ҳолда фойдаланиш афзаллигини тасдиқлаган.

Ҳар бир тарих дарснинг ўз мавзуси ва ўз режасига эга бўлиши аксиомадир. Бир неча дарсларни бирлаштирган катта мавзулар албатта алоҳида дарслар мавзуларига бўлинмоғи шарт. Ўқитувчи ҳеч вақт дарсни ўтган мавзунинг якуни ва янги мавзуни бошланиши сифатида ўтишга йўл қўймаслик керак. Фикримизча, бу талаб факатгина ўрта умумтаълим ёки маҳсус ўқув юртлари учун бўлмасдан, балки барча олий ўқув юртлари учун ҳам маъруза ва семинар машғулотлари учун бўлган асосий шартларнинг ажралмас қисмини ташкил этмоғи даркор. Гап шундаки, тематик бирликнинг бузилиши дарснинг гоявий йўналишини, талабаларни синфда (аудитория ёки лабораторияда) олиб борадиган мустақил ишларини, уй ишини бажаришни тўғри ташкил этишни издан чиқарди.

---

<sup>1</sup> А.А.Вагин. Методика преподавания истории в средней школе. Учение о методах. Теория урока. –Москва: Просвещение. 1968. -С. 336.

Ҳар бир дарс нафақат ўз мазмуни билан, балки унинг устида ишлаш характери жиҳатдан ҳам бир бутун тугалланган мавзу, муаммо бўйлоғи лозим. Ўқитувчи дарсни баён қилиш жараёнида ишни шундай усул ва турларини моҳирлик билан кўлламоғи керакки, бу усул ўқувчиларни уй вазифаларини мустакил бажаришда унга дастуруламал бўлсин. Дарс давомида баён қилинган материал албатта шу дарсда атрофлича таҳлил этилмоғи, фикрлашиб олинмоғи керак, ана шундай қилингандагина ўқитувчи дарсни дидактик томондан тўғри ташкил этган, ўқувчиларга ўрганилаётган материал мазмунини тўғри қабул қилишга йўналтирган, мавзудан келиб чиқкан мазмуннинг ўқувчилар шахсий эътиқодларига ўсиб ўтишини тамин этган бўлади.

Бироқ, фақатгина дарс мавзусини аниқ белгилаш ва уни баён қилиш, режасининг мавжудлигини ўзи дарснинг муваффақиятли чиқишини таъмин этмайди. Дарсни тўла муваффақиятли чиқишини таъминлаш учун унинг ғоявий йўналишини аниклаб олмоқ лозим.

Дарснинг асосий ғоявий мазмуни, унинг таълимий ва тарбиявий вазифалари дарс жараёнида ўрганилаётган тарихий воқеаликнинг моҳияти, конуниятлари, сабаби, натижалари ва аҳамиятининг тўғри баён қилинишидагина тўла амалга ошиши мумкин.

Дидактикада дарсларни классификация қилиш масаласи муҳим аҳамият касб этади. Кўпгина методик адабиётларида жумладан, **И.Н.Казанцевнинг** «Урок в Советской школе» (М., 1956) китобида дарс мавзуларини классификация қилишда уларни кириш дарси, янги билимларни эгаллаш дарси, такрорлашуммлаштириш дарси ва ҳисобга олиш-текшириш дарси каби типларга ажратилади.

**С.В.Иванов** дарсларни классификациялашга дарсларда фойдаланиладиган методик воситаларнинг хусусиятларини ва дарс ўтишга энг кўп ишлатиладиган методик воситаларни асос қилиб олиб, маъруза -дарс, кино-дарс, ўқувчилар мустакил иш олиб борадиган дарс типларини тавсия этади.

Дарс типларини классификация қилиш масаласи тарих ўқитиши методикасига доир адабиётда ҳам турлича хал қилинган.

Масалан, **В.Н.Бернадский** тарих дарсларини типларга ажратишида билимларнинг асосий манбайни ва ҳар қайси дарсда кўлланиладиган етакчи методни асос қилиб олган<sup>1</sup>.

**В.Г.Карцев** тадқиқотида эса дарслардаги ўқув фаолиятини етакчилик характеристики классификация учун асос қилиб олиниб, тарих дарслари: янги билимлар бериш дарсига, ўтилган мавзуларни такрорлаш ва умумлаштириш дарсига, ўқувчилар билимини оғзаки ёки ёзма тарзда текшириш дарсига ҳамда аралаш деб аталган типларга бўлинган<sup>2</sup>.

**М.А.Зиновьев** эса ўз тадқиқотида<sup>3</sup> дарснинг икки типини - янги мавзуни ўрганиш дарси ва такрорлаш дарсига бўлади. **П.С.Лейбенгруб** ҳам тарих дарслари классификациясини кўрсатишга ҳаракат қиласди. Бироқ, муаллиф тарих дарси типлари устида фикр юритар экан, у ўз фикрини асосан, ўтган дарсни сўраш, янги мавзуни ўрганиш ва мустахкамлашга йўналтиради<sup>4</sup>.

Дарс турлари классификацияси хусусида А.А.Вагин томонидан тавсия этилган варианtlар бирмунча талабга мувофиқдир. У дарсларни классификациялашда дарснинг моҳиятини, ўрганиладиган мавзунинг мазмунини, ўқитиш жараёнининг умумий қонуниятларини ва ўқитувчи ҳамда ўқувчиларнинг ҳар қайси кундалик дарсларидағи фаолиятлари турларини асос қилиб олиш керак деб кўрсатди. Унинг қайд қилишича, масалан, V синфда (1) ўқитиш жараёнининг ҳамма асосий элементларини ўз ичига оловчи дарс, (2) хикоя қилиб бериш шаклида баён этиладиган дарс, (3) такрорлаш дарси олиб борилиши лозим. VI-VII синфларда дарс типлари кўпроқ бўлиши, чунончи:

1. Ўқитиш жараёнининг ҳамма асосий элементларини ўз ичига оловчи дарс;
2. Янги мавзуни ўрганиш дарси (хикоя қилиб бериш, кино, экскурсия);

---

<sup>1</sup> В.Н.Бернадский. Методы преподавания история в старших классах. -Ленград: 1939.

<sup>2</sup> В.Г.Карцев. Очерки методики обучения истории СССР в VIII-X классах. -Москва: 1955.

<sup>3</sup> М.А.Зиновьев. Основные вопросы методики преподавания истории.

<sup>4</sup> П.С.Лейбенгруб. Дидактические требования к уроку истории. -Москва: 1960.

3. Кириш дарси;  
4. Хотима дарси;  
5. Таҳлил қилиш дарси;  
6. Малака ва кўнікмалар хосил қилиш дарси;  
7. Такрорлаш-умумлаштириш дарслари олиб боришли тавсия этилади<sup>1</sup>. А.А.Вагин дарс типлари классификацияси хусусида фикр юритар экан, агарда бошлангич синфларда ўқитиш жараёнининг ҳамма асосий элементларини ўз ичига олувчи дарс кўпроқ кўлланилса, юқори синфларга ўтиб бориш билан тарих ўрганишда дарс турларида дифференциация катта ўринни эгаллаши, яъни юқори синфларга (VII-X) борганда тарих дарсининг ўнга яқин турлари бўлишини ва улардан куйидаги варианtlарни тавсия этди:

1. Мавзуга кириш дарси;
2. Янги тарихий ашёни ўрганиш дарси;
3. Таҳлил қилиш дарси;
4. Мавзу юзасидан хотималар дарси;
5. Такрорлаш дарси;
6. Умумлаштириш дарси;
7. Ўтган мавзуни сўраш дарси;
8. Малака ва кўнікмалар хосил қилиш дарси;
9. Билимни кўллаш дарси;
10. Ўқитиш жараёнининг барча асосий элементларини ўз ичига олувчи дарс.

А.А.Вагин томонидан тавсия этилган дарс типлари классификациясида инсон ва ҳуқуқ курсида кенг кўлланилаётган дарс турлари:

1. семинар машғулотлари;
2. конференциялар;
3. диспутлар;
4. семинар-конференцияларга ҳам тааллуқли эканлиги қайд этиб ўтилади.

Дарҳақиқат, 60-йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб нафакат инсон ва жамият курсида, балки қатор мактабларда тарих

---

<sup>1</sup> А.А.Вагин. Методика преподавания истории в средней школе. Учение о методах. Теория урока. -Москва: 1968. Просвещение. –С. 403.

курсидан олиб борилаёттан факультатив курсларда ҳам дарснинг ана шундай шаклларидан «самарали» фойдаланилган.

## **2. Тарих дарслари орқали ўқувчиларда таҳлилий тафаккурни ривожлантириш**

Дарс жараёнида ҳар бир мавзунинг мазмунига қараб бу талблар концентрациясини амалга ошириб бориш шубҳасиз дарс самарадорлигини Ўқувчиларда таҳлилий тафаккур этиш қобиляйтларини тизимли равишда камол топиб боришида катта рол ўйнайди.

Дарсга бўлган талблардан яна бир муҳим компоненти унинг мақсадини тўғри белгилаш ҳисобланади.

Методик адабиётда бу хусусда бир неча фикр мавжуд. Масалан, В.Г.Карцев: «Дарсни мақсади дарсда ўрганиладиган мақсалаларнинг моҳиятини очиб беришдан; унинг асосий ғоясини, асосий маъносини ўқувчиларнинг дарс давомида асосий хуроса сифатида англаб олишлари ва идрок этишлари керак бўлган нарсани белгилашдан иборат булмоғи лозим» деб кўрсатади.

Фикримизча, А.А.Вагин ва Н.В.Сперанская, В.Г.Карцевнинг ҳар бир дарснинг умумий ғоявий-назарий йўналишини белгилаш керак, деган фикрларига қўшилиш ўринлидир. Бироқ, шу билан бирга тарих дарси олдига қўйиладиган мақсадларни тўғри белгилашда биринчидан, мазкур дарс мазмунида энг муҳим нарса нима эканлигини ва ўқувчиларнинг тарихни илмий асосда тушуниб олишларига, уларни умуминсоний маънавият руҳида тарбиялашга қандай ҳисса қўшиши лозимлигини аниқлаб олиш керак. Иккинчидан, ўқувчилардаги мавжуд бўлган тарихий малакаларнинг намоён бўлиш даражасига ва унинг ривожлантириш умумий тизимига асосланган ҳолда, ўқувчиларда муайян малакаларни шакллантира бориш вазифасини айrim дарсларнинг мақсадларидан бири қилиб қўйиш фойдалидир.

Биз юкорида дарс турларининг классификацияси, унга бўлган талблар ва ундан кузатиладиган мақсад хусусидаги фикрларни баён этдик. Бу фикрларда тарих таълими асосан умумтаълим мактаблари учун қўлланиладиган метод кўринишида баён

етилди. Бироқ, халқ маорифи тизимида ёшларни умумий ўрта таълим Ўзбекистон Республикасининг ўз миллий истиқтолига эришганидан кейин халқ таълими тизимида содир бўлган ислоҳотлар натижасида вужудга келган академик лицейлар очишлилари, касб-хунар коллежлари ҳам салмоқли ўринни эгалламоқда. Ана шундай турдаги ўкув юртларида, мактабларда дарс самарадорлигини ошириб бориш ниҳоятда катта аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам ана шу турдаги мактабларда дарс берадиган ҳар бир педагог талабаларга билим асосларини беришда дарснинг хал қилувчи рол ўйнашига алоҳида эътибор бермоғи лозим. Бу эътибор биринчи галда асосий ўрганиладиган мавзуни синфда хал этиши, уни имконияти борича атрофлича мустахкамлаши, таълим тарбияни бизни ўраб турган ижтимоий мухит билан узвий ҳолда боғлаб ўрганишда намоён бўлмоғи лозим.

Тарих дарсининг самарадорлигида рентабелли дарсликнинг муҳим роль ўйнаши сир эмас. Бироқ, дарслик қанчалик такомиллашган бўлмасин, ўқитувчининг жозибали маърузаси ёки сухбати ўрнини эгаллай олмайди. Дарслик қанчалик такомиллашган бўлганлигига қарамасдан, ҳаётнинг ҳамма томонларини ўз ичига қамраб олиш имкониятига эга бўлмайди. Шундай экан, дарс давомида у ёки бу мавзуни баён этишда ўқитувчи унга ижодий ёндошмоғи, ўрганилаётган тарихий даврни турмуш билан узвийликда боғлаб ўрганишга эришмоғи лозим.

Тарих дарси, унинг хиллари ва тузилиши хусусида баён этилган фикримиз гарчи бу муаммо бўйича сўнгги мезон бўлмаса-да, бунда Ўзбекистон Республикаси миқёсида умумлаштирилган илфор тажрибалар асос қилиб олинган. Шундай экан, ҳар бир педагог тарих дарсини ўтишга киришар экан, доимо педагогик изланиш йўлида бўлиб, тарих дарсларининг янада боришига ўз ҳиссасини қўшмоғи лозим.

Dars-o‘quv takomallashib ishining asosiy tashkiliy shakli bo‘lib, unda o‘qituvchi aniq belgilangan dars doirasida o‘quvchilarning doimiy tarkibi bilan qat’iy jadval bo‘yicha shug‘ullanadi.jamoaviy bilish faoliyatiga rahbarlik qilib,o‘quv dasturiga o‘zi belgilaydigan didaktik va tarbiyaviy vazifalarga erishish uchun xilma-xil metodlardan foydalanadi.

Dars o‘quv ishini tashkil qilishning asosiy shakli, ammo u ta’limning boshqa shakllarini: leksiya, praktikumlar, laboratoriya mashg‘ulotlari, seminarlar, konsultatsiyalar, uy vazifalari, qo‘srimcha mashg‘ulotlarni rivojlantirishni istisno etmaydi.

Ta’limni tashkil etishning yordamchi shakllari fakultativ mashg‘ulotlar sanaladi.Ular o‘quvchilarning qiziqishlari asosida tashkil etiladi: to‘garaklar, klublar, olimpiadalar, viktorinalar, ko‘rgazmalar, ekspeditsiyalar va hokazolar.

Dars o‘quvchilarning doimiy tarkibi,mashg‘ulotlarning aniq belgilangan ramkaga egaligi (har bir dars matabda 40 daqiqa, akademik litsey va kollejda 80 daqiqa davom etadi); jadval oldindan tuziladigan va o‘quv ishlari biror aniq mavzuda tashkil etilishi kabi o‘ziga xosliklarga ega bo‘lgan ta’limning jamoa shakli hisoblanadi.

Darsda o‘qituvchi bilan o‘quvchining o‘zaro munosabat jarayoni shaxsiy aloqaga asoslangan. O‘qituvchi darsda istisnosiz barcha o‘quvchilarning faoliyatlarini yo‘llaydi va nazorat qiladi,shuni ngdek,o‘quvchilarning o‘zlarini orasidagi o‘zaro aloqa va o‘zaro kontrolni qo‘llab-quvvatlaydi. O‘qituvchining darsdagi ishi barcha o‘quvchilarning darsning o‘zidayoq o‘rganilayotgan bilim asoslarini egallashlari,zarur ko‘nikma va malakalarni hosil qilishlari uchun zamin yaratadi.

**2. Darsning tiplari va strukturasi.** Dars-darslarning butun tizimidagi bog‘in bo‘lib,ulardan har biri o‘zining ma’lum vazifasini hal qiladi. Bunday ayrim darslar barch bo‘g‘inlarni, boshqalari faqat ayrimlarini, uchinchilari faqat bittasini qamrab olishi mumkin. Darslar qancha bo‘g‘inni qamrab olishi va qanday vazifalarni hal etishiga ko‘ra turlich tushunchaga ega bo‘lgan tiplarga bo‘linadi. Tushuncha-bu dars qismlarining nisbati va o‘zaro bog‘lanishi bo‘lib,ular o‘z vazifasi va o‘qituvchi bilan o‘quvchilar faoliyati xarakteri bilan farq qiladi.

Demak,yetakchi didaktik vazifa va tushunchaga ko‘ra darslar quyidagi tiplarga bo‘linadi:

1. Kombinatsion darslar (o‘qituvchi yangi materialni tushuntiradi,mustahkamlaydi,takrorlaydi,nazorat qiladi);
2. Yangi materialni o‘rganish darslari;
3. Bilim,ko‘nikma va malakalarni mustahamlash darslari;
4. Mashqlar va amaliy ishlar darslari;

5. Umumlashtiruvchi takrorlash darslari;
6. Laboratoriya darslari;
7. O‘quvchilar bilimini nazorat qilish,tekshirish va baholash darslari, bundan tashqari standart bo‘lmagan,innovatsion dars shakllari ham keng qo‘llaniladi: seminar-darslar,konferensiya darslar,rolli o‘yinlar,integrallashgan darslar.

Aralash yoki kombinatsion dars o‘zida o‘quv ishlarining turli maqsad va turlarini aks ettiradi:

- O‘tilgan material ustida ishlash
- Yangi mavzularni anglash va o‘zlashtirish
- Amaliy ko‘nikma va malakalarni hosil qilish

Shu bilan bog‘liqlikda aralash darsda odatda quyidagi tushunchaviy komponentlar ajraladi.

- O‘quvchilarni darsga tayyorlash
  - Takrorlash-umumlashtirish ishlari
  - Yangi materialni anglash va o‘zlashtirish ishlari
- bilimlarni amaliyotda qo‘llash ko‘nikma va malakalarni shakllantirish ishlari bo‘yicha ishlar

- uygva vazifa

Yangi materialni bayon qilish darslari. O‘qituvchi tomonidan o‘quvchilarni yangi material ustida ishlashdan xabardor qiladi va o‘rta va yuqori sinflarda katta hajmli va murakkab materiallarni o‘rganishda muvoffaqiyatli qo‘llaniladi.

Bunday dars strukturası: o‘quvchilarni darsga jalb etish,dars maqsadlarini qo‘yish;qisqa tekshirish,uyga vazifa.

O‘rganilgan materialni mustahkamlash va amaliy ko‘nikma va malakalarni hosil qilish darslari uning yanada chuqurroq anglash va o‘zlashtirish,amaliy ko‘nikma va malakalarni amaliyotda qo‘llash maqsadidan kelib chiqib,hamma sinflarda alohida mavzuni yoki bo‘linmalarni o‘rganilgandan keyin o‘tilgan materialni takrorlashga yo‘naltirilib o‘tkaziladi.

Takrorlash,tizimlashtirish va umumlashtirish darslari o‘quv das turining katta bo‘limlarini takrorlash bilan bog‘liq va darhol mavzularini o‘rganilgandan keyin yoki o‘quv yili oxirida o‘tkaziladi.

Dars tuzulishi zamonaviy dars amaliyoti va nazariyasida prins tipial, axamiyatga ega,huddiy shunday ta’limda samaradorligi va natija egaligini aniqlab beradi. Dars elementlari sifatida quyidagi

tarkibiy qismlar ajratiladi:

- yangi materialni o‘rganish;
- uyg avazifa;
- bilimlarni nazorat qilish;
- bilimlarni umumlashtirish va tizimlashtirish;
- o‘rganilgan materiallarni mustahkamlash.

**Dars tayyorlash o‘tkazish.** Zamonaviy darsga qo‘yilayotgan yuksak talablar o‘qituvchini har bir darsga juda va puxta tayyorlanishiga majbur qiladi. Har bir darsga puxta tayyorlanishning sababi o‘quvchilar tarkibining o‘zgarayotganligi, akseliratsiya jarayonlarining kuchayuvi, informatsiyalarning “sel”dek oqib kelayotganligi, turli mafkuraviy poligonlarning paydo bo‘layotganligi, ish sharoitining ham o‘zgaryotganligi, ta’lim va innaovatsion va axborot texnologiyalaridan keng foydalananayotganligidadir. Ammo, o‘qituvchining har bir alohida dars tayyorlanishi, uning o‘z o‘quv ishiga tayyorlanish tizimining bir qismi, xolos.

Bu tizim: 1) o‘qituvchining o‘z pridmeti bo‘yicha DTS o‘zlashirish; 2) o‘quv dasturining har bir mavzusiga tayyorlanish; 3) har bir darsga tayyorlanishni ichiga oladi.

Har bir alohida darsga tayyorlanishda o‘qituvchi quyidagi ishlarni amalga oshiradi: mavzuni aniqlaydi va dars vazifalarini konkretlashtiradi;

O‘quv materiali mazmunini ajratadi va uni didaktik jihatdan ishlab chiqadi(yetakchi tushuncha, qonuniyat, fakt va amaliy ma‘lumatlarni ajratadi) ilgari o‘rganilgan bilan bog‘lanishni, mazmunini joylashtirish mantiqini nazarda tutadi;

O‘quvchilarning o‘quv-bilim faoliyatları xarakterini aniqlaydi, ya’ni qanday ko‘nikma va malakalar shakllanishini, reproduktiv va izlashnish faoliyati, mustaqil ish va o‘qituvchining ro‘li o‘rtasidagi nisbat qanday bo‘lishini o‘ylab qo‘yadi. Shu shakllarni ishlab chiqadi, dars qismlarini ajratadi.

O‘qitish metodlari: masala, mashq, muammoli savollar, topshiriqlarni tanlaydi va aniqlaydi. O‘qitishning TV tanlaydi va tekshridi.

Butun dars jarayonini rejorashtiradi.

Yaxshi tayyorlangan darsni yana uyushgan holda aniq va samarali o‘tkaza bilish ham kerak. Bunda quyidagi qoidalarga amal qilish lozim:

1) darsni aniq va uyushgan holda boshlash, bunih uchun esa darsga hamma narsa oldindan tayyorlangan bo‘lishi kerak;

2) o‘quvchilar e’tiborini dars mazmuniga qarata bilish va uni butun dars davomida o‘quvchilarning bilish faoliyatini aktivlashtirib saqlay bilish.

3) darsda vaqtidan oqilona foydalanish;

4) o‘z hatti-harakatini kuzatish. G‘oyaviy e’tiqod, yuksak ahloqiylik va madaniyat, gapirish va talab qilish, rag‘batlantirish, o‘quvchilarga murojaat qilish uslubi bularning barchasi o‘qituvchi faoliyatining uslubini belgilaydi, hamda o‘quvchilarning zo‘r beribb ishlashi yoki o‘ta emotsiyal qo‘zg‘aluvchanligini istisno qiladi

5) darsda tadbirkorlikni namoyish qilish yuzaga kelgan sharoitni darsni o‘tkazish sharoitlaridagi o‘zgarishlarni hisobga olish zarur.

O‘rtta ta’lim va o‘rtta maxsus ta’lim tizimida tarix kursi oldiga qo‘yilgan ta’lim-tarbiya vazifalarini amalga oshirishning eng muhim shartlaridan biri har bir darsning ta’lim-tarbiya vazifalarini, shuningdek, uning boshqa darslar sistemasida tutgan o‘rnini aniq belgilash va shu vazifalarni amalga oshirishdan iborat. Lekin har qanday tarbiyaviy vazifani ham, bir yoki bir necha darsda yoki sinfdan tashqari mashg‘otlarda o‘tkaziladigan ayrim tadbirlar vositasida batamom mukammal hal qilib bo‘lmaydi.

Har bir tarix darsida va darsdan tashqari mashg‘otlarda tarix o‘qitish oldiga qo‘yilgan g‘oyaviy va tarbiyaviy vazifalarning qandaydir bir elementi amalga oshiriladi. Shuning uchun ham o‘qituvchi har bir tarix darsiga tayyorlanishda bu dars oldin o‘tilgan darsning davomi, bu darsda hal qilinishi kerak bo‘lgan ta’lim-tarbiya vazifalari esa oldingi yoki kelgusi darslarda bajariladigan ta’lim va tarbiya vazifalarining ajralmas bir tarkibiy qismi ekanligini unutmaslik kerak.

Ilmiy dunyoqarashning asosini tashkil etuvchi muhim tushunchalarni o‘quvchilar asta-sekinlik bilan, bir qancha darslar davomida o‘zlashtirib boradi, yangi tushunchalar keying dars materiallari asosida konkretlashib, yangi mazmun bilan boyiydi. Keyingi dars o‘quvchilarning avvalgi darslarda olgan bilimi, orttirgan malakalarini kengaytiradi, ularga yangi tushunchalar hosil qiladi. O‘quvchilar tarixiy jarayonlarni keng va chuqurroq tushunadigan bo‘lib boradi.

O‘qituvchi har bir navbatdagi darsni rejalashtirar ekan, butun

tarixiy kursning bir qismi bo‘lgan bu darsda ta’lim va tarbiya vazifalarining qaysi bo‘lagi yoki elementi qay darajada, qanday materiallar asosida va qaysi tomonning hal qilishi, o‘quvchilarni qanday umumiy xulosalarga olib kelishi, qanday tarixiy tushunchalarini aniqlashi yoki kengaytirishi, qanday yangi g‘oyalar tushuntirilishi, ularni qay tarzda tanishtirishi kerakligini puxta o‘ylab olishi zarur.

O‘qituvchi butun ta’lim kursining ta’lim-tarbiya vazifalarini ayrim mavzularning ta’lim-tarbiya vazifalari bilan bog‘lab rejalahshtirmog‘i kerak. Mavzular bo‘yicha rejalahshtirish mavzularni o‘qitishning meodik sistemasini ishlab chiqishga yordam beradi. Mavzular bo‘yicha rejalahshtirilganda har bir mavzuning butub tarix kursida tutgan o‘rin va roli aniqlab olinadi.

Har bir darsning ta’lim-tarbiya darslari o‘z-o‘zidan emas balki o‘qituvchining ongli va rejali ishi asosida muvaffaqiyatli amalga oshiriluvi mumkin. O‘qtuvchi darsga tayyorlanayotganda o‘quv dasturining hajmi va mazmuninin hisobga olib material tanlaydi, dastur va darslik asosida darsni rejasini tuzadi, materialni joylashiradi va uni bayon qilishadi, hujjat va boshqa ko‘rsatmali qurollardan foydalanish metodlarini belgilaydi.

Ammo, bu ishlar o‘qituvchi darsning asosiy g‘oyasini, undan ko‘zlanayotgan ta’lim-tarbiyani vazifalarini, darsda nimaga erishish o‘quvchilarda qanday tasavvur va tushuncha hosil qilish kerakligini aniq va to‘g‘ri hal qilgan taqdirdagina o‘qituvchi ko‘zlangan maqsadga erishishi mumkin. Darsning bosh g‘oyasi vaunting tarbiyaviy vazifalari to‘g‘ri va aniq belgilanmay o‘tkazilgan dars dasturida ko‘rsatilgan faktlarni tasodifan shunchaki sanab o‘tishdan iborat bo‘lib qoladi.

Material tanlash va uni izchilik bilan joylashtirish, darsda qo‘llaniladigan butun didaktik usullar va metodik vositalarning hammasi darsning bosh g‘oyasiga uning ta’lim va tarbiya vazifalarini hal etish maqsadiga bo‘y sindirilishi kerak. Shuning uchun hm har bir darsning bosh g‘oyasi va uning ta’lim-tarbiya vazifalarini aniqlash o‘qituvchining darsga tayyorlanishida muhim bosqichni tashkil etadi.

Tarix darsiga tayyorlanishning bu nuhim bosqichi eng mas’uliyatlbo‘lishi bilan birga, ishning eng qiyin tomoni hamdir.

Tarix darslarning bosh g‘oyasi, uning ta’lim-tarbiya vazifalarini aniq belgilash, ayniqsa yosh tajribasiz o‘qituvchilar uchun qiyin ko‘chadi. Ular ko‘pincha darsning ta’limiy maqsadlari bilan tarbiyaviy maqsadlarini ajrata olmay, ularni birini ikkinchisi bilan aralashtirib yuboradialar yoki konkret dars materiallarini, uning mazmunini hisobga olmay, tarbiyaviy vazifalarni umumiyl ravishda belgilash bilan cheklanib qo‘ya qoladilar. Bunday o‘qituvchilarni ko‘pincha – shu darsda qanday tarbiyaviy vazifalarni hal qiishingiz kerak edi, - degan savolga O‘quvchilarni milliy ruhda tarbiyalashni ko‘zda tutdim, - degan mazmundagi umumiy javob olinadi.

Tekshirib ko‘rilganda mavzularning g‘oyaviy mazmuni va ta’lim-tarbiya vazifalarini ochib berishga ojizlik qilgan bu talabalarning ko‘pchiligi o‘rtta ta’lim va o‘rtta maxsus ta’lim tizimida tarixdan dars beruvchi o‘qituvchilar ekanligi aniqlandi. Ayni vaqtida ularga tarix o‘qitish metodikasining nazariy qismi ham o‘tilgan edi.

Ko‘p yillik pedagogic amaliyot natijasi shuni ko‘rsatadiki o‘qituvchilar uchun darslarning maqsadini, ta’lim-tarbiya vazifalarini belgilash eng muhim, mas’uliyatli ish bo‘lishi bilan birga chuqr bilim, malaka va mahoratni talab qiladiganjuda murakkab ishdir. Binobarin, yuqori malakali tarix o‘qituvchilarini tayyorlashda bu muhim masalaga katta e’tibor beriladi.

Endi mazkur uchala mavzuni o‘qitishdan kuzatilgan maqsadlar va ta’lim-tarbiyaviy vazifalarni, ular mazmunidagi umumiyliliklar bilan o‘ziga avvalo shuni aytish keraki tarix darslarining g‘oyaviy mazmuni, ta’lim-tarbiya vazifalari tarix programmasida berilgan material mazmuniga qarab belgilanadi.

Tarix darslarini asosiy mazmunini tashkil etuvchi tarixiy vonoeaning mohiyatini, uni keltirib chiqargan sabablarni uning qonuniyatları, ahamiyati va natijalarini chuqr o‘rganish assosidagina darsning g‘oyaviy mazmunini, ta’lim-tarbiya vazifalarini to‘g‘ri va aniq belgilash mumkin.

O‘qituvchi tarix darsining mazmunini, ta’lim-tarbiyaviy vazifalarini belgilashda tarixiy asarlar va davlat hujjatlariga asoslanib ish ko‘rishi kerak. Davlat hujjatlari tarix o‘qitishning nazariy va metologik asosini tashkil etadi.

Asarlar yuqoridagi namunada keltirilganidek, ba’zi mavzular-dagina emas, balki butun tarix kursining mazmuni ta’lim-taribiya

vazifalarini belgilashda o‘qituvchi uchun asosiy metologik manba bo‘lib xizmat qiladi. Shuningdek darsda ulardan foydalanish o‘qitishning g‘oyaviy, ilmiy-nazariy saviyasini oshirishga yordam beradi. Mavzuni zamonga moslab o‘rganish uchun uning mazmunini chuqurroq anglab olishga yordam beradi, mavzuni o‘rganishda ko‘proq qiziqtiradi, uni aktuallahtiradi, darsning ta’lim-arbiyaviy ahamiyatini oshiradi.

Tarixni hozirgi zamon bilan bog‘lash uchun avvalo butun kishkilik jamiyat tarixini ijimoiy-iqtisodiy taraqiyoti va almashinib turishi kerakligini bayon qiladi, tarix darslarining g‘oyaviy mazmuni ta’lim-tarbiya vazifalarini belgilashda tarix o‘quv dasturining uqtirish xati ham katta ahamiyatga egadir. Bu xatda tarix kursining ta’lim tarbiyadagi roli, vazifalari va mazmuni aniq ko‘rsatib berilgan . Shuning uchun ham harbir darsga tayyorlanishda DTS va o‘quv dasturining uqtirish xatidagi ko‘rsatmalar nazarda tutiladi. Tarixdan metodik qo‘llanmalar hamda maxsus metodik adabiyotlar ham katta rol o‘ynaydi. O‘qituvchi tarix darslarining ta’lim-tarbiya vazifalarini belgilashda albatta ulardan foydalanishi kerak. To‘g‘ri, tarixning hamma bo‘limlari bo‘yicha ham darslarning ta’lim-tarbiya vazifalarini aniq belgilab olishga yordam beruvchi ko‘rsatmani topish qiyin. Shuning uchun bu sohada har bir o‘qituvchi shaxsan o‘z tajribasi, ijodiga tayanishi kerak bo‘ladi.

### **3. Тарих ўқитишидаг таълим билан тарбиянинг уйғунлиги**

Darsga puxta tayyorgarlik ko‘rish, uning ta’lim-tarbiya vazifalarini to‘g‘ri va aniq belgilab uyg‘unlashtirib olib borishning o‘zi kifoya qilmaydi, muhim metodik vosita – darsda ta’lim-tarbiyani uyg‘unlashtirib borishga yordam beradigan metod va vositalardan to‘g‘ri, o‘rinli foydalana bilishdir.

Tarix o‘qitishda ta’lim bilan tarbiyani uyg‘unlashtirib borishga yordam beradigan metod va vositalar nimalardan iborat?

Tarix bilimlarining tarbiyaviy ta’siri shu bilimlarning qay dara- ja tarixiy faktlarga asoslanganligi va ularni darsda ishonchli hamda emotsiional tarzda ochib berilishiga bog‘liqidir. O‘quvchilar tarixiy

faktlarning to‘g‘riligini tushunib borishlariva faktlar asosida chiqarilgan xulosalar ular uchun ishonchli bo‘lmog‘i lozim. Shuningdek, o‘quvchilar bayon etilgan faktlarning shu jihatdan to‘g‘riligiga komil ishonech hosil qilishlari ham zarur.

Tarix o‘qitishning muhim vazifasi – tarixiyhodisalarga berilgan ilmiy baholarni va o‘rganilayotgan material yuzasidan chiqarilgan boshqa xulosalarini o‘quvchilarga ishonarli qilib tushuntirib berish-dan iboratdir. Ma’nosini yaxshi tushunmasdan yodlab olingan xulosalar o‘quvchilar uchun ishonarli bo‘lmaydi, tafakkur bilan, emotsiyonal kechinmalar natijasida tushunib bilib olingan xulosalar ishonarli bo‘ladi.

Tarix ilmi o‘quvchilarning tarixiy faktlarga, xalqlarning faoliyatiga, ijtimoiy sinflarning namoyondalariga, ijtimoiyideologiya va shu kabilarga emotsiyonal munosabatini uyg‘otadi. Tarixiy bilimlarni o‘zlashtirishning emotsiyonalligi bilimlarning puxta egallanishida, tarixga qiziqishni oshirishda, tarixiy faktlarni tahlil qilish va umumlashtirishda, bu bilimni o‘rganishda, umuman o‘quvchilarning faolligini kuchaytirishda muhim o‘rin tutadi.

O‘qituvchi tarix fanining bugungi kun talabalari va o‘rta ta’lim va o‘rta maxsus ta’lim tizimida tarix kursining maqsad, vazifalariga javob beradigan eng muhim tarixiy faktlarni tanlay bilishi, ularni o‘quvchilar ongiga jonli va obrazli qilib yetkaza bilishi lozim. O‘quvchilar ko‘z o‘ngida o‘tmish va hozirgi zamon voqealari to‘g‘risida jonli va yorqin tasavvur hosil qila bilish, ularda his-tuyg‘u uyg‘otish, ijtimoiy hayotning yaxlit manzarasini gavdalantirish bilimlarni ongli va puxta o‘zlashtirishning muhim shartlaridandir. Shunga erishish kerakki, har bir ayrim va hatto qisqacha bayon qilingan tarixiy fakt, har bir geografik nom va shaxslarning faoliyati ham aniq obrazlar yordamida o‘rganiladigan bo‘lsin. Obrazli tasvir, obrazli bayon o‘quvchilar biliminining ilmiy va puxta bo‘lish shartlaridan biridir.

O‘rta ta’lim va o‘rta maxsus ta’lim tizimida tarix kursining maqsadi, ta’lim-tarbiyaviy vazifalari va mazmunini bilish tashkiliy formasi uchun tarix o‘qitishning ilmiy asoslarini egallab olishning o‘zi kifoya qilmaydi. Tarix kursini o‘qitish, uni o‘quvchilarning o‘rganishi ham darsda va darsdan tashqaridagi mashg‘ulotlarda ham davom etadi. O‘rta ta’lim va o‘rta maxsus ta’lim tizimida ta’lim-tarbiya ishlarining asosiy tashkiliy formasi darsdir. Zotan,

tarix darslari tizimida har bir darsning va g‘oyaviyligini ta’minlash, bilish qonuniyatları va maqsadga muvofiq o‘quv ishimi to‘g‘ri tashkil etishga yordam beradigan, unga mos pedagogik jarayonni ilmiy asosda tashkil etish alohida ahamiyatga egadir. Tarix darslarini turlarga bo‘lish muammosi tarix o‘qitish metodikasi taraqqiyotining bosqichlarida metodistlar tomonidan turlicha hal etib kelindi. Darslarni turlarga bo‘lish masalasida ikki asosiy yo‘nalish mavjud edi: birinchi yo‘nalish tarafдорлари o‘qitish jarayonining qonuniyatlariga asoslanib, darslarni turlarga ajratadilar. Ularning fikricha, darslarni turlarga bo‘lishd, ularga xarakteristika berishda ko‘proq o‘rta ta’lim va o‘rta maxsus ta’lim tizimida tarix kursi mazmunini o‘zlashtirish jarayonining u yoki bu zvenosiga asoslaniladi. Darslarni turlarga bo‘lishning bu prinsipini S. V. Ivanov birmuncha to‘la ishlab chiqqan edi. Ikkinci yo‘nalishning vakillaridan biri I. N. Kazansevdir. U dasturlari klassifikatsiyasiga asosan darsni o‘tkazish usullarini asos qilib oladi. Tarix o‘qitish metodikasi sohasida prof. V. N. Bernadskiy ham tarix darslari klassifikatsiyasiga metodik usullarni asos qilib oladi va tarix darslarini quyidagi turlarga bo‘ladi: o‘rta ta’lim va o‘rta maxsus ta’lim tizimida ma’ruzasi, hikoya qilib berish darsi, tarixiy hujjatlarni tahlil qilish, badiiy adabiyotlardan foydalanish darsi, o‘quvchilarning ma’ruzalariga asoslangan dars, prezident asarlarini o‘qish va tahlil qilish darsi, kino darsi, ekskursiya materiallari asosida o‘tkaziladigan darslar va hokazo.

Shuningdek, V. N. Bernadskiy turli usullar yordamida o‘tkaziladiganumumlashtiruvchi takrorlash darslarini ham alohida guruhlarga bo‘ladi. Biroq, A. A. Vaginning o‘sha asarida asosli ravishda ta’kidlanishicha, dars turlari klassifikatsiyasiga, dars o‘tkazishning metodik usullarini asos qilib olib bo‘lmaydi. Chunki dars o‘tkazish metodi ham, dars turlari ham uning mazmuni va ta;lism qonuniyatları bilan belgilanadi, tanlangan o‘qitish metodi va dars tipi o‘z navbatida uning g‘oyaviy mazmuni, ta’lim-tarbiya vazifalarini ado qilishga xizmat etadi. Shunga qaramay V. N. Bernadskiy tomonidan tavsiya qilingan dars turlari, o‘sha davr uchun juda katta ahamiyatga ega bo‘ldi, negaki, tarix darslarini xilma-xil strukturada o‘tkazish mumkinligini ko‘rsatib berdi.

Ammo 60-70 – yillarning boshlarida yaratilgan tarix darsliklarining faktik materiallar bilanhaddan tashqari to‘ldirib yuboril-

ganligi hamda ularda metodik ko'rsatmalar yo'qligi darsda o'quvchilarning bilish faolligini va mustaqilligini oshirishiga, ularda zarur ko'nikma va malakalar hosil qilishga katta to'sqinlik qilar edi. Darsliklarda to'lib-toshib turgan faktik materiallardan o'qituvchi dars davomida arang foydalanib ulgurar edi. Dars vaqtı o'tgan mavzuni so'rash, yangi mavzuni bayon etish, mustahkamlash va uyga vazifa berishga yetardi, xolos. Xullas, ta'limning hamma jarayonlari shoshma-shosharlik bilan o'tardi. O'quvchilarning materialni puxta o'zlashtirishni va malaka hosil qilishning muhim manbai va vositasi bo'lgan hujjatlar va ko'rsatmali qurollar ustida olib boriladigan mustaqil ishlarni qilishga vaqt yetishmas edi. Ayni vaqtda o'quvchilarning mustaqil ishlarini tashkil etish uchun zarur qo'llanmalar va tarixiy hujjatlardan iborat to'plamlarning yetarli emasligi, darsliklarning metodik ko'rsatmalarida savol va topshiriqlar berilmasligi ham darsda o'quvchilarning aqliy faoliyatini faollashtirish, mustaqilligini o'stirish ishini qiyinlashtirish edi. Buning ustiga 40-yildan to 50-yillarning boshlarigacha, tarix darslari turlari muammosi ustida maxsus tadqiqot ishlari olib borilmadi. Hattoki, tarix o'qitish metodikasidan nashr etilgan qo'llanmalarda ham dars turlari masalasi muammo qilib qo'yilmadi.

Ammo shunday sharoitda ham, fanlarni o'qitish, jumladan tarix o'qitish sohasida qo'lga kiritilgan progressiv metod va usullardan, xima-xil dars turlaridan ilg'or o'qituvchilar muvafaqqiyatli ravishda foydalanib keldi. Ular shablonga aylanib qolgan "aralash" dars turidan shunchaki foydalanmay unga ijodiy yondoshdir. Ilg'or o'qituvchilar va metodist olimlar o'rtalim va o'rtamaxsus ta'lim tizimida tarix o'qitishdagi nuqsonlarni bartaraf qilish yo'llarini izlay boshladilar.

O'zligini anglashga intilgan har bir xalq o'tmishini bilishi zarur. Tarixni o'rganish umuminsoniy qadriyatlarning mohiyatini anglab yetishi uchun, barcha xalqlarning umujahon tarixiy jarayonida qatnashib, jahon madaniyati xazinasiga qay darajada hissa qo'shganligini bilish uchun ham muhimdir. Yoshlarni tarixdan oladigan bilimlarini takomillashtirishning usullari turlichadir. Jumladan tarix o'qitish samaradorligini oshiradigan vositalardan biri darsda arxiv materiallardan foydalanishdir. **Dars** o'quv jarayonining asosiy bo'g'ini sifatida yoshlarga fan asoslarini o'rgatishda muhim o'rinn tutadi.

Metodist P. S. Leybengrub ta’limning asosiy tashkiliy formasi bo‘lgan dars tuzilishi jihatidan tor sxemaga, qat’iy bir qolipga tushib qolganligi tarix o‘qitish oldiga qo‘yilgan vazifalarni muvaffaqiyatli amalga oshirishini qiyinlashtirayotganini, ayni vaqtida bu hol o‘qitishda har xil metod va usullardan foydalanishga to‘sinqinlik qilayotganini, o‘quvchilarning darsga qiziqishini ham pasaytirayotganini to‘g‘ri ta’kidladi. Tarix darsining quyidagi 4 ta tipini tavsiya etadi:

1. Ta’lim jarayonining barcha elementlarini o‘z ichiga olgan, aralash dars;
2. To‘liq yoki qisman yangi mavzuni o‘rganishga bag‘ishlangan dars;
3. Umumilashtiruvchi-takrorlash darsi;
4. Bilimlarni tekshirish va hisobga olish darsi

Shuni aytish kerakki, P. S Leybengrub shu masalaga bag‘ishlangan asarlarida ham o‘rtta ta’lim va o‘rtta-maxsus ta’lim tizimidagi tajribasida ilg‘or o‘qituvchilar qo‘llanib kelayotgan dars turlarining hammasini ko‘rsatmagan bo‘lsada, bu masalani o‘rtaga qo‘yib, matbuot sahifasida munozara boshlab berishi g‘oyat foydali ish bo‘ldi.

Darslar mohiyatiga qarab turlarga ajratiladi. Tarix darslarining mohiyatini ta’lim jarayoni tashkil qiladi. Demak, ta’lim jarayoning obektiy qonuniyatlariga asoslanib, tarix darslarini turlarga bo‘linishi masalasini to‘g‘ri hal qilish mumkin. Darsning har xil turlariga xarakteristika berishda o‘quvchilarni tarixiy voqealarni idrok qilishga tayyorlash, materialni tahlil qilishga, asosiy tarixiy faktlar, tushunchalar va qonuniyatları anglab olishga, umumilashtirishga, olgan bilimlardan zarur paytda foydalanishga o‘rgatish kabi ta’lim jarayonlari e’tiborga olinadi. O‘qituvchi o‘quv materialini bayon qilish jarayonida uni tahlil qilib boradi va umumilashtiradi. Biroq, ba’zi murakkab mavzular va bo‘limlar yuzasidan maxsus tahlil qilish darslari, tarix kursining g‘oyaviy mazmuni, ta’lim qonuniyatları bilan bog‘lab maxsus umumilashtiruvchi-takrorlash darslari o‘tkaziladi. Har bir jadvallar, reja va konspekt tuzish ko‘nikma va malakalari hosil qilish yuzasidan ish olib boriladi.

Demak, o‘qitishning ilmiy asosda tashkil qilinishi o‘qituvchining darsda har xil vazifalarni muvaffaqiyatli bajara bilishiga bog‘liq. Tarix o‘qitish tarixiy voqealarni bayon qilib berish va uni navbatdagi

darsda so;rashdan iborat emas. O‘qituvchi o‘quvchilarini tarixiy voqealar ustida mustaqil fikrlashga, o‘rganilgan tarixiy materiallardan tegishli xulosalar chiqarib olishga, uni umumlashtirishga, mavzular va umuman kursning asosiy masalalarini puxta o‘zlashtirib olishga, turli matnlar, xaritalar bilan mustaqil ishlay bilishga, reja, konspekt, xronologik va sinxronistik jadvallar tuzishga, ma’ruza va referatlar tayyorlashga, diagrammalar mazmunini tushunishga o‘rgatishi lozim.

Xo‘sish, tarix darslarini turlarga bo‘lishda nimalarni ko‘zda tutish kerak?

O‘quv materialining mazmuni uning “darsining turi” o‘ziga xos xususiyati, sinf o‘quvchilarining umumiyligi hamda darsdan kuzatilgan didaktik maqsadlar dars turini, uning strukturasi va metodlarini tanlashda asos bo‘lib xizmat qiladi, tanlab olingen dars turi va metodi esa uning mazmunini muvaffaqiyatlari amalga oshirishga yordam beradi. Dars turlari masalasini hal etishda formalizmga va standartga yordam beradi. Dars turlari masalasini hal etishda formalizmga va standartga yo‘l qo‘ymaslik kerak, o‘qituvchi navbatdagi mavzuni rejalaشتirganda, uning mazmuni, ta’limtarbiyaviy vazifalarini izchillik bilan, mantiqan bog‘lab o‘rganishga yordam beradigan dars turlarini oldindan aniq belgilab olishi kerak.

Shunday qilib, tarix V-IX sinflarda va o‘rta-maxsus ta’lim tizimida o‘qitiladi. O‘quvchilar sinfdan sinfga o‘tgan sari tarixiy materialning ko‘lami ortib, mazmuni murakkablashib, o‘quvchilarining tarixiy bilimlari ham chuqurlashib, ko‘nikma va malakalari o‘sib boradi. Shu bilan birga, darslar tuzilishi jihatidan va mazmunan murakkablashib, darslarning xilma-xil turlaridan foydalanish zaruriyatini tug‘iladi.

O‘rta ta’lim va o‘rta-maxsus ta’lim tizimida tarix ta’limining yangi mazmuni va o‘quvchilarining bilish faoliyatini yanada faollashtirish vazifalari tarix o‘qitishning shakli va metodlarini takomillashtirish uchun imkoniyatlar ochib beradi. O‘rta ta’lim va o‘rta maxsus ta’lim tizimida tarix o‘qitish mazmunan boyidi, o‘qitishning mavjud shakli va metodlari takomillashadi, yangi shakl va metodlar yuzaga keldi. Keyingi yillarda seminar va boshqa amaliy mashg‘ulotlar yuqori sinflarda tarix o‘qitishning o‘ziga xos shakliga aylanib qoldi.

Dars turlariga xarakteristika berishda ta’lim jarayonining qonuniyatlarini, uning asosiy bosqichlari (o‘quvchilarini tarixiy voqealarni

idrok etishga tayyorlash, material bilan tanishtirish, uni tahlil qilish, umumlashtirish, mustahkamlash, ko'nikma va malakalar hosil qilish, olgan bilmni ishga solishga o'rgatish va tekshirish) asos qilib olinadi. Tarixni o'rganishning har bir bosqichi materialning mazmuniga qarab, o'ziga muvofiq shakl oladi. Tarix darsining turi o'rganilayotgan mavzuning g'oyaviy mazmuniga va o'quva'limiylariga vazifalariga qarab belgilanadi. Binobarin, ta'lim qonuniyatlarini amalga oshirish va mavzuni o'rganishda foydalaniladigan dars turlarini unga muvofiqlashtirib borishning aniq usullari tarix dasturi materialining mazmuniga qarab belgilanadi.

Demak, tarix darslarini klassifikatsiya qilish, uning xilma-xil turlaridan foydalanish o'qituvchining shaxsiy xohishiga emas, balki o'rta ta'lim va o'rta-maxsus ta'lim tizimida tarix kursining maqsadi, ta'lim-tarbiyaviy vazifalarini muvaffaqiyatli amalga oshirish zaruriyatidan kelib chiqadigan tarix ta'limining asosiy qonuniyatlarini bilan bog'liqdir. Shuning uchun o'qituvchi dars turlarini tanlashda o'rganiladigan mavzuning mazmuni, xarakterini hamda uni o'quv-chilarining ongli va puxta o'zlashtirishini, ya'ni ta'lim jarayonining asosiy qonuniyatlarini asos qilib olish lozim. Dars turini bu yo'sinda tanlash esa o'rta ta'lim va o'rta-maxsus ta'lim tizimida tarix o'qitishning ta'lim-tarbiyaviy vazifalarini muvaffaqiyatli amalga oshirish hamda o'qitish metodlari va usullari haqidagi masalani ijodiy hal qilishga yordam beradi.

#### **4. Ўқувчиларнинг мустақил ишларини ташкил этиштаълимини демократлаштиришнинг асосидир**

Ахборотлар жадаллик билан интеграциялашиб бораётган ҳозирги даврда замонавий таълимнинг асосий вазифаларидан бири атроф-олам воқеа ҳодисаларини мустақил таҳлил қила оладиган шахсни камол топтиришда намоён бўлади. Бошқа умумтаълими фанлар сингари Тарих фани ҳам ўқувчиларнинг мустақил фикрлашини шакллантириш учун жуда катта имкониятларга эга.

Демократик жамиятда эркин фикрлай оладиган шахслар қадр-қимматга эга бўладилар. Ўз навбатида улар бошқаларнинг

интилиш ва фикрларини қадрлай оладилар. Қадр-қиммат шахснинг ижтимоий ва манъавий эркинлигининг муҳим томони сифатида юзага чиқади. Эркинлик-мустақил фикрлаш учун қўйилган биринчи қадамдир.<sup>1</sup> Мустақил фикрнинг мавжулиги ва ривожланиши кўп жиҳатдан ўқувчиларнинг эркинлик даражасига боғлиқ. Мустақил фикрлашни шакллантириш ва ривожлантириш учун ўқувчиларнинг индивидуал ва жамоавий эркинлигига эришиш зарур. Чунки мустақил фикрлаш шахснинг ҳислати сифатида ҳар қандай фаолият турида индивидуал ва жамоавий ютуқларга эришишда юқори кўрсатгични таъминлайдиган муҳим омиллардан бири бўлиб қолади. Шу билан бирга, мустақил фикрлаш жамият инсонга яратиб берган имконият ва эркинликларнинг маҳсули ва инъикосидир. Фикрлаш эса, шахс билиш фаолияти жараёни бўлиб, воқеаликни бевосита ва умумлашган ҳолда акс эттириш билан характерланади.

Инсоннинг мустақил баҳолай олиш қобилияти мураккаб кўринишга эга бўлганлиги сабабли тарих фани ўқитувчиларнинг ишида асосий йўналишлардан бири ўқувчиларда мустақил фикрлай олиш малакаларини таркиб топтириш бўлиши лозим. Тажрибалар шуни кўрсатадики бошланган ишни сабр-тоқат билан мустақил равишда тинмай изланиш орқали оҳирига етганларидагина ҳаётда кўзлаган мақсадларига эришадилар. Ўқувчи талабаларни анъанавий ҳислатли тарбиялашда мустақил ишларни ташкил этиш ўзига хос муҳим ўрин тутади. Ўқувчи ёшлар ҳозирги кунда ахборот оқимини ниҳоятда катталиги, фан-техника тараққиёти туфайли улар қанчалик моҳир бўлмасин, дарс жараёнида қанчалик билимга эга бўлмасин ўз билимларини етказа олмайдилар. Уни тўлдиришни ягона йўли ўқувчи талабаларнинг ўз устиларида мустақил ишлариdir.

Тарих таълимимда ўқувчиларнинг мустақил ишлаши ўқитиш жараёнининг ажралмас элементидир. Мустақил ишсиз ўқитиш ва ўқувчиларнинг мустақил ўқишлари бирлигини таъминлаш мумкин эмас. Аммо мустақил ишлашни ўқитиш методи деб

---

<sup>1</sup> Шоназаров К. Бўлажак тарих ўқитувчиларини мактаб ўқувчиларининг тарихий тафаккурини шакллантиришга тайёрлаш. Педагогика фанлари номзоди.. дисс. –Тошкент: 2002

хисоблаш мумкинми? Бу хусусда бир неча нұқтаи назар мавжуд бўлган. Уни баъзан ўқув ишини ташкил қилиш формаларига, ўқитиш турларига, ўқитишни амалий методлари қаторига киритишган. Кейинги йилларда услубий муаллифларнинг кўпчилиги мустақил ишлашни ўқитиш методларига киритишмокда, чунки у таълим-тарбиявий масалаларни, жумладан билиш мустақиллиги ва ўқиши билан масалаларини ҳал қилишнинг кенг тарқалган услубларидан бири ролини бажармоқда. Шундай бўлса ҳам ўқитувчлар орасида: агар биз амалий методларни, яъни амалий иш жараённида назарий билимларни қўллаш методларини ажратган бўсак, энди нимага мустақил ишлаш методини ҳам ажратишимиш керакми? Ахир бу ерда ҳам гап машқлар, масалаларни ечиш, тажрибаларни бажариш ҳақида боради-ку, деган масала кўпинча такрор ва такрор кўтарилади.

Бу методларнинг фарқини кўрамиз ва уларни алоҳида ажратиш зарурлигини қўйидагиларда деб биламиш: Амалий методлар асосан назарий билимларни амалий қўллаш ва мустаҳкамлашга, экспериментал, меҳнат кўникма ва малакаларини маромига етказишга йўлланган бўлади. Улар кўпинча ўқитувчининг бевосита раҳбарлиги остида қўлланади. Мустақил ишлаш методлари машқлари жараённида билимларни қўллашгаёрдам беригина қалмай, ўқувчилар томонидан янги материални дарсликдан ўрганилганда, топшириқларни мустақил бажарганда ҳам бевосита қўлланади.

Мустақил ишлаш методларининг энг ҳарактерли хусусиятларидан бири, бу ўқувчиларнинг ўқув топшириқларини ўқитувчининг бевосита бошқарувсиз бажаришидир. Мустақил ишлаш ўқувчилар томонидан дарсларда янги материал матнини ўрганиш, машқларини бажариш, тажрибалар, кузатишлар, меҳнат операияларини ўтказиш ва шу кабилар орқали амалга оширилиши мумкин. Мустақил ишлашнинг анчагина кенг тарқалган тури уй вазифаларини (оғзаки, ёзма-ёки тажриба экспериментал) бажариш хисобланади.

Мустақил ишлаш методлари айниқса тарих ўқитишдаги таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи вазифаларни амалга оширади. Мустақил ишлаш тафаккур, кўникма ва малакаларнинг ривожланишига ёрдам беради, шахснинг иродасини

чиниқтиради.

Ўқувчиларнинг мустақил фикрлашини шакллантиришга имкон берувчи жиҳатларни таркиб топтиришда тарих фанини ўқитиш мазмунини белгилаб берувчи ДТС, ўкув дастури, дарслерлар алоҳида ўрин тутади.

Умумий ўрта таълимнинг тарих фани бўйича давлат таълим стандартида ўқувчиларнинг мустақил фикрлашини шакллантиришга имкон берадиган қуйидаги қўникмаларни эгаллаши лозимлиги аниқ белгилаб қўйилган<sup>1</sup>:

-жамиятда ва дунёда кечайдан жараёнларга ўзининг мустақил муносабатини билдира олиш;

-тарихий манбаларни мустақил ўрганиш асосида хulosалар чиқара олиш;

-тарихий жараёнлар ҳақида маълумотга эга бўлиш ва қиёсий таҳлил қила олиш;

-тарих таълим жараёнида эгаллаган билимларини эркин баён эта олиш, ўз синфдошларининг фикрларига муносабат билдира олиш.

“Тарих” фанидан умумий ўрта таълим мактаблари ўкув дастурининг ўқтириш ҳатида ўқувчиларнинг мустақил фикрлашини шакллантириш билан боғлиқ қуйидаги вазифалар белгилаб берилган:

-ўқувчиларнинг миллий онги, сиёсий, назарий-илмий дунёқарашини шакллантириш; ўтмиш ва ҳозирги замондаги воқеа ҳодисаларга илмий холислик ва тарихийлик тамойилларига амал қилган холда муносабат билдиришга қодир ҳамда умуминсоний қадриятлар асосида ёндашадиган эркин фикрли баркамол инсонни тарбиялаш;

-ўқувчиларнинг мустақил ижодий фикрлашини, тарихий тафаккурини, билим олишдаги фаоллигини, мулоҳаза юритиш тийраклигини, ўз билимини бойитишга иштиёқ ва талабчалигини ривожлантириш, болаларга тарихий материални таҳлил қилиш ва умумлаштириш асосида мантиқий хulosалар чиқа-

---

<sup>1</sup> Рахимов Ж. Ўқувчиларни Ватианпарварлик руҳида тарбиялашда тарихий ўлкашунослик манбаларидан фойдаланишнинг педагогик асослари. Педагогика фанлари номзоди. . . дис. –Тошкент: 1996. –Б. 151.

ришга күмаклашиш;

-ўз хак-хуқуқларини танийдиган, ўз куч ва имканиятларига таянадиган, дунёда содир бўлаётган воқеа ходисаларга мустақил муносабат билан ёндашадиган, айни замонда шахсий манфаатларини мамлакат ва халқ манфаатлари билан уйғун холда кўрадиган эркин фуқаро, озод шахсни шакллантириш.

Хўш, тарих ўқитиш жараёнида мустақил ишлаш методларини танлаш қандай амалга оширилади? Тарихни ўқитишда мустақил ишлаш методлари шахсни таълим жараёнида ўқитиш, тарбиялаш ва камолатга етказиш масалаларини ҳал қилишда максимал фойда берадиган вазиятларда кўлланиши керак.

Энди Тарих ўқитишда мустақил ишлаш методларини кўллаш энг мақбул бўлган вазиятларни кўриб чиқайлик:

1. Қайси вазифаларни ҳал этишда бу метод айниқса муваффакиятли кўлланади?

-Ўқув фаолиятидаги мустақилликни ривожлантиришда, ўқув меҳнати малакаларини шакллантиришда.

2. Бу методни ўқув материалининг мазмуни қандай бўлган ҳолларда кўллаш айниқса самаралидир?

-Материал мустақил ўрганиш учун қулай бўлган ҳолларда.

3. Бу методни ўқувчилар қандай хусусиятларга эга бўлганларида кўллаш самаралидир?

-Ўқувчилар мазкур мавзуни мустақил ўрганишга тайёр бўлганларида.

4. Ўқитувчи бу материалдан фойдаланиш учун қандай имкониятларга эга бўлиши керак?<sup>1</sup>

-Ўқувчиларнинг мустақил ишлаши учун барча дидактик ва методик материаллар мавжуд бўлиб, уни дарсда ташкил этиш учун етарли вақтга эга бўлинганда.

Замонавий мактабда мустақил ишлаш учун қанча вақт ажратилади? Ўқув материалининг мазмуни ва гурухдаги ўқувчиларнинг имкониятлари қанча бўлса, ўшанча. Аммо шуни очиқ-ойдин айтиш мумкинки, ҳозирги замон мактаби шароитида мустақил ишлаш методининг имкониятлари ҳали етарлича

<sup>1</sup> Ю. К. Бабанский. Ҳозирги замон умумий таълим мактабида ўқитиш методикаси. -Тошкент: Ўқитувчи, 1990. –Б. 186.

баҳолашымағыт. У тарих ўқитиши методлари хазинасидан ўз ўрнини албатта олиши керак.

Мамлакатимизда халқ таълимими давр талаблари асосида ривожлантиришга қаратилған бу қарорлар ёш авлодни том маъносида камол топишига мустаҳкам фундамент яратиш билан бир вактда амалиётда ҳам катта имкониятлар яратиб бермоқда.

Шуни алоҳида қайд этиб ўтиш лозимки, дунёнинг энг ривожланган мамлакатлари ҳисобланган Япония, АҚШ, Англия ва бошқа мамлакатларда ҳам Ўзбекистонимиздагидек давлат бюджетини деярли 12, 5 фоизини халқ таълимига ажратган эмас.

Хўш, биз педагоглар давлатимиз томонидан халқ таълимими давр талаблари даражасида ривожлантириш учун яратиб берилған ана шундай имкониятларидан амалиётда қандай фойдаланаётимиз?

Тошкент шахри, Тошкент вилояти, Бухоро, Қарши, Навоий ва Жиззах шаҳридаги қатор академик лицейлар ва касб-хунар колледжларида таълим жараёнлари билан яқиндан танишганимизда таълим-тарбиянинг энг долзарб масалаларидан бири талабаларда миллий ғояни шаклланиши, такомиллашиб бориши жараёнида ўқувчиларни мустақил ишларини илмий-методик жиҳатдан түгри ташкил этиши ва бошқарииш йўлида таърифга молик бирмунча тажрибалар борлигини гувоҳи бўлдик.

Ўқувчилар мустақил ишларини ташкил этиши ва уни илмий-методик жиҳатдан самарали бошқариш нафақат таълим-тарбия жараёнида, bemubolaga айтиш мумкинки, ёш авлодни миллий мустақиллигимиз инъом этган буюк неъмат-инсон ҳақ-хуқуқларини том маъносида ҳимоялашни кафолатлаш ва унинг ўз хоҳиши истаги билан онгли касб танлаш ва мустақил Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлашда ўз улушини қўшишида ҳам катта яратувчилик аҳамият касб этади.

Ўқувчилар бирон мавзуни мустақил ҳолда атрофлича ўрганиб, мавзу бўйича фикр-мулоҳазаларини аниқ нисбатан меъёрига етказиб баён этишига педагогнинг берадиган илмий методик йўлланмаси албатта алоҳида аҳамият касб этади. Лекин, бундай фикримиздан зинҳор ва зинҳор «Мактабдаги жараёнда ўқитувчи ҳукмрон. У боладан фақат ўзи тушиунтираётган нарсани тушуниб олишини талаб қиласи, тамойил ҳам тайёр:

*«Менинг айтганим-айтган, деганим-деган»<sup>1</sup> қабилида бўлмасдан, ўқувчининг мустақил ижодий тафаккур этишга йўналтириш, унинг мустақил ишининг аниқ режаларини белгилаш, дастлабки машғулотлар давомида синфда ўқитувчи назорати остида ташкил этилиши, бошқарилиши ўқувчининг *бесамар ишдан сақлаб қолишига қаратилган бўлмоғи керак.**

Ўқувчиларнинг мустақил ишлари айниқса гуманитар фанларни ўрганишга қаратилган бўлса албатта *оддий масалалар*: тушунчаларни илмий жиҳатдан шакллантиришдан бошланиб, мураккаб тушунчалар, тамойиллар, манбаларни мустақил таҳлил этиш, алоҳида мавзуларда рефератлар тайёрлаш, у ёки бу масалага нисбатан шахсий фикрини баён этишга қадар таҳлил этиб, ўз фикри, муносабатини баён этишга қадар боради.

Иккинчидан, «Таълим тўғрисида»ги қонуннинг «Оиладаги таълим ва мустақил равишда таълим олиши»га бағишиланган 18-моддасида қайд этилганидек, «Давлат оиласида таълим олишига ва мустақил равишда таълим олишига кўмаклашади. Болаларни оиласида ўқитиши ва мустақил равишда таълим олиши тегиши таълим муассасаларининг дастурлари бўйича амалга оширилади»<sup>2</sup>.

Масалан, ўқувчиларга мамлакатимизнинг яқин вақтдаги тараққиётига мўлжалланган устувор вазифа ва беш устивор йўналиш тўғрисида тўла тушунча берар эканмиз, уларнинг биринчи ва иккинчи йўналишлар бўйича қўйидаги масалалар хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини мустақил равишда ёзма ҳолда баён этишларини уйга вазифа сифатида топширдик:

### **I. Давлат қурилиши ва бошқарув соҳасидаги энг муҳим вазифалар:**

1. Конунчилик жамияти бўлмиш мамлакат парламентининг роли ва таъсири қандай кучайтирилмоқчи?
2. Ҳукуматнинг ижро ва суд тармоқлари ўртасидаги мутаносиб ва барқарор мувозанатга эришмоқ учун нималар килиш керак?

<sup>1</sup> Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. –Тошкент: Шарқ, 1997. –Б. 9.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни, 18-модда. Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. –Тошкент: Шарқ, 1997. –Б. 25.

## **II. Ҳокимиятни учинчи тармоғи – суд-хуқуқ тизими қандай ислоҳ қилинади ва янада либераллаштирилади?**

Шуни унутмаслик керакки, ўқувчиларда мустақил фикр-мулоҳаза қобилиятларни диалектик ҳолда ривожлантиришда уларга бериладиган муаммоли саволларнинг мантиқан аниқ ва тушунарли бўлиши ҳам назарий, ҳам амалий тафаккурларида мухим рол ўйнайди.

Ўқувчиларнинг мустақил ишларини ташкил этишда педагогнинг тажрибали мутахассис сифатидаги омили, унинг малакаси деярли ҳал қилувчи рол ўйнайди десак, ўзларининг илмий-методик ва педагогик маҳоратларини такомиллаштиришга лоқайд ва «Янги педагогик технология» деган тушунчадан мутлақо бехабар бўлган айрим «педагоглар» энсалари қотиб, «болани ўзида бўлмаса, унга бир нарсани уқтириши амри-маҳол» деб ўзларининг таълим тарбия жараёнидаги яроқсизлигига ҳам хукм чиқаришлари мумкин. Таълим-тарбия жараёнини кузатиш тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, бундай ожиз педагоглар мутлоқ озчиликни ташкил этадилар. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 9 сессияси мамлакатимиз ҳалқ таълими тизимларида кадрлар тайёрлашдаги ана шундай нохуш ҳоллардан мустасно этиш йўлида катта аҳамият касб этди. Замонавий, юқори малакали кадрларни тайёрлаш хусусида гап борар экан, Биринчи Президент Ислом Каримов, «*Тарбиячиларнинг ўзига замонавий билим берииш, уларнинг маълумотини, малакасини ошириши каби пайсалга солиб бўлмадиган долзарб масалага дуч келмоқдамиз. Ўқитувчи болаларимизга замонавий билим берсин, деб талаб қиласмиз. Аммо замонавий билим берииш учун, аввало, мураббийнинг ўзи ана шундай билимларга эга бўлиши керак*»<sup>1</sup> деб кўрсатди.

Бу кўрсатмаларга зудлик билан муносабат билдирган Тошкент шаҳар ЎМКХТ бошқармаси ўз тасарруфидаги 29 та таянч ўқув муассасаларида доимий ҳаракатдаги малака ошириш (ДҲМО) курсларида ўқитувчилар малакаларини ошириш ва қайта тайёрлаш ишларини давримиз талабларидан келиб чиқкан

<sup>1</sup> Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. -Тошкент: 1998. -Б. 7.

холда янги педагогик технология асосида кенг кўламда бошлаб юборди. ДХМО курсларида энг тажрибали педагоглар ўз фаолиятларида дарс давомида ва аудиториядан ташқарида олиб бориладиган машғулотлар давомида ўқувчиларнинг мустақил ишларини ташкил этиш ва бошқаришда самарали фаолият кўрсатмоқдалар.

Таълим-тарбия жараёнида ўқувчилар мустақил ишларини ташкил этиш ва бошқариш тажрибаси шуни кўрсатадики, «*одамларда фанга бўлган чуқур хурмат-эҳтиромни шакллантириш* масдан туриб, уларни самарали ўқитши мумкин эмас. Ўқувчида дарсга бўлган қизиқиши ва синфдаги осойишталик, - деб қайд этган жаҳонга машҳур академик К. Скрябин, - “менимча ўқувчини худди шу фанга бўлган қизиқишини фаол шакллантириб боришидан бошланмоги керак. Ҳар қандай мактаб – хоҳ у бошлангич, хоҳ ўрта ёки олий бўлмасин, унга бўлган хурматни шакллантиришидан бошланади. Менга – мен учун фарзандимдек бўлиб қолган фандан сабоқ бериш насиб этди. Менинг бирон ўқувчини ўз фанимдан қўрқитшига ҳаққим йўқ эди. Мен ҳар бир ўқувчини ўқитаётган фанимга нисбатан ҳар томонлама қизиқишиларини ошириб боришим керак. Мен маъруза қилар эканман, турли варианatlарни қўллаб, уларнинг бирини бошқасига ўхшамаслигига ҳаракат қиласман”. Зерикарли тарих дарсидан тарих тугалиб қолмаганидек, алгебра ҳам ноаниқ тушунтирилган дарсдан ҳалок бўлмайди. Бироқ, бундай зерикарли ёки чалкаш-чулкаш, пойма-пой дарсни эшишган, тушуниб бўлмайдиган тарзда олиб борилган, «*тушунтириши*»лар натижасида ўқувчи ўзи учун тарихни ҳам алгебрани ҳам йўқотади. Ким билсин, балки худди шу сизнинг ўқувчингиз сиз ундаги қизиқишини чипакка чиқарган фаннинг ривожланишига муносиб ҳисса қўшиши мумкиниди!»<sup>1</sup>І.

Дарҳакиқат, биз ёшларда мустақил илм олишга бўлган қизиқишиларини ошириб бориш учун катта профессионал билимдонлик, қолаверса фидоийлик кўрсатишимиш керак.

Ўқувчилар мустақил ишларини ташкил этиш ва бошқариш

---

<sup>1</sup> Академик К. Скрябин в кн. Учитель в моей жизни. -Москва: 1996. –С. 96-97.

педагогнинг ўқувчилар билан яқиндан узвий ҳамкорликда фаолият олиб боришини тақазо этади. Шундай экан, ҳар бир педагог ўз фаолиятида мустақил ишларининг ташкил этиштаълимни демократлаштиришнинг асоси эканлигини доимо дикқат марказида тутмоги керак.

Хуллас, ўқувчиларда, уларнинг фикрлашида таҳминан қўйидаги тарзга эга бўлган жиҳатларини таркиб топтириш зарур:

-ижтимоий ходиса ёки воқеани тўғри тасвирлай олиш, мазкур ходиса учун тегишли жиҳат ва далилларни тўғри танлай олиш;

-хар бир ижтимоий ходисанинг келиб чиқиш сабабларини аниқлашга ҳаракат қилиш;

-мазкур ходиса билан боғлиқ шарт-шароитларни, уларнинг ўзаро алоқадорлигини аниқлаш, яъни ҳар бир ходиса уни ўраб турган шарт-шароитлар билан алоқадорлигини тушунишга интилиш;

-барча тарихий ходисаларнинг бориши жараённи тавсифини англаш;

-воқеаларнинг ривожланиб бориши даври ва босқичлари, уларни ҳар бирининг тарихий аҳамиятини аниқлашга ҳаракат қилиш;

-тарихий қонуниятларнинг кўп образлилиги, аниқ номоён бўлишини англаш;

-хар бир тарихий ходисада акс этган ривожланишдаги ўзига хоссликларини излаш;

-турли ижтимоий гуруҳ ва алоҳида шахсларнинг фаолиятини аниқлаб берувчи ижтимоий мотивларни излаш;

-миллий ва умуминсоний қадриятлар нуқтаи-назаридан тарихий ходисаларни баҳолаш;

-ўтмиш ва бугунни таққослашга қизиқиши<sup>11</sup> ва хоказолар.

### **Савол ва топшириқлар**

1. Дарс мазмуни деганда нимани тушунасиз?
2. Ҳар бир дарс мавзусини аниқлашда тарихийлик (историзм) тизимлилик ва изчиллик жараёнларини тушунтириб беринг.

---

<sup>11</sup> Ходжаев Д. Ўқувчиларнинг мутақил фикрлашини шакллантириш (Тарих дарслари мисолида) пед. фан. номз. учун ёзилган дисс. –Тошкент: 2006.

3. Дарс типларини классификациялашда қайси методист олимларнинг хизматлари катта бўлган?
4. Тарих дарсидаги унинг хиллари ва тузилишидаги ҳозирги замон талаблари ҳақида қандай фикр билдира оласиз?
5. Халқ таълимида давр талаблари даражасида ривожлантириш учун қандай шарт-шароитлар яратилган?
6. Ўқувчилар мустақил ишларини ташкил этиш ва уни илмий методик жиҳатдан самарали бўлишлиги учун яна нималар бўлиши керак?
7. Ўқувчиларнинг мустақил ишларини ташкил этишда ва уни сифат босқичига кўтаришда янги педагогик технологияларнинг ўрни қандай?
8. Ўқувчиларнинг мустақил ишларини ташкил этиш ва бошқаришда педагог ва ўқувчиларнинг узвий ҳамкорлиги сизни қониқтирадими? Улар фаолияти ҳақида шахсий мулоҳазага эгамисиз?

### **Адабиётлар**

1. Бабанский Ю. К. Ҳозирги замон умумий таълим мактабида ўқитиш методикаси. -Тошкент: Ўқитувчи, 1990. –Б. 186.
2. Бернадский В. Н. Методы преподавания истории в старших классах. -Ленинград: 1939.
3. Вагин А. А. Методика преподавания истории в средней школе. Учение о методах. Теория урока. – Москва: Просвещение, 1968. –С. 336.
4. Карцев В. Г. Очерки методики обучения истории СССР в VIII-X классах. -Москва: 1960.
5. Лейбенгруб П. С. Дидактические требования к уроку истории. -Москва: 1960.
6. Шамова Т. И. Активизация учения школьников. -Москва: 1982.
7. Саъдиев А. Мактабда Тарих ўқитиш методикаси. -Тошкент: Ўқитувчи, 1988. –Б. 109.

## **З-МАВЗУ. ТАРИХ ДАРСЛАРИ ВА УНГА БЎЛГАН ЗАМОНАВИЙ ТАЛАБЛАР**

### **Режа:**

1. Ўзбекистонда тарих ўқитишга бўлган янгича муносабатлар.
2. Замонавий тарих дарсига бўлган талаблар ва тарих дарсларининг яратилиши .
3. Тарих дарсларининг илмий-методик ва дидактик талаблари.
4. Ноанъанавий ва муаммоли дарсларни тарих таълимидаги аҳамияти.

**Калит сўзлар:** дастуриламал, экспедиция дарслари, комбинациялашган дарс, кўчма доска, диалектик ҳаракат, коллоквиум, илмий обьект, методик манба, хронологик ва синхронологик жадваллар, таълим концепцияси, ёшлар акселарацияси, эмоционал маҳорат, дифференциация усули, мотивация, муфассал таҳдил, табакалаштириш, моделлаштириш.

### **1. Ўзбекистонда тарих ўқитишга бўлган янгича муносабатлар**

Собиқ Совет Иттифоқи умумтаълим мактабларида тарих ўқитиш услубини илмий-педагогик фан даражасига кўтариш сарчашмаларида турган тарихчи-методист олимлар - В. Н. Бернадский, С. В. Иванов, В. Г. Карцев, М. Азиновьев, П. Слейбенгруб, И. Н. Казанцев, П. В. Гора, Н. Г. Дайри, А. А. Вагин ва бошқаларнинг илмий-услубий фаолиятлари бугунги кунда ҳам Ўзбекистон Республикаси тарих ўқитувчилари учун ҳам асосий дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Мазкур ўринда профессор В. Н. Бернадскийнинг 1936 йилда нашр-эттирган асарида<sup>1</sup> эълон қилинган дарсларнинг 7 тури:

1. юқори синфларда мактаб маъruzаси;

---

<sup>1</sup> В. Н. Бернадский. Методы преподавания истории в старших классах. –Ленинград: 1939.

2. ҳикоя қилиб бериш дарси;
3. тарихий ҳужжатларни таҳлил этиш дарси;
4. бадиий адабиётлардан фойдаланиш дарси;
5. ўқувчилар ёзган рефератлари асосида бевосита улар томонидан ўтказиладиган маъruzаларни тинглаш ва муҳокома этиш дарси;
6. кино дарси ва ниҳоят,
7. экспурсия ашёлари асосида ўтказиладиган дарс турлари тизими бугунги кунда ҳам ўз мавқеларини маълум даражада сақлаб келмоқда.

Бироқ, В. Бернадскийнинг мазкур асарида дарс самарадорлигини оширишга бўлган талаблари дарс мазмунини сиёсийлаштиришдан нарига ўтмаган.

Собиқ Совет Иттифоқи мактабларида тарих ўқитиш услубиятини ишлаб чиқишда А. А. Вагиннинг асарлари ўз ўрнига эга. Унинг тарих ўқитиш услубиятига доир фикрларига нисбатан муросасиз танқидий мулоҳазаларини учратамиз. Жумладан, А. Вагин «Типы уроков по истории»<sup>1</sup> асарида таниқли методистлар В. Г. Карцев ва П. С. Лейбенгрубларнинг тарих дарслари турларининг классификациясини кескин танқид остига олади. Ўз навбатида А. Вагиннинг бу танқидий фикрлари А. Саъдиев томонидан унинг «Мактабда тарих ўқитиш методикаси» китобида А. Вагинга ҳеч қандай кўчирма берилмаган ҳолда қуйидагича таърифланади: «*A. A. Вагин ўзининг 1957 йилда эълон қилган китобида В. Г. Карцев ва П. С. Лейбенгрублар кўрсатганидек, тарих дарсларининг турлари тўртта эмас, балки кўплигини, уларни турли формаларда (?) олиб бориши зарурлигини педагогик жиҳатдан (?) исботлаб беришига ҳаракат қиласи*»<sup>2</sup>, фикримизча, мазкур ўринда Саъдиев «фикрига айрим аниқликлар киритиш керак кўринади.

Биринчидан, В. Г. Карцевнинг тавсия этган тарих дарсларининг тури мазмун жиҳатидан П. С. Лейбенгруб вариантидан тамомила ҳолда фарқ қиласи. Масалан, П. С. Лейбенгруб комбина-

<sup>1</sup> НА. А. Вагин. Типы уроков по истории. Уч. пед. изд. –Москва: 1957.

<sup>2</sup> А. Саъдиев. Мактабда тарих ўқитиш методикаси. –Тошкент: Ўқитувчи, 1988. –Б. 198.

циялашган дарс хусусида фикр юритганда бундай дарс турини «таълим жараённинг ҳамма звеноларини қамраб олган ва бу дарс турини тарих дарслари турларининг асосийси»<sup>1</sup> З деб ҳисоблайди.

А. Вагин П. Лейбенгрубнинг бу фикрини комбинациялашган дарсда ўкув жараённи ҳамма звенолари қамраб олинмаганлигига айблаб, ўзи дидактикада катта қўпол хатога йўл қўйди. Авваламбор, комбинациялашган дарс жараёнида дарс турларининг том маънода барча турлари, элементлари бошдан-оёқ қўлланишининг ўзи илмий-услубий жиҳатдан дидактикага зиддир. Қолаверса, П. Лейбенгруб вариантидаги дарснинг иккинчи тури -»Дарснинг тўла ёки деярли тўла янги мавзуни ўрганишга бағишланиши асосланмаган» деган даъвоси мутлако ўринсиздир. Бироқ, дарс режаси ўқувчиларга қандай маълум қилиниш кераклиги аниқ кўрсатилмайди. Оғзакими, ёзмами, дарс режасининг ҳамма пунктлари бирданига ўқиб эшилтириладими ёки оддий доскага, кўчма доскага, роликка ёзиб кўрсатилиши керакми, ёки бирин-кетинми?

Республикамиз илгор тарих ўқитувчиларининг иш тажрибалари, дарс режалари бандларини ҳар бирини навбатманавбат синф доскасига ёзиб боришни, ёки кўчма доскага бир йўла ёзилган дарс режаларини синф доскасининг бир чеккасига илиб қўйилган ҳолда фойдаланиш афзаллигини тасдиқлаган. Юқорида исми шарифлари қайд этилган В. Н. Бернадский, В. Г. Карцев, С. В. Иванов, П. С. Лейбенгруб, А. А. Вагин ва бошқаларни тарих ўқитиш услубияти хусусидаги фаолиятлари шубҳасиз мактаб тарих курсини ўқитиш ва уни такомиллаштиришдаги хизматлари дикқатга сазовордордир. Бироқ, инсон билими чексиз бўлганидек тарих ўқитиш услубияти, айниқса тарих дарслари турлари ҳам жамият тараққиёти ва илмий-техникавий инқилоб жараёнида янгидан янги тур вариантлар билан бойиб бориши зарурлигини, умуман таълим назарияси ва услубияти бир жойда тепсиниб турмасдан, диалектик харакатда бўлишини унутмаслик керак. Шунинг учун ҳам юқоридаги илмий-услубий рисолаларда тарихнинг замонавий турлари-семинар дарси, муаммоли дарслар,

---

<sup>1</sup> Преподавание истории в школе. №4. 1954. -С. 66.

экспурсия дарслари. Ўзбекистон Республикасининг Президенти асарларини ўрганишга бағишланган маҳсус дарслар, коллоквиум ва теледарслар дидактикага фаол кириб келаётганлигини ва дарс самарадорлигини ошириш билан бирга ўқувчилар билим доираларини бекиёс ривожлантириб боришда муносаб хисса кўшаётганлигини ҳам табиий бир ҳол деб қараш керак. Шу боис А. Саъдиевнинг «**Ўзбекистон халқлари тарихини ўқитиши**» кўлланмасида Ўзбекистон халқлари тарихини ўрганишнинг ўзига хос хусусиятлари, айниқса, *муаммоли таълим дарси, якунловчи, умумлаштирувчи дарслар, уларга бўлган илмий-назарий, услубий ва дидактик талаблар хусусида шахсий фикр баён этмаганидек, бирон мавзу мисолида дарс тузилишини тўла ишлаб чиқилган вариантини ҳам беролмаган.*

Шуни алоҳида қайд этиб ўтиш жоизки, Ўзбекистон Республикасида тарих дарсига бўлган умумий педагогик ва дидактик талаблар асосида замонавий дарс вариантини экспериментал тажрибалар асосида ишлаб чиқиш шу кунга қадар бирон тадқиқотчи олим ёки амалиётчи ўқитувчининг илмий изланиш обьекти бўлмаган. Шу сабабдан бўлса керак, маҳаллий матбуотда тарих дарсининг мустақил Ўзбекистон Республикализнинг бутунги ижтимоий-иктисодий ва сиёсий талаблари даражасида ишлаб чиқсан варианти мутлақ мавжуд эмас.

Ўтмиш тарихига назар ташлайдиган бўлсақ, Туркистон Халқ маорифи Комиссарлигининг 1918 йил 12 сентябрида чиқарган фармонида, бошланғич мактабда тарих ўрганиш қўйидаги тамоийл асосида амалга оширилиши қайд этилган:

-ижтимоий ва маданий тараққиёт жараёни бўлган умумий тарихни ўрганиш; Россия ва Туркистон халқлари тарихини бирмунча аниқлаштирган ҳолда ўрганиш; ўрта мактабда фарбий Европа халқлари тарихи - қадимги, ўрта асрлар ва айниқса янги тарихини, шунингдек рус тарихини ўрганиш тавсия этилган эди<sup>1</sup>.

Ўзбекистон мактабларида тарих фанини ўқитиши тарихини синчиклаб ўрганар эканмиз, 20-йилларга келганда Туркис-

<sup>1</sup> К. Е. Бендииков. Очерки по истории народного образования в Туркестане (1865-1924 годы). Изд. АПН. РСФСР. –Москва: 1960. -С. 435.

тонда тарих ўқитиши услубиятини педагогик фан сифатида шаклланишида дастлабки дадил қадамлар қўйила бошлаган-лигининг гувоҳи бўламиз. Масалан, 1927 йилга келганда Туркистон ўлкасида педагогика фанини тараққий эттиришда катта хисса қўшган педагог олим **Николай Порфириевич Архангельский** томонидан Ўзбекистан умумтаълим мактабларида тарих ўқитиши самарадорлигини оширишга бағишлиланган қатор илмий-методик мақола ва ўша шароит учун нодир методик қўлланмалар яратилди<sup>1</sup>. Она тарихимизга назар ташлар эканмиз, ўзбек халқининг фашизмни тор-мор келтиришда ўзининг улкан ҳиссасини қўшганлигини кўрсатадиган далилларнинг гувоҳи бўламиз. **Далилларга мурожаат қиласлилик:**

- Ўзбекистон уруш йилларида давлатга 3 млн. 806 минг тонна пахта, 54067 тонна пилла, 1 млн. 282 минг тонна дон, 48000 тонна мева коқи, 159 минг тонна гўшт, 22300 тонна жун ва бошқа маҳсулотлар етказиб берди.

- Ўзбекистондан 1 млн. га яқин киши фашизмга қарши жангга сафарбар этилди. Республикада 389, 12, 162, 5, 44, 128 – тоғ-ўқчи, 21-отлик аскарлар дивизияси, 90 ва 94-алоҳида ўқчи бригада ва бошқа қўшинлар тузилиб фронтга жўнатилди.

- Уруш йилларида Ўзбекистонга Собиқ Совет Иттифоқининг фронтга яқин ва фронт зоналаридан 1 млн. га яқин киши, жумладан 200. 000 нафар бола эвакуация қилинди.

1941 йилнинг июль ойидан ноябрь ойига қадар Ўзбекистонга Москва шаҳри ва вилояти, Украина, Белоруссия, Волга бўйи туманларидан юздан кўпроқ катта корхоналар кўчириб келтирildi. Бу корхоналар ўзбек ишчиси ва хизматчиларининг қаҳрамонона файрати туфайли қисқа муддат ичida жойлаштирилди, монтаж қилинишга туширилди. Мазкур корхоналарнинг аксарияти урушдан олдинги вақтига қараганда кўпроқ маҳсулот чиқарадиган бўлди.

- Улуғ Ватан уруши давомида Ўзбекистонлик жангчилардан 120 минг киши орден ва медаллар билан мукофотландилар.

---

<sup>1</sup> Архангельский Н. П. Сведения с состояния изданий учебной литературы на Туркестанской АССР для школ узбекских, казахский, туркменских, таджикских. –Тошкент: 1922.

Шунингдек, 338 киши Совет Иттифоки Қаҳрамони, 32 нафари Шуҳрат ордени унвонига сазовор бўлдилар. Республикада тинч меҳнат кишиларидан 60 минги СССР орден ва медаллари билан мукофотландилар.

Агарда «Улуғ Ватан уруши йилларида Ўзбекистон мактабларида тарих ўқитиши» масаласини ўзини алоҳида олиб қарайдиган бўлсак, бу даврда Ўзбекистонимизда умумтаълим мактабларида тарих ўқитиши услубияти хусусида ва умуман Ўзбекистон халқлари тарихини ўрганиш борасида тахсинга молик кўпгина фундаментал илмий-услубий асарлар яратилганлигини биламиз. Ана шундай асарлардан бири СССР фанлар Академиясининг муҳбири аъзолари: А. М. Панкратова, Е. А. Косминский, А. Д. Удальцовалар таҳрири остида Ўзбекистон ССР ўрта мактаблари ўқитувчилари учун тайёрланган методик қўлланма - «Улуғ Ватан уруши шароитида тарих ўқитиши»<sup>1</sup> дир.

Мазкур методик қўлланма Улуғ Ватан уруши даврида Москва ва Ленинграддан она шахримиз Тошкентга эвакуация килинган жаҳонга машҳур тарихчилар А. Ю. Якубовский, М. В. Нечкина, Н. М. Дружинин, К. А. Косминский, А. М. Панкратова, С. В. Бахрушин, Д. А. Баевский ва бошқа тарихчи олимлар томонидан яратилган. Аслида 394 бетдан иборат бўлган бу ажойиб асар собиқ СССР ҳудудидаги педагогика олийгоҳлари тарих факультетларининг барчасида асосий методик манба сифатида фойдаланилиб келинмоқда.

Тарих ўқитиши услубиятига доир услубий ва дидактик адабиётларда тарих ўқитишига бўлган замонавий талаблар ҳам алоҳида қайд этилади. Жумладан, Академик Мирза Махмутовнинг «Современный урок» (М. «Просвещение», 1989), П. С.

---

<sup>1</sup> Архангельский Н. П. Учебная литература на узбекском языке. Наука и просвещение. 1922. №2

Архангельский Н. П. О преподавании истории в Средне-Азиатской школе. –Ташкент: 1922. и др.

«Преподавания истории в условиях Великой Отечественной войны». Методической пособие для учителей средних школ Узбекской ССР. Под редакцией членов корреспондентов академии Наук СССР Косминского Е. А., Панкрастовой А. М., Удальцова А. Д. -Ташкент: 1943.

Лейбенгрубнинг «Дидактические требования к уроку истории» (М. Изд-во АПН РСФСР, 1960), Н. Г. Дайрининг «Современные требования к уроку истории» (М. 1979) ва бошқалар. Бу асарлар гарчи бевосита тарих ўқитиши масаласига бағишлиланмаган бўлса-да, аслида 60-70-80 йиллар шароитида - «*КПСС - совет жамиятининг раҳбар ва етакчи кучи*», «*тарих ўрганишида партиявий, сиёсий ва синфий муносабатда бўлиши керак*» деган талаблар асосида ёзилган. Лекин методист олимларнинг совет жамиятининг 70 йилдан зиёд давр ичидаги яратган илмий-услубий ва дидактик асарлари ўша давр хусусиятидан келиб чиқкан баъзи камчиликларга қарамасдан, бугунги ўз истиқололига эришган Ўзбекистон Республикаси мактабларида ҳам мактаб тарих курсини ўқитишининг асосий дастурламали бўлиб хизмат қилмоқда. Эндиликда, Республикаиз тарихчи-методист олимлари вазифалари ана шу улкан меросдан Ўзбекистон халқлари тарихининг бугунги даври талаби асосидан илмий-услубий ва дидактик йўлларини юкори савияда ишлаб чиқишдан иборатдир.

Илмий-услубий ва дидактик жиҳатдан тўғри ташкил этилган тарих таълими дарс жараёнинда самара берадиган турли-туман шакл ва усуулардан тезкор равишда фойдаланишни тақозо этади.

Тарих ўқитиши деганда фақатгина ўқитувчини воқеалар тўғрисидаги ҳикоясини тинглаш - у, келгуси дарсда уни ўқувчилардан сўрашгина эмас, балки, тарих ўқитиши жараёнинда биз ўқувчиларимизни фикрлаш ва тарихий воқеаларини таҳлил этиш, ўрганилаётган тарихий материал асосида хуносалар чиқариш ва уларни умумлаштириш, аниқ тарихий позицияда туриб тафаккур этиш, ўрганилаётган барча мавзулар ва курснинг етакчи ғояларини онгли равишда мустаҳкам ўзлаштириб олиш, уларни тарихий ҳужжатлар ва матнилар устида мустақил ишлаб режалар ва кўчирма, хронологик ва синхронологик жадваллар тузишга, уларни таҳлил этишга, қисқача марузалар тайёрлашга, тарихий хариталар билан ишлаш ва тўғри тарихий мўлжал олишга қунт билан ўргатиш жараёнига айтилади.

## **2. Замонавий тарих дарсига бўлган талаблар ва унинг яратилиши**

Тарих дарсини ўқув материалининг навбатдаги бир бўлаги деб хисоблаб, уни ўқувчиларга зудлик билан баён этиб, кейинги бўлагига ўтишдангина иборат деб ўйлаган ўқитувчи, албатта хато қилган бўлур эди.

Дарс-тарих дастурининг бир оддий бўлагигина эмас. Дарс-биринчи галда ўқув машгулотидир.

Замонавий тарих дарсига бўлган талаб нима билан белгиланади?

**Биринчидан**, фикримизча, биринчи Президент И. Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг XV сессиясида сўзлаган нутқида «*Бизнинг асосий бойлигимиз, ривожланган давлат тузишга олиб борадиган йўлдаги асосий таянчимиз-инсондир*». *Юксак малакали ва юксак маънавиятли инсондир*.

Бу нарса айниқса ёш авлодга тегишли. Келажаги буюк давлат, энг биринчи навбатда, бўлажак фуқароларининг маданияти, маълумоти ва маънавияти ҳақида ғамхўрлик қилмоғи зарур. Мен барча ватандошларимизга мурожаат қилиб айтаман: «*бутун ҳаёт қанчалик оғир бўлмасин, маънавиятимиз ва маданиятимизни унумтмайлик!*»<sup>1</sup>, деган кўрсатмалари, шунингдек, «*янги демократик таълим концепциясини ишлаб чиқиши ва амалга ошириши лозим бўлади. Бунда ўзбек халқининг ва республика ҳудудида яшовчи бошқа халқларнинг миллий, тарихий ва маданий анъаналари, маънавий тажрибаси таълим ва тарбия тизимимизга узвий равишда киритилиши зарур*»<sup>2</sup>, деган концепциялари педагогларимизнинг тарих таълимини давр талаби даражасига кўтариш йўлидаги муҳим вазифалари бўлмоғи керак.

**Иккинчидан**, тарих таълими давомида ўқувчи ёшларни тарихий билим ва кўникмалар билан қуроллантириб, уларни

---

<sup>1</sup> // Маърифат. 1994. 11 май.

<sup>2</sup> И. А. Каримов. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. – Тошкент: Ўзбекистон, 1992. -Б. 22.

ўтмишда ва бугунги кунимизда содир бўлаётган ижтимоий ҳодисаларни тўғри баҳолаш ва хulosалар чиқариш, ҳар бир инсоннинг, айниқса эндиғина ҳаётга қадам қўйиб келаётган ёшларнинг онгига шундай фикрни сингдириши керакки, улар ўртага қўйилган мақсадларга эришиши ўзларига боғлиқ эканлигини, яъни бу нарса уларнинг сабитқадам гайрат-шижоатига, тўла-тўйкис фидокорлигига ва чексиз меҳнатсеварлигига боғлиқ эканлигини англаб етишилари керак. Худди шу нарса давлатимиз ва халқимиз равнақ топишининг» асосий шартидир, деган қатъий хulosага олиб келсин.

**Учинчидан**, Ўзбекистон Олий Мажлисининг 1995 йил 30 августда бўлиб ўтган учинчи сессиясида алоҳида қайд этиб ўтилганидек, «*Одамларимиз, жамиятимиз мафкурасида Ватан, юрт гояси устивор бўлмоги керак. Миллий ғурур, миллий ифтиҳор ҳар қандай ишишимизнинг пойдевори бўлмоги керак*». Яъни, «*Ватан кўнглимизда бўлса, Аллоҳ ишишимизга ҳамиша маддакор бўлгай*»

Дарҳакиқат, ота-боболаримиз бизга мерос этиб қолдирган **Ватан - Ўзбекистон ҳар бир ўзбек фуқароси учун саждаох каби азиздир**.

Бундай муқаддас ғояни ёшлар онгига аниқ тарихий воқеъликлар асосида сингдириб бориш ҳар бир тарих дарси ва унинг ўқитадиган ўқитувчининг муқаддас ва бир вақтда шарафли бурчидир.

**Тўртингидан**, тарих ўқитувчиси ўзининг педагогик фаолиятида илмий билимларни тез суратларда ўсиб бораётганлигини албатта хисобга олмоги-керак. Илмий техника инқилоби даврида ўқувчи ёшлар ҳам ўз билимларини мустақил ҳолда узлуксиз такомиллаштириб боришлари, илмий ва сиёсий ахборотлар оқимидан тўғри хulosса чиқаришга эришмоқлари лозим.

Психолог олимларимиз илмий-техника инқилоби авж олиб бораётган ҳозирги даврда ўқувчи ёшларнинг акселерацияси, яъни болалар ривожланишининг тез суръатлар ўсиб билан бориши, бу жараён уларнинг ҳам аклий, ҳам жисмоний жихатдан ривожланишларида яққол намоён бўлаётганлигини алоҳида таъкидламоқдалар. Дарҳакиқат, ҳозирги даврда талабалар ёшлигиданоқ радио, телевидение, газета, журнал ва турли

*китоблар, ахборот* каналлари орқали кўплаб замонавий илмий-техникавий янгиликлардан боҳабар бўлмоқдалар. Буларнинг ҳаммаси сўзсиз ўқувчи ёшларни ҳар томонлама ривожланишларга, дунёкарашлари кўламиининг кенгайишига олиб келмоқда. Ўқувчи ўз уйидаги телевидение орқали ёки кинотеатрда тарихий мавзудаги асарни томоша қилиб, унинг мазмунни билан чуқур танишишга муваффақ бўлгани ҳолда, ўқитувчи дарс жараёнида фақатгина дарслик материали билангида чегараланаётган бўлса, у ҳолда ўқувчидаги мазкур дарс учун ҳеч қандай қизиқиши пайдо бўлмайди. Ана шундай инқирозли шароитдан чиқиб кетиш учун ўқитувчи тарихий таълимимда эмоционал маҳоратини ошириб бориб, ўқувчиларни мавзунинг мазмунига бўлган қизиқишиларини ҳисобга олиб, унинг ҳар томонлама мустаҳкамланишига эришмоғи керак.

Маълумки, тоталитар тузум даврида шаклланган ватан-парварлик тарбиясининг мазмуни аниқ миллий ва маънавий пойдеворга ўрнатилмаган бўлиб, «Совет ватанпарварлиги», «социализм ватанпарварлиги» ва ҳоказо иборалар билан юритиб келинди. Бундай баланд парвоз иборалар йигиндисидан ташкил топган «ватанпарварлик» партия хужжатларида назарий жиҳатдан асосланиб, «Совет жамиятининг ўтган давр ичида қўлга киритган асосий ютуғи бу ягона совет халқларининг шакллантиришидир!» деб, халқ маорифи ходимлари олдига, жумладан тарих ўқитувчиларига ёш авлодни алоҳида олинган аниқ халқ, миллатнинг миллий ва маънавий анъаналари рухида эмас, хаёлан «шаклланган» совет халқи ватанпарварлиги рухида тарбиялашни сингдиришга ундар эди. Шундай экан, тарих ўқитувчиси тарих таълимими тарғиб этишда айрим тарихий шиор ва чақириқларни маълум тарихий давр, тарихий шароит ва унинг манфаатидан келиб чиқсан бўлишининг сабаб ва моҳиятларини ҳам тарих ўқитиши методикасидаги энг асосий талаб ва тушунча тамойилидан келиб чиқиб, унга мутлоқ риоя этиш лозим.

Масалан, ўқитувчи «Улуғ Ватан уруши йилларида Ўзбекистон» мавзусини ўтар экан, фанлараро алоқа боғлаш тамоилини амалга ошириб бориб, ўқувчилар эътиборини F. Фуломнинг Улуғ Ватан уруши йилларида умумхалқ шиорига

айланган «Буюк Ватаннинг буюк фарзанди, билиб қўйки сени Ватан кутади», деган чақириғига жалб этади. Бу шиор сўзсиз ўз даврининг жанговор чақириғи, ёзувчининг ўз фуқаролик бурчини вижданан адо этишидаги олий мезон эди. Бошқача қилиб айтганда, совет ёзувчиси устқурманинг фаол элементи сифатида ўз базисига содиқ хизмат қилиши керак эди. Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас эди. Лекин ўша суронли 40-йилларда «Буюк Ватан» тушунчасига эга ўзининг азалий орзуси ўз мустақиллигига эришган халқ ўзбекларга бугунги кунда қандай муносабатда бўлишимиз керак? Шу чақириқ ўша даврдаги «Ватан тушунчasi бугунги кунда ҳам ўз моҳиятини саклаб турибдими? Бунинг учун дарс жараёнида фақатгина дарслик материали билан кифояланиб қолмасдан, мавзуга доир кўшимча адабиётлар, турли методик воситалардан, жумладан экран кўлланмалари, магнитофон ёзувлари, теледарслар, мавзунинг мазмунига қараб музей дарслари ёки семинар дарсларидан мақсадга мувофиқ фойдаланмоғи керак.

Фашизмга қарши уруш йилларидағи тарихий факт ва рақамлар тарих фани ўқитувчилари учун асосий манбаларга айланиб қолди. Тарих фани ўқитувчиси “Улуғ ватан уруш йилларида Ўзбекистон (1941-1945)” деган мавзуни баён қилас экан, Ўзбекистон уруш йилларида армияни таъминловчи энг муҳим аслаҳаоналардан бирига айланганлиги, фронтга харбий техника кийим-бош ва озиқ-овқат маҳсулотларини тобора кўпроқ миқдорда етказиб бериб турганлиги, собиқ иттифоқ халқлари дўстлигининг ғолибона кучини бутун дунёга намоиши қилганлигини айтиб, генерал Л. А. Говоровнинг 1941-йил декабрда Ўзбекистон Олий Кенгаши Раёсатининг Раиси Йўлдош Охунбобоев бошлигидаги делегация аъзолари билан килган сухбатда айтган қуйидаги сўзларини келтиради: “Қабиҳ душман Москвага яқинлашиб, Москва ҳавф остида қолганда. бизлар ўз позициямизда мустаҳкам турдик. Биз бутун Совет халқининг, шу жумладан ўзбек халқининг доимий ёрдам ва кўллаб қувватлашини сезиб турдик. Қорли Москвадан қуёшли Ўзбекистонгача-мингларча километр. Аммо бу масофа бизни ажратса олмайди. Биз биламизки, Сиз бизларга яқин ва

азиздирсизлар, биз ҳам сизга яқин ва азиздирмиз".<sup>11</sup>

Уруш йилларидағи тарихий воқеа ва ҳодисалардан фойдаланиб Ватанимиз тарихини ўқитиши ва ўргатищда ана шу йилларда яратилған тарихий-бадиий адабиётларнинг роли аҳамиятлидир.

Тарих фани ўқитувчиси яна “Улуғ Ватан уруши йилларида Ўзбекистон (1941-1945й)” мавзусини баён этишда уруш йилларида ёзилған тарихий, бадиий адабиётлардан фойдаланиши, Ўзбекистон халқарининг бутун қардош халқлари билан ёнма-ён туриб фронтда душманга қарши олиб борган фидокорона курашнинг ёрқин манзарасини ўқувчилар кўз ўнгидагавдалантиришга ёрдам беради. Масалан, қардош халқлар, шу жумладан, Ўзбекистон халқлари ҳам урушнинг биринчи кунидан бошлаб душманни тор-мор этишга бутун кучини сафарбар этганлигини ўқувчиларга ҳис эттириши учун X. Олимжоннинг “Қўлингга қурол ол” шеъридан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Ёки Р. Файзийнинг “Ҳазрати инсон” романидан фойдаланиш ўзбек халқининг меҳнатсеварлик анъанасини давом эттириб, мамлакат ичкарисида фидокорона меҳнат қилғанлигини, фронтни озиқ-овқат, кийим-кечак ва қурол аслаҳа билан таъминлаб турғанлигини кўрсатиб бериш имконини беради.

Тарихчи устоз фашизмга қарши уруш йилларида ўзбек халқининг меҳнатсеварлиги ва ватанпарварлиги фронтда, мамлакат ичкарисидаги меҳнатдагина эмас, балки бошқа қўпгина соҳаларда ҳам намоён бўлғанлиги ҳақида гапириб ўзбек оиласиари кўчириб келинган 200 минг етим болаларни меҳр-мухаббат билан ўз қучоғига олганлигини тушунтириб беради. Бу ўринда турли миллатга мансуб бўлган 15 болани тарбиялаб ўстирган Тошкентлик темирчи Шоаҳмад Шамахмудовлар оиласи, 13 болани асраб олган Каттақўргонлик уруш ногирони Ҳамид Самадов, 10 болани ўз бағрига олган Самарқандлик колхозчи аёл Фотима Қосимовалар ҳақида тўлиб-тошиб гапиради. Уруш вақтида ота-онасидан ажраб, етим қолган болаларнинг ўзбек

<sup>11</sup> А. Саъдиев. Ўзбекистон халқлари. тарихини ўқитиши. -Тошкент: Ўқитувчи, 1993. -Б. 137.

оиласида жонажон уйини топганлигини айтиб, Мирмухсиннинг “Қадрдонлар” достонидан, F. Фуломнинг “Сен етим эмассан” шеърларидан парча ўқиб беради.

Урушнинг дастлабки босқичидан бошлаб, республикамизнинг барча фанлар соҳасидаги олимлар-тариҳчилар, шарқшунослар, адабиётшунослар, тилшунослар, иқтисодчилар, файласуфлар ўз олдиларига уруш даври қўйган вазифаларнинг маъсулиятлилиги ва муҳимлигини тушунган ҳолда ижодий куч ғайратларини фашизм мафкурасига қарши курашга, гитлерчиларнинг босқинчилик сиёсатини фош қилишга, халқимизнинг юксак ватанпарварлик туйғуларини тарбиялашга қаратдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. М. Мирзиёев таъкидлаганларидек “Иккинчи жаҳон уруши ҳақиқатан ҳам инсоният тарихидаги энг даҳшатли, энг қонли қирғин бўлган эди. Бу уруш халқимиз бошига қандай оғир аъзоб-уқубат ва талофатлар, беҳисоб қурбонлар келтирганини эл-юртимиз ҳеч қачон унутмайдилар.. Ҳақиқатан ҳам, униб-ўсиб келаётган ёш авлодимиз фашизм балосига қарши курашда жасур аждодларимиз кўрсатган мардлик ва матонатни асло ёдидан чиқармаслиги керак. Бу тарихий ҳақиқатни уларга тўла етказиш, фарзандларимизни миллий ғурур ва ифтихор руҳида, ватанпарварлик руҳида тарбиялашда барча мутасадди ташкилотлар, олимларимиз фаол иштирок этадилар, деб ишонаман”.<sup>11</sup>

Уруш йилларида Ўзбекистондаги ҳар бир оила нафақат маънавий жиҳатдан, балки моддий жиҳатдан ҳам қийин ахволга тушиб қолган эди. Шаҳарларда озиқ-овқатга карточка тизими ташкил этилиб, ишчи ва хизматчиларга кунига 400-500 граммдан, оила аъзоларига 300-400 граммдан нон бериларди. Раҳбар ходимлар эса маҳсус озиқ-овқат билан таъминлаб турилди. Қийинчиликлар жамиятнинг ижтимоий руҳий ҳолатида кескинликни вужудга келтирди. Бироқ фашизм устидан қозонилган ғалабага ишонч асло пасаймади. Булардан ташқари уруш йилларида ўқишига жалб этилмаган мактаб ёшидаги болаларни урушдан кейинги йилларда таълим тизимига тортиш жуда муҳим масала

<sup>11</sup> Шавкат Мирзиёев. Юрт қаҳрамонларининг қадри баланд, хотираси мукаддас. -Тошкент: Ўзбекистон, 2017. 2-жилд, -Б. 318, 322.

бўлиб қолди. Шунингдек уруш йилларида таълим сифати ҳам жуда пасайиб кетган бўлиб, ҳалигача ўтмишдаги қолок услубларда дарслар олиб борилган эди. Бу эса ўқувчиларни ўқишидан бездирап, ўқишни ташлаш ва синфда қолиш ҳолларини кўпайтиrap эди. Масалан, 1945/46 ўқув йилида Ўзбекистон мактабларидаги ўқувчилар сони режадаги 1 млн 10 минг киши ўрнига 82. Зминг кишидан иборат бўлди. Синфда қолган ўқувчилар ҳам кўп бўлиб, 1946 йилда у барча ўқувчиларнинг 37% ни ташкил этарди. Айниқса қиз болаларни мактабга жалб қилиш, уларни ўқишини тутатгунча ушлаб туриш алоҳида муаммо сифатида кўндаланг бўлиб туради. Ўқитувчи ходимлар масаласи ҳам жиддий муаммолардан бири эди. Чунки малакали ўқувчилар асосан урушга юборилган, уларнинг кўпчилиги урушда ҳалок бўлган эди. Хусусан, 1947 йилда республика бўйича 4 минг ўқитувчи етишмасди. Туман ҳалқ маорифи бўйимлари мудирлари, мактаб директорлари муовинларининг 60% дан кўпроғи тегишли маълумотга эга эмасди.<sup>1</sup> Шу тариқа уруш йилларида Ўзбекистонда таълим соҳасида ҳам катта йўқотишлар бошдан кечирилган эди.

Шундай қилиб ўзбек ҳалқининг уруш фронтларидаги жасорати, мамлакат ичкаридаги фидокорона меҳнати иккинчи жаҳон уруши голибона тугалланишининг бевосита таркибий қисми бўлди.

Урушнинг оғир йилларида ўзбек ҳалқининг маънавий маданий-аҳлоқий хусусиятлари, унинг инсонпарварлиги ёрқин на-моён бўлди, яъни биринчи президентимиз И. А. Каримов айтганларидек “Бизнинг ҳалқимиз воқеаларга бой кўп минг йиллик тарихи давомида кўп нарсаларни бошдан кечириди-маданият, илм-фан, ўз давлатчилиги ютуқлари нашидасини сурди, ўзаро низолар, бегоналар асорати аламини тортди, энг яхши ўғил-қизларидан жудо бўлди”. Лекин “тарихнинг ўйини ҳам, омонизжангу-жадаллар ҳам, табиий оғатлар ва очлик ҳам ҳалқимизнинг инсонийлик табиатига доғ тушира олмайди”.<sup>2</sup> Ўша давр сиёсатига қарамасдан, Ўзбекистоннинг иккинчи жа-

<sup>1</sup> Ўзбекистоннинг энг янги тарихи. –Тошкент: Шарқ, 2000. 2-китоб, -Б. 571.

<sup>2</sup> Каримов И. А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. –Тошкент: Ўзбекистон, 1996. 1-жилд, -Б. 77

ҳон уруши йилларида кўрсатган юксак ватанпарварлик намуналари бу халқнинг кўп минг йиллик тарихга ва маънавий, илмий-маданий меъросга эга эканлиги, умуминсоний миллый қадриятларни бир хилда ҳис қилишни кўрсатади.

Хуллас, ўзбек халқининг фашизмга қарши уруш йилларидаги матонатини ифодалаб, Президентимиз Ш. М. Мирзиёев шундай деган эди: “Ҳеч шубҳасиз, бу даҳшатли уруш, бутун инсоният қатори, бизнинг халқимизга ҳам мислсиз кулфат ва йўқотишлар олиб келди. Тарихнинг ана шундай бешафқат ва суронли синовларидан ёруғ юз билан, ҳар томонлама муносиб ўтган халқимизга қанча таъзим қилсан, ҳар қанча тасаннолар айтсан, арзиди, албатта”<sup>1</sup>

50-йилдан эътиборан собиқ Иттифоқ ва республикамиз ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаётининг соғломлаштиришига йўл очилди. Тарих фанини, мактаб тарих таълими мазмунини шахсга сифиниш ва унинг оқибатларидан тозалашга киришилди. Собиқ иттифоқдош республикалар ва ўлкалар тарихини ўрганиш, маҳсус дарслик ва қўлланмалар яратишга киришилди, бу эса тарих таълими мазмунининг бойишига ва тарбиявий йўналишининг кучайишига ёрдам берди, янги дастур ва дарсликлар яратилди. Ўқувчиларнинг ўқув фаолиятини ошириш ва уларнинг мустакил ижодий ишлашида дарсликларнинг роли ортди.

Тарих таълим мининг янги мазмунини мувоффақиятли амалга ошириш ва унинг афзалликларидан тўлиқ фойдаланишга ёрдам берадиган усул ва воситаларни илмий жиҳатдан асослаб бериш кун тартибига кўйилди. Методист (услубчи)лар таълим усул ва воситаларини танлашда ўқитишнинг мақсади, мазмуни ва ўқувчиларнинг ўрганиш фаолиятини асос қилиб олишни таклиф этдилар, илмий тадқиқот ишларининг кўпчилик қисми ҳам шу йўналишда олиб борилди. П. С. Лейбенгруб ўзининг “Ўрта мактабларда тарих дарсларига дидактик талабалар”(М., 1960) номли китобида тарих таълими усуллари таснифига ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ўқув фаолияти хусусиятларини, ўқитувчи

<sup>1</sup> Шавкат Мирзиёев. Буюк аждодларимизнинг муқаддас хотираси ва жасорати олдида бош эгамиз. -Тошкент: Ўзбекистон, 2019. 1-жилд. -Б. 396-397.

раҳбарлигига ўқувчиларнинг тарихий ҳақиқатни билиб олишга ёрдам берадиган воситалар (манбаи)ни асос қилиб олиш<sup>1</sup>ни тавсия қилди ва ўқитиш усулларини қуидаги гурухларга бўлди:

1. Ҳикоя усули. 2. Мактаб маъruzasi. 3. Суҳбат услуби. 4. Кўргазмали услуб. 5. Дарслер билан ишлаш услуби ва бошқалар. П. С. Лейбенгруб ўқитиш услублари ҳақидаги ўз фикрини кейинчалик ривожлантириб, 1968 йилда Киевда украин тилида нашр қилинган “Тарих дарси дидактикаси” номли китобида ўқувчиларнинг билиш фаолиятини ривожлантириш даражаси таълим услублари таснифига асос қилиб олиниши керак, деган фикрни олға сурди.

А. А. Вагиннинг китобларида<sup>2</sup> тарих таълими усуллари нисбатан тўлиқ ва ҳар томонлама чукур тасниф қилинган. А. Вагин тарих таълими усуллари таснифига тарихий воқеаларни билиш манбаларини асос қилиб олди ва уларни қуидаги уч гурухга бўлди:

- 1) оғзаки баён усули;
- 2) кўргазмали таълим усули;
- 3) матн билан ишлаш усули;

Проф П. В. Гора таълим усуллари таснифи хусусида тўхтаб, масалага факат дидактик нуқтаи назаридан эмас, тарих услубий жиҳатдан ҳам ёндашиш, ўқув материалларининг таълим-тарбия вазифаларини ҳамда унинг мазмунидаги ўзига хос хусусиятларини ҳам эътиборга олиш зарурлигини таъкидлади.<sup>3</sup> Унинг 1970 йилда нашр этилган “Тарих ўқитиш методикаси”<sup>4</sup>дастурига ҳам шу принцип асос қилиб олинган. П. В. Гора ўзининг мазкур мақоласида таълим услубларини қуидаги уч турга бўлади:

- 1) Оғзаки ўқитиш услуби; бу услуг ўз навбатида икки турга

---

<sup>1</sup> П. С. Лейбенгруб. Дидактические требования к уроку истории в средней школе. -Москва: 1980, -С. 114-115.

<sup>2</sup> А. А. Вагин. Методика преподавания истории в средней школе. –Москва: Просвещение, 1968. –С. 296-328.

<sup>3</sup>П. В. Гора. К вопросу о системе методов и методических приёмов обучения. Преподавание истории в школе, 1966, №3, -С. 47.

<sup>4</sup> П. В. Гора. Программы педагогических институтов. Методика обучения истории. –Москва: 1970.

бўлинади: а) оғзаки таълим услуби ва б) босма матнлар асосида ўқитиш услуби;

2) кўргазмали таълим услуби;

3) таълимнинг амалий услуби.

Ўқитиш усуллари ва ўқувчилар тафаккури фаолиятининг турли шакллари ўртасидаги ўзаро алоқа, уларнинг бир-бирига кўрсатадиган таъсири асосида бир тизимдаги усулларнинг ўзаро боғлиқлиги юзага келади. Масалар, кўргазмали таълим усули ҳеч қачон ўқитувчининг баёнисиз амалга ошмайди, ўқитувчининг оғзаки таълим усули ҳам доимо кўргазмали воситаларга таянади. Ўқувчиларнинг техника воситалари, турли хилдаги матнлар устидаги амалий фаолияти ҳам таълимнинг кўргазмали ҳамда оғзаки усуллари билан боғлиқ ҳолда олиб борилади.<sup>1</sup> Мазкур усуллар тизими тарихни ҳар томонлама ўқитиш ва ўрганишда ҳам кўлланилади.

П. В. Гора таълим усулларини ҳам уч гурухга бўлади:

1) ўқувчилар хотирасида тарихий фактлар тўғрисида образли тасаввурларни шакллантириш; 2) тарихий фактлар, йилларни мустахкамлаш; 3) аниқ тарихий материални ўзлаштириш ва тарихий материални ўзлаштириш ва тарихий тушунчаларни шакллантириш усуллари<sup>2</sup>. Шунингдек, у кўргазмали услубнинг ролига алоҳида аҳамият бериб, ўзининг шу муаммого бағишлиган китоби<sup>3</sup>да кўргазмалиликнинг усул ва воситаларини икки гурухга ажратади: 1) тарихий фактларнинг ташқи белгиларини кўргазмали асосда ўрганиш ҳамда улар тўғрисида шаклланган тарихий тасаввурларнинг кўргазмали бўлишига ёрдам берадиган усул ва воситалар; 2) тарихий жараённинг моҳиятини чукур кўргазмали асосда ўрганишни таъминлайдиган усул ва воситалар.

Таълимнинг кўргазмали бўлишини таъминлайдиган усул ва воситалар дарснинг мақсади, материалнинг мазмуни ва

<sup>1</sup> А. Саъдиев. Мактабда тарих ўқитиш методикаси. –Тошкент: Ўқитувчи, 1978. –Б. 35-138.

<sup>2</sup> П. В. Гора. К вопросу о системе методов и методических приёмов обучения. // Преподование истории в школе, 1966, №3, -С. 47-52.

<sup>3</sup> П. В. Гора. Методические приёмы в средства наглядного обучения истории в средний школе. –Москва: 1971г.

хусусиятига қараб танланади. П. В. Гора ўқитиш усулларини ҳамда кўргазмали таълимнинг усул ва воситалари таснифига ўқувчиларнинг билишдаги фаоллиги ва мустақиллигини оширишни асос қилиб олади. Тарих ўқитишни ўқитувчининг ўқитиш ва ўқувчиларнинг ўрганиш ёки билиш фаолиятидан иборат бир бутун жараён деб қаралади. П. В. Гора ўқувчиларнинг дарс материалини пухта ўрганиб, билиб олиш фаолиятига ўқитувчининг раҳбарлик қилиш, уларни таълим жараёнининг фаол иштирокчисига айлантиришда кўргазмали таълим методикасининг турли воситаларидан оқилона фойдаланиш, уларга турли вазифаларни бажартиришнинг аҳамияти катта эканлигини исботлаб берди. Ўқувчиларнинг билиш фаолиятини ошириш ва унга ўқитувчининг раҳбарлик қилишини таъминлайдиган вазифалар ва топширикларни шартли равишда уч гурухга бўлди.<sup>1</sup>

1) ўқувчилардаги мавжуд билимларни эсга олиш учун ёрдам берадиган;

2) уларни мазмунан бойитиб ривожлантириш учун ёрдам берадиган;

3) муаммодан иборат топшириклар.

Юқоридагилардан келиб чиқиб таҳлил этиладиган бўлса, табалаларни тарихий услубий фикрлар, шу жумладан таълим усуллари хақидаги фикрлар тараққиёти билан таништириш уларни тарих, хусусан Ўзбекистон халқлари тарихини ўқитишнинг назарий асослари билан куроллантиришда муҳим аҳамиятга эгадир.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан кейин тарихни ўқитишга бўлган талаб янада ортди. Тарихчи олимларимиз, методистларимиз томонидан ўқитишнинг замонавий усулларини кўрсатиб бера оладиган китоблар яратилди. Жумладан, доцентлар Т. Тошпўлатов, Я. Х.Faффоровлар томонидан яратилган “Тарих ўқитиш методикаси”, ҳамда доц Faффоров Я. Х. томонидан яратилган “Тарих ўқитиш методикаси” китобларида<sup>2</sup> тарих ўқитиш методикаси самарадорлигини ошириш

<sup>1</sup> П. В. Гора. Методические приёмы и средства наглядного обучения истории в средней школе. –Москва: 1971, -С. 50-51.

<sup>2</sup> Т. Тошпўлатов, Я. Faффоров. Тарих ўқитиш методикаси. –Тошкент: ТУРОН-ИҚБОЛ, 2010. Я. Х. Faффоров. Тарих ўқитиш методикаси. –Тошкент: ТУРОН-ИҚБОЛ, 2020.

муаммолари амалий жихатдан умумлаштирилган ва Ўзбекистон Республикасининг илфор мактаблари ҳамда олий ўкув юртлари тарих ўқитувчилари иш тажрибаларида синааб кўрилган экспериментал, илмий-методик ва педагогик иш тажрибалари таҳлил этилган.

Ушбу дарсликларда тарих дарслари ва унга бўлган замонавий талаблар, тарих дарслари самарадорлигини ошириш йўллари, таълим-тарбия тизимида тарихни ўрганишга интеграцион ёндашиб ҳамда тарих таълимида янги педагогик технологиялардан фойдаланиш каби масалалар алоҳида ўрин эгаллаган.

Бугунги кунда мамлакатимизнинг бозор иқтисодига ўтиши муносабати билан ўқувчиларни ўқишга қизиқишлиари борасида турлича ёндошиш, қизиқишиларини бир хил эмасликлари яққол кўзга ташланмоқда. Уларни ўраб турган, ижтимоий мухит ёшларимиз дунёқарашларида ўз тамғаларини қолдирмоқда. Бундай шароитда тарих ўқитувчисининг вазифаси синфда мавжуд бўлган барча ўқувчилар ёшлар диккат-эътиборларини уларга нисбатан дифференциация усулини қўллаб, бир вақтда уларнинг ҳаммалари учун мақбул бўлган тарихий материални баён қилиш билан, иккинчи томондан ҳар бир ўқувчининг қизиқишиларини ҳисобга олган холда, унга алоҳида ёндошмоққа ҳаракат қилмоғи керак.

Дарс жараёнида ўқувчилар фаолиятларига дифференциал ёндошиш қандай назорат этилса, уларни уй вазифаларини бажаришиларини назорат этиш ҳам ўша тамойил асосида амалга ошириб борилмоғи керак.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, тарих дарсининг мазмуни мустақил Ўзбекистон Республикасининг ёшлар орасида олиб бориладиган мағкуравий ишлар вазифаларига мос келиши, тарих ўрганишнинг турмуш билан алоқасини боғланганлигига, Ўзбекистон келажаги буюк давлат бўлишини назарий ва амалий ишлар билан боғлаб олиб боришга йўналтирилган бўлмоғи керак.

Тарих дарслари ўқувчи ёшларда шундай қатъий тушунчани мустаҳкам шакллантиримоғи керакки, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши XV сессиясида алоҳида кайд этилганидек «*Келажак ўз-ўзидан келмайди. У бугунги машаққатли меҳнат*

*билан яратылади. Бугун яратған нарсамиз келажакка ҳам үтади. Агар бугун шошилиб ниманидир унұтсак, келажак авлодлар үша нарсадан маҳрум бўладилар. Жамият маданиятсиз, маънавий-аҳлоқий қадриятларсиз яшай олмайди. Уларни писанд қўлмаган жамият тираворд-оқибатда таназзулга юз тутади», деган концепция билан йўғрилган бўлмоғи керак.*

Тарих дарслари самарадорлигини ошириб бориш учун ўқитувчи тарих фанининг ривожланиб боришини системали равишда кузатиб бормоғи керак. Айниқса, Олий ва ўрта маҳсус таълим тизимида сабоқ олаётган ёшларни тарихдан чоп этилаётган янги асарлар мазмуни билан танишириб боришлари ҳамда уларнинг тарихни ўрганишга бўлган қизиқишларини янада оширишлари лозим.

### **3. Тарих дарсларининг илмий-методик ва дидактик талаблари**

Методика фанида дарс хусусида гап борар экан, биринчи галда у ёки бу мавзуни ўрганишнинг мотивацияси нимадан иборат, деган табиий талабга аниқ, илмий-методик жавоб бериш талаб этилади. Чунки, дарс педагогик жарабённинг энг масъулиятли асоси бўлганлиги боис мазкур дарсда ўрганиладиган мавзунинг таълимий-тарбиявий жиҳатдан маълум тушунча ва қонун-қоидаларни мустаҳкам ўзлаштириб олиш учун зарурати ва уларнинг кундалик амалиётдаги ҳаётйлиги биринчи галда ўқитувчининг ўзи учун ҳар томонлама аниқ ва равшан бўлиши, қолаверса дарснинг мотивацияси ҳар бир талаба онгига энг самарали методлар воситасида сингдирилиш ва имкон қадар уларнинг кундалик амалий фаолиятларида қўлланилишига ўсиб ўтишига йўлланма бўлмоғи керак.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, мамлакатимизнинг миллий мустақилликка эришганлиги муносабати билан «**Таълим тўғрисида**» ва «**Кадрлар тайёрлаш Миллий Дастури**» талабларини ҳаётга татбиқ этиш йўлида таълим тизимларини такомиллаштириш, талаба-ёшларимиз онгига миллий истиқлолғоясини шакллантириш, уларни миллий жиҳатдан ўзлигини

англашлари хусусида ҳам бирмунча ишлар амалга оширилди. Хукуматимиз томонидан таълимнинг том маънодаги янги турлари, собиқ шўролар давридаги умумтаълим мактабларининг 8-синфларини зўрга «тамомлаган», аслида паст баҳоларга ўқийдиган болаларни зўрлаб ўқитадиган ГПТУ ва СПТУлардан ўлароқ фарқ этадиган, маҳсус соҳаларга ихтисослашган академик лицейлар, ЎМКҲ таълими тизими вужудга келди.

**«Ўзбекистонда касб-хунар таълими ислохотига кўмак»** таъсис лойиҳаси фаолият кўрсатмоқда. 2001 йилга келганда мана шу охиригина ташкилот педагогика фанлари номзоди Л. В. Голишнинг таълимни фаол усусларига бағишлиланган қатор экспресс қўлланмаларини эълон қилди. қўлланмага «Ўзбекистонда касб-хунар таълими ислохотига кўмак» ТАЪСИС лойиҳаси раҳбари Герман Сонневелднинг кириш сўзи ёзган.

Яратилган бу қўлланмаларни ўқиб чиқкан ҳар бир педагог Ўзбекистонимизда мустақиллик шарофати билан ўзбек тилига давлат мақоми берилганлигига қарамасдан, ўқитувчининг бoshини Л. Голиш ва Герман Сонневелдалар томонидан мутлоқ ўринсиз қўлланилган хорижий атамалар мажмулари: «перцептив», «репродуктив», «алгоритм», «инсерт», «пинборт», «эмпатия» каби хорижий тиллардан олинган алмисоқий сўз ўйинларидан иборат бўлган иборалар моҳиятини, аникрофи лугавий маъносини 2 варақ ҳажмида тушунтиришдан иборат бўлган «Экспресс-қўлланма»да юқорида қайд этганимиздек, мавзунинг «мотивация»си умуман очиб берилмаганлиги албатта муаллифларнинг «дарс», «дарснинг турлари», «методика» ва ниҳоят «дидактика» тушунчаларидан накадар йироқликларини яққол ифодалаган. Боз устига-устак Республикамиздаги кўплаб иқтидорли халқ ўқитувчилари, халқ таълими аълочиларига дарс бериш усулини, уларнинг фикрларича энг самарали усулини «меъёр» сифатида Ўзбекистон халқлари тарихи, жаҳон тарихи ва миллий гоя ва мафкура фанларини қандай ўрганишига, дарснинг қандай турида, қандай фойдаланиш жараёнида эмас, дарснинг тури умуман номаълум бўлган, «СОРОС-Ўзбекистон» фондининг очиқ жамият институти материалларига мослаштирилган, ўқитувчи Г. А. Зеленская томонидан тайёрланган «Денгиз тошбақалари» ўкув машгулоти,

бу машғулотни «самарали» ўтказиш учун Кит Г. Хей исмли муаллифнинг «Денгиз тошбақалари» номли нашри, иили, қаерда чоп этилгани, умуман, антиқа китобдан фойдаланиш лозимлиги уқтирилади. Аслида, Ўзбекистонда ўз фаолиятини мутлок бесамар якунлаган 1946 йилда АҚШнинг собиқ президенти Рузвельт «Франклин» Депананинг (30. 1. 1882; Хайд Парк штат Нью Йорк-12. 4. 1945 Уорм Спринге штат Джорджия) хотини Элеонора томонидан асос солинган «СОРОС фонди»ни тарғиб этишга бағишланган бу «экспресс-қўлланма» Республикаизда таълимнинг миллий характеристири ва иммунитетимизни поймол этиб тарғиб этилган, мантиқий узвийликни амалга ошира олмаган, беҳуда бир нарса бўлиб қолган.

Замонавий дарсга бўлган илмий-методик ва дидактик талаби хусусида баҳоли қудрат, муфассалроқ тўхтаб ўтиш лозим кўринади. Бу борада Ўзбекистонимизда ҳам қатор машҳур педагог олимларимизнинг буғунги кунимиз учун ҳам фойдадан ҳоли бўлмаган ажойиб концепциян фикр-мулоҳазалари мавжуд. Бу борада атоқли олим, академик Т. Н. Қори-Ниёзийнинг қуидаги фикрларини келтирадиган бўлсак, аллома «*Таълимтарбия жараённіда кузатилган мақсад талабаларга у ёки бу фандан «қанча» билим беришдан иборат бўлиб қолмасдан, балки шу билимларни қандай мақсадда, қайси метод ва воситалар ёрдамида уларнинг кундалик амалий фаолиятларида бевосита қўллай билишларини фаол шакллантириб боришдан иборат бўлмоғи даркор*», деган фикрлари ўз даврида Республикаизда ҳалқ таълими тизимининг барча бўғинларида кенг қўлланилиб, ҳалқ таълими соҳаларида маданий инқиlobнинг содир бўлишида алоҳида аҳамият касб этган эди.

Таълим-тарбиянинг энг муқаддас бўғини - дарс хусусида фикр юритадиган бўлсак, ДАРС - педагогик жараённинг маълум даражадаги кўпми-озми «хўжайраси» ҳисобланиб, унда бир томчи сувда күёш акс этганидек, педагогик жараённинг ҳаммаси бўлмаса-да, маълум қисми концентрациялашади, яъни ўз ифодасини топади. Табиийки, бир маърузада дарснинг ҳамма соҳаларини, яъни педагогиканинг барча талабларини қамраб олиш мумкин эмас. Шунинг учун ҳам биз дарс жараённіда дарснинг энг муҳим, биринчи даражали томонларини аниқлаб олмоғимиз

керак. Гап шундаки, Республика миз халқ таълимни тизими нинг бугунги кунимиздаги энг долзарб масаласи - бутун педагоглар ҳамкорлигидаги ҳар бир дарснинг педагогик самара дорлигини илмий-назарий, методик ва дидактик жиҳатдан комплекс ишлаб чиқишига қаратилган бўлмоғи керак. Чунки, ҳудди шу дарс жараёнида таълим-тарбиянинг энг мураккаб муаммоси-инсон шахсининг камол топтириш ва жамият тараққиётидаги инсон омилиниң шакллантириш каби долзарб масаланинг илмий-методик жиҳатдан самарали ечиш масаласи туради.

Кўп ҳолларда дарсларни сифати бизнинг педагогик маҳоратларимиз маҳсулотлари сифатига ҳам боғлиқ бўлиб, бизнинг тарбияланувчиларимизнинг маълумотли бўлишлари, ривожлашишлари ва тарбияларининг юқори даражада бўлишларига бевосита таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳам биз дарс тузилишини такомиллаштириб бориш билан бирга, бизнинг таълим-тарбия деб аталган маҳсулотларимизни педагогик технологиясини такомиллаштиришга, шу билан бирга бизнинг «маҳсулотимиз» сифат даражасининг яхшиланишини таъминлаши керак.

Ўтган асримизнинг 50-60-70 йилларида Бутун Иттифоқ ёки республика миқёсида турли фанларни ўқитишдан туман, вилоят, республика ва ҳатто Умумиттифоқ миқёсида ўтказиладиган илмий-назарий ва методик мавзуларга бағишланган конференцияларда ўёки бу фанни ўқитишда «*предметлараро алоқа бозлаши*» мавзуси албатта киритилар ва мазкур муаммони амалиётда кўллаш албатта дарс ва дарсдан, синфдан, ҳатто мактабдан ташқари машғулотлар давомида табиийки, маълум ижобий натижаларни берар эди.

Янги педагогик технология деб айтилаётган бугунги кунимизда, аниқроғи 2005-2006 ўкув йили жараёнида Республика мизда ўқитувчи педагогларни қайта тайёрлаш курсларида «Тарих ўқитишда инновация» «адабиёт ўқитишда инновация» ва бошқа фанни ўқитишга интеграцион ёндашув иборалари жуда кўп ишлатилди, ҳозир ҳам ишлатилмоқда.

2004 йилда Москвада «Гуманитарный издательский центр ВЛАДОС» олий ўкув юртлари учун дарсликлар сериясини нашр этди. Мазкур дарслик муаллифи М. Т. Студеникин ўз

дарслигининг хусусияти тўғрисида гапириб, шундай ёзади: «Тарих ўрганишда инновация. Билимнинг кодлаштириш фояси» (195-бет) деган мавзусида шундай ёзади: «Сўнгги йилларда таълимда янги методларни кашф этилиши ва таълим-тарбия жараёнига тадбиқ этилиши «Инновация» деб аталиб, ўшандай янги методларни кашф этган муаллифларни новатар ўқитувчи – яъни, янгилик кашф этган ўқитувчи деб айтлади». Бироқ, таълим тарбияда у ёки бу методни қайси ном билан атаманг у ўзининг реал педагогик ҳаётда тутган ўрни ва самарадорлигини фақат амалиётда таълим ва тарбия назарияси ва амалиёти тараққиётидагини ўз изини қолдиради.

Жумладан, 1980 йилларда Донецклик ўқитувчи Виктор Фёдорович Шаталовнинг «Таянч сигналлар» деб аталмиш методини кенг тарғиб этди. (В. Ф. Шаталов. «Эксперимент продолжается». Москва, «Педагогика», 1989). Дарҳақиқат, китобда «таянч сигналлар» номини олган, ўзининг оригинал ҳарфларнинг жойлашганлиги билан талаба тасаввурнида ғайри-табиий тасаввур қолдирадиган шаклдаги сўзини йирик ҳарфлар билан алоҳида белги билан ёзилиши ва бундайин таянчлар, белгиларни талабани тарихий воқеани аниқ тасаввур этиши ва абадиятда хотирасида сақланиб қолганлигини мисол келтириб, Шаталов шундай ёзади: «Чет тилларни ўрганиши жараёнида, талabalар кўпинча қоғоз варакларига янги сўзларни ёзиб оладилар-да, уларга институтга кетаётганларида йўлда, танаффус вақтларида ва ҳатто маърузалар давомида, ниҳоят, ҳар бир имконият бўлган бўши вақтларида қараб, синчиклаб ўрганиб борадилар». Кузатишимиш шуни кўрсатдики, айрим истеъодли талabalар томонидан қўлланилаётган бундай усуслар янги исм-фамилиялар, сўзлар, саналар ва атамаларни эслаб қолишиларида катта ижобий натижалар берганлар. Масалан, талаба дўстлари ва ўқитувчиларининг сўзларига қараганда В. Усыскин деган талаба методдан рационал фойдаланиб, тил ўрганишда катта ютуқларга эришган. Шунинг учун биз-деб ёзади Шаталов бу методни бетўхтов-тўхтамасдан юкори ижобий натижаларга эришганлиги учун Усыскин методи деб айтамиз. Каҳрамонимизга тақлид қилмоқ, унинг ажойиб методини қўллаш ҳар бир талаба учун ўrnak бўлиб бормоқда. Биз айрим

сўзлар ва барқарор сўз бирикмаларини Усыскин методи билан ўрганар эканмиз, талабалар онгига ўрганилаётган сўз, воқеа ва ҳодисаларни келтириб чиқараётган сабаб ва оқибатларини ҳам аниқ кодлаштиришда улкан муваффакиятларга эришдик.

Масалан, оддий босма ҳарф билан ёзилган Шуйский фамилияси ҳарфларининг мана бундай ностандарт шаклда ёзилиши Шуйскийнинг давлат арбоби сифатидаги сиёсий иккюзламачилигини ва охир-оқибатда унинг ўзи жабрдийда бўлиб қолганлигини кўрамиз. Худди ана шундай икки ҳарф Ш ва Т нинг ҳолатида баён этилганлиги ҳам Россия нинг денгизга чиқадиган йўлини, умуман, коммуникациянинг ёмон ахволда бўлганлиги сабабли, Россия шимол томондан ва жануб томондан ўз даврининг икки қудратли давлатлари - Швеция ва Туркия томонидан оғир ижтимоий-иктисодий ахволни ва халқаро майдонда қатор ноқулай сиёсий ҳолатларни бошидан кечиришга мажбур этиб келаётганликларини чуқур англашда Усыскин томонидан яратилган код бенихоят катта аҳамият касб этди ва бугунги кунда «Усыскин методи» деб аталмоқда. Дарҳақиқат, давр Россиянинг ижтимоий-иктисодий ва сиёсий ахволидан келиб чиқиб кодни Пётр биринчи томонидан амалга оширган ички ва ташқи сиёсат мотивацияси ва унинг ижросини талабалар томонидан тўғри қабул қилишларига олиб келинмоқда. Мана бундай ҳоллар ҳар бир педагогни имкон қадар ҳар бир талабага индивидуал ёндошиб, унинг ўқиётган лицейи ёки коллежида фанлардан дастур талаби даражасида ўзлаштиришларини аниқ назорат қилиб ўқув юрти йўналишига қанчалик тайёр ёки тайёр эмаслигини аниқлаб олмоғи керак. Табиийки, бу жараён кўпроқ фанлардан ўтказиладиган дастлабки оралиқ назоратларида намоён бўлади. Ҳаётий тажрибадан келиб чиқиб, шу аччиқ ҳақиқатни тан олишимиз керакки, кўп ҳолларда бизнинг республикамиз шароитида академик лицей ёки коллежларга ўзининг асл туғма қизиқиши билан қабул қилиниб, кейин натижада ўқиётган билим юртининг асосий йўналишдаги фан асосларидан улгурмаган, ёки академик лицейлар устави талабига биноан сабабсиз 30 соат ва ундан ортиқ дарс қолдирган ҳамда фан асосларидан улгурмаган ўқувчилар, ўқувчилар сафидан деярли четлаштирилмайди. Уларга бир амаллаб «уч» баҳони

қўйиб, ўқув юртини тамомлади, деган дипломни бериб, гўёшу талабага инсонпарварлик юзасидан туриб «мутахассислик» дипломни олишга ёрдам берган бўламиз. Аслидачи? Унинг уч йиллик умрини бесамар ўтишига «ғамхўр» педагоглар томонидан у талабани ҳар томонлама ўрганмаганлигимиз, гурух раҳбарининг аксарият ҳолда ўзининг «куратор» деб аталмиш муқаддас бурчини ҳар бир талабага нисбатан индивидуал ҳолда комплекс ўрганиб, унинг умуман билим заҳирасидаги «очилмаган қўрик» соҳаларини умуман илмий-педагогик ва психологияк жиҳатдан очиб беришда ўз функциямизни бошқара олмаётирмиз.

Усыскин методикасида таълимни мустаҳкам эгаллашда кадрларнинг роли қанчалик ижобий натижалар бераётган бўлсалар айниқса ижтимоий фанларни ўқитишда таянч сигналларнинг «сабаб», «моҳият», «қонуният» ва тарихий саналарнинг роли ҳам ана шундай катта амалий аҳамият касб этади.

Бироқ, афсус-надоматлар билан айтишимиз мумкинки, сўнгги йилларда умумтаълим мактаблари учун яратилган, ҳеч қандай илмий-методик экспериментдан ўтмасдан туриб, бирданига «дарслик» мақомига давогарлик қилаётган давлатимизнинг қанчадан-қанча маблағи ҳисобига яратилган «дарслик»лар тарихимиз таълимида кўпгина энг долзароб масалалар очиб кўрсатишда ноҷорлик қилмоқдалар. Аникроғи, тарих фанидан яратилган «Давлат таълим стандартти» талабларини қондира олмаётирлар. Жумладан, мустақиллик даврида эришилган дастлабки ютуқлар хақидаги маълумотлар шўролар давридаги «ўсишлар билан солиштириб берилмаётганидек жаҳон тарихида Ўзбекистон тарихининг тутган ўзига хос ўрнини курслараро бўлган аниқ ва равshan ифодаларини кўрсата олмагандирлар. Бошқача қилиб айтганда тарих курсларини ўргатишга интеграцион ёндошув муаммоси ҳамон ўз ечимини тополмасдан келмоқда. Шунингдек, айрим муаллифлар ёзаётган дарсликларни қайси синф ўқувчилари учун ёзаётганларида уларнинг ёшлари, қабул килиш имкониятлари ва психологик холатларини умуман ҳисобга олмаётирлар.

Дарс жараёнида янги педагогик технология хусусида гап борар экан, бунда бутун аудиториядаги талабаларни столларни

4 донадан бир жойга йиғиб, талабаларни унинг атрофида гүё алоҳида-алоҳида тўплаб дарс жараёнида қуйилган қандайдир «муаммони» кенг мухокама қилган бўлиб, мустақил фикр-мулоҳаза юритишга кенг шароит яратиб қўйилгандек сунъий манзарани ташкил этишдан кўра тарих фанидан яратилган бугунги аксарият дарслердада тарихий воқеа содир бўлган манзил ёки тарихий манзара, унинг макони ва замони ниҳоятда қашшоқларча акс этилганлигини ҳисобга олиб, оддий кадоскоп аппаратидан мақсаддага мувоғиқ фойдаланиш давр талаби бўлиб келмоқда.

Миллий мустақилликка эришганимиздан кейин ҳукуматимиз томонидан таълим ривожи учун қилинаётган ғамхўрлик, унинг сабаб-моҳияти ҳар бир дарс, ҳар бир дарслерда ўз ифодасини топиб, талабаларимизда мустақиллигимизнинг ҳар бир жабхада, жумладан ҳалқ таълими ривожида бераётган натижаларини ўз кўзлари билан кўриб ўтмиш билан тоққослаштирганда «зар қадрини заргар билиши» мумкин-ку. Акс ҳолда талаба мамлакатимизда содир бўлаётган *ижтимоий*, *иқтисодий*, *сиёсий* ва ниҳоят *маърифий* янгиликлар қадрини билмаслиги мумкин. **Мана бир мисол.** 1984 йилда Москвада (ВДНХ) ССРХ Ҳалқ хўжалигининг бутун иттифоқ ютуқларида Ўзбекистон Республикаимизда Олий ва ўрта маҳсус ҳалқ таълими соҳасида кўлга киритилган ютуқлари хусусида ЎзССР Олий ва ўрта маҳсус ҳалқ таълими Вазирининг ўринбосари М. С. Султоновнинг Ўзбекистонда 60 йил давомида ўрта маҳсус таълимнинг бекиёс тараққий этганлигини ғурур билан : «Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта таълим вазирлиги ихтиёридаги техникумлар учун 1971-1984 йиллар мобайнида 8 ўқув корпуси, 56 ётокхона, 7 спорт залларини қуриб берилди» деб, Ўзбекистонда ҳалқ таълими ривожида шўролар хокимиияти катта маблағларни мутлоқ аямаётганлиги улкан ифтихор билан ифода этган эди. Хўш, мустақиллик даврида ҳалқимизнинг бу соҳадаги ютуғи қандай бўлди?

Бугунги замонавий дарс ҳар бир ўқитувчининг дарслик материалини муфассал таҳлил этиб бориши билан барча оммавий ахборот воситалари ва Интернет ахборотларини син-чиклаб ўрганиб бориб, уларга интеграцион ёндошиб, дарс

жараёнида зарур ахборотларни түғри таҳлил этиб, талабалар онгига етказмоғи лозим.

Хозирги пайтда замонавий дарс тушунчаси тез-тез тилга олинмоқда. Замонавий дарс деганда-ўқитувчи ўқувчининг мавжуд имкониятларидан усталик билан фойдаланиб, унинг ақлий салоҳиятини ишга солиб, ривожланишини таъминлайди. Ўқувчи эса ўз навбатида, билимларни чуқур ўзлаштиради ва қўнимасига айлантириб, маънавий баркамоллик сари одимлайди. Замонавий дарс мезонлари қўйидагилардан иборат:

-дарс ўқувчи ва талаба шахсига йўналтирилган бўлиб, ўқитувчи ва талабанинг ўзаро фаол муносабатларига асосланади;

-дарс жараёни табақалаштириш ва ўқувчи талабаларнинг шаҳсий қобилиятларига ёндашув асосида амалга оширилади;

-дарс ўқувчи талабаларнинг юқори даражадаги қизиқиши, ақлий фаоллиги ва муваффакиятга эришувига қаратилади;

-дарс педагогиканинг барча турдаги методологик асосларидан келиб чиқиб амалга оширилади;

-дарсда бериладиган билим мазмунига кўра, турли педагогик усул ва услублардан фойдаланилади;

-дарсда назария ва амалиёт ўзаро боғлиқликда талқин этилади;

-дарс сифат ва самарадорлигини таъмин этувчи назорат турларидан фойдаланилади;

-дарсда вактдан унумли ва мақсадли фойдаланилади;

Дарсни замонавий тарзда ташкил қилиш учун қўйидаги меъёрий ҳужжатлар таҳт бўлиши шарт.

Дарсни бошлашдан аввал, биринчидан, ўқитувчи ва педагог қўлида ўз фанидан, мутахассислар томонидан тузилган ҳамда мутасадди вазирликлар тасдиғидан ўтган намунавий ўқув дастур бўлиши керак. Иккинчидан, шу дастурдан келиб чиқсан ҳолда ҳамда ўқув муассасасининг йўналиши, моддий техника базаси ва ўқитувчининг шаҳсий имкониятларидан келиб чиқиб, ишчи ўқув дастури тузилган бўлиши шарт. Учинчидан, мазкур фанни ўтиш берилган соатлар ва тузилган ўқув жадвалидан келиб чиқиб, тақвимий ўқув режа тузилган бўлиши керак. Тўртинчидан, ушбу ўқув фанидан ўтилаётган ҳар бир дарс учун кўчирма ёки маърузалар матни ёки педагогик технология асосида дарснинг лойиҳаси тузиб чиқилган бўлиши лозим. Шулар қаторида, ҳар

бир дарснинг ишланмаси ва технологик ҳаритаси бўлиши керак. Педтехнология асосида дарснинг лойиҳаси тузилган бўлса, технологик ҳарита талаб қилинмайди. Чунки у лойиҳанинг ичига киритилган бўлади, Айтилган меъёрий хужжатларга яна кўргазмали қуроллар, тарқатма материаллар ва бошқа бир қатор дидактик материаллар талаб қилинади. Шунингдек, талабаларнинг мустақил иш мавзулари, маслаҳат ва қолдирилган дарсларни қайта топшириш жадвали, баҳолаш мезонлари ва тест саволлари жамуљам бўлиши шарт. Булар болаларга билим бериш мақсадида дарсга кириш учун зарур бўлган меъёрий хужжатлар. Шуларга қўшимча килиб, ўтиладиган фан бўйича энг охири дарслик ва бир қатор методик қўлланмаларни ҳам тайёрлаб қўйилган бўлиши мақсадга мувофиқдир. Методик қўлланмаларга; мазкур фанни ўқитиш методикаси, шу фанда амалий машғулотларни олиб бориш методикаси, курс ишларини бажариш методикаси ва бошқалар бўлиши мумкин<sup>1</sup>

Яна шуни алоҳида қайд этишимиз лозимки, умумтаълим мактаби ўқув режаларида қатор маҳсус курсларни ўргатиш учун анчагина дарс соатлари ажратилган.

#### **4. Ноанъанавий ва муаммоли дарсларни тарих таълимидағи аҳамияти**

Замонавий дарсга бўлган талабалар хусусида гап борар экан албатта ноанъанавий дарс ва муаммоли дарсларни тарих таълимидағи аҳамияти каттадир.

Ўқитишининг ноанъанавий методлари-келгуси мавзуларда ўқитишининг (ўрганишнинг) ноанъанавий метод устида батафсил тўхтalamиз. Бу моделларни шартли равишда З га ажратиш мумкин.

- ҳамкорликда ўрганиш ;
- моделлаштириш;
- ўрганишнинг тадқиқоти;

---

<sup>1</sup> Б. Зиёмуҳамедов. Педагогик маҳорат асослари. -Тошкент: Тиб-Китоб, 2009. -Б. 138-139.

Бу моделлар асосан ўқувчи шахсига қаратилган бўлиб, уларни бошқача қилиб марказда ўқувчи турган таълим моделлари деб ҳам аташади.

Моделлаштириш – реал хаётда ва жамиятда юз бераётган ходиса ва жараёнларни ихчамлаштирилган ва соддалаштирилган кўринишини (моделини) синфхонада яратиш ва уларда ўқитувчиларни шахсан қатнашиши ва фаолият эвазига таълим олишини кўзда тутувчи метод.



Ўрганишнинг тадқиқот– ўқувчиларни муайян муаммони ечишга йўналтирилган, мустақил тадқиқот олиб боришини кўзда тутувчи метод.

Анъянавий (таълим жараёни марказида ўқитувчи бўлган) ўқитиши методларининг афзалликлари

- Маълум қўнималарга эга бўлган ва аниқ маълум тушунчаларни, фанни ўрганишда фойдали.
- Ўқитувчи томонидан ўқитиши жараёнини ва ўқитиши мухитини юқори даражада назорат қилиниши.

- Вақтдан унумли фойдаланиш.

- Аниқ илмий билимларга таянади.

Ноанъянавий (таълим жараёни марказида ўқувчи бўлган) ўқитиши методларининг афзалликлари

- Ўқитиши мазмунини яхши ўзлаштиришга олиб келиш.

- Ўз вақтида алоқаларнинг таъминланиши.

• Тушунчаларни амалиётда қўллаш учун шароитлар яратилиши.

- Ўқитиши усулларининг турли хил кўринишлари таклиф этилиши.

- Мотивациянинг юқори даражада бўлиши.
- Ўтилган материалнинг яхши эслаб қолиниши.
- Ўз-ўзини баҳолашнинг ўсиши.
- Ўқувчиларнинг предметнинг мазмунига ўқитиш жараёнига бўлган ижобий муносабати.
- Мустақил фикрлай оладиган ўқувчининг шаклланишига ёрдам бериши.
- Нафақат мазмунини ўзлаштиришга ёрдам бермай, балки танқидий ва мантиқий фикрлашни ҳам ривожлантириш.
- Муаммолар ечиш кўникмаларининг шаклланиши.

Ҳамкорликда ўрганиш метод – ўқувчиларнинг мустақил гурухларда ишлаши эвазига таълим олишини кўзда тутадиган метод.

Ўрганишнинг тадқиқот метод – ўқувчиларни муайян муаммони ечишга йўналтирилган, мустақил тадқиқот олиб боришини кўзда тутувчи метод.

Муаммоли таълим хақида фикр юритганимизда, бу таълим ўзи нима?

Унинг қандай назарий асослари бор? У анъанавий таълимдан нима билан фарқ қиласди? Муаммоли таълимнинг мақсади нима? Муаммоли таълимни ўқитувчи қандай амалга оширади?-деган саволларга дуч келамиз.

Муаммоли таълим бу-ўқувчига бериладиган билимнинг қайси қисмини, қандай йўл билан бериш муаммосини самарали ҳал қилишга қаратилган ўқитувчи фаолиятидир. Муаммоли таълим дарсда бир вақтнинг ўзида ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ҳамкорликдаги ҳаракати бўлиб, у ўқувчи шахсидаги муҳим белги-ижодий фикрлаш қобилиятини ривожлантиради. Н. Г. Дайри айтганидек, дарсда ўрганиладиган мазмуннинг мураккаб қисмини ўзлаштиришда ўқитувчининг фаолияти қандай бўлса, тингловчи фаолиятини ҳам шу даражага етказиш муаммоли таълимнинг асосий мақсадидир.

Муаммоли таълим- ўқувчиларнинг эркин фикрлашларига, ўзининг фикрини эркин баён қила олишларига ва фикрларини янада ривожлантиришларига таъсир этиш. Бунда ўқувчи дикқат билан тинглаши, мустақил ва ёлғиз фикрлаши, жамоа бўлиб фикрлаши, таҳлил қилиши, кўпчилик бўлиб муҳокама қилиши

ва тўпланган фикрни баён қила олиши керак.

Агар ўқитувчи янги мавзуни таъсирли баён қилиб, кўргазмалардан унумли фойдаланса, баён ниҳоясида айрим ўқувчилар билан иш олиб борса, ўқув жараёни самарали бўлди ёки фаол бўлди, деб хисоблаш мумкин. Аммо бу таълим усули анъанавий таълим беришдир.

Муаммоли таълим ўқитувчидан аниқ ҳаракат қилишни, дарснинг ҳар бир минутини ҳисобга олишни, ушбу вақтда керакли самара ҳосил бўлиши учун ўзининг барча имкониятиларини ва маҳоратини ишга солишни талаб этади. Бу масалани ҳал этишнинг муҳим шарти ўқитувчининг бўлажак ўқув машғулотига тайёргарлигидир.

Тайёргарлик жараёнида муаммоли таълимнинг барча кўришиларини ҳисобга олиш ва уни услубини ишлаб чиқиш зарур. Муаммоли таълимга тайёргарлик кўришда ўқитувчилар қатор қийинчиликларга дуч келадилар. Ана шундай қийинчиликлардан бири дарсни муаммоли ташкил қилиш ва муаммони ўрганиш усулини танлашдадир. Чунки танланган усул факат ўқув материалини ўзлаштиришни таъминлабгина қолмай, балки ўқувчилар фаолиятида мустакилликни ҳам таъминлаши зарур.

Иккинчи қийинчилик эса муаммоли таълимни кўринишини аниқлашда юзага келади, яъни ўқитувчи муаммони ечишга синфдаги барча ўқувчиларни жалб қиласадими ёки вазифани айрим гурух ўқувчиларига бажартирадими? Бу қийинчилик ўқитувчидан муаммоли вазият ва муаммонинг баёни ҳақидаги тасаввурларнинг этишмаслигидан келиб чиқади.

Учинчи қийинчилик эса дарсда ўқувчиларни қизиқишини уйфотиш ва уни узлуксиз ривожлантириб боришида кўринади. Чунки ўқувчилар диққатини бир нуктага мунтазам тўплашга ўқитувчининг тажрибаси ва маҳорати етмаслиги мумкин<sup>11</sup>.

Муаммоли таълим ҳақидаги тўпланган маълумотларга асосланиб, шуни таъкидлаш лозимки, бу таълим тури илмий-услубий жиҳатдан З кўринишига эга.

Муаммоли вазиятни вужудга келтириш.

<sup>11</sup> Бабанский Ю. К. Ҳозирги замон умумий таълим мактабларида ўқитиш методлари. -Тошкент: Ўқитувчи, 1990. -Б. 152-153.

Муаммонинг қўйилиши.

Муаммонинг ечимини топиш.

Муаммоли вазиятни ўкув машғулотларининг барчасида шакллантириш мумкин. Уни дарс жараёнида қанча кўп шакллантириш ўқитувчига боғлиқ.

Муаммоли вазиятнинг аҳамияти шундаки, у тингловчилар диққатини бир жойга (муаммога) қаратади ва тингловчиларнинг изланишига, фикрлашга ўргатади.

Муаммоли таълимнинг муваффақияти қуйидаги омилларга боғлиқ:

Муаммоли вазиятларни вужудга келтириш, ўкувчининг муаммони ҳал этиш, мураккаб саволларга жавоб топиш жараёнида алоҳида объект, ҳодиса ва қонунларни таҳлил килиш ва билимга асосланган фаол билиш фаолиятини тақозо этади.

Биз гарчи ҳар бир фани ўқитишга интеграцион ёндашув хусусида кўп маслаҳатлар, таклифлар киритсак-да, уларни дарс жараёнида ўрганилаётган мавзунинг мантикий алоқадорлиги борми-йўқми деган муаммони ҳар доим ҳам тўғри ҳал этиб, тажрибада самарали танижалар берадиган даражада, янада аниқроғи ўрганилаётган мавзуга комплекс ёндашиб, ҳар доим ҳам унинг барча қирраларини илмий-методик жиҳатдан тўла очиб беришга мувоффақ бўлавермаймиз. Ҳолбуки, ҳар бир фандан қайси дарснинг қандай туридан фойдаланилаётганлигимиздан қатъий назар, шу дарс-машғул давомида имкон борича мавзудаги мантикий алоқадорликни ҳисобга олган ҳолда, ҳозирги нотинч давримизнинг глобал муаммоларидан уларни вужудга келтираётган шарт-шароитлар, сабаб ва оқибатларидан албатта талабаларга аниқ ва равшан илмий тушунчаларни шакллантириб бериб, уларни огоҳликка даъват этиб боришимиз лозим.

Масалан, дарс жараёнида ижтимоий экология хусусида гап борганда 8 синфда ўрганиладиган «Ўзбекистон давлат ва ҳуқук асослари» дарслиги материалларидан ўринли фойдаланиш тала-баларга умумбашарий муаммолардан бири-ижтимоий экологияни ўрганиш, уни ҳимоя қилиш давлат томонидан эълон қилинган маҳсус қонунлар асосида ҳимоя қилинганлигини ҳар бир талаба онгига сингдириб бориш ҳам назарий ҳам амалий

жиҳатдан катта аҳамият касб этади.

Жумладан «Ўзбекистон давлатининг функциялари» мавзусини ўрганиш жараённида талабалар дикқат эътиборларига-«*Табиий ресурслардан аёвсиз фойдаланишига, атроф-муҳитга зиён етказилишига ва республикамиздаги экологик вазиятнинг ёмонлашувига йўл қўйимаслик*» (34-бет). Ёки «Ўзбекистон Республикасининг ташқи функцияси» деган мавзуда «Атроф-муҳитни, инсониятнинг тинчлигини муҳофаза қилиш» каби умумбашарий муаммолар тўғрисидаги хукуқий билимларини бойитишига сўзсиз ёрдам беради. Ёки «Шахс ва жамият» курсида «*ҳозирги даврнинг глобал муаммолари*» мавзусида берилган анчагина маълумотлардан, жумладан, ҳозирги умумбашарий муаммолар хусусида гап борар экан қўйидагилар баён этилади:

- Ер юзида ялпи тинчликни сақлаш, термоядро урушининг олдини олиш ва адолатли халқаро иқтисодий тарғибот ўрнатиш;
- Атроф-муҳитни самарали муҳофаза қилиш (экологик муаммолар);
- Аҳоли сони ва таркиби билан моддий ва маънавий қадриятлар яратишни мутанносиблигига эришиш (демографик муаммолар);
- Ер юзи аҳолисини зарур озиқ-овқат ва қувват манбалари билан ишончли таъминлаш;
- очлик, қашшоқлик ва қолоқликни тутатиш учун юксак ривожланишдаги ва улардан кейинда қолган мамлакатлар ўртасидаги кескин фарқни бартараф этиш.

### **Савол ва топшириқлар**

1. Собиқ Совет Иттифоқи даврида тарих ўқитишига бўлган эътибор қандай эди?
2. Тарихчи-методист олимлар В. Н. Бернадский, В. Г. Карцев, С. В. Иванов, П. С. Лейбенгруб, А. А. Вагин ва бошқаларнинг тарих курсини ўқитиши ва такомиллаштиришдаги хизматлари ҳақида нималарни биласиз?
3. Тарих ўқитиши методикасига доир услубий ва дидактик адабиётларда тарих ўқитишига бўлган замонавий талабаларнинг қайд этилишини изоҳлаб беринг.
4. Замонавий тарих дарсларига бўлган талаблар нималар билан изоҳланади?

5. Замонавий тарих дарсларининг мазмуни мустақил Ўзбекистон Республикасининг ёшлари орасида олиб бориладиган мағкуравий ишлар вазифаларига мос келишини тушунтириб беринг.

6. Тарих дарсларининг илмий-методик ва педагогик жиҳатларига жавоб бериш талаабларини қандай изоҳлаш мумкин?

7. Замонавий дарсга бўлган илмий-методик ва дидактик талааблар хусусида Республикаизнинг машҳур педагог ва услубчи олимларининг қандай фикр-мулоҳазалари мавжуд?

8. Тарих таълим тарбиянинг энг муқаддас бўғини хисобланган ДАРС хусусида Сизнинг фикрларингиз?

9. Дарсларнинг сифатли бўлиши нималарга боғлик?

10. Ноанъанавий ва муаммоли дарсларни тушунтириб беринг.

### **Адабиётлар**

1. Шавкат Мирзиёев. Буюк аждодларимизнинг муқаддас хотираси ва жасорати олдида бош эгамиз. –Тошкент: Ўзбекистон, 2019. 1-жилд, -Б. 396-397.

2. Шавкат Мирзиёев. Юрт қаҳрамонларининг қадри биланд хотираси муқаддас. –Тошкент: Ўзбекистон, 2017. 2-жилд, -Б. 318-322.

3. Каримов И. А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иктиносид, сиёсат, мафкура. –Тошкент: Ўзбекистон, 1996. 1-жилд, -Б. 77

4. Каримов И. А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. –Тошкент: Ўзбекистон, 1992. –Б. 22.

5. Архангельский Н. П. Сведения с состояния изданий учебной литературы на Туркестанской АССР для школ узбекских, казахских, туркменских, таджикских. -Тошкент: 1922.

6. Архангельский Н. П. Преподавания истории в условиях Великой Отечественной войны. Методической пособие для учителей средних школ Узбекской ССР. –Тошкент: 1943.

7. Бабанский Ю. К. Ҳозирги замон умумий таълим мактабида ўқитиш методлари. –Тошкент: Ўқитувчи, 1990. -Б. 152-153.

8. Бернадский В. Н. Методы преподавания истории в старших классах. –Ленинград: 1939.

9. Бендриков К. З. Очерки по истории народного образования

в Туркестане (1865-1924 годы) –Москва: 1960. –С. 435.

10. Вагин А. А. Типы уроков по истории. –Москва: 1957.

11. Вагин А. А. Методика преподавания истории в средней школе. –Москва: Просвещение, 1968, -С. 403.

12. Саъдиев А. Мактабда тарих ўқитиши методикаси. –Тошкент: Ўқитувчи, 1988. -Б. 198.

13. Саъдиев А. Ўзбекистон халқлари тарихини ўқитиши. – Тошкент: Ўқитувчи, 1993. -Б. 137.

14. Зиёмухаммедов Б. Педагогик маҳорат асослари. –Т. : ТИБ-КИТОБ. 2009, -Б. 138-139.

15. Ўзбекистоннинг энг янги тарихи. –Тошкент: Шарқ, 2000. 2-китоб, -Б. 571.

16. Ғаффоров Я. Х. Тарих ўқитиши усуллари тизимини ривожлантириш ва тарих таълими самарадорлигини ошириш методлари: Methods for developing a system of teaching history and increasing the effectiveness of history teaching. EPRA International Journal of Multidisciplinary Research (IJMR). –India. 2020.

## **4-МАВЗУ: ТАРИХ ДАРСИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

**Режа:**

1. Тарих дарси самарадорлингини оширишнинг илмий-услубий ва дидактик негизлари.
2. Тарихни ўрганишнинг асосий омиллари ва қонуний жараёнлари.

**Калит сўзлар:** бош омил, одилона, муаммоли таълим, детерминистик жараён, фронтал, индивидуал гурӯҳлар, физиологик ва психологик жиҳатлар, блоклаштириш методикаси, бесамар дарс, фактлар тизими, эмоционал тафаккур.

### **1. Тарих дарси самарадорлингини оширишнинг илмий-услубий ва дидактик негизлари**

*Дарс - бу ўқувчиларнинг ҳаёти.  
Ҳақиқий педагогнинг асосий вазифаси  
ана шу ҳаётни билишини қувончли  
мехнати билан ўқувчиларни инсоният  
тафаккури ва ижодкорлигининг буюк  
галабалари билан таништирмоқча  
қаратилган бўлмоги керак.*

*профессор В. М. Коротов*

Ўқув-тарбия ишлари самарадорлигини ошириб бориш ҳар доим халқ маорифи ходимларининг энг муҳим вазифаларидан бўлиб келган. Чунки, ҳар қандай жамиятда ҳам ёш авлодни давр талаби даражасида тарбиялаб вояга етқазишда уларга бериладиган таълим-тарбиянинг роли деярли ҳаётий аҳамият касб этган.

Ўқув-тарбия жараёнини янада такомиллаштириб бориш учун унинг бош омилларини аниқлаб олмоқ керак. Ана шундай омиллардан бири ўқув-тарбия жараёнини ташкил этишнинг асосий шакли-дарс самарадорлигини ошириш учун курашишdir.

Ўқувчини уй вазифасини бажариш учун сарф этадиган вақти, унинг натижалари ҳам дарс самарадорлигини педагогик жиҳатдан тўғри ташкил этишга бевосита боғлиқдир.

Матбуотда халқ таълимига бағишлиланган анжуманларда, ўқитувчиларнинг анъанавий август кенгашларида, ўқитувчиларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш курсларида ўқитувчилар билан бўлган мулоқотларимизда умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-хунар коллежларида ўқув машғулотлари учун вақт ниҳоят ортиб бораётганлигига одилона шикоятлар эшитилмоқда.

Дарҳақиқат, амалиётда ўқувчини мактабга дарсга келишидан тортиб, уйига қайтиб кетишига қадар 6-7 соат вақт кетса, турли синфларда ўқувчиларни уй вазифаларини бажариш учун сарфлайдиган вақтлари 1 соатдан 3-4 соатгача чўзилмоқда. Шундай қилиб, кўп ҳолларда, айниқса битирувчи синфлар ўқувчиларнинг ўқиш ҳафтаси кўпайиб ўтиб кетмоқда.

Кўпгина қишлоқларимиздаги ўқув масканларида ҳам бундай муаммолар ўз ечимини кутмоқда. Ниҳоят, бу ҳолларнинг мажмуи ўқувчиларнинг рухияти ва саломатлигига маълум даражада салбий таъсир кўрсатишдан мустасно эмас.

Академик лицей, касб-хунар билим юртлари ва умумтаълим мактаблари шароитларида ўзаро тажриба алмаштириш мақсадида айрим касбдошларимиз дарсларини кузатиш шуни кўрсатдики, ўқитувчи томонидан дарс жараёнида ўрганиладиган мавзунинг мотивацияси, дарснинг таълимий тарбиявий мақсадлари, унда ривожлантириб бориладиган таълимнинг ўрни, уларни талабалар онгига етқазиши методикаси, воситалари, дидактик материалларнинг атрофлича пухта ишлаб чиқилган моделлининг янги педагогик технологиялар асосида ишлаб чиқилмаганликлари кўпгина дарслар илмий-техник инқилоби авж олган бугунги замон талабларидан бирмунча йироқда қолиб кетаётганлигини кўрсатмоқда.

Дарс самарадорлигини оширишга салбий таъсир кўрсатаётган асосий камчиликлардан бири дарс жараёнида ўқувчилар фаолликларини ошириш учун айнан мавзуга доир муаммоли таълимни ташкил эта билмаслик, дарс жараёнида даврий матбуот ва бадий адабиётлардан, айниқса Президент асаллари, нутқлари

ва оммавий ахборот воситаларига берган интервьюоларидан мақсадга мувофиқ фойдаланишдаги тезкорликнинг пастилигидан намоён бўлмоқда. Бундан аянчлиси ўрганилаётган мавзуга нисбатан интеграцион ёндошувнинг сустлигига яққол ўз ифодасини топмоқда. Муаммоли таълим-ўқитиш ва таълимдаги ўзаро хамкорликни ўқувчиларда тарихий билимларни изчилик билан шакллантириб боришига қаратилган мустақил билиш, таълимни барқарор мотиви ҳамда ўқувчиларнинг фикрлаш қобилияtlарини фаол шакллантириш, илмий тасаввур, тушунча ва билиш усуслари борасидаги фаолиятлари - муаммоли ҳолатлар тизимининг *детерминистик*, яъни таълимнинг нарса ва ҳодисаларини сабабий боғланишларини амалга ошириб борадиган жараёндир.

*Муаммоли таълим* - таълим-тарбиянинг илғор педагогик амалиёти ва назариясининг анъанавий таълимотини яхлитлиги натижасида кўлга киритилган ютуғи бўлиши билан бир вақтда, ўқувчиларни умумий ва маънавий ривожланишларининг энг самарали воситаси ҳам ҳисобланади.

Муаммоли таълим - ўқувчиларнинг мустақил таҳлилий тафқур қобилияtlари ва тадқиқот фаолиятларини ривожлантириб боришига йўлловчи фаннинг тайёр хуосаларини ўзлаштира боришлиари жараёнига ва бир вақтда ўзларининг тарих ўқитиш жараёнидаги энг самарали туридир.

Маълумки, амалиётда ҳар қандай ажратилган вақтдан самарали фойдаланиш омиллари бўлади, яъни:

а) талабаларнинг билимларига нисбатан фронтал, индивидуал, гурухларга бўлиб дифференциациялаш;

б) ўқиш учун ажратилган вақтнинг ҳар бир сониясидан ниҳоятда самарали ва дарс олдига қўйилган мақсадга мувофиқ фойдаланишга ҳаракат қилиш ва унга эришиш йўлларини тадқиқ этиш таълим-тарбия жараёнидаги янги муаммо сирасига кирмайди;

Лекин, шунга қарамасдан, сўнгги йилларда республикамиз матбуотида ва ижтимоий фанларни ўқитиш жараёнида ўқув материалларини йирик-йирик шаклларда баён этиш, аникрофи собиқ шўролар даврида Донецкллик ўқитувчи “В. Ф. Шаталов методи” деб ном олган тажрибани қўллаш кенг тарғиб этил-

моқда. Жумладан, ўрта-максус ўқув юрти ёки академик лицей шароитида бир дарс давомида 2-3 ва ҳатто ундан ҳам кўп дарсларда ўрганилиши керак бўлган дарслик материалларини баён этиш мумкинлиги тарғиб этилмоқда. Илмий-техника инқилоби авж олиб борилаётганлиги учун ижтимоий-иқтисодий, сиёсий воқеалар ҳам бекиёс кенг қўлламда авж олиб бораётган XXI-аср бошида тарихни ўрганишда тарихий материалларни дарсларда бундайин “блоклаштириш методикаси” ни қўллаш гарчи ўқувчиларнинг мустақил таҳлилий тафаккур этишга чорлайдиган мақсадда қўлланилаётган бўлсада дарсликлардаги ҳар бир параграф, мавзу фақатгина бир муаммога эмас, аксинча ўз даврига хос қатор *муаммолар*, *тамоийлар*, *тарихий тушунчалар*, *саналар*, *макон ва замонлар* ва ҳоказолардан иборат бўлгани ҳолда, ўқувчиларнинг ўрта таълим тизимидағи ўқув материалларни тўла идрок этиш ва таҳлилий тафаккурларини текис йўлда ривож топиб бориши мумкин ёки мумкин эмаслигини физиологик ва психологик жиҳатдан бир ўйлаб кўрсак бўлмасмикан? Тўғри, инсоннинг билиш қобилияти чексиз. Лекин, ҳар бир нарсада ҳам меъёр бор. Шунинг учун Қуръони Каримда “*меъёрини билмагани Оллоҳ хуши қўрмайди*” деб алоҳида кўрсатилган эмасми?

Умум ўрта ва ўрта максус таълим тизимидан мутлақ фарқ этгани ҳолда, таълимни “*блоклаштириши методикаси*”нинг тескарисини кўрамиз.

Масалан, “Тарих ўқитиши методикаси” фанидан ўқитиладиган “Мактабда Ўзбекистон тарихини ўқитишида даврий матбуот материалларидан фойдаланиш” номли максус курс 24 соат давомида ўрганилиб келинган. Бундай ахволларга профессионал педагог нуқтаи назаридан олиб қараган ҳар бир одам “*наҳотки олий ўқув юртида таълим учун ажратилган вақт соатларини қаерга сарфлашни билмасдан унга шунчалик лоқайд бўлсак*”, ёйинки, “*наҳотки эртандиги тарихчи ўқитувчини тарих ўқитиши методикаси бўйича давр талаби даражасида илмий-методик маҳоратини тинмай ошириб, такомиллаштириб бориши йўлида қуроллантирадиган арзигуллик билимлар блоки бўлмаса*” деб ўйлаш табиий эмасми?

Юқорида кўрсатилганидек, ҳар қандай тажрибали тарих

ўқитувчиси ўзининг педагогик фаолиятида дарс материалларини танлаш ва уни дарс жараёнининг қайси ўрнида дидактик усуллар ва методик воситалар ёрдамида мазкур дарснинг бош гоясига тўла бўйсндирилган бўлиб, ўзида дарснинг таълимий ва тарбиявий вазифаларини, шунингдек, тизимли равишда ривожлантирилиб бориладиган таълимнинг мақсадига аниқ йўналтирилган бўлиши керак.

Ҳар бир соҳада бўлгани каби тарих ўқитиш самарадорлигини оширишда ҳам, “инсон омили”, яъни тарих фани ўқитувчисининг билимдонлиги, ўз соҳасини етук мутахассиси бўлиш ҳам ҳал қилувчи рол ўйнайди. Тажриба шуни кўрсатадики ўқитувчи фаолиятида кўпинча аниқ тарихий фактлар, тушунчалар, “макон”, “замон”, тарихий архив ҳужжатлари, расм, чизмалар, статистик маълумотлар, маҳаллий ўлкашунослик материалларидан, айниқса мустақиллик даври ўлкашунослигини ташкил этишдаги педагогик фаолиятининг сустлиги, айрим ҳолларда дарс назарияси ва методикасидан йироқлик нафакат дарс самарадорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда, ҳатто синфда ўтирган ўқувчини ўқитилаётган фанга нисбатан бўлган қизиқшини бир умрга йўқотишга олиб келиши ҳам ҳеч гап бўлмай қолиши хавфини келтириб чиқармоқда. Бу борада жаҳонга машҳур олим, Нобел мукофоти лауреати, академик К. Скрябин: “*Одамларни чуқур ҳурмат қилмасдан туриб, уларга фанга нисбатан ихлос-эҳтиромларини сингдирмасдан туриб ўқитиши мумкин эмас. Менимча, ўқувчининг дарс жараёнида дарсга нисбатан ҳаракатлари, дарслаги тинчлик осойишталик худди мана шундан бошланмоғи керак*”, - дейди.

Ҳар қандай мактаб у бошлангичми, ўртами, олийми барибир, унга бўлган ҳурматдан бошланади. Одатда ўқитувчи зиммасига ўқитаётган фанининг барча масъулиятлари юкланмайди. Тарих - унинг ўқитишдаги зерикарли дарслар туфайли фан сифатида ўз фаолиятини тўхтатиб қолмаганидек, алгебра ҳам унинг ноаниқ методлар воситасида ўқитиладиган фан сифатида йўқ бўлиб қолмайди. Аммо бу зерикарли, ноаниқ бесамар ўқитилган дарсларда ўтирган ўқувчи ўзи учун ҳам тарихни, ҳам алгебрани бир умрга йўқотиш мумкин. Ким билади, дейсиз. Бир вактлар сиз ундан шу фанга бўлган қизиқишларини сўндирган ўқувчи

келажакда шу фан тараққиётига ўзининг улкан ҳиссасини қўшиши мумкин бўлармиди?<sup>1</sup>

Кўп ҳолларда ўқитувчи томонидан дарс самарадорлигини ошириш учун зарур илмий назарий ва методик талабларни ўз ўрнида кўллайбильмаслик натижасида ўвучилар дарсни 15-20 минут вақтини ўтган мавзулар юзасидан муаммоли эмас, диалог сифатида берилган саволларга синфдошларининг саволга яраша берган оғзаки жавобларини “эшитишдан” ташқари бирон индивидуал ёки фронтал савол (вазифа)га оғзаки ёки ёзма жавоб тайёрлаб, мазкур дарсда фаол иштирок этишга қаратилган методлардан умуман дарак бўлмайди. Бу ҳолни ўқитувчини ўтган дарси бўйича ўқувчилар билимини баҳолаш учун уларга берилган қўйидаги саволлардан ҳам кўриши мумкин:

**Ўқитувчи:** “Темур томонидан Сарой берка қачон босиб олинди ва ёндириб ташланди?”, “Темур қачон ва қаерда турк сultonи Боязид устидан ғалаба қозонди?”, “Темур қандай давлатга асос солди?”. Кўриниб турибдики, ўқитувчи томонидан кўйилган саволлар ўқувчиларни таҳлилий тафаккурга бошкаришдан мутлок йирок бўлиб, уларнинг билимларини факат “тарихий сана”, “макон ва замонларни” тўтиқуш каби ёдлашга асосланган “тест саволларини” ечишга жалб этган бўлди.

Ўқитувчининг бундан кейинги фаолияти 15-20 минут давомида янги дарсга мўлжалланган мавзуни фақатгина дарслик параграфидаги материаллар асосида шархлаб бериш билан кифояланади. Шундан кейин ўқитувчи ҳозиргина шарҳланган мавзуни дарсликдан уйга вазифа қилиб берди ва янги ўтилган мавзуни “мустаҳкамлаш” мақсадида синфга бир неча савол берган бўлди. Бироқ, ўқитувчининг дарсдаги фаолияти шунчалик масъулиятсизлик билан ўтган эдики, натижада дарс мавзуси бўйича “мустаҳкамлайдиган” билимнинг ўзи ҳам ўқитувчининг ўзи томонидан ўқувчиларга қониқарли тушунтириб берилган эмас эди.

Бундан хуроса шуки, ўқувчилар дарс давомида мавзу юзасидан ниҳоят ўз ахборотига (билимга эмас) эга бўлдилар, холос.

---

<sup>1</sup> К. Скрябин, академик. Сборник Учитель в моей жизни. -Москва: 1966. -С. 96-97.

Дарс жараёнида ўқитувчи томонидан дарс самарадорлигини оширишнинг энг қулай имкони ўрганилаётган мавзуга интеграцион ёндошув, яъни предметлараро алоқа боғлаш усулидан умуман фойдалинилмади. Энг ачинарлиси шуки, мазкур мавзу Соҳибқироннинг таваллуд топган ойи апрелда “ўрганилаётгандигига” қарамасдан, ўқитувчи “Амир Темур” шахси, империяси, ҳарбий санъати, “Темур тузуклари”, машхур ҳайкалтарош Илҳом Жабборов яратган “Соҳибқирон Амир Темур” ҳайкали расми, “Амир Темур” ордени, ЮНЕСКО ташаббуси ва раҳбарлигида 1996 йил апрел ойида Парижда Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишлиланган маданият хафталиги материалларидан, Амир Темур шахсига нисбатан кўпгина холис фикрларни баён этган. Жумладан, “Темур тузуклари” ни чоп этилиши хусусида гапирав экан, “*Темур тузуклари*” ни ўқисам, - деган эди биринчи Президент Ислом Каримов, - худди бугунги замоннинг катта-катта муаммоларига жавоб топгандек бўламан”. Ёки Шаҳрисабз шаҳри байроғига “Амир Темур” орденини қадаб қўяр экан, “Улуғ зотларнинг тарих осмонига юксаладиган манзиллари бўлади. Бутун Шарқ оламида “ilmu adab қуббаси” деб эътироф этилган Шаҳрисабз шаҳри Амир Темур учун ана шундай парвоз нуқтасидир. Биз Соҳибқирон бобомизнинг қутлуг тўйини ўтказаётган шу кунларда энг аввало бу зоти шарифни дунёга келтирган ва вояга етказган эл даҳосига ва табаррук заминга таъзим қиласиз”, деб таъкидлаган эди.

Келажаги буюк давлат Ўзбекистонимизнинг таянчи бўлмиш ёш авлодга ижтимоий фан асосларидан, жумладан Ўзбекистон халқлари тарихидан “қанақа, қанча” билимларни илмий-назарий, методик ва дидактик жиҳатдан жаҳон халқ таълими амалиётида кутилган самараларни берган қандай шакл ва усул воситасида талабалар онгига сингдириш, уларни ижтимоий фан асосларидан олган билимларини шахсий эътиқодларига ўсиб ривожлантириб бориш методларининг ҳамон истиқолимизнинг бугунги кун талаби даражасида ишлаб чиқилмаганлиги:

Табиийки, ижтимоий фанларни ўқитиши албатта ўз концепциясига эга бўлиши керак. Истиқолимизга эришганимиздан кейин “Ўзбекистон тарихини ўқитиши концепцияси” икки марта

1994 ва 1996 йилларда қатор муаллифлар томонидан эълон қилинди.

## **2. Тарихни ўрганишнинг асосий омиллари ва қонуний жараёнлари**

Ўзбекистон тарихи фани халқ маорифи тизимининг барча тармоқларида ўзининг жамият ҳаётидаги тутган ўрни ва мавқеига кўра асосий ва етакчи фандир. Шу боисдан ҳам бу фан Ватан тарихининг ибтидоси ўлкашунослик эканлигини эътиборга олган ҳолда, умумтаълим мактабларида, ўрта маҳсус ва олий ўкув юртларининг барча мутахассисликларида қайси касб-хунарни эгаллашдан қатъий назар, бир хил хажмдаги соатда дарс ўтилади.

«Ўзбекистон тарихи ўқитиш ва ўрганишнинг ягона концепцияси шундай аҳволда бўлгандан кейин, бугунги кунда умумтаълим ва олий ўкув юртлари учун нашр этилаётган дарсликларнинг аҳволи қандай. Аччик бўлса ҳам ҳақиқатни айтадиган бўлсак, халқимизнинг янги тарихи аниқроғи Ўрта Осиёнинг чор Россияси томонидан босиб олинганилигини, шу босқиннинг фаол иштирокчиси генерал-лейтенант М. А. Терентьевнинг 1906 йилдаги 4 жилди харита ва режалари билан биргалиқдаги “История завоевания Средней Азии” деб номланган асари, унга расм сифатида ўзининг Ўрта Осиёнинг босқинида фаол иштирок этганлиги ва босқинчилик жангларида кўрсатган шахсий қаҳрамонлиги учун “Георгий кресты”нинг нишондори бўлган ва рус чоризми босқинчилари билан бўлган шиддатли жангда қаттиқ жароҳат олиб жон талvasасида ётган ўзбек жангчисининг жон таслим этишидан дунё-дунё завқ олишини беркитмасдан ёзган рус жангчи-рассоми В. Верещагинни “Туркистан” сериясидаги чизгиларини намойиш этиш асосида рус чоризми босқинчиларининг маҳаллий халқка нисбатан кўрсатган шафқатсизликлари тасвирида намойиш этишдан нарига ўтмадик. Холбуки, рус чоризм босқини тарихини ўрганиш ва ўргатиш тарихчиларимиздан аник тарихий фактларни атрофлича таҳлил этиш, улардан

атрофлича умумий хulosалар чиқаришни тақозо этади. Таниқли рус танқидчиси Г. В. Белинский ёзганидек, “Бугунги кунни тушунмоқ ва келажагимиз түгерисида аниқ ишорага эга бўлмоқ учун ўтмишишимизни сўроқлаб, суриштирмогимиз лозим”. Мазкур ўринда рус чоризми босқинига дахлдор айрим тарихий фактларни эслатиш жоиздир. Жумладан, Россия савдо-саноат доираси томонидан чоп этиладиган «Журнал мануфактуры и торговли» журналининг 1843 йилда ёзишича, “Ўрта Осиё аҳолисининг кўпайиб бориши билан у ерга Россиядан олиб бориладиган металл, нефт ва саноатнинг бошқамаҳсулотларига эҳтиёжи ортиб бораверади. Шу билан бирга Хива ҳалқининг, умуман олганда, Ўрта Осиёнинг барча ўтроқ ҳалқларининг Россия иқтисодидан кучайиб бораверади. Ўз навбатида Хива ҳонлигининг пахтадан қилинган сифатли қогозини, шунингдек, бошқа пахта маҳсулотларини Эронга эмас, Бухорога эмас, Афғонларга эмас, ўзининг кенг эҳтиёжларини қондириши учун фақатгина Россияга сотади” деб баён этган эди.

1865 йилда ёзилган “Очерки торговли России со Средней Азии” деб номланган асар муаллифи П. И. Небольсин “Биз Ўрта Осиёга шундай маҳсулотларни юборамизки, улар Туронда яшовчи ҳалқлар учун биринчи эҳтиёж маҳсулотлари бўлади. Ўз навбатида Ўрта Осиёдан Марказий Осиё бозорларининг энг қимматбоҳо маҳсулотлари ҳисобланган пахта маҳсулотлари, сифатли қогозлар, ишак, энг бой боғдорчилик маҳсулотлари ва чорва маҳсулотлари ва бошқалар Россияга арzon нарҳда келтирилган” деб ёзган эди.

Небольсиннинг юқорида қайд этган асарида кўрсатилишича, Буюк Британия сармоядорлари русларнинг Ўрта Осиё ҳонликлари ҳудудидаги савдоларига шикаст етказмоқ мақсадида ҳонликларда ўз маҳсулотларини ниҳоятда паст нархларда сотишдан ҳам қайтмаганлар. Муаллифнинг ёзишича, инглизлар 1841-1842 йиллар мобайнида Бухоро амирлиги ҳудудида Россиядан келтирилган маҳсулотларни кескин синдириб ташлаш мақсадида ҳатто ўзларига зарар хисобига бўлса ҳам ниҳоят арzon нархда сотганлар. Натижада рус савдогарлари маҳсулотларига ҳеч ким қарамай қўйган ва хонавайрон бўлган рус савдогарлари Бухоро ва бошқа йирик бозорларни тарқ этиб, касод бўлиб

қайтиб келгандар.

Кўзлаган мақсадлариға эришган инглизлар бир йил ўтгандан кейин Ўрта Осиё бозорларида ўша маҳсулотларнинг нарҳларини олдин икки баробар, кейинчалик эса ундан ҳам баланд кўтариб юборгандар.

Ўрта Осиёнинг Россия томонидан истило этилишининг иқтисодий масалалариға багишланган яна бир асар М. К. Рожкованинг “Экономические связи России со Средней Азии 40-60 годы XIX века (изд. А. Н СССР, М., 1963 г). Бу асарда Россиянинг Ўрта Осиё билан савдо муносабатлари кўплаб аниқ солиштирма рақамлар асосида кўрсатиб берилган.

Энди рус чоризми босқинининг маҳаллий халқ маънавиятининг қанчалик поймол этгандигига бир назар ташлайлик. Гап шундаки, гарчи чор Россия учун Ўрта Осиё “ёввойи” дунё бўлсада, маданийлашган дунёда машҳур шарқ ренессансининг маркази бўлган Ўрта Осиё дунёга қанчалик буюк мутафаккирларни этишитириб берганлигини билмайдиган одамнинг ўзи йўқ.

Бироқ, инсоният тарихида, айниқса янги тарихда жаҳон миқёсида мозорларда (қабристонда) ҳар қандай шароитда ҳам уруш ҳаракатлари олиб бориш, ўликларни оёқ ости қилиш мумкин эмаслиги, бундай ҳаракатни давлатлараро муносабатларда таъкидлаганлигига қарамасдан, чор Россияси қўшинлари 1865 йил май ойида Тошкент шахрини қамал қилишда шаҳар мудофаачиларининг бир қисми жон талвасасида маҳаллий мозорларга чекинишга мажбур бўлганлар. Шаҳарнинг Самарқанд дарвозаси даҳасидан киролмаган душман ҳозирги Бўзсув каналининг чап қирғоги томонидан туриб, “Хожа аламбардор” қабристонини тўпга тутиб, мурдаларни тупроқ юзига чиқариб ташлаш ҳолларига етиб борганларини кўрсатиш билан чор Россияси жаҳолат, инсон хуқуқлари хусусидаги халқаро нормаларни қанчалик бузганлигини кўрсатади.

Фарб мамлакатлари янги ва энг янги тарихини ўрганиш жараёнида биз “экспансия”, “инсон хуқуқи”, “очиқ эшиклар сиёсати” ва шуларга ўхшаш кўп тарихий тушунчаларни учратамиз. Хўш, нега рус чоризми босқинчиларининг Ўрта Осиё, шу жумладан ўзбек халқига нисбатан олиб борилган, лекин совет тарихшунослик фанининг бирон сахифасида баён этилмаган

Россиянинг Ўзбекистонга нисбатан эълон қилган “очиқ эши-клар сиёсати”нинг энг разил томонлари - маҳаллий халқ хукуқларининг том маънода поймол этилганлиги, рус чоризми бос-қинчиларининг Ўрта Осиёning хоҳлаган бозори-ю, хоҳлаган худудида ҳеч қандай бож тўламасдан, хоҳлаган маҳсулотларини эркин сотиш, хоҳлаган жойида қўним топиб истиқомат қилиш, рус мужигига энг унумдор сугориладиган ерларни олиш хукуқи берилиб, маҳаллий жафокаш ўзбек дехқони рус мужигидан ортсагина сувдан фойдаланиши мумкинлиги, жаҳон маънавий дунёсида “САЙҚАЛИ РЎЙИ ЗАМИН”, яъни ер юзи маънавияти маркази мақомини олган гўзал Самарқанд шаҳридаги жаҳонга машҳур масжиду мадрасаларнинг курол-яроғ омборхонаси, лазарет отхонаси, рус аскарлари учун ётоқхона ва яна шу каби бошқа максадлардаги масканларга айлантирилганлиги тўғрисидаги ижтимоий-сиёсий ва маънавий оқибатларни таҳлилий тафаккур асосида ишлаб чиқилган том маънодаги асарлар ким томонидан ва қачон яратилди?!

*Муаммога доир яна бир масала - ҳар томонлама мукаммал ёш тарихчи мутахассис кадрларни тарбиялаб етиштириш масаласидир. Республикамиз олий ўқув юртларида бўлажак тарихчиларга сабоқ берадиган тарихчи ўқитувчиларнинг ҳаммалари ҳам истиқлолимизнинг бугунги кун талабларига жавоб берадиган ўз касбларига садоқатли, ҳақиқий фидоий тарихчиларми?*

Фикримизча, тарих факультетларида замонавий тарихчилар етиштириш учун ўқув режаларига жиддий тузатишлар киритиб айрим иккинчи даражали курслар олиб ташланиб, уларнинг ўрнига ҳеч қандай сабабсиз ўрганилмасдан келаётган, талаба ёшларнинг тарихий фактларни таҳлилий тафаккур этишга бошқарадиган курслар, жумладан *дипломатия тарихи, масвирий санъат тарихи, иқтисодиёт тарихи, маънавият тарихи* ва хоказо курслар киритилиши талабга мувофиқдир.

Республикамиздаги университетлар, педагогика инсити-тутларидаги тарих факультетларининг барчасида тарих ўқитиши методикаси кафедралари мавжудлигига қарамасдан уларнинг биронтасида ҳам тарих ўқитиши методикасидаги илмий даражаси бўлмаган кадрларни “фаолият” кўрсатиб келаётганликлари

том мазмундаги тарихчи мутахассисларни тарбиялаб етиштиришимиз йўлидаги энг катта камчилигимиздир.

Тарихчи педагогларни тарбиялаб етиштиришимизда узлуксиз педагогик амалиёт, учинчи ва тўртинчи курсларда узок муддатли педагогик амалиёт гарчи давлатимизга иқтисод жиҳатдан ниҳоят қимматга тушаётган бўлсада, бундай “педагогик амалиёт” деб аталмиш жараённи оқлашимиз зарурдир.

Биз юқорида мамлакатимизда тарих фанининг ахволи ва уни ўқитиш борасидаги баъзи фикр-мулоҳазаларимизни баён этишга ҳаракат қилдик. “*Кези келганда шуни айтиши керакки, мамлакатимиздаги ижтимоий фанлар тараққиётнинг ўзига хос йўли ва мактаби мавжуд. Бироқ, унинг ҳозирги ахволи талаоб даражасида эмас. Янгиликни илгаб олиш, янги тарихий жараёнларни, ижтимоий-сиёсий ўзгаришиларни ўз вақтида таҳлил этиши ва баҳолашда сусткашлик қилинмоқда. Вахоланки, бу халқимиз сиёсий онгини ошириш ва ижтимоий фаоллигини кучайтиришида муҳим аҳамиятга эга*<sup>1</sup>.

### **Тарихни ўрганишнинг асосий омиллари ва қонуний жараёнлари:**

**- Тарих таълимининг мазмуни.** Ўқувчи ёшларни тарихий фактлар тизими, назарий тамойиллар, хулосалар ва ўкув жараёнида қўлланиладиган усуслар билан таништириш.

**- Ўқувчиларни билиш имкониятлари,** Тарих дарслари жараёнида ўқувчилар томонидан тарихий билимларни эгаллашлари ва тушиниб билишлари, тарихий тафаккурларнинг ривожланиб бориши, тарихий воқеа ва ҳодисаларни аниқ тасаввур этишлари, сабаб, моҳият, мотивацияларини аниқ тушуна билиш, иродали ва таъсирчанлик даражалари, шунингдек уларни тарих фанининг қайси соҳасига бўлган қизиқиш даражаларини шакллантириб боришни таъминлаш.

**-Ўқитувчи ва ўқувчининг тарих ўрганиш жараёнидаги фаолияти.** Тарих ўқитиши жараёнида ўқитувчи томонидан қўлланиладиган янги педагогик технологияга асосланган методлар системаси, методик усуслар, уларнинг фаоллигига амалга ошириб борилади.

<sup>1</sup> Н. Жўраев. Агар огоҳ сен. . . -Тошкент: Шарқ, 1998. -Б. 207.

**-Тарих таълимининг натижалари.** Ўқувчиларнинг тарихий билимлар даражасини тарих таълими олдига қўйилган мақсадларига мос келиши, миллий ғояси ва мафкура эътиқодларига, тарихий билимларни эгаллашларига, тарихий воқеа ва ходисаларнинг келтириб чиқарган мотивациялар ва эмоционал тафаккурларнинг ривожланиб боришига қанчалик таъсир кўрсатганинига қандай намоён бўлади?

Ҳар қандай дарснинг самарадорлиги таъминлашда инсон омилдан кейин илмий-методик ва дидактик жиҳатдан давр талаби асосида тажрибада синаб кўрилган ўқув дастурлари, дарслеклар ва ўқув-методик қўлланмаларни айтиш мумкинки, деярли ҳал қилувчи рол ўйнайди. Бироқ, Ўзбекистон Республикаси миқёсида, айниқса, Ўзбекистон тарихидан яратилаётган аксарият чиллаки “дарслеклар” кўп ҳолларда на ўқувчи, ва на ўқитувчилар талабларига мос келмаётир. Натижада, қанчадан-қанча давлат маблағи сарфланган ана шундай “дарслеклар”нинг давр талабига жавоб бера олмаганлиги боис ўзгартирилмоқда, - эскилари макулатурага топширилмоқда. Шундай экан, ҳар бир тарих ўқитувчиси дастур асосида навбатдаги дарсга тайёргарлик кўриши жараёнида қўлида мавжуд бўлган дарслиқ, методик қўлланма ва бошқа ўқув материалларининг мазмунига ижодий ёндошмоғи, имкон қадар тарих дарсининг илмий-методик ва дидактик жиҳатдан давр талаби даражасида ўтказишга алоҳида эътибор бермоги лозим.

Хуллас, Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг стратегик хужжатларида замонавий таълим сифатини ошириш зарурати таъкидланган бўлиб мамлакатимиз таълим тизимининг асосий мақсади таълим стандарти асосида ижтимоий-иктисодий ислоҳотлар, ривожланган ҳорижий мамлакатларнинг илғор тажрибалари ҳамда илм-фан ва замонавий ахборот- коммуникация технологияларига таянган ҳолда ташкил этиш, маънавий баркамол ва интеллектуал ривожланган шахсни тарбиялашдан иборат. Халқ таълими тизимини ривожлантириш концепцияси таълимни тизимли ислоҳ килишининг устувор йўналишларини белгилаш, ўсиб келаётган ёш авлодни маънавий-аҳлоқий ва интеллектуал ривожлантиришни сифат жиҳатидан янги дараҷага кўтариш, ўқув-тарбия жараёнига таълимнинг инновацион

шакллари ва усулларини жорий этиш<sup>1</sup>ни асосий мақсад қилиб белгилаган. Таълимни модернизация қилишда муасаса дара-жасини унинг сифати белгилаб беради ва муассаса нуфузини ошириш унинг сифатини аниқлаш, баҳолаш ва таъминлашдаги инновацион ёндашувларни жорий этиш билан амалга оширилади. Шунингдек, таълимни замонавийлаштириш ўкувчиликарнинг нафақат маълум бир билим ва кўникмаларини ўзлаштиришга, балки унинг шахсияти, билим ва ижодий қоби-лиятларини ривожлантиришга йўналтириш зарурлиги таъ-кидланади.

### **Савол ва топшириқлар:**

1. Бугунги кунда ўкув-тарбия ишлари самарадорлигини ошириб боришнинг вазифалари ва муваффақиятлари сабаблари нималарда деб биласиз?
2. Дарс самарадорлигини оширишга салбий таъсир кўрса-таётган камчиликлар борми? Сиз уларни кўрсатиб бера ола-сизми?
3. Муаммоли таълим-тарбия нима? Уларни тушунтириб беришга ҳаракат қилинг.
4. Тарих дарслари самарадорлигини оширишда ва тарихчи педагогларни тарбиялаб етиштиришда педагог амалиётларнинг аҳамияти қандай, ҳамда ушбу жараён бугунги кунда ўзини оклаяптими?
5. Тарихни ўрганишнинг асосий омиллари ва қонуний жараёнларини тушунтириб бера оласизми?

### **Адабиётлар**

1. Архангельский Н. П. О преподование в Средне-Азиатской школе. -Тошкент: 1922.
2. Азимбоев М. С. Тарихни ўрганишда “Оғзаки тарих (Oral history) услуби” // ЎзМУ хабарлари. 2013.

---

<sup>1</sup> “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони. ПФ-5712-сон. 2019. 29 апрел. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

3. Голиш Л. В. Фаол ўқитиши усуллари: мазмун танлаш, амалга ошириш. экспресс қўлланма. -Тошкент: ТАСИС, 2001.
4. Сафо Очил. Мустақиллик маънавияти ва тарбия асослари. -Тошкент: Ўзбекистон, 1997 йил.
5. Скрябин К. Учитель в моей жизни. -Москва: Сборник, 1996.
6. Жўраев Н. Агар огоҳ сен... . -Тошкент: Шарқ, 1998. -Б. 207.

## **5-МАВЗУ: ТАРИХИЙ БИЛИМЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ЖАРАЁНИ**

### **Режа:**

1. Тарихий билимларни шакллантиришда тарихий фактлар, тарихий тушунча ва тасаввурларнинг ўрни.
2. Тарихий билимларни ўзлаштириш жараёнлари.

**Калит сўзлар:** адаптация, матн, иллюстрация, классификация, тасвирий кўргазма, тематик хариталар, генезис, мантиқий алоқадорлик, фактология, ақлий камолот, оптимал услуб.

### **1. Тарихий билимларни шакллантиришда тарихий фактлар, тарихий тушунча ва тасаввурларнинг ўрни**

Умумтаълим мактаби тизимида ўқувчиларда тарихий билимларни шакллантириш илмий билимларга нисбатан қисқартирилган ва соддалаштирилган йўллар билан амалга оширилади.

Мактаб таълимида тарихий билимларни шакллантириш учун тарих фани тизимида жамғарилган, таҳлил этилган ва умумлаштирилган улкан материаллардан факатгина минимуми, яъни мактабда таълимий тарбиявий ва ривожланиб борувчи таълим вазифаларини хал этиш учун педагогик жиҳатдан зарур бўлган тушунчаларгина танлаб олинади.

Кўп ҳолларда тарих таълимида билимлар адаптация қилинган, яъни соддалаштирилган ва бир тизимга солинган ҳолда баён этилади.

Методист А. А. Вагин ушбу ҳолатларни қўйидагича кўрсатиб ўтган эди:

1. Ўқувчилар тарихий жараённи ва тарихий ривожланишнинг ҳамма босиқчларидағи ижтимоий ҳаётнинг турли томонларини характерлаб берувчи муҳим тарихий фактларни пухта ўзлаштириб олган бўлишлари зарур.

2. Тарихий фактларни ўзлаштириш натижасида ўқувчилар тарихдаги асосий воқеаларни, улар ўртасидаги ўзаро боғлиқликни ҳамда уларнинг ривожланиб боришини акс эттирувчи аниқ

тариҳий тасаввурлар тизимини ҳосил қилишлари лозим.

3. Ўқувчилар мактаб тарих курсидаги муҳим тариҳий тушунчаларни пухта ўзлаштириши, жамиятнинг ижтимоий ривожланиш қонуниятларинин мукаммал тушуниб етиши, тарихни ўз ёшига қараб илмий-замонавий асосда тушуниши лозим.

4. Ўқувчилар тарих курсидан олган билим ва малакаларини янги тариҳий материалларни ўрганишда ўтмиш ва ҳозирги замон воқеаларини тушунишда, кундалик ижтимоий ишларда, ҳаётда қўллай билишлари лозим.

5. Ўқувчилар тариҳий материал билан, ҳар хил матнлар (дарслик, тарихий ҳужжатлар, илмий-оммабоп адабиёт, сиёсий рисолалар, газета ва журналлар), ҳарита ва иллюстрациялар билан ишлай билиш, режа туза олиш, кўчирма ола билиши, маърузани ёза олиши, тариҳий материални тизимли ва асосли равишда баён қила билиш айрим тариҳий мавзуларда ахборот берса олиши, чиқиш (доклад)лар қила олиши лозим<sup>1</sup>

Ўқувчилар асосий тариҳий асосларни яхши ўзлаштирмай ва улар тўғрисида аниқ тасаввур ҳосил қилмай туриб, пухта билимга эга бўлишлари кийин.

Шунинг учун ҳам ўқувчилар билимини асосий тариҳий фактлар билан бойитиб, чуқурлаштириб бориш тарих ўқитишнинг энг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади.

Тариҳий фактларни ўзлаштириш таълим-тарбия жиҳатидан ҳар қанча муҳим бўлса, фактларни билишнинг ўзи ўқувчиларнинг тарихни билишнинг ўзи ўқувчиларнинг тарихни билиш жараёнидаги биринчи босқичидир. В. Г. Белинский “гоясиз фактлар-мия ва хотира учун хас чўп каби бир нарсадир”<sup>2</sup>-деб ёзган эди.

Тариҳий тасаввур билан тушунчалар бир-бири билан узийи боғланган. Ўқувчиларда ҳодисалар тарихий жараёнлар ҳақида етарли даражада тўлиқ ва аниқ тасаввурлар мавжуд бўлганда, тушунчалар ҳосил бўла олади. Тарих ўқитиш жараёнида ўқувчиларнинг тасаввурлари чуқурлашиб бориши

<sup>1</sup> Вагин А. А. Методика преподавание истории в средней школе. –Москва: Просвещение, 1968. –С. 8-9.

<sup>2</sup> Белинский В. Г. Тўла асарлар тўплами. 8-жилд, -Москва: 1955. -Б. 276.

натижасида тушунчаларни шакллантириш учун замин яратилади. Тушунчалар ўз навбати тасаввурларни мазмунан бойитиб, аниқлаштириб юборишга ёрдам беради. Тасаввур ва тушунчаларни ҳосил қилиш усуллари ҳам кўпчилик ҳолларда бирбирига ўхшаб кетади.

Тарих ўқитиши жараёнида тушунчаларни шакллантиришнинг методик усуллари ва воситалари, тушунчаларни классификация (тасниф)лаш муаммолари И. В. Гиттис<sup>1</sup>, В. Г. Карцов<sup>2</sup>, Г. М. Донской<sup>3</sup>, Н. В. Андреевская<sup>4</sup>, А. А. Вагин<sup>5</sup> ва бошқа тарихчи олим ва методистларнинг асарларида ўз ифодасини топган. Тарихий тасаввурларни ҳосил қилиш ва тушунчаларни шакллантириш босиқчларини белгилашда А. А. Вагин катта ҳисса кўшган.<sup>6</sup>

Тарих ўқитиши жараёнида тарихий тасаввурлар билан тушунчаларни шакллантириш узвий боғланган бўлиб, бир вақтнинг ўзида амалга ошади.

Тарихни билиш кўпинча сезиш ва қабул қилиш, кўриб ва эшитиб идрок этишга асосланади.

Тарихий воқеалар тўғрисидаги билимлар турли тарихий ахборотлардан олинади. Шунинг учун ҳам тарихий билимлар манбаи турлича бўлиши мумкин. Бу борада кўргазмалиликни (у ёки бу предметга доир), шунингдек тасвирий кўргазмалар (масалан, И. Н. Крамскийнинг «Сахродаги Исо», 1872 йил, «Юпанмас қайгу»; В. Г. Перовнинг «Пасхада қишлоққа крест юриши», 1861 йил; Москва яқинидаги Митишчидаги чойхўрлик» 1862 йил; «Марҳумни кузатиш» 1865 йил; «Қишлоқи қизнинг савдогар уйига келиши» 1866 йил; «Институтда ўқийдиган қизнинг кўр отаси хузурига келиши» 1870 йил, ва ҳоказолар), тематик хариталар («Сталинград жангї», «Москва оstonасидаги

<sup>1</sup> Гиттис И. В. Начальной обучение истории. -Ленинград: 1939.

<sup>2</sup> Карцов В. Г. Методика преподавания истории в начальной школе. -Москва: 1951.

<sup>3</sup> Донской Г. М. Соотношение единичного, особенного общего в учебниках истории-В кн: Проблемы школьного учебника. -Москва: 1981. Вип. 9.

<sup>4</sup> Андреевская Н. В. Очерки методики истории. -Ленинград: 1958.

<sup>5</sup> Вагин А. А. Методика преподавания история в средней школе. -Москва: -С. 329-365.

<sup>6</sup> Қаранг: методика преподавания истории в средней школе. -Москва: 1986, -С. С75.

жанг», Соҳибқирон Амир Темурнинг ҳарбий юришлари харита тузилиши ва ҳоказо), шунингдек, тарихий хужжатларнинг роли бекиёс каттадир.

Бошқа предметларга нисбатан тарихий билимларни шакллантиришда тарихий воқеаларни оғзаки баён этиш (хикоя формаси) ва ёзма равишда баён этиш (рефератлар тайёрлаш ) катта рол ўйнайди.

Ўқувчилар томонидан фактлик билимларни ўзлаштириб олиш учун уларни тафаккур этишдан ажратилган ҳолда эмас, балки бир бутун уйғунликда, ягона бир жараён сифатида амалга оширилиб борилади.

Тарихий билимларни шаклланишида тарихий фактлар мөхияти қуидагича намоён бўлади;

-тарихий ҳодисалар генезиси, яъни уларни вужудга келиши ва ривожланишида;

-ижтимоий ҳаётда ўзига хослик ва умумийликда; тарихий жараён ва бошқа шунга ўхшаш билимлар қонуниятларини тарих фани томонидан очилиши ва ўқиш жараёнида ўқувчилар томонидан ўзлаштириб олиниши лозим. Бу билимлар ўқувчиларга ўқитувчи томонидан дарс жараёнида ёки уларнинг ўқитувчи раҳбарлигига олиб борган мустақил ишлари жараёнида ўзлаштириб олиниши керак.

Шуни алоҳида қайд этиб ўтиш керакки, тарихий тушунчаларни шакллантириш биринчи галда тарихий фактларни билишга, шунингдек аниқ йирик образларга суюнмоқни тақозо этади.

Тарихни билиш жараёни тарихий фактларни ўзлаштиришдан бошланади. Тарихий фактларни ўзига хос хусусияти шундан иборатки, улар ҳеч қачон айнан такрорланмайди. Шу билан бирга ўқувчилар томонидан алоҳида тарихий фактларни билиб олиш - тарихни ўзлаштириди деган тушунчани ифода этмайди. Фактлар орасида мантиқий алоқадорлик бўлмаса, у ҳолда фактларнинг оддий мажмуаси билимларни бирхиллаштиради ва тарихий материалларни онгли равишда ўзлаштирилишига ҳалақит беради. Шундай қилиб, тарихни ўрганиш жараёнида фактлар шунчаки ўрганилмасдан, балки улар орасидаги зарур алоқаларни таққослаш, аниқлаш ва маълум даражада

тизимлаштириб ўзлаштиришни таъмин этмоғи керак.

Тарихий фактлар сон-саноқсиз бўлиши мумкин. Бироқ, тарих ўқитиши жараёнини самарали олиб бориш учун уларни аниқ белгилаб олмоқ зарур.

Тарихий фактлар икки хил характерда бўлиши мумкин. Биринчидан, айрим тарихий фактлар ягона воқеани акс эттириб, тарихда фақат маълум шароитда бир маротаба, маълум даврдаги шахсларнинг иштирокида, қатъий чегараланган макон ва замонда содир бўлади. Масалан, *Амир Темурнинг Турк сultonни Боязид-1 Йилдирим устидан қозонган галабаси*. Бу хусусда Соҳибқирон тузукларида жумладан шундай ёзилган;

*«Румга юборган элчим Йилдирим Боязиднинг тескари жавобини олиб келди. - деб эслайди Амир Темур, - лекин Боязид Мисру Шом лашкари мендан енгилганини эшиштгач, ўйланиб қолгани ва саросимага тушиб, шошилинч равишда юришга тайёрлана бошлиганини ҳам айтди. Қайсарнинг кўзини гафлат уйқусидан очиб қўйишим лозим кўринди. Бу хусусда кенгаш ўтказиб, ҳар бир шаҳар ва қабиладан лашкар ва хашар чақиртиридим. Лашкар жам бўлгандан сўнг хижрий 804 йилнинг ражаб ойида (1401 йил февралида) Озарбайжондан Қайсар устига лашкар тортдим. Қайсар тўрт юз минг отлик ва пиёда аскари билан менга қарши юзланди.*

Урушни бошладим ва уни енгдим. Қайсарни лашкарларим тутиб олиб, хузуримга олиб келдилар».

Иккинчидан, тарихий фактлар ўзларида маълум тарихий давр ёки замон хусусиятларини акс эттиради. Масалан, Россия ва Фарбий Европа мамлакатлари тарихида учрайдиган *барышчина, оброк* Темур даври учун характерли бўлган ҳарбий ҳаражатлар учун йигиладиган солик - «аминона», давлат ҳазинасига тўланадиган -»хирож», айниқса, «суюргол» («сойюргал» турк-мўғул сўзи бўлиб, феодал томонидан ўз вассалига берилган ер-сув, мулк ва ундан олинадиган солик, ўлпон) ва ҳоказолар. Гарчи номлари турлича аталса-да, аслида феодалларга тобе бўлган дехконларнинг тўлайдиган шахсий соликлари мажмуасидир.

Барышчина, оброк, «аминона», «хирож», «суюргол» ва ҳ. к. - булар тарихий факт бўлиб, маълум давр ва маълум ижтимоий тузумнинг маълум ҳодисаси ҳисобланади. Бошқа мисолни олиб

кўрайлик. қўл меҳнатини машина билан алмаштирган саноат инқилобини олиб карасақ, бунда меҳнатни, айниқса, енгил саноат соҳасини фабрика ишлаб чиқаришига ўтиши ва икки синф - ишчилар ва буржуазия синфларини вужудга келтиришга олиб келди, бир эмас, балки қатор мамлакатлар ва минтақалар учун Нидерландия, Англия, Франция, Германия ва ҳоказолар учун ҳам характерли жараён ҳисобланади.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, фактлар ўзларининг ҳажми, мураккаблиги ва моҳияти билан бир-бирларидан фарқ қиласди. Масалан, Амир Темурнинг Олтин Ўрда хони Тўхтамишга қарши 1387, 1391 ва 1394-1395 йилларда олиб борган кураши - бу йирик тарихий воқеа, ягона ва такрорланмайдиган тарихий ҳақиқат, инкор этиб бўлмайдиган фактдир.

Маълумки, Амир Темур қудратли Олтин Ўрдани ўз давлати учун доимий таҳдид деб биларди. Шунинг учун ҳам Тўхтамишга қарши уч марта катта ҳарбий юриш қилди. Айниқса, 1391 ва 1394-1395 йиллардаги ҳарбий юриши алоҳида аҳамиятга эгадир.

Соҳибқирон 1391 йилда 200 мингли қўшини билан Самаркандан йўлга чиқиб, қишини Тошкентда ўтказди. Баҳор келиши билан катта ҳарбий тайёргарликдан сўнг Қозогистон чўлларига қараб жўнади. Улуғтоғ этагидаги тошга ўйиб ёзилган хат бу юриш хақида тўла тафсилот беради.

Темурнинг жуда катта қўшини узоқ йўл босганидан кейин, ҳозирги Куйбишев шаҳри билан Чистополь ўртасидаги Қундузча деган жойда душман қўшинига дуч келади. 1391 йилнинг 18 июнида бу жойда қаттиқ жанг бўлиб, Тўхтамиш қўшини батамом тор-мор келтирилади.

1395 йилда Шимолий Кавказ ва Терек дарёси бўйида Темур билан Тўхтамиш ўртасида навбатдаги шиддатли жанг бўлади. Тўхтамиш бу жангда ҳам енгилади. Натижада Амир Темур Олтин Ўрданинг пойтахти Сарой Беркага бостириб киради, унга ўт куйиб батамом ёндириб юборади.

1395 йилда Терек дарёси бўйидаги мағлубият ва Сарой Берканинг батамом ёндириб юборилиши Олтин Ўрдага берилган сўнгги зарба бўлди.

Дарс жараёнида тарихий фактларни баён этиб бориш ўз навбатида уларнинг муҳимлигига ҳам боғлиқ бўлади. Тарихий

жараённи ривожланиб боришини ифодалайдиган ва бир вақтда шу факт асосида тарих курсининг бошқарувчи фоялари шаклланишини таъминлайдиган асосий фактлар бирмунча тўла ёритилиб, асосий бўлмаган, лекин ўрганилаётган асосий фактлар билан ички мантиқий алоқа боғлаш учун фойдаланиши мумкин бўлган иккинчи даражали фактлар бирмунча умумлаштирилган формада ўрганилса ҳам бўлади, Шундай қилганда тарихий билимларни ўрганиш онгли, мустаҳкам ва системали амалга ошириб борилади.

Воқеа ва ҳодисалар орасидаги алоқалар, такрорланмас фактлар, воқеаларни ва айрим олинган фактларни ўрганиш типик фактлар ва ҳодисаларни ўзлаштириб олишга ёрдам беради. Масалан, Ўзбекистан халқлари тарихидан Тўмарис ва Широқ, Спитамен ва Муқанна, Темурмалик ва Жалолиддин Мангуберди, Махмуд Торобий, Абубакр Қалавий ва Мавлонзодалар харататларини олиб қарайдиган бўлсак, гарчи макон ва замонда бу фактлар бир-бирларидан фарқ этсалар-да, характерлари жиҳатдан ватанпарварлик, озодлик, чет эл мустабидларига қарши кураш бўлган ва х. к.

Тарихий ҳодисаларни атрофлича очиб бериш тарихий воқеаларнинг келтириб чиқарган сабаблар ва воқеаларнинг моҳиятини тушуниб олишга катта ёрдам беради. Масалан, капиталистик мамлакатлар орасидаги жаҳон бозори учун кураш 1-жаҳон урушини келтириб чиқарди. Ёки 1917 йил қонли октябр тўнтариши натижасида зўрлик билан вужудга келган Совет Иттифоқи 1990-1991 йиллар давомида умуман инқирозга юз тутди. Натижада собиқ СССР ўрнида қатор миллий мустақил давлатлар вужудга келди ва ҳоказолар.

Энг муҳими - фактлар мустаҳкам илмий-назарий хулоса ва умумлаштирувчи якунлар чиқаришнинг асосини ташкил этмоғи керак.

Агарда ўқитувчи томонидан баён этиладиган фактлар зарур алоқа ва умумлаштиришларсиз олиб бориладиган бўлса, у ҳолда биз ўқувчиларда тарихий билимлар тизимини эмас, балки бир-бирлари билан мантиқий алоқада бўлмаган, мантиқан умумлаштириб ўқувчиларни маълум бир назарий хуросага келтира олмайдиган фактологияга ўргатган бўламиз. Худди

шунга ўхшаш, тарих ўқитиши жараённанда ўқитувчи фаолиятида у ёки бу тарихий масала юзасидан келтириладиган хулоса ва умумлаштирувчи фикрлар аниқ, тарихий фактларга асосланмаса, бундай дарс социологияга айланади холос.

Мазкур ўринда тарихий фактларни билиш учун уларни синчиклаб ўрганиш, бир тарихий шахс ёки бутун бир халқка баҳо беришда масалага тааллуқли фикрларни таққослаштириб кўриш лозим.

Ўқувчиларга тарихий тушунчаларни қанчалик бой, ранг-бараг ва системалаштирилган ҳолда тушунтирилса, улар янги тарихий материални ўзларида мавжуд бўлган тарихий билимлар тизимиға шунчалик тез ва чуқур ўрнаштириб ва ўзлаштириб оладилар.

Тушунча, жумладан тарихий тушунчалар фақатгина билиш натижасидагина шаклланмасдан, балки тафаккур этишнинг формаси ҳам ҳисобланади.

## **2. Тарихий билимларни ўзлаштириш жараёнлари**

Тарихий билимларни ўзлаштириб бориш жараённанда ўқувчилар тафаккури аниқликдан умумлаштирилган жараёнга, яна қайтадан умумлаштирилган бирмунча юқори даражадаги билим асосларига таянган ҳолдаги аниқликка қараб ҳаракат қиласди. Шунинг асосида ўқувчига илгаридан маълум бўлган фактлар ва уларга ёндашиш, шунингдек, тарих илми тараққиёти муносабати билан кашф этилган янги фактлар, ашёвий далилларга ёндашиш муносабатлари янгича тафаккур этилади, такомиллашиб боради. Бу жараён ўзбек халқининг ўз истиқололига эришган бугунги кунида, айниқса, катта таълимий ва тарбиявий аҳамият касб этади. Дарҳақиқат, Ўрта Осиё халқларининг IX-XII асрлардаги маданият тарихига ёки Темурийлар тарихига холисона баҳо бериш, жумладан Темур шахсига, унинг давлат арбоби ва ҳарбий саркардалик маҳоратига, айниқса, Амир Темур томонидан Олтин Ўрдани тор-мор келтирилишини Россияда мўғул- татар зулмига хотима беришда тутган ролига, ёки Соҳибқироннинг турк сultonи Боязид-1 Йилдирим устидан қозонган тарихий

ғалабаси бутун Европанинг унинг асоратидан сақлаб қолишини таъмин этганлиги, шунингдек, Мирзо Бобурнинг хинд халки тарихида тутган ўрнига, ниҳоят, Ўрта Осиёнинг Россияига кўнгилли равишда кўшилиши эмасу, унинг чор Россияси томонидан шафқатсизларча босиб олинишига тўғри баҳо бериб, бунда чор Россиясининг «Ўрта Осиёда олиб борган ҳарбий ҳаракатларининг бевосита иштирокчиси генерал лейтенант М. А. Терентьевнинг «История завоевания Средней Азии с картами и планами» (СПб. 1906год, в 4-х томах) китобининг номини ўзи бу ҳаракатнинг асл моҳиятини баён этганлиги каби тарихий ҳақиқатларни дадил кўрсатиб беришни тақозо этмоқда.

Тарих таълимида аниқликдан умумийликка ўтиш ва аксинча, умумийликдан аниқликка ўтиш оддий айланишгина бўлиб қолмасдан, балки ўкувчиларни тарихий билимларини ҳамда ақлий камолотларини оддийдан мураккабга қараб муттасил ривожланиб бориш жараёнидир.

Тарихий материални ўрганиш жараённида ўкувчиларни рухий ҳиссисёт ва кундалик ижтимоий амалий ишлари билан боғланган ҳолда уларнинг тафаккурлари ғояларини, эътиқодларини, тарихий жараённи қандай содир этган бўлса, унга партиявиий, синфий деган муносабатда эмас - у, реал асосда тушунишлари, ижтимоий ҳаётдаги воқеа ва ҳодисаларни билишнинг диалектика-материалистик асосда ўрганишлари каби сифат ўзгаришларини изчил шаклланиб боришини таъминлайди.

Илмий-услубий ва дидактик жиҳатдан тўғри ташкил этилган таълим жараённида ўкувчиларни тарихий билимларни ўрганишга бўлган эҳтиёжлари ортиб боради. Бу жараённи кундалик педагогик фаолиятимизда доимий равишда кузатиб борар эканмиз, ўкувчилар билимларида миқдор ўзгаришларни сифат ўзгаришларига қараб ўсиб ўтаётганлигининг шоҳиди бўлдик.

Ўкувчиларда тарихий билимларни шакллантиришда ўкувчиларнинг ўқув фаолиятларига ўқитувчи томонидан моҳирлик билан раҳбарлик қилиш алоҳида аҳамият касб этади.

Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, тарихни ўрганиш самара-дорлигини ошириш асосан ўқув жараёнига тўғри раҳбарлик қилишдан иборат бўлиб, бу жараён асосан қуйидаги ҳолатларни ўз ичига олади:

1. Ўқувчиларни билиш фаолиятларини тарихий билим манбалари билан таъминлаш. «Ўқувчиларга тарихий билим манбаларининг асосий пойдевори ва муҳим томонларини илмий асосда шакллантириш биринчи галда тарих ўқитувчисининг ўзини ана шундай билимларни назарий ва амалий жиҳатдан эгаллашларини, шунингдек, ана шу билимларни ўқувчилар онгига етказа билишнинг оптимал услублари билан куролланган бўлмоғи ёки «тарбиячининг ўзи тарбияланган бўлмоғи керак», деган концепцияга амал қилмоқ керак.

2. Ўқувчиларни ўрганиладиган тарихий материалга нисбатан руҳий ҳолатларини йўналтира билиш, уларда тарихий билимларга бўлган қизиқишлигини фаол уйғотиб бориш, дарс жараёнида ўқувчиларни мустахкам, барқарор диққат-эътиборларини ташкил эта билиш, ниҳоят уларда мустакил тафаккур этиш кўникмаларини шакллантириш ўқитувчининг педагогик фаолиятида асосий ўринни эгалламоғи керак;

Тарихни ўрганиш жараёнида бу вазифалар ўрганилаётган мавзуга турли воситалар ёрдамида ёндошишни тақозо этади. Дарслик матнидан ташқари, мавзуга оид материалларни танлаш, курслараро ва предметлараро алоқа боғлаш, бадиий адабиёт ва нашрий матбуот материалларидан, шунингдек тасвирий санъят асарларидан мақсадга мувоғиқ фойдаланиш ўқувчиларнинг мавзу юзасидан мустакил ишларини фаол ташкил этиб бориш шулар жумласидандир.

3. Дарс жараёнида ўқувчилар томонидан тарихий билимларни ўзлаштиришга, идрок этишга ўқитувчининг бевосита ва тизимли раҳбарлик қилиши мазкур муаммони ижобий хал этишнинг асосий шартларидан ҳисобланади. Мазкур ўринда ўқитувчидан ўқувчиларни дарс жараёнида ўрганилаётган мавзудаги асосий (йўналтирувчи гоя, таянч билим, Шаталовча таянч сигнал ва х.к. ) масалани, яъни билишлари шарт бўлган тарихий масалани алоҳида қайд этиши, дарсликда бўлса турлича ёзувларда баён этилган материални оғзаки баён этилган бўлса ифодали ўқишини, мавзуни баён этиш режасини тузишини; харитада у ёки бу йўналишларни аниқ кўрсатиб беришни тақозо этади. Энг асосийси ўқитувчи бу жараёнда ўқувчиларнинг дарслик матни устида ишлаши бўлмасин, тарихий ҳужжатлар, даврий

матбуот ва бадиий адабиёт асарларини мустақил таҳлил этишни фаоллаштирумоги лозим

4. Ўқитувчи ўқувчиларни тарихий материални билиш жараёнини ҳамма босқичларидағи тафаккурларига мохирлик билан раҳбарлик қилиб бормоғи лозим. Бу раҳбарлик биринчи галда янги материални баён этишда, уни мустаҳкамлашда, уй вазифасини бажариш ва умумий тақрорлаш дарсларида ўқитувчининг дикқат марказида бўлмоғи керак. Айниқса, ўқувчиларнинг билиш тафаккурларини идора этиш ва бошқариш улар томонидан назарий масалаларни ўзлаштиришда катта аҳамият касб этади. Мазкур ўринда кузатилган мақсад: ўқувчилар тарихий фактлардан олган билимлари мажмуасидан аниқ назарий хулоса чиқаришга эришсинглар, тарихий фактларнинг назарий ифодасини мустақил шарҳлаш имкониятига эга бўлсинлар.

5. Ўқувчилар билимини мустаҳкамлаш учун уларни дарсда ва уй вазифаларини бажаришдаги фаолиятларига раҳбарлик қилишни ташкил этиш ва уларда тарихий билимларни шакллантиришда алоҳида ўринни эгаллайди.

Юқоридагилар асосида хулосалайдиган бўлсак: Ўқувчиларни ўқув фаолиятини текшириш ва уларга маълум ўзгартиришларни киритиб бориш улар олган билимларнингина ўз ичига олмасдан, балки уларнинг тарихий билимларни тафаккур этиш қобилиятларини, шунингдек, дунёкарашга доир тушунчаларини қанчалик ўзлаштириб бориш даражасини, тарихий материаллар билан мустақил ишлаш қобилиятлари, тарихдан олган билимларини ўқиши жараёнида ва айниқса, кундалик ижтимоий ҳаётларида амалий жиҳатдан тезкор равишда қандай қўллашларини идрок этиш ва бошқаришда ҳам ўз ифодасини топмоғи лозим. Тарих ўрганиш жараёнида тарихий билимларни эгаллаб боришда тарих дарсларини тематик режалаштириш, ўқув дастури ва қўлланмалари, дарсларни ролини алоҳида қайд этиш лозим.

Ўзбек халқининг истиқлолга эришганлигига қисқа муддат бўлганлигига қарамасдан, истиқлол ҳаётимизнинг ҳамма жабхаларида, жумладан, ўрта ва олий мактабларимизда Ўзбекистон халқлари тарихини мустақил фан сифатида ўргана бошлаганида ҳам ўз ифодасини топди.

### **Савол ва топшириклар:**

1. Тарихий билимларни шакллантиришда илмий билимларга нисбатан қисқартылған ва соддалаштирилған йўллар мавжуд. Сиз шулар хақида батафсил гапира оласизми?
2. Тарихий билимларни шакллантиришда тарихий фактларнинг моҳияти қандай ҳолатларда намоён бўлади?
3. Тарихий билимларни ўрганишга бўлган эҳтиёжларнинг ортиб бориши нималарга боғлиқ?
4. Тарих ўрганиш самарадорлигини ошириш жараёни асосан қайси ҳолатларни ўз ичига олади?
5. Тарихий билимларни ўзлаштириш жараёнида сизни кўпроқ нималар қизиқтиради?
6. Тарихий билимлар ўзлаштиришда дарслик матнidan ташқари яна нималарга кўпроқ эътибор бериш керак?

### **Адабиётлар**

1. Андреевская Н. В. Очерки методики истории. –Ленинград: 1958.
2. Белинский В. Г. Тўла асарлар тўплами. –Москва: 1955, 8-жилд, -Б. 276.
3. Вагин А. А. Методика преподование истории в средней школе. -Москва: Просвещение, 1968. –С. 8-9.
4. Гиттис И. В. Начальной обучение истории. -Ленинград: 1939.
5. Донской Г. М. Соотношение единичного, особенного общего в учебниках истории. В кн: проблемы школьного учебника. -Москва: 1981. вип. 9.
6. Карцев В. Г. Методика преподования истории в начальной школе. -Москва: 1951.
7. Тошпўлатов Т., Фаффоров Я. Тарих ўқитиш методикаси. -Тошкент: ТУРОН-ИҚБОЛ, 2010.

## **6-МАВЗУ: ТАРИХ ЎҚИТИШДА ЭКОЛОГИК ТАЪЛИМ-ТАРБИЯНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА БОСҚИЧЛАРИ**

**Режа:**

1. Тарих таълими тизимида экологик тарбиянинг муҳим жиҳатларини ўрганиш усуллари.
2. Экологик таълим-тарбиянинг асосий йўналишлари.
3. Экологик таълим-тарбия тарихий босқичлардаги ўзгариш.

**Калит сўзлар:** Табиий мувозанат, экологик мувозанат, ободонлаштириш, экологик саводхонлик, атмосфера, яшил зона, социал экология, ижтимоий фаоллик, жонли ва жонсиз табиат, комплекс экспедициялар, экологик ҳолат, ландшафтлар, генетик фонд, демографик ҳолат.

### **1. Тарих таълими тизимида экологик тарбиянинг муҳим жиҳатларини ўрганиш усуллари**

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида экологик муаммоларни ҳал қилиш ва уларнинг салбий оқибатларини йўқотиш юзасидан кўп тажрибалар тўпланди. Лекин бу соҳадаги бажариладиган ишларнинг кўлами ва ҳажмининг катталиги мамлакатдаги ва минтақалардаги экологик ҳолатни яхшилаш муаммоларни ҳал қилишда давлат органлари, жамоат ташкилотлари, фуқаролик жамияти институтларининг ҳамкорлигини кучайтириш билан бир қаторда оиласда экологик таълим тарбияни олиб бориш орқали ёшлиларда экологик маданиятни шакллантириш долзарб масала бўлиб қолди.

Ер юзида инсон зотининг пайдо бўлиши 70 миллион йилни ўз ичига олади. Шунча даврдан бери табиат одамзодни едириб, ичириб, кийинтириб-барча эҳтиёжларини қондириб келмоқда. Бу ёруғ оламда борлигимизнинг асоси бўлган она заминимиз табиатга етарли даражада ғамхўр ва меҳрибон бўла оляяпмизми? Уни муҳофаза қилишдек олий бурчимизни қай даражада бажара оляяпмиз? Бу саволлар ҳаммани бирдек

ўйлантириши лозим. Инсониятнинг табиатга бўлган нотўғри муносабати йилдан-йилга ўзининг салбий оқибатларини намоён этиб бораяпти. Табиат қонунларини билмаслик, унга амал қилмаслик натижасида атроф-муҳит кескин даражада ифлослантирилиб, курраи заминимизда жиддий ўзгаришлар юзага келаётир. Баҳор ва ёз ойларида турли жониворлар ва қушларни ноқонуний овлаш, доривор ўсимликларни пайхон қилиш, ҳали ҳосили етилмасдан ўсимлик хилларини шахсий манфаати учун йигиб сотиш ҳоллари кўп учрамоқда. Бу эса ноёб ҳайвонлар ва ўсимликлар кўпайиши даврига бормасидан қирилиб кетишига олиб келаётир. Чунончи, ўсимликларнинг 60 хили, ҳайвонларнинг 70дан ортиқ тури йўқ бўлиб кетиши хавфи остида турибди. Табиат ва атроф-муҳит муҳофазаси фақат бугунги кун учунгина эмас, балки, келажак авлодларимиз учун ҳам жуда зарур. Ер курраси жонли мавжудот ва жонсиз предметлардан иборат. Айнан тирик мавжудотларнинг яшави ва фаолият кўрсатишилари учун ана шу жонсиз ҳаво, сув, тупроқ, ёруғлик, намлик, ҳарорат, куёш нури кабилар шароит сифатида ҳаётий зарурият ҳисобланади, факат улар инсонга нисбатан маромида бўлса. Тирик мавжудотлар, шу жумладан инсон ҳам билиб-билмай табиатга ўзининг ижобий, бальзида эса салбий таъсирини кўрсатиб, унинг табиий мувозанатини бузади. Бундай ҳолатни биз экологиянинг бузилиши деб атаймиз. Экологик мувозанатнинг бузилиши инсон, айниқса мурғак болалар саломатлигига салбий таъсир кўрсатиши хеч кимга сир бўлмай қолди. Одамзотни ердан, Ерни одамзоддан ажратиш мумкин эмас.<sup>1</sup>

Инсонларда, айниқса ёшларда атроф муҳитга, табиатга нисбатан ижобий муносабатни бугун тўғри шакллантирмас эканмиз атроф муҳитни соғломлаштириш тўғрисидаги гапларимиз курук сафсатадан нарига ўтмайди.

Бу борада кенг жамоатчилик, ҳуқук тартибот идоралари ходимлари, табиат муҳофазасига маъсул кишиларнинг фаолик кўрсатишилари талаб этилади. Оилада, боғчада, мактабда, жамоатчилик орасида тарғибот-ташвиқот ишларини мунтазам

---

<sup>1</sup> [www. uza. uz](http://www. uza. uz)

сусайтирмасдан олиб бориш ҳаммамизнинг инсоний бурчимиздир.

Экологик тарбия бугуннинг энг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади. Биз онгли инсонларнинг биринчи галдаги вазифамиз иложи борича атроф-муҳит учун заарали бўлган нарсаларни заарсиз ҳолга келтириш, яъни заарсизлантиришдир. Бу албатта биричи навбатда, ичимлик сувига, тупроққа ва ҳавога нисбатан айтилаётган фикрлардир. Бу борада, энг аввало ҳар бир инсон ўзи яшаб турган уй, кўча, маҳалла, қишлоқ ва шаҳарни ифлосланишдан асраш уни ободонлаштириш, кўкламазорлаштириш, табиий мавжуд табиат ином этган сўлим, тоза ҳаволи, сувли, муқаддас жойларни ўз ҳолида саклаш ва улардан унумли фойдаланиш кўлимииздан келади. Бунинг учун ёшларимизнинг экологик саводхонлигини, маданиятини ошириш, табиатга бўлган муносабатларини яхшилаш борасидаги билим, кўникма ва малакаларини аввало, оиласдан бера бошлаб, кейинчалик мактабларда, ўкув юртларда такомиллаштириш зарур.

Оилада экологик тарбияни шакллантиришда биз кўхна Шарқ хонадонларининг турмуш тарзини таҳлил этишдан бошласак мақсадга мувофиқ бўларди. Қаранг, бобо-бувиляримиз ҳовли жойларини тозалашдан аввал шакароб қилиб сув сепишни, сўнгра супургини сал ҳўллаб супиришни уқтирганлар, кундалик чиқиндиларни ҳовли четидаги урага ташлаб устидан тупрок тортганлар, куз пайтида хас-ҳашакларни тўплаб ёқмаганлар. Чунки, хас-чўплар, ҳазонлар тутуни орқали заҳарли моддалар ҳавога учади ва атмосферани ифлослантиради. Шунинг учун уларни чукурга кўмиб компостлаш (яъни чиритиш) йўли билан ўсимликлар томонидан яхши ўзлаштириладиган минерал моддаларга айлантирилади. Компостлашда ахлатларнинг ҳарорати кўтарилиб, қаттиқ исиш жараёнида улардаги инсон соғлиги учун хавфли микроорганизмлар ўз ўзидан қирилиб кетади.

Ўсимликлар дунёси 20 минг хил турдаги кимёвий ва доривор моддалар манбаидир. Уларнинг барчаси атмосфера ҳавосини тозалаб берадиган “филтр” вазифасини бажаради. Маълумки, бир туп дарахт 25 соат ичida ўртacha уч кишига етадиган оксиген ажратиб беради. Бир гектар майдондаги дарахтзор эса 220-280 кг карбонад ангдирид газини “шимиб” 180-200 кг оксиген газини

ажратади. Бизга шу қадар “мурувват” кўрсатаётган яшиллик оламига жавобан қай тарзда меҳр кўрсатаяпмиз? Оилада болаларга дараҳт кўчатларини ўтказиш, уларни парваришлаш, асраб авайлаш, ерга уруғ қадаш, тупроқка ишлов бериш ишлари катталар томонидан ўргатиб борилиши лозим.

Энди бир ўйлаб кўрайлиқ, ҳар йили эрта кўклам ва кузда қанчадан-қанча кўчатлар экамиз, лекин уларнинг қанчаси кўкариб, яшил зонамизга айланәётганига эса кам эътибор берамиз. Маҳалалар худудларига экилаётган кўчатларнинг иккинчи кушандаси бу айрим маҳаллалар аҳолиси қўлида парваришланаётган уй ҳавонлариdir. . .<sup>1</sup>

Яна битта масала: кўпчилик аҳоли ҳовлиларидан чиқадиган оқава сувларини ариқларга оқизиб қўйишган. Ёз ойларида ариқларнинг қуий оқимида жойлашган аҳоли болалари чумилиш учун ўзларига энг қулай жойни, яъни ариқларни танлашади.

Оқибатда уларнинг юқумли касалликларга чалиниш эҳтимоллари янада ортади.

Ташқи муҳитни ифлослантирувчи манбалардан яна бири бу чикиндилардир. Кўпчилик ҳолатларда майдончаларда чикиндилар кечалари ёкиб юборилади ва атроф муҳитни ифлосланиши 2-3 карра ортади.

Бугунги кунимизда фаннинг бирон соҳаси йўқки, у экология муаммоларини хал этишда четда қолган бўлса. Шундай экан, истиқлол шарофати билан Ўзбекистон Республикаси мактаблари ўқув режалари (сеткаси)да ўзининг қонуний ўрнини эгаллаган Ўзбекистон ҳалқлари тарихи, шунингдек, «инсон ва жамият» курсларини ўқитишда ўқувчиларга экологик таълим-тарбия бериш ҳам четда қолиш мумкин эмас.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, ҳозирги вақтда инсон билан уни ўраб турган муҳитнинг тузилиши ва хусусиятларига, шунингдек экологик омилнинг инсонни жисмоний ва руҳий ҳолатига таъсир кучини тадқиқ этадиган социал экологиянинг моҳияти тез суръатлар билан ўсиб бормоқда.

*Социал экология қуидаги асосий қоидаларга асосланади:*

---

<sup>1</sup> Экологиядан давлат таълим стандартлари. // Халқ таълими: 2000. 1-сон.

«Табиат-Жамият-Инсон» ягона бир бутунликни ташкил этади; инсон табиатни бир қисми унинг ривожланиши табиатни ўзгартириш инсон ҳайтигининг асосини ташкил этади; табиат тарихи билан жамият тарихнинг бирлиги меҳнат жараёнида намоён бўлади. Ижтимоий қонунларга нисбатан табиат қонунлари бирламчидир; янги экологик маданиятнинг ривожланиши шахснинг табиатга нисбатан юқори даражадаги масъулиятини ифодалайди. Табиатга янгича маданий муносабатни шаклланиши тўла мазмундаги гуманизм гояларини ўзида мужассамлаштиради. Табиат қонунлари оёқ ости қилиш, факат яқин фойдага интилиш, халқ маблағларини сарфлашда исрофгарчиликка йўл қўйиш, шунингдек табиатга ўз шахсий талаби нўқтаи назаридангина ёндошиш гуманизмга қанчалик зид бўлса, табиатга нисбатан ҳам шунчалик зиддир.

Социал экологиянинг инсонпарварлиги айниқса педагогика фанига яқиндир. Мактаб ва халқ таълим мининг ҳамма йўналиши янги авлодни илгаридан анъанага кирган ғоя - «*табиат инъомидан тўла фойдаланиши керак*», «*биз табиатдан хайр-эҳсон кутиб ўтирумаймиз, уни ўзимизга бўйсундирамиз!*» концепциялари билан алоқасини батамом, узил-кесил узуб ташлаб, уни ҳимоя қилиш ва унинг инъомларидан авайлаб, унга зарар етказмасдан фойдаланишини тақозо этади.

Мактаб ёш авлодда табиатга нисбатан доимо ғамхўрлик қилиш, унинг инъомларини ардоқлаб сақлаш каби маданий хислатларни тарбиялаб камолга етказмоги керак.

Экологик маданият ўқувчи ёшларимизни ижтимоий фаолликларини ифодаси, мустақил Ўзбекистонимиз табиий бойликларини кўз қорачигимиздек сақлаш ва қўпайтириш борасидаги ватанпарварлик харакатларининг сарчашмаси бўлмоғи даркор.

Экологик таълим-тарбия умумий таълимнинг ўзаро алоқадорлиги, инсонни унинг ўраб турган табиатга нисбатан масъулияти тўғрисидаги умумий тасаввур асосларни шакллантиришга асослангандир.

Бундан ташқари, экологик тарбия ўқувчилардан теварак мухитга нисбатан муносабатларида тубдан ўзгартириш киришини, ўз фаолиятларини назарий билимлар билан узвий алоқадорликда амалга ошириб боришларини, бу борадаги кўнишка

ва малакаларини изчиллик билан бойитиб боришларини тақозо этмоқда.

Мактаб шароитида экологик таълим-тарбиянинг мақсад ва вазифаларини амалга оширишда Мустақил Ўзбекистон Республикасининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуидаги муҳим талабларга амал қилмоқ лозим:

- табий мухит ва уни яхшилаш бўйича амалий фаолиятни маънавий ва эмоционал жиҳатдан узвий бирлигини идрок этиш;

- экологик тарбиянинг боғлиқлигини ва узлуксизлигини, унинг предметлар ва курслараро алоқа боғлаш билан амалга ошириб бориш;

- ва ниҳоят, экологик таълим-тарбияни амалга ошириб бориш экологик муаммоларни умумбашарий, бир вақтда миллий ва ўлкашунослик характер касб этишини ҳисобга олган ҳолда фаолият кўрсатиш.

Ўқувчиларни ўраб олган табиий мухитга нисбатан жавобгарлик муносабатида бўлиш хис-туйғуларини шакллантириб бориш, истиқололга эришган Ўзбекистон мактабларида Республикализнинг келажаги кудратли давлат бўлишини таъминлашда катта назарий ва амалий аҳамият касб этади.

Экологик тарбия ўқувчиларда фақатгина экологик-маданиятнигина шакллантириб бормасдан, балки таълим ва тарбиянинг кўпгина умумий бир бутун вазифаларни хал этишда ҳам катта роль ўйнайди.

Табиат билан жамият ўртасидаги ўзаро алоқадорликларни кўрсатишнинг ўзи ўқувчиларда реал дунёнинг бир бутун эканлиги тўғрисидаги дунёқарашга хос билимларини янада бойитади. Экологик билимлар ўқувчиларга сабаб мақсад алоқалари, воқеа ва ҳодисаларни тизимли тузилиши жиҳатидан ривожланишларини таъмин этадиган вазифаларни янада ижобий хал этиб боришларини таъминлашга кўмаклашади.

Табиатни тушуниш ва у билан мулоқотда бўлиш шахснинг аҳлоқий тарбияси, унинг инсонпарварлик хусусиятлари -эзгулик, қўнгилчанлик, раҳмдиллик бўлишга давъят этади.

Табиат чин қўнгилдан инсонни ҳар доим «виждонли, инсофли бўлиб олишга ёрдам беради. Табиат ҳар доим у - ОНА эканлигини эслатиб туради». Гўзалликнинг битмас-туганмас манбаи

бўлган табиат-умуман эстетик тарбиянинг муҳим воситаси, табиатни шафқатсизларча вайрон этишга қўл урилган кучларга қарши турувчи инсонни камол топишига катта ёрдам беради.

## **2. Экологик таълим-тарбиянинг асосий йўналишлари**

Экологик билимлар меҳнат таълими ва тарбиясида, шунингдек ўкувчиларни жисмоний ривожланишлари ва гигиеник тарбияларида ҳам катта рол ўйнайди.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримов ўзининг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» асарида Республикаизнинг экологик ҳолати тўғрисида гапирап экан, «табиий ресурслардан аёвсиз фойдаланишига, атроф-муҳитга зиён етказилишига ва республикадаги экологик вазиятнинг ёмонлашувига йўл қўймаслик, бошқа давлатларнинг иштирокида Оролни қутқарши, Орол бўйидаги экологик шароитни соғломлаштириши борасида самарали чоратадбирларни амалга ошириш, мазкур минтақаларнинг иқтисоди ва ижтимоий соҳасидаги фалокатли оқибатларни бартараф этиши» лозим эканлигини, шунингдек «Бутун дунё, - ягона ва ўзаро боғлиқdir. Бизнинг муштарак бурчимиз ер юзини болаларимиз ва набираларимизга обод ва баҳтиёр яшашилари учун муносиб қилиб қолдиришидир. Ўзбекистон энг оғир қийинчиликларга дуч келди. Оролнинг экологик ҳолати жаҳон миқёсидаги фожиа деб эътироф этилмокда. Бу фожиани Ўзбекистон ва унинг қондош-қардош қўшинилари якка ҳолда даф этолмайдилар.

Яиаш муҳити, табиат ва маънавият экологияси бирбиридан ажралмасдир. Сиҳат-саломатлик бўлишининг анъана-вий қадрини қайта тиклаш ва оила қадри билан шарафли бир ўринга қўйиш керак<sup>1</sup>.

Қуйида Республика мактабларининг V-VII, VIII-XI синфларда тарих, инсон ва жамият курсларини ўқитиши жараёнида экологик

---

<sup>1</sup> И. А. Каримов. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. – Тошкент: Ўзбекистон, 1992. -Б. 69-70.

таълим-тарбиянинг Тошкент шаҳридаги 42-мактаб-гимназияда мактабларда эксперимент дарслар асосида йўналишлар ва босқичларни келтирамиз:

### **1-ЙЎНАЛИШ**

Жаҳон манзараси илмий асосида ўқувчилар дунёкараларини шакллантириш:

а) V-VII синфларда - табиат ва жамиятдаги ҳодисалар сабабиятини ва улар орасидаги алоқадорликларни тушунмоқ, жонли ва жонсиз табиатнинг турли кўринишлари ва унда инсонни тутган ўрни.

б) VIII-XI синфларда - ўқувчиларда қутийдаги тушунчалар шакллантирилади:

- табиат ва жамият тарихининг бир бутунлиги тўғрисидаги тасаввур;

- табиат қонунларининг бирламчилиги ва унда инсонни тутган ўрни;

- инсонни табиатга таъсир этиш характери ва унинг табиат мухитига боғлиқлиги;

- инсон ҳаётида табиий ва ижтимоий омилларнинг тутган роли.

### **II-ЙЎНАЛИШ**

Ўқувчиларга foявий - сиёсий ва ҳуқуқий тарбия бериш:

а) V-VII синфларда - ўқувчиларни Ўзбекистан Республикасининг табиатни қўриқлаш тўғрисидаги қонунлари билан таништириш, Ўзбекистан Республикасида табиатни қўриқлаш шароитларининг ўзига хос хусусиятлари, табиат умумхалқ бойлиги эканлиги тушунчаларини, ўқувчиларда «халқ», «Ватан», «табиат» тушунчаларини бевосита узвий алоқадорлигини илмий холосага келтириши.

б) VIII-XI синфларда Ўзбекистан Республикаси Конституциясининг 50-моддасидаги: «*Фуқаролар атроф табиий мухитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишига мажбурдирлар*» деган қонунига қатъий бўйсунишлари шарт, Ўзбекистан Республикаси ҳукуматининг табиий мухитни сақлаш тўғрисидаги сиёсатининг моҳияти билан системали таништириб бориш, табиат-теварак мухитни сақлаш - умумбаширий муаммо, унинг ечимида иштирок этиши ҳар бир инсоннинг муқаддас бурчидир деган ахло-

қий бурчга содик бўлиш.

### **III - ЙЎНАЛИШ**

Мехнат ва иқтисодий тарбия:

а) V-VII синфларда иқтисодий жиҳатдан ўз меҳнатини тўғри ташкил этиш маҳоратини тарбиялаш, атроф муҳитни ифлосланишдан ҳимоя қилишга бағишлиланган ижтимоий ишлаб чиқариш меҳнатларида фаол иштирок этиш, табиий муҳит ҳолатини аниқлаш кўникмаларини, унга таъсир кўрсатиш ва ҳолатини яхшилаш бўйича зарур тадбирлар қўллаш кўникмаларини тарбиялаш, «инсон - техника - муҳит» бирлиги тушунчасидан келиб чиқиб табиий материаллар, хом ашёлар ва энергияни оқилона ишлатиш ва қўллаш кўникмаларини тарбиялаш.

б) VIII-XI синфларда меҳнат инсон билан табиат ўртасидаги моддалар алмашувига ўхшаш узлуксиз жараён эканлигини тушунтириб бориш, инсонни табиатга таъсир этишдаги қарама-қарши меҳнат фаолиятини амалий жиҳатдан унга ижобий таъсир этадиган энг қулай, оптималь томонларини ривожлантириб бориш, инсонни - табиатга салбий таъсир этишини енгиш ва шундай ҳаракатларини олдини олишда фаол иштирок этдириш, ниҳоят ижтимоий бойликларимиз меҳнат туфайли фақатгина табиат ҳисобидан яратилажагини ёш авлодга системали равища сингдирив боришимиз керак.

### **IV-ЙЎНАЛИШ**

Ахлоқий - эстетик тарбия:

а) V-VII синфларда инсон ҳаётида муҳим роль ўйнайдиган она табиатнинг турли туман бебаҳо тортиқларини қадрлаш. Уларни эъзозлаб кўриқлаш, табиатга нисбатан доимо уни севиш, қадрлаш, муҳофаза этиш муносабатида бўлиш, табиат кўринишларини акс эттирган суратлар ва уларнинг обьектларини тушуна билиб эстетик завқ олиш хис-туйғуларини тарбиялаш, ўқувчи ёшларни ўраб олган табиий муҳитни эстетик жиҳатдан оқилона жиҳозлай билиш кўникмаларини тарбиялаш, ниҳоят табиат ва санъат гўзаллиги уйғуналигини хис этиш қобилияtlарини камол топтириш.

б) VIII-XI синфларда - экология муаммоларини хал этишни инсонпарварлик моҳиятини хозирги замон ва кишилик жамиятининг келажаги учун аҳамияти, эстетик ва мантикий гўзал-

лик қонунлари бирлигини англаб олиш, ҳар бир инсон табиатга нисбатан муносабатда ижтимоий аҳлоқ талаблари ва масъулиятларини хис этиш, инсон ва ҳалқнинг маънавий дунё-сини ривожланишида табиат гўзаллигини бетакрор ва абадий моҳиятини қадрлай билиш ва эъзозлаш лозимлигини тушунтиришга эришиш.

## V-ЙЎНАЛИШ

Гигиеник ва жисмоний тарбия:

- а) V-VII синфларда-организмни чиниқтириш муносабати билан жисмоний ривожланиш маҳоратларини мустаҳкамлаш.
- б) VIII-XI синфларда - саломатликнинг ижтимоий ва табиий омиллари орасидаги узвий алоқадорликни тушунтириш, табиатнинг бевосита таъсири остида организмнинг жисмоний сифатларини мустаҳкамлаш, бизни ўраб олган муҳит таъсири остида организмнинг адаптацион (мослашиш) кучини ривожлантириб бориш.

Ўқувчиларни экология билимлари билан куроллантириш учун умумлаштирувчи дарслар, предметлар аро алоқа боғлаш, табиат қўйнига ва ишлаб чиқариш корхоналарига комплекс экспурсиялар ташкил этиш, маърузалар, семинар машғулотлари, диспутлар ва экология муаммоларига бағишлиланган китобхонлар конференциялари, кечалар ва мутахассислар билан учрашувлар ўтказиш, бу борада таълимнинг техника воситалари ва бошқалардан мақсадга мувофиқ фойдаланмоқ керак.

Биз шу мақсадда Тошкент шаҳридаги 84-мактабнинг XI-синф ўқувчилари билан Бўзсув канали қирғоқлари бўйлаб экспурсия уюштиридик. Эксурсияга чиқишдан олдин ўқувчилар диққати Мовароуннаҳр ҳудудида сув муаммоси қадим замонлардан олимлар эътиборидан четда қолмаганлиги, жумладан Ўрта Осиё ҳалқлари тарихини ўрганишга катта улуш қўшган академик В. В. Бартолднинг 1902 йилда «*Император рус жуғрофия жамияти*» Туркистон бўлимиининг ахборотида чоп этилган «*Орол экспедициясининг илмий натижалари*» номли тадқиқотининг мазмунига жалб этилди.

Мазкур тадқиқотда Орол денгизининг энг қадимги давридан бошлаб XVII асрнинг охиригача бўлган холати, ниҳоят XIX аср охирларига келганда унинг ҳавzasида содир бўлган ўзгариш-

ларни, қадим замонларда машхур «Ипак йўли» қатновининг янада самарали бўлиши учун Амударё сувини Каспий денгизига оқизиш режалари мавжуд бўлганлиги билан танишиб, сув муаммолари ўлкамиз тарихида халқимиз дикқат-эътиборидан ҳеч қачон четда қолмаганлигини яна бир бор уқтириб ўтилди.

Бўзсув канали қирғоги бўйлаб экскурсияга чиқар эканмиз, ўқувчиларга Бўзсув қадим замонларда Чирчик дарёсидан чиқарилган канал бўлиб, унинг ўзунлиги 159 км. Чирчиқнинг ўнг соҳилидаги қадимги йўналишлар бўйлаб, шимоли – шарқдан жануби - гарбга томон йўналиб, Тошкент вилоятининг Калинин ва Янгийўл туманлари ва Тошкент шаҳри худудидан, шунингдек Жанубий Қозогистон ерларидан ўтиб Чиноз яқинида Сирдарёга кўйилиши уқтириб ўтилди. Шунингдек, Бўзсув каналида Чирчик - Бўзсув тармоғига кирган 16-та ГЭС ишлаб турганлиги кўрсатиб ўтилди. Жумладан, 1926 йилда Бўзсув ГЭСи (куввати 4 минг квт. ), 1936 йилда Бўржар ГЭСи (куввати 6 минг квт. ), 1939 йилда Оқтепа ГЭСи (куввати 14 минг квт. ), 1950 йилда Шайхантоҳур ГЭСи (куввати 6 минг квт. ), ва бошқа ГЭСлар қурилиб ишга туширилганлиги, эндиликда Чирчик - Бўзсув тармоғига кирган ГЭСлар Чирчик, Тошкент ва бошқа шаҳар ҳамда қишлоқларни арzon электр энергияси билан таъминлаб келаётганлиги тушунтириб ўтилди.

Табиийки, дастлабки вақтда бу канал биринчи галда ахолини ичимлик суви билан таъминлаш, қолаверса экинзорларни суғоришида фойдаланиш мақсадида бунёд этилган. Унинг зилол сувини Чатқолнинг баланд тоғ чўққиларидан олган бу каналдан халқимиз яқин-яқин кунларгача оби-ҳаёт олиб, фойдаланиб келдилар. Бироқ, ўқувчилар билан Бўзсув канали бўйига уюштирган экскурсиямиз умуман ўзгача бир даҳшатли манзарани кўрсатди. Ўқувчилар Оқтепа билан Шайхантоҳур оралиғидаги анҳор қирғоғидаги умуман тозаликка зид бўлган ҳолатни кўриб ҳайратда қолдилар. Оқтепа майдони атрофидаги умумий овқатланиш хоналарини деярли канал устига қурилиб, бутун чиқинди ахлатларни сувга оқизиши, Бешёғоч худудидаги мебел дўкони қаршисидаги ошхона атрофидаги канал қирғоғига туташ ахлатхоналар кўн заводи ва пойафзал кийимлари фабрикасидан оқиб тушаётган ифлос оқиндилар, «тез ёрдам»

касалхонаси яқинида қурилган кўприк устидаги АЁҚШ атрофидаги ахлатлар уюми ва ниҳоят Учтепа туманидаги сувнинг батамом ифлосланиб, ноxуш ҳид таратаётгандиги одамни мазкур жойларда экология тушунчаси мутлоқ бегонами, деган хаёлга келтиради.

Ўқувчилар экскурсия давомида кўрган жойларини фотоаппаратлар ёрдамида тасвирга туширдилар, ўзларининг кўлларида мавжуд бўлган «Бўзсув канали схемаси»га зарур белгилар кўйиб, экскурсиядан олган таассуротлари асосида «Бўзсув каналинг бугунги кундаги экологик ҳолати» мавзусида реферат тайёрладилар. Бу реферат шу мавзуда мактаб миқёсида ўтказиладиган юкори синф ўқувчилари конференциясига тайёр гарлик кўришнинг биринчи боскичи эди.

Мактабларимизда ўқувчиларни экологик таълим ва тарбия беришнинг ахволи билан яқиндан танишиш шуни кўрсатдики. Бу муаммо ҳамон мактаб курсида ўрганиладиган ҳамма фанлар ўқитувчилари томонидан самарали амалга оширилмасдан, кўп ҳолларда жуда нари борса *биология*, жуда кам ҳолларда *физика, химия* ва *география* ўқитувчилари фаолиятларида узлуксиз бўлмасада кўзга ташланиб туради. Ўқувчиларга экологик таълим ва тарбия беришда ниҳоятда катта имкониятларга эга бўлган Ўзбекистан халқлари тарихи ва айниқса «Инсон ва жамият» курсларидан дарс берадиган ўқитувчилар, хозирги экология муаммолари бўйича зарур бўлган илмий-услубий ва дидактик маҳоратларини тўла ишга солмаётирлар.

Хозирги кунда Тошкент шаҳар мактабларида дарс берадиган тарих ўқитувчиларини хукуқий билим бўйича қайта тайёрлаш курслари ишлаб турибди. Бироқ, бу қайта тайёрлаш курси ўқув режасида мактабда Ўзбекистон халқлари тарихи, «Инсон ва жамият» курсларини ўқитишда ўқувчиларга экологик таълим ва тарбия бериш муаммоси ўз ўрнини топмаган. Шундай экан, мактаб тарих, «Инсон ва жамият» курси ўқитувчиси мавзубоп тақвимий иш режасини тузишда ва айниқса бевосита экология муаммосига бағишлиланган дарсларида масалага мутлоқ жиддий муносабатда ёндашмоғи лозим.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, Ўзбекистон Республикаси 1992 йил 9 декабря «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»

максус қарор қабул қилган. Бу қарор Республика мактабларида экологик таълим ва тарбия олиб боришнинг асосий дастури бўлиб қолиши керак.

Бу хужжатда жумладан шундай ёзилган: «*қонуннинг мақсади инсон ва табиат ўртасидаги муносабатлар уйғун мувозанатда ривожланишини экология тизимлари, табиат комплекслари ва айрим обьектлар муҳофаза қилиншини таъминлашдан. Фуқароларнинг қулай атроф муҳитга эга бўлиш: ҳуқуқини кафолатлашдан иборатdir».*

Юқори синфларда экологик таълим-тарбия олиб бораётган ўқитувчи мазкур қонуннинг **«Табиатни муҳофаза қилишдан мақсад:**

- инсон саломатлиги учун, экологик мувозанатни сақлаш учун, Республикада самарали ва барқарор ижтимоий-иктисодий ривожлантириш манфаатлари йўлида табиатдан оқилона ва уни ишдан чиқармайдиган қилиб фойдаланиш учун қулай шартшароитлар яратиш;

- жонли табиатнинг турлари ва генетик фонди бойлигини сақлаб қолиш,

- экология тизимлари, ландшафтлар ва ноёб табиат обьектлари хилма-хиллигини сақлаб қолиш,

- экология хавфсизлигини таъминлаш;

- табиат обьектлари билан боғлиқ маданий меросни асраб қолишдир».

Мактабда экологик тарбия олиб боришни кундалик ҳаёти-мизда содир бўлаётган воқеа ва ҳодисалар билан узвий алоқада боғлаб боришка Ўзбекистон табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси фаолиятини баён этиб борадиган материаллар ва ахборотлардан системали равишда фойдаланиб бориш лозим.

Мазкур қонунда нафақат табиатни муҳофаза қилишдан кўзатилган мақсад, балки уни самарали хал этиш, *«Табиатни муҳофаза қилиши мақсадларига эришиши»* (4-модда) ҳам қўйидагича аниқ кўрсатиб берилган.

«Инсоннинг яшаш муҳити бўлмиш биосфера ва экология тизимлари барқарорлигини сақлаб қолиш, одамларнинг экологик жиҳатдан хавфсизлиги, инсон ва уни келгуси авлодлари генетик фонди ҳақида ғамхўрлик қилиш:

- фуқароларнинг ҳаёт учун қулай табиий мухитга эга бўлиш хуқукини таъминлаш, барча турдаги таълим муассасаларида экология ўқувининг мажбурийлиги.

- жамиятнинг экологик, иқтисодий ва ижтимоий манфаатларини илмий асосланган ҳолда уйғунлаштириш;

- табиатдан оқилона фойдаланишни ва табиатни мухофаза қилишни рағбарлантириш;

- табиий ресурсларни тиклаш зарурлиги, атроф табиий мухит ва инсон сиҳат-саломатлиги учун заарли, тиклаб бўлмас оқибатларга йўл қўймаслик;

табиатни мухофаза қилиш вазифаларини хал этишда ошкоралик;

- табиатни мухофаза қилиш соҳасида миллий, регионал ва халқаро манфаатларни уйғунлаштириш;

- табиатни мухофаза қилиш қонунлари талабларини бузганлик учун жавобгар бўлиш»<sup>1</sup>.

Республикамиз мактабларида ўрганиладиган Ўзбекистон халқлари тарихи, «Инсон ва жамият» курсларини ўқитишида ўқувчиларга экологик таълим-тарбия беришнинг яна бир қийинчилиги шундан иборатки, Ўзбекистон Республикаси мустакилликка эришган ва илгаригидек ўқув дастурларини Москвадан олмаслигига қарамасдан ҳамон Ўзбекистон халқлари тарихи, «Инсон ва жамият» курсидан илмий-услубий ва дидактик жиҳатдан давр талаби даражасидаги ўқув дастурларини ишлаб чиқиш керак. Шундай экан, ўқитувчи мавжуд бўлган дастурлардаги мавзуларга ижодий ёндошиб, имкони бор жойда экологик таълим-тарбияни самарали шакл ва ўз тажрибамизда «Инсон ва жамият» курсини ўрганишда икки дарсга мўлжалланган мавзу: «Экологик инқироз ва унинг олдини олиш йўллари»ни қуйидаги режа асосида ўтказдик ва ижобий натижаларга эришдик.

### **ДАРСНИНГ РЕЖАСИ.**

**Кириш.** Дарснинг таълимий-тарбиявий ва ривожлантириб бориладиган таълимдан кўзатилган мақсадни белгилаб олгач, ўқувчиларнинг диққат-эътиборлари **қуйидаги масалаларга**

---

<sup>1</sup> // Ўзбекистон табиати. 1993. 3-феврал. № 5-6.

## **жалб этилади;**

1. Экологик хавфсизлик-инсониятнинг умумбашарий муаммосидир.
2. Республикамиз демографик ҳолатининг экология муаммоларига таъсири.
3. Инсоннинг хўжалик фаолияти ва табиат инқирози.
4. Мустақил Ўзбекистон Республикасининг ўлкада экологик ҳолатни тиклаш йўлидаги комплекс тадбирлари.

Хулоса:

Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, мавзу ниҳоятда ҳаётимизнинг долзарб муаммосига бағишлиланган бўлиб, бирон ўқувчи бу мавзуга тайёргарлик кўришда лоқайд бўлиб қолмаслиги керак. Шунинг учун ҳам ўқитувчи мазкур мавзунинг режасини илгаридан ўқувчиларга эълон қиласи. Ўз навбатида ўқувчилар *география, биология, химия, ва физика* дарсларидан олган билимлари, ўқитувчи томонидан тавсия этилган маҳсус адабиёт ва уларнинг ўзлари мустақил ўқиган даврий матбуот материаллари асосида олдиндан реферат ёзиш ва ўқитувчи раҳбарлиги остида экология бўйича даврий матбуот материаллари асосида ўлкамиз экологик ҳолатини акс эттирган маҳсус кўргазма тайёrlайдилар.

Зарур бўлган тайёргарликларни амалга ошириб бўлгач, ўқитувчи мазкур мавзунинг биринчи дарснин суҳбат усулида ўтади. Иккинчи дарс эса ўқувчилар томонидан тайёрланган рефератларнинг энг мазмунликларини синфда тинглашга бағишлиланади. Ниҳоят, семинар машғулоти ўқитувчи томонидан умумлаштирилиб, ўқувчилар билимларини баҳолаш билан якунланади.

Шу нарсани алоҳида қайд этиш лозимки, мактабда экологик таълим-тарбиянинг самарадорлигини оширишда маҳсус адабиётларнинг роли бениҳоят каттадир. Шундай экан, ҳар бир мактаб кутубхонасини газета ва журналлар билан жамлаштиришда бу муаммога алоҳида эътибор бермоқ лозим. Ҳеч кимга сир эмаски, умуман экологик муаммолар ва уларнинг ечими ҳозирча Республикамизда ягона газета ҳисобланган «Ўзбекистон табиати»дир. Шундай экан, бу газета ҳар бир мактаб кутубхонасида албатта бир неча нусхада бўлиши керак.

### **3. ЭКОЛОГИК ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ТАРИХИЙ БОСҚИЧЛАРДАГИ ЎЗГАРИШ**

Ўзбек халқи табиатга тарихан узок, даврдан бери меҳр билан қарашга, уни асрлаб авайлашга ўрганиб келган. Бу миллий байрам, қадимий анъана, урф-одатларда яққол кўринади. Хусусан Марказий Осиё халқларининг ҳар йили нишонланадиган «НАВРЎЗ» байрами асрлар давомида она ерга ва табиатга меҳрмухабbat, унга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш, уни ардоқлаш туйғуларини тарбиялаган, меҳнат тарбияси ва маънавий тарбияда муҳим рол ўйнаган. Табиат билан инсоннинг ўзаро чамбарчас алоқасини, уларнинг бир бутунлигини ифодаловчи бу байрам дехқончилик байрамигина эмас, балки том маънода экологик байрам ҳамдир.

Халкнинг соф экологик мазмунга эга тарихий удумларидан яна бири «ТАГАНАК»дир. Бу удумга кўра *Тоғ ва тоғ этагида яшовчи кишилар эрта баҳорда йигилишиб, шод хуррамлик билан узоқ йўлга отланадилар ва тоғ у - тошидаги булоқлар кўзини очиб, жислгарлар йўлини шоҳ-шаббалардан, лойқадан тозалайдилар, дараҳтларнинг қуриган шоҳларини кесадилар*<sup>1</sup>. Аҳоли экологик руҳда, яъни она табиатга меҳр-мухабbat уйғотиш, табиатни муҳофаза қилиш руҳида тарбиялашда миллий бадиий адабиётнинг ҳам аҳамияти каттадир. Ўзбек халқининг мумтоз шоир ва ёзувчилари, жумладан **Алишер Навоий** ва **Заҳириддин Муҳаммад Бобур** асарлари айниқса экологик мазмунга эгадир.

Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши экология муаммоларини жадал ва катта масъулият билан ҳал қилишда янги босқич очди. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида «*Ер, ер ости бойликлари сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойлиқдир, улардан оқилона фойдаланиши зарур*»<sup>2</sup> деб мустаҳкамлаб қўйилган. Эндиликда экологик муаммолар хукуматнинг доимий назорати остида.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси. Энциклопедия. –Тошкент: Комуслар Бош таҳририяти, 1997. –Б. 35-37.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Тошкент: Ўзбекистон, 2016. -Б. 19.

80-йилларда Бирлашган Миллат Ташкилотига аъзо давлатлар ўртасида экологик соҳада бир нечта катта хавф-хатарлар, жумладан, азон қатламини муҳокама қилиш ва захарли чиқиндилар ташилишини назорат этиш тўғрисидаги битимларга эришиш мақсадида муҳим маслаҳатлар ва музокаралар бўлган эди. 1983 йилда БМТ бундай тараққиётда атроф-муҳитни асрабавайлашга, шунингдек, ер куррасининг ҳар қандай қисмida яшаётган одамлар фаровонлиги учун фойда келтириши мумкин бўлган кучли эҳтиёж ҳисси ва янгича англаб этиш заруратини намоён этишга ёрдам берадиган атроф-муҳит ва тарқиёт бўйича бутун жаҳон Комиссиясини тузди. Бирмунча бой мамлакатларда саноат ифлослантирилиши билан боғлик бўлган атроф-муҳит таназзули ривожланаётган мамлакатлар учун борган сари жиддий хавф бўлиб қолмоқда. Гру Харлем Брунталанд (Норвегия) бошчилигидаги Комиссия 1987 йилда Бош Ассамблеяга тақдим этган маъruzасида фақат иқтисодий ўсишга асосланган муқобил ёндашув сифатидаги “Баркарор тараққиёт” Концепцияси илгари сурилган эди. янги концепция “Келгуси авлодлар имкониятларини хавф остида қолдирмасдан ўз шахсий эҳтиёжларини қондириш билан бирга ҳозирги давр эҳтиёжларига мос келади”<sup>1</sup>

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг барча тизимлари ўз фаолиятларининг турли соҳаларида у ёки бу йўллар билан атроф-муҳит муҳофазасига аралашмасада, бу борадаги унинг етакчи муассасаси БМТнинг Атроф-муҳит бўйича дастури (ЮНЕП) ҳисобланади. ЮНЕП бутун дунё миқёсида атроф-муҳитнинг ҳолатини баҳолайди ва ҳалқаро ҳамкорликни талаб этувчи муаммоларни аниқлайди ҳамда қатор экологик битимларнинг бажарилишини кузатиб боради.

ЮНЕПнинг вазифаларидан бири атроф-муҳит тўғрисидаги билимлар ва ахборотлар тўплашга ёрдамлашишдир. Ташкилот томонидан рағбатлантирилган ва мувофиқлаштирилган экологик ахборотларни ўрганиш ва таҳлил қилиш. Ушбу ташкилот Атроф-муҳитнинг ҳолати ҳақида кўплаб маърузалар яратишига

<sup>1</sup> БМТ. Асоси омиллар. –Тошкент: 2001 Весь мир нашридан тарж. –Б. 224-225.

олиб келди ва бугун жаҳон миқёсида юзага келаётган экологик муаммолар тўғрисидаги тушунчани ишлаб чиқди. Айниқса уларнинг айримлари қатор халқаро экологик конвенциялар қабул қилинишига асос бўлди.

Атроф-муҳитнинг экологик ҳолати ва ҳудудлар экологик мувозанатининг бузилиши кўп жиҳатдан атмосфера ҳавосининг таркибиغا ҳамда унинг турли ишлаб чиқаришлар таъсиридаги салбий ўзгаришларга боғлиқдир. Бу ўзгаришлар сайёравий, регионал ва топологик (маҳаллий) масштабларда рўй беради. Марказий Осиё ҳудудларининг ўзига хос табиий хусусиятлари уни экологимк хўжалик туманларига ажратишга ва ҳар бир туман ер усти атмосфера ҳавосининг ифлосланиш асосларини аниклашга имкон беради. Бундай илмий башорат қилишда асосий шамолларнинг такрорланиши, қанча вақт сурункакли эсиши ва бошқа хил кўрсаткичлардан фойдаланилади. 90-йиллардаги маълумотларга кўра Марказий Осиё Республикалари ичida биргина Ўзбекистонда ҳавони булғаётган 35000 доимий манба бўлиб, уларнинг ярмига яқини чанг ва турли хил заарли газларни тутиб қолувчи ва тозаловчи мосламага эга, бу мосламаларнинг 4, 1 қисми эса бузуқ ёки самарадорлиги жуда паст<sup>1</sup>

Хуллас, кейинги йилларда атмосфера ҳавосининг тозалиги устидан назоратнинг кучайтирилиши, корхоналарда технология жараёнларнинг такомиллаштириши, ҳаво тозалиги мосламалардан кўплаб фойдаланилиши, мутахассислар экологок онг ва маъсулиятининг ошиши “Экосан” халқаро экологик ва саломатлик жамхармасининг фан саъй-ҳаракати натижасида Ўзбекистонда бир қанча ижобий силжишлар рўй бермоқда.

XXI аср инсониятида янгича сиёсий дунёкараш ва экологик тафаккур шаклланади. Бу дунё олимларининг табиати муҳофаза қилиш, экологик муаммоларни ҳал этиш борасидаги ўзаро ҳамкорлиги ва муносабатларида катта аҳамият касб этади.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Энциклопедия. -Тошкент: Қомуслар Бош Тахририяти, 1997. -Б. 38.

## **Савол ва топшириқлар:**

1. Экологик омилнинг инсонни жисмоний ва руҳий ҳолатига таъсир кучи қандай бўлади?
2. Социал экологиянинг моҳиятини тушунтириб беринг.
3. «Табиат-Жамият-Инсон» - ушбу ягона бир бутунликни изоҳлай оласизми?
4. Экологик маданият деганда нимани тушунасиз?
5. Тарих дарсларида экологик таълим-тарбиянинг асосий йўналишларини ва босқичларини ўрганилиши қандай натижалар бериш мумкин. Бу хақида сизнинг шахсий фикрингиз қандай?
6. Экологик таълим-тарбия билан боғланган қадимий байрамлардан қайсиларини биласиз.

## **Адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Тошкент: Ўзбекистон, 2016.
2. И. А. Каримов. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. –Тошкент: Ўзбекистон, 1992. -Б. 69-70.
3. БМТ. Асосий омиллар. –Тошкент: 2001. -Б. 224-225.
4. Айдаров Э. Б. Ўқувчи ёшларга табиий худудларни муҳофаза қилиш орқали экологик тарбия бериш. –Тошкент: 2019. -Б. 52.
5. Ўзбекистон Республикаси. Энциклопедия. –Тошкент: Қомуслар Бош Таҳририяти, 1997. -Б. 33-38.
6. Экологиядан давлат таълим стандартлари. // Халқ таълими: 2000, №1.
7. Fafforov Я. X. Taъlim tizimida ekologik tarbijaning muҳim jihatlari “Important aspects of environmental education in the education system. EPRA International Journal of research & development (IJRD)” 12. 05. 20. –India.
8. // Ўзбекистон табиати. 1993, 3февраль.
9. // [www.uza.uz](http://www.uza.uz)
10. Экологик таълимидан барқарор ривожланиш сари. -Тошкент: Талқин, 2007.
11. Эргашев А. Эргашева Т. Экология, биосфера ва табиатни муҳофаза қилиш. -Тошкент: Янги аср авлоди, 2005.
12. Дерябо С. Д. Ясвин В. П. Экологическая педагогика и психология. -Ростов-на-Дону: Феникс, 2006. –С143.
13. Лихачев Б. Т. Экология личности. –Педагогика, 2003. №2. -С. 20.

## **7-МАВЗУ: МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТНИ АНГЛАМОҚ ВАТАННИ АНГЛАМОҚДИР**

**Режа:**

1. Тарих дарсларида миллий қадриятлар ва ватанпарварлик тушунчаси.
2. Миллий ва маънавий қадриятлар ҳамда миллий ўзликни англаш.

**Калит сўзлар:** миллий қадрият, ватанпарвар, педагогик ва дидактик муаммолар, профессионал маҳорат, умуминсоният қадриятлар, миллий тимсоллар, миллий ўзлик, маънавий сарчашма, миллий ифтихор, цивилизация.

### **1. Тарих дарсларида миллий қадриятлар ва ватанпарварлик тушунчаси**

Табиийки, миллий қадрият тушунчаси фуқароларимиз онгига, айниқса, ўкувчи ёшлар тушунчаларида йўл-йўлакай шаклланиб, камол топиб, инсонни бу соҳада харакатга келтирувчи куч даражасига кўтартмайди.

Бу борада хар бир инсонни туғилиб ўсган маскани - Ватани, унинг табиати ва тарихига қизиқишиларини уйғота билиш, камол топтириш асосий омил хисобланади. Ана шундай омил ўз навбатида мактабда ўрганиладиган фан асосларининг мақсад, мазмун ва вазифалари жамланишидан келиб чиқмоғи лозим.

Мактабда ўрганиладиган барча фанларда, уларнинг дастурлари ва дарс режаларини тузиш, таълимий-тарбиявий ва айниқса, ривожлантириб борувчи таълим мақсадларини илмий-услубий ва дидактик жиҳатдан аниқлаб олишда ўкувчи ёшларнинг ўз халқи миллий қадриятлари ва ватанпарварлик хис-туйғуларини шакллантиришга катта эътибор берилади. Лекин, шунга қарамасдан ўрта мактабларда ўрганиладиган Ўзбекистон халқлари тарихининг ўрни, илмий-услубий имкониятлари кўлами бир мунча катта. Демак, унга эътибор ҳам шунга яраша бўлмоқда. Масалан, собиқ шўролар иттифоқи

даврида «Ўзбекистон ССР тарихи» деб аталмиш маҳсус мактаб курси йўқ эди. У бор-йўғи 22 соат давомида СССР тарихи курси таркибида ўлкашунослик ашёлари сифатидагина ўрганилар эди. Бутунги кунга келиб истиқлол шарофати билан Ўзбекистон халқлари тарихи V-XI синфларда ўқув йили давомида маҳсус курс сифатида ўрганиладиган бўлди.

1996 йилда Ўзбекистон халқлари янги тарихини тарихий ва. илмий ҳақиқат остида яратиш тўғрисида маҳсус қарор қабул қилинди, маҳсус илмий-тадқиқот институт таъсис этилди. Ўзбекистон тарихи эндиликда хукуматимиз дикқат эътибори марказида экан, *бу фаннинг ёшларимизни миллий қадриятларимиз ва ўз она Ватанимизнинг фидоий ватанпарварлари этиб тарбиялашдаги вазифаси қандай амалга оширилмоқда?*

Тўғри, тажрибали ўқитувчилар ўзларининг педагогик фаолиятларида дарс ва синфдан ташқари машғулотлар давомида ўқувчи ёшларимизга миллий қадриятларимиз ва уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш бобида бирмунча ютуқларга эришиб келмоқдалар. Бироқ, ютуқлар билан бирга хал этилишини кутиб ётган кўпгина илмий-услубий, педагогик ва дидактик муаммолар ҳам мавжуддир. Улар қўйидагилардан иборат:

а) ўқувчи ёшларни Ўзбекистон халқлари тарихини ўрганиш давомида тарбияни барча жиҳатларини қамраб олган, амалиётда синаб кўрилган Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан ўқув дастурлари, дарслерлар ва методик қўлланмалар, дарс самарадорлигини оширишни таъмин этишга йўналтирилган дидактик материаллар ишлаб чиқишини таъмин этувчи тарих ўқитиши бобида юқори малакали ўқитувчилар фаолият кўрсатадиган тажриба мактабларининг ривожлантириш лозимлиги;

педагогик олий ўқув юртлари ва университетларимизда тарихчи педагогларни етиширишда мазкур муаммога етарли эътибор берилиш; Тошкент шахар ва Республикаизнинг ҳар бир вилоятларида мавжуд бўлган ўқитувчилар малакаларини ошириш, айникса, Ўзбекистон халқлари тарихи бўйича қайта тайёрлаш курсларида мазкур муаммо бўйича маърузачиларимизда профессионал маҳоратини янада ошириш керак.

б) Президент Ш. М. Мирзиёевнинг ёшларимизда миллий ва

маънавий қадрият, ватанпарварлик ҳис-туйғуларини тарбиялашнинг илмий-назарий йўриқномалари билан йўғрилган асарлари ва нутқларидан мақсадга мувофиқ фойдаланиш ўқувчи ёшли-римизни тарбиялашга ҳар томонлама ёндашишни самарали амалга оширишга йўналтирилган илмий-услубий дастурлар ва қўлланмаларни яратиш ва амалиётда фойдаланишнинг бирмунча сустлик билан амалга оширилаётганлигидадир.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши XV-сессиясида халқимиз тарихини чукур таҳлил этиш асосида *фақат ўтмишини эслаш ва ўтмиши билан фахрланишининг ўзи натижаса бермайди. Мақсадни тўла англамай, истиқболини кўрмай, яшаб ҳам, ишилаб ҳам бўлмайди. Айрим шахслар ўтмиши ва келажак ҳақидаги чиройли сўзларга маҳлиё бўлиб, бугунги кунни, бутун яшаётган кишиларнинг, фарзандларимизнинг, ёиларимизнинг маънавий ва ахлоқий жиҳатларини унумтиб қўймаяптими? Келажак ўз-ўзидан келмайди. У бугунги машаққатли меҳнат билан яратилади. Агар бугун шошилиб ниманидир унумтсан, келажак авлодлар ўша нарсалардан маҳрум бўлади. Жамият маданиятсиз, маънавий-ахлоқий қадриятларсиз яшай олмайди. Уларни писанд қўлмаган жамият тировард натижада таназзулга юз тутади деб алоҳида таъкидлаб ўтилган эди.*

Шуни алоҳида қайд этиб ўтиш лозимки, Биринчи Президент **И. А. Каримов** асарларида давлатимизнинг келажак истиқболи кўрсатиб берилиши билан чегараланмасдан, балки унга эришиш йўллари ҳам асосли қилиб кўрсатиб берилган. Масалан, «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» асарида мустакил Ўзбекистонни ривожлантиришнинг маънавий-ахлоқий негизлари хусусида фикр юритар экан, бу негизлар:

- умуминсоний қадриятларга содиқлик;
- халқимизнинг маънавий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш;
- инсоннинг ўз имкониятларини эркин намоён қилиши;
- ватанпарварлик (65-бет) эканлигини алоҳида кўрсатиб ўтади.

Биринчи Президент И. А. Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XV-сессиясида сўзлаган нутқида ёшларимизни ватанпарварлик рухида тарбиялашга алоҳида тўхталиб

ўтиб, «Бизнинг асосий бойлигимиз ривожланган давлат тузишга олиб борадиган йўлдаги асосий таянчимиз - инсондир. Юксак малакали ва юксак маънавиятли инсондир. Келажаги буюк давлат энг биринчи навбатда, бўлажак фуқароларининг маданияти ва маънавияти ҳақида ғамхўрлик килмоғи зарур. Илм ўрганиш ва маънавий-ахлоқий қадриятлар ўрнини «Сникерс» ва сигарет савдоси эгаллашига асло чидаб бўлмайди. Бугун ҳаёт қанчалик оғир бўлмасин, маънавиятимиз ва маданиятимизни унутмайлик», деб таъкидлади.

Миллий қадрият, маънавият, маданият умумбашарий қадрият, маънавият ва маданиятнинг сарчашмасидир. Ана шу сарчашма маълум маконда, яъни Ватанда вужудга келади. Шундай экан, миллий қадрият ва маданият бевосита ватанпарварлик билан узвий алоқадорликдадир.

Жамият тараққиётида инсон ҳаётида қадриятлар алоҳида ўрин тутади. Эркинлик, тинчлик, биродарлик инсоният томонидан ҳамиша эъзозлаб, қадрлаб келинган. Инсоннинг эркинлиги, унинг шон-шуҳрати ва қадр-қиммати жамиятимизнинг олий қадриятидир. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида бу тўғрисида шундай сўзлар ёзилган. “Ўзбекистон Республикаси демократия, умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади”<sup>1</sup>.

Қадриятлар жамиятимиз бойлиги, бизнинг миллий ифтихоримиздир. Уларни авайлаб асраш ва муҳофаза қилиш барчамизнинг бурчимиздир. Минг йиллар мобайнида шаклланган миллий қадриятларимиз ҳозирги даврда яратилган маданий-маънавий бойликлар билан қўйилиб тараққиётимизни тезлатади, ғоявий ва маънавий покланишни таъминлашга кўмаклашади. Шунинг учун ҳам қадриятларни авайлаб асраш, уларни қўриклиш, юксалтириш инсон ҳаётида ҳам жамият тараққиётида ҳам катта аҳамият касб этади.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Тошкент: Ўзбекистон, 2016, -Б. 6-7.

Ватанимиз тарихи, миллий мерос ва қадриятларимиз, мустақил давлатчилик учун халқимиз томонидан кўп йиллар мобайнида олиб борилган миллий бирлик, миллий озодлик курашлари, Ўзбекистон Республикасининг мустақил давлат деб эълон қилиниши ва унинг тарихий аҳамияти, истиқтолимиз истиқболи каби масалалар тарихчиларимизнинг дикқат марказида турмоғи лозим.

Тарих дарсларида ўқувчиларни миллий қадриятлар ва ахлоқий фазилатлар руҳида тарбиялаш масаласи долзарб бўлиб, маданий меросимизни ўтмиш қадриятларимизни кенг ва ҳар томонлама ўрганиш ҳамда қадриятларимизнинг чуқур илдизларини шаклланиш босқичларини ва хусусиятларини ёшлар онгига сингдириш, миллий онг, миллий ғурур, тарихимиз, ўтмиш авлодлар хизматига хурмат эътиборни, халқ меҳнатига, ватанга севги-муҳаббат туйғусини шакллантириш, янги жамиятимизнинг тўғри ривожи, келажакни оқилона белгилаш ва ёшлар онгига сингдириш долзарб хисобланиб, олий ва ўрта маҳсус таълим тизими ўқитувчилари олдида юксак вазифа қилиб кўйилиши лозим.

## **2. Миллий ва маънавий қадриятлар ҳамда миллий ўзликни англаш**

Тарих дарсларида ўқувчиларни миллий қадриятлар ва ахлоқий фазилатлар руҳида тарбиялашда кўплаб бадиий, тарихий, фалсафий адабиётларни, кундалик газета ва журналларни ўрганишгава таҳлил қилишга эришиш лозимдир.

Туркистон халқлари тарихи инсониятнинг энг олийжаноб орзу-умидлари, эзгу ниятларини ўзида мужассамлаштирган ана шундай ватанпарварлик ҳис-туйғулари билан тўлиб-тошган десак муболага бўлмас. Тўмарис, Спитамен, Муқанна, Темурмалик, Жалолиддин Мангуберди, Соҳибқирон Амир Темур, Бобур, Муҳаммад Али (Дукчи Эшон), Кўчкор Турдиев, Собир Рахимов,. эҳ-хе яна қанча-қанча довюрак қалблар.

Биз ўзимизнинг педагогик фаолиятимизда ёшларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда» ана шундай катта имко-

ниятларимиздан хар доим ҳам мақсадга мувофиқ фойдалан-маётирмиз. Масалан, биз жафокаш ҳалқимизнинг азалий орзуси - миллий мустақилликка эришганимиз туфайли Соҳибқирон Амир Темур асос солган империя тарихини ўрганишга багишланган мавзуни ўтишимизда ўқувчиларни ватанпарварлик тарбияси учун мухим аҳамият касб этувчи ҳақиқий, асосли маълумотлардан фойдаланиш имкониятларига эгамиз. Афсуски, тарих ўқитиши услубиятидан чоп этилган маҳсус адабиётларида турли сабабларга кўра Амир Темур шахсига характеристика беришда тарихий ҳақиқатни бузиб кўрсатиш ҳолатлари бўлган.

Биз юкорида ўқувчи ёшларимизни миллий қадрият ва ватан-парварлик руҳида тарбиялашда таълим-тарбия ўзбек тилида олиб бориладиган мактабларда ўқитиладиган Ўзбекистон ҳалқлари тарихидан олинган аниқ мисоллар асосида кўрсатиб ўтишга харакат қилдик. Холбуки, Ўзбекистон мактабларида таълим-тарбия ишлари *етти тилда* олиб борилади. Жумладан, республикамида **қозоқ** тилида, **тоҷик** тилида, **корақалпок** тилида таълим олиб ўз ҳалқлари тарихини ўрганадилар. Шундай экан, бу мактабларда ҳам Қозоғистон, Тоҷикистон, Туркманистон, Қорақалпогистон, Қирғизистон ва ҳ. к. ҳалқлар тарихлари дарслекларида ҳам ўқувчи ёшларимизни миллий қадрият ва оташин ватанпарварлар этиб тарбиялаш муаммолари ижобий ҳал этилиб, давримиз талаби даражасига кўтарилиган бўлмоғи керак.

Кези келганда шуни, алоҳида қайд этиб ўтиш лозимки, сўнгги йилларда Бўрибой Ахмедов каби теран тарихчи олимларимиз қатори **Мирмуҳсин**, **Муҳаммад Али**, **Явdat Илёсовлар** каби ёзувчиларимиз тарихий мавзуларда етук асарлар яратиб, миллий қадриятларимизни англаб олишимиз ва ўқувчи ёшларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда ўзларининг муносиб хиссаларини қўшиб келмоқдалар.

Мактабларимизда Ўрта Осиё ҳалқларининг одоб-ахлоқ меъёрларини ўзида мужассамлаштирган «Дин тарихи», «Одбонома» дарсларини жорий этилиши ҳам мамлакатимизда ўзлигимизни англаш мавридимизда катта силжишлар бошланганлигидан дарак бермоқда.

Мактабларда ўқитилаётган тарих курслари, давлат ва хукуқ, асослари, инсон ва жамият, ўзбек адабиёти ва чет мамлакатлар

адабиётларини ўрганиш жараёнига, айниқса, Президентимиз асарларини ўрганиш ва ёшларимизда миллий қадриятларимизни чукур эҳтирос билан ўрганиш ва келажаги буюк бўлган давлатимизнинг бунёдкорлари, жанговар ватанпарварларини тарбиялаб вояга етказишида муҳим рол ўйнаши керак.

Соҳибқирон Амир Темур Мовароуннахрда марказлашган кудратли давлат кўриш хусусида фикр юритар экан, «давлатлашкарлару фуқароларнинг садоқати ва фидоийлигига қудратлидир» - деб алоҳида қайд этганлари бежиз эмас эди.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XV сессиясида биз педагогларга ўқувчи ёшларни халқимизнинг миллий, маънавий, маданий қадриятлари ва ватанпарварлик руҳида тарбиялашимиздаги фаолиятимизнинг дастуриламали бўлмоғи керак. «Ўзбекистонимизни, йигит-қизларимизни шу гояга қаттиқ ишонадиган буюк давлат фуқаролари, буюк давлатга муносаб фарзандлар этиб тарбияламогимиз лозим.

Миллий тимсоллар ва рамзларнинг ҳар бири яна шу буюк гояга, миллий ғуруримизни юксалтиришга хизмат қилади. Уларнинг ҳар бири -катта бир дарслик, кучли тарбия воситасидир».

Биринчи Президентимиз И. А. Каримов миллий қадриятларимизга алоҳида тўхталиб, - «Бизда азалдан ота-онага хурмат, эҳтиром кўрсатиш қарор топган. Ҳар бир фарзанд ўз ота-онаси билан фахрланиши лозим. Ота-она ҳам фарзандлари ифтихор қилишига лойик кишилар бўлиши тақозо этилади. Биз қадриятларимизга риоя қилишга катта аҳамият бермоқдамиз. Демократияни қарор топтиришда миллий ўзига ҳослик ҳисобга олиниши ҳақида сўзласам, айрим мухолифлар бу фикрни тўғри англамаяптилар. Аммо, мен ўз фикримда событман, уни ҳимоя қилишга ҳам тайёрман. Албатта, демократиянинг умумий талаблари барча учун қоида бўлиши керак. Бироқ, биз мусулмон халқимиз. Шарм-ҳаё, ор-номус ҳар биримизда мустаҳкам»<sup>1</sup>, -деб айтганларида ҳар томонлама ва ҳар бир киши учун ҳақ фикрни айтдилар.

---

<sup>1</sup> И. А. Каримов. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. –Тошкент: Ўзбекистон, 1997. -Б. 259.

## **Маънавий қадриятлар ва миллий ўзликини англашнинг тикланиши:**

- Бирон-бир жамият маънавий имкониятларини, одамлар онгида маънавий ва ахлоқий қадриятларни ривожлантирумай, ҳамда мустаҳкамламай туриб ўз истиқболини тасаввур этолмайди.

- Биз маънавий қадриятларни тиклашни миллий ўзликини англашнинг ўсишида, халқнинг маънавий сарчашмаларига, унинг илдизларига қайтишдан иборат узвий, табиий жараён деб ҳисоблаймиз.

- Мустақилликни дастлабки кунлариданоқ аждодларимиз томонидан кўп асрлар мобайнида яратиб келинган ғоят улкан, бебаҳо маънавий ва маданий меросни тиклаш давлат сиёsat даражасига кўтарилган ниҳоятда муҳим вазифа бўлиб қолди.

- Тарих хотираси, халқнинг, жонажон ўлканинг, давлатимизнинг худудини холис ва ҳаққоний тарихини тиклаш миллий ўзликини англаш, таъбир жоиз бўлса, миллий ифтихорни тиклаш ва ўстириш жараёнида муҳим ўрин тутади.

- Ўзбекистон халқи жаҳон маданияти ва цивилизациясига ўтишнинг буюк алломалари, шоир ва мутафаккирлари томонидан бекиёс катта бўлиб қўшилган улуғвор маънавий қадриятларнинг меросхўридир.

## **Маънавий қадриятларининг манбалари:**

- Жамиятнинг диний-руҳий асосларини, халқимизнинг минг йиллик маънавий-ахлоқий юксалиш тажрибасини ўзида жамлаган ислом маданиятини тиклаш, ўз тақдирини ўзи белгилаш, тарихий хотирага, маданий тарихий бирликка эга бўлиш йўлидаги ғоя муҳим қадам бўлди.

- Маънавий-руҳий тикланиш инсоннинг ва унинг бойликларига бўлган муносабатини ҳам ўз ичига олиши лозим. Цивилизация белгиларини асраб-авайлаш қанчалик зарур бўлса, қишлоқ хўжалиги минг йиллар мобайнида бутунлай суғориладиган дехқончиликка асосланган миңтақада ер ва сувни асраб-авайлаш ҳам шунчалик муҳимдир.

- Маънавий қадриятларнинг яна бир қурдатли манбаи - анъанавий оила ва қариндошлик муносабатлари одобидан иборатdir. Катталарни хурмат килиш, ўзаро ёрдамлашиш, келажак авлод ҳақида ғамхўрлик қилиш ҳамиша унинг асосий қоидаларидан

бўлиб келган.

- Маънавий қадриятларнинг тикланиши уларнинг ҳозирги дунё ва ахборот цивилизацияси қадриятларига мослашишини ҳам англатади. Биз ҳозирги цивилизация ўзида ифода этадиган ижобий қадриятлар жумласига ҳуқуқий демократик жамият қуриш жараёни билан боғлиқ бўлган қадриятларни киритамиз. Бу инсон ҳуқуқларига риоя этиш, тадбиркорлик эркинлиги, мутбуот эркинлиги ва ҳоказолардир.

- Хуллас, ўтган йиллар мобайнида шарқ мутафаккирларининг ўнлаб ноёб асарлари ўзбек, инглиз, француз, немис, япон, рус ва жаҳоннинг бошқа халқлари тилларида нашр этилди. ЮНЕСКО ҳомийлигига Шарқ маданияти, санъати ва тарихига бағишлиланган лазер доскалар чиқарилди.

- Мустақиллик йилларида ЮНЕСКО ва бошқа халқаро ташкилотлар иштирокида *Мирзо Улугбек*, *Амир Темур*, *Аҳмад ал-Фарғоний*, *Имом ал-Бухорий*, *Камолиддин Беҳзод* ҳамда Бухоро, Хива ва Термиз шаҳарлари, «*Алномииш*» эпоси ва «*Авесто*» юбилейлари нишонланди.

Ижтимоий хаётимизни ислоҳ қилиш ва янгилаш бошланиб кетганлиги боис маънавий маданиятнинг қудратли қулфлари очилди. Улар халқ руҳиятини ватанпарварлик, миллый ифтихор, бугунги дунё учун бағрикенглик томон кескин ўзгартириб юборди.

Бу эса мустақиллик йиллари мобайнида миллатлараро тотувлик манбаи бўлиб келган ягона маънавий-руҳий негизни вужудга келтиради.

### **Савол ва топшириклар:**

1. Миллий қадрият тушунчасини батафсил изоҳлай оласизми?
2. Миллий қадриятлар ва ватанпарварлик ҳис-туйғуларини шакллантиришнинг асоси нималарда ифодаланади?
3. Миллий қадрият, маънавият, маданият тушунчаларининг моҳиятини тушунтириб беришга ҳаракат қилинг.
4. Эслаб кўрингчи, сўнгги йилларда қайси тарихчи олимларимиз, ёзувчиларимизнинг тарихий мавзуларда яратган асарларида миллий қадриятларимиз, ватанпарварлик ўз аксини топган?
5. Миллий ва маънавий қадриятлар ҳамда миллий ўзликни

англаш принциплари нималардан иборат эканлигини англаб етдингизми?

### **Адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Тошкент: Ўзбекистон, 2016. -Б. 6-7.
2. Каримов И. А. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. -Тошкент: Ўзбекистон, 1997. -Б. 259.
3. Бўрибой Ахмедов. Амир Темур ўгитлари. -Тошкент: Наврўз, 1992.
4. Иброҳим Мўминов. Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли. –Тошкент: Фан, 1968.
5. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунчаси ва тамоилиллар. -Тошкент: Ўзбекистон, 2000.
6. Сафо Очил. Мустақиллик маънавияти ва тарбия асослари. -Тошкент: Ўзбекистон, 1997.
7. Тошпўлатов Т.,Faффоров Я. X. Тарих ўқитиш методикаси. –Тошкент: Турон-Иқбол, 2010.

## **8-МАВЗУ: ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ТИЗИМИДА ТАРИХ ЎРГАНИШГА ИНТЕГРАЦИОН ЁНДОШИШНИНГ БАЪЗИ МУАММОЛАРИ**

### **Режа:**

1. Таълим жараёнини инсонпарварлаштириш ва демократлаштириш.
2. Интеграциялаштиришнинг методик асослари.

**Калит сўзлар:** тарихийлик элементлари, мантиқий алоқадорлик, интеграцион ёндашув, назарий концепция, барқарорлик, комплекс идрок, минтақавий можаро, концепцион, тарихий аспект, полиэтник, депортация, урбанизация, антисемитизм, дискриминация, интервью, баланслаштирилган, интеграцион метод, ажнабийлашув, карvonсарой.

### **1. Таълим жараёнини инсонпарварлаштириш ва демократлаштириш**

*«Сифатли ўқув-услубий ва илмий адабиёт ҳамда дидактик материалларнинг камлиги, деб қайд этилади миллий дастурда, таълим тизими, фан ва шилаб чиқарии ўртасида пухта ўзаро ҳамкорлик ва ўзаро фойдали интеграциянинг йўқлиги кадрлар тайёрлашининг мавжуд тизимидағи жиодий камчиликлар сирасига киради»<sup>1</sup>.*

Дарҳақиқат, таълим-тарбия жараённида ижтимоий-сиёсий, маънавий ва мафкуравий жиҳатдан етук шахсни камол топтириш муаммосини самарали хал этиш кўп қиррали жараён бўлиб, унда биринчи галда таълимни инсонпарварлаштириш, демократлаштириш ва интеграциялаштиришга йўналтириш асосий омил ҳисобланади.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг Кадрлар тайёрлаш Миллий Дастури. -Тошкент: Шарқ. 1997. -Б. 97.

Таълим жараёнини инсонпарварлаштириш, демократлаштириш ва интеграциялаштириш ғоясини изчиллик билан амалга ошириб бориш эса ўз навбатида ҳар бир ўқитилаётган фаннинг ёшлар дунёқарашларини шакллантиришга хос масалаларни маълум мақсадга йўналтириш, мазкур фаннинг ўқитиш методикасига тарихийлик элементларини киритишни билишнинг диалектик жараёнини узлуксиз мантиқий алоқадорликда олиб бориш йўли билан амалга ошириб боришни тақозо этади.

Узоқ йиллар давомида олиб борган шахсий педагогик фаолиятимиз ва умуман жаҳон илгор педагогик тажрибаси шуни кўрсатадики, таълим жараёнига инсонпарварлик, демократик ва интеграцион ёндашиш педагогдан биринчи галда ҳар бир шахс-индивидуидда мантиқий тафаккур кобилиятини узлуксиз ривожлантиришга эришмоғи керак. Ўз навбатида ўқувчи ёшларда мустақил тафаккур этиш воситалари ва қобилиятларини ривожлантириб бориш лозим. Дарҳақиқат, буюк файласуф **Лукреций** айтганидек, одамларда акл-идрок дунёни билиш билан ўсиб боради. Илм-фан, техника бекиёс ўсиб бораётган бутунги кунимизда қелажаги буюк бўлган Ўзбекистонимиз учун муносиб мутахассис кадрлар этиштиришда ҳар бир ўқувчи ўз мулоҳазаларини назарий концепциялар ва уни ўраб турган кундалик реал амалий, ҳаётий мисоллар асосида аниқ фактлар воситаларида ифодалаб беришни тақозо этади. Гап шундаки, Республикаизнинг бугунидаги таълим тизимида мазкур муаммо ўз ечими йўлларини топмаган. Шу боис Миллий Дастурда, жумладан «ўқитувчилар, педагоглар ва тарбиячиларнинг каттагина қисми яхши тайёргарлик кўрмаганлиги, уларнинг билим ва қасб савияси настлиги жиҳидий муаммо бўлиб келмоқда, малакали педагог-кадрлар этиши маслиги сезилмоқда, ўқувчиларда мустақил фикрлаши ривожланмай қоляпти, оқилона ҳаётий ечимлар қабул қилиши учун етарли тайёргарлик йўқ. 9-10 синфларни тамомлаган ёшлар мустақил ҳаётда ўз ўринини аниқлай олмайди. Уларда ўзларига ишонч шаклланган эмас. Ўқув дастурларида маънавият ва ахлоқ асосларини ўргатувчи, иқтисодий, ҳуқуқий, эстетик билимларни берувчи фанларга етарлича ўрин берилмаяпти», деб қайд этилади. Худди мана шу ўринда инсоннинг мантиқий тафаккурида инсонпарварлик,

демократия ва интеграция тушунчалари қанчалик ўрин олиш унинг келажақдаги фаолиятини (ўқиши, ишлаш, яшаш, одамлар билан ўзаро муносабатда бўлиш, теварак атрофда содир бўлаётган воқеа ва ҳодисаларга ўз муносабатини билдиришда, Ватан таракқиёти йўлида ўз орзу умидларини амалга ошириш ва х. к. ) белгилашда мухим рол ўйнайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисining IX-сессиясида «Таълим тўғрисида» ва «Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастур тўғрисида»ги тарихий қонунлар қабул килинганлиги муносабати билан республика даврий матбуотида жуда кўп мақолалар, радио ва телевидение каналларида эшиттиришлар, давлат аҳамиятга молик бўлган бу тарихий хужжатларни ўрганиш бўйича маҳсус курслар ишлаб чиқилиб, эълон қилинди.

Шу боис Олий ўкув юртлари, академик лицей ва касб-хунар коллежларида Ўзбекистон халклари тарихи, жаҳон тарихи, давлати ва ҳукуқ асосларини ўрганишда, айниқса, Биринчи Президент Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асари юзасидан маҳсус курсни ўрганишда «ўтган йилларнинг мантиқи бизни ҳозирги кунда учта асосий саволга мурожсаат қилишига ундаётганлиги;

- а)-хавфсизликни қандай саклаб қолиш лозим?
- б)-барқарорликни қандай таъминлаш даркор?
- в)-тараққиёт йўлидан событидам ривожланишга нималар хисобига эришиш мумкин? деган ўта долзарб саволларга тўғри жавоб топиш мустақил Ўзбекистонимизнинг порлоқ келажагини таъминлайдиган ҳаракат дастури бўлиши лозимлигини онгли равишда идрок этиш ва ўрганиш жараёнида ўқувчиларни юқорида қайд этилган ҳар бир муаммо юзасидан атрофлича назарий ва амалий билимлар билан қуроллантиришга имкон беради. Ўқувчиларни мазкур асарнинг моҳиятини самарали тушунтириб бериб, ундан келиб чиқадиган қонун-коидаларни уларнинг шахсий эътиқодларига ўсиб ўтишини таъмин этиш учун биринчи галда шу асардан маҳсус курс ўқиётган ўқитувчиларнинг ўзини асарда кўйилган муаммолар ва уларнинг ечими хусусидаги илмий-назарий концепцияларни атрофлича комплекс идрок этишлари тақозо этади. Мазкур ўринда асарда

айниң тарих таълимига бевосита хос бўлган қатор концепцион фикрлар мавжуд. Жумладан, муаллиф минтақавий можаролар хусусида фикр юритганларида: «*Тарих ўз ҳукмини чиқарар экан, ҳамма вақт шолини курмакдан ажратади ва гаразли, худбин мақсадларни кўзлаб, ҳалқ манфаатларини ниқоб қилувчи шахсларнинг ўзларини оқлаш учун келтирадиган кибр-хаводан иборат далилларини қабул қилмайди. Миллионлаб кишиларнинг тақдиди хавф остида қолар экан, буни ҳеч қандай мақсад билан оқлаб бўлмайди*», деган хulosалари масаланинг қўйилишини ҳар томонлама тарихий аспектда тафаккур этишини тақозо этади. Худди шунингдек, муаллифнинг «**Диний экстремизм ва фундаментализм**» хусусида фикр юритиб қилган қуидаги назарий хulosалари ҳам Марказий Осиё ва айниң тархининг турли даврларида дин билан алоқадорликда содир бўлган нохуш воқеалар тафсилотларини атрофлича ўргангандан кейингина қилинган, тарихий асосга эга бўлган таҳлилий хulosалар эканлигининг яққол илмий-назарий ифодасидир. «*Биз, дин бундан бўён ҳам аҳолини энг олий руҳий, ахлоқий ва маънавий қадриятлардан, тарихий ва маданий мерослардан баҳраманд қилиши тарафдоримиз. Лекин биз ҳеч қачон диний даъватлар ҳокимият учун курашишига йўл қўймаймиз. Чунки бу ҳолни давлатимизнинг хавфсизлиги, барқарорлиги учун жисддий хавф-хатар деб ҳисоблаймиз*» (44-бет).

Асарнинг «**Этник ва миллатлараро зиддиятлар**» бўлимини самарали ўрганиш ва бу бўлимдаги назарий хulosалар ҳам халқимиз тархининг кўп мashaққатли даврларининг чуқур таҳлили, тафаккуридан келиб чиққандир. Мазкур ўринда тарих ўқитувчиси авваламбор ўзига бугунги Ўзбекистон Республикасининг полиэтник (кўп элатли) давлат эканлигини асарда кўрсатилган қуидаги аниқ тарихий фактлардан олади ва асарни самарали ўрганиш жараёнида дидактиканинг жаҳон амалиётида синалган шакли-предметлараро алоқа боғлашга, аникроғи Ўзбекистон тарихи ва жаҳон ҳалқлари тарихи билан узвий боғлаб ўрганишга алоҳида эътибор беради. Шу мақсадда асардан қуидаги фикрлар назарий хulosалари билан тўла ўзлаштириши лозим:

а) Ўзбекистон Республикасида асосий миллат-ўзбеклар

билин бир қаторда ўз маданият ва анъаналарига эга бўлган юздан ортиқ миллат вакиллари истиқомат қилишади. Уларнинг мамлакат аҳолиси умумий таркибидаги улуши 20% дан ошиб кетади» (72-бет)

б) «Чор Россияси, сўнгра эса Совет давлатининг аниқ мақсадга қаратилган миграция сиёсати Марказий Осиё минтақаси аҳолисининг полизтник таркиби янада хилма-хил бўлишига олиб келди.

Ҳозирги кунда совет тузумидан кейинги Марказий Осиё давлатлари ҳудудида 100 дан ортиқ миллат ва элат яшамоқда. Қарийб 20 миллат вакиллари минтақага Сталин қатағонлари натижасида сургун қилиб кўчирилганлар сифатида келиб қолганлар.

Минтақадаги этник-нуфуз вазияти ҳам таҳлил омилидир. Турли давлатларда уни мустамлакага айлантириш, 20-30 йиллардаги саноатлаштириш, халқларни депортация қилиш ва мажбурий кўчириш, урбанизация жараёнларининг фаоллашуви ва бошқа омиллар таъсир кўрсатган. Буларнинг ҳаммаси янги мустакил давлатларга мерос бўлиб қолди. Шу туфайди миллатлараро ва элатлар ичидаги ўзаро алоқалар муаммолари стратегик аҳамиятга эга бўлиб бормоқда ва минтақада давлатлараро муносабатларни йўлга кўйишида алоҳида эътибор беришни талаб килмоқда» (76-77 бетлар).

в) «Оғир синов йилларда, урушлар ва Сталин қатағонлари йилларида Ўзбекистон ҳудудига келиб қолган айрим кишилар, оиласлар, ҳатто бутун-бутун халқларни ҳам куршаб олган илк муносабат, самимият ва ғамхўрлик ўзбек халқига мос бўлган бағрикенглик, инсоний меҳрибонлик ва ўзгалар қайғусига шерик бўлиш, очиқ кўнгиллик ва меҳмондўстликнинг ёрқин намойиши бўлди.

Ўзбеклар қийинчилик йилларида ўzlари емай, болаларига едириб-ичирмай, мутлақо бегона, аммо ёрдамга муҳтож одамлар билан топганларини баҳам кўрдилар. Ўша оғир йилларда турли миллатларга муносиб бир эмас ўnlаб етим болалар шундок ҳам кўп болали ўзбек оиласларида янги ота-она меҳрига кондилар. Бутун бир халқ ана шундай юксак олийжаноблик ва маънавий фазилатларни намойиш этганлиги хақидаги мисоллар

тариҳда ҳам топилади. Ўзбекистон ўз тариҳида ана сахифалар бўлганлиги ва ҳозир ҳам борлиги билан фаҳранади. Халқимиз ва давлатимизнинг тариҳий хотирасида антисемитизм, ирқчилик ва ўзга халққа менсимасдан, хурматсизларча муносабатнинг бошқача шакллари намоён бўлган шармандали сахифалар йўклиги билан фаҳранади» (80-81 бетлар).

**«Ўзбекистон XXI аср бўсағасида хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари»** асарида келтирилган илмий-назарий концепцион фикрлар тарих ўқитувчisinинг илмий-методик маҳорати билан предметлараро алоқа боғлаш жараёнида, жумладан Ўзбекистон халқлари тариҳидан келтирган қуидаги аниқ тариҳий фактлар билан диалектик равишда мантиқан бойитилади ва мустахкамланади. Чор Россиянинг «Низом»и рус аҳолисини Туркистонга кучириб келтириш йўли билаи ўлкани руслаштириш харакатини қонуний мустаҳкамлаб, унга сиёсий тус берди. Кўчуб келувчиларга 10 десятинадан кам бўлмаган ер ажратиш белгиланди. Туркистонга келиб ўрнашиш ва ер-мулкига эга бўлиш факат насроний динининг Православ мансабига берилди. 1886 йил «Низом»га кўра Туркистонга кўчуб келувчиларни танлаш ва жойлаштириш тартиблари белгиланди. Рус мужиклари Россиянинг кора тупроқли марказий худудларида ер такчиллигидан оч-яланғоч кун кечирап эдилар. Ана шу иқтисодий азоб-укубатдан кутилиш ва рус мустамлакаси бўлган Туркистонда бойиш учун ҳам бу ерга тўхтовсиз оқиб келмоқда эдилар. Туркистон темир йўлининг курилиб, ишга туширилганлиги эса, бу жараённи янада тезлаштиromoқда эди. Натижада 15 йил давомида, яъни 1875-1890 йиллар орасида Туркистонга Россиядан 1300 оила кўчуб келиб, улар ўлканинг энг унумдор ва серсув ерларида 19 қишлоқини ташкил этдилар. Худди мана шу вақтда рус мустамлакачилари «*рус дехқонларининг экин майдонларини ёввойи хайвонларнинг пайхон қилишидан ҳимоя қилиши учун*» баҳонаси билан рус қишлоқлари мужикларини ёппасига қуроллантириш лозим деб топдилар ва бу режани зудлик билан амалга оширилар. Аслида бундай тадбирдан кузатишдан мақсад ҳар эҳтимолга қарши маҳаллий халқ ғалаёнини курол кучи билан бостиришда, бошқа нарса эмас эди. Архив ҳужжатларида қайд этилишича

1891-1892 йилларда Россияда авж олган очарчилик натижасида Туркистон ўлкасига кўчиб келувчи русларнинг сони бир неча баробар ўсиб кетган. Натижада, биргина 1891-1892 йилларда Россиядан кўчиб келган руслар ўлкада яна 25 рус кишлоқ ташкил этдилар. Бундай хол маҳаллий дехқонларнинг ижтимоий-иктисодий ахволига ўта салбий таъсир кўрсатди. Она тупроғида яшаб туриб, серҳосил ер майдони ва сувдан фойдаланишдаги дискриминация маҳаллий халқ билан келгинди мужиклар орасида қатор социал қарама-қаршиликларни келтириб чиқарар эди. Мана шу шароитда Туркистон ҳарбий округи штаби томонидан «Туркистанская ведомость» газетасида буюк рус миллатчилиги руҳида тайёрланган кўрсатмалар узлуксиз чоп этилиб турилар эди. Жумладан, 1882 йилда ана шундай хабарлардан бирида шундай деб ёзилган эди: «*Барибир, ўлкада содир бўлаётган воқеаларни қачондир очиқчасига тан олиб, айтадиган пайт келади. Бизнинг асосий вазифамиз биринчи галда ўлкани руслаштиришдир. Шу кунга қадар Қирғизлар яшаб келган жойлар эндилиқда рус давлатникидир. Шундай экан, эндилиқдаги вазифамиз кўчиб келаётган руслар саъй-ҳаракати билан маҳаллий халқни ўлкадан сиқиб чиқарииш ёки батамом кириб ташлашдан иборат бўлмоғи керак*». Тарих таълимида интеграцион ёндашиш методикасини амалга ошириш, яъни тарих таълимининг ўқувчилар онгига ягона бир бутун жараён тарзида шакллантириб бориб, бир йўналишда комплекс равишда бошқариш истиқлолимиз муваффақиятларини адабиётга мустаҳкамлаш ва унинг истиқболларини белгилаб берган асар «**Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли**»ни ўрганишда ҳам ажойиб ижодий, бир вақтда тарих таълимини истиқлолимиз ютуқларини мустаҳкамлаш учун таъсирчан хизмат қилишга йўналтиришда янги тарихий даврни бошлаб берди.

Ёш давлатимизнинг тараққиёт йўлини белгилашда бутунги кунда тараққий этган жаҳон мамлакатларининг давлатчилик тажрибаси ҳар томонлама таҳлил этилиб, ўрганиб чиқилди. Булар ривожланган мамлакатлар АҚШ, ФРАНЦИЯ, АНГЛИЯ, ГЕРМАНИЯ, ЯПОНИЯ, ва бошқа давлатлар. Бу борада Биринчи Президентимиз Ислом Каримов ўзининг «Ўзбекистоннинг ўз

истиқтол ва тараққиёт йўли» асарида шундай ёзади: «Туркиянинг тажрибаси, унинг иқтисодиётни ислоҳ қилиш йўли, бизга ўхшаш этник-маданий шароитларда давлат билан дин ўртасида уйғун муносабатларга эришишдаги ютуқлари ўзимизнинг ижтимоий-иқтисодий ва давлат-ҳуқуқий тараққиёт йўлимизнинг белгилаш чоғида зўр қизиқишга моликдир» (шу асар 34-бет).

«*Гарболами билан ҳамкорлик қилиши-замонавий технологиялар, инвестицияларни саноатнинг етакчи тармоқларига жалб қилиши, банк ва бошқарув соҳасида мутахассислар тайёрлашида, хорижий қонунчилик тажрибасини ўрганишида кўмаклашиши муҳимдир*» (шу асар 36-37 бетлар). Ниҳоят, Биринчи Президент Ислом Каримов Республикамиз тараққиёти истиқболарини белгилаб, Ўзбекистонимизга хос беш тамойилни илгари сурди: **биричидан**, иқтисодиётнинг сиёsatдан устуворлиги ва бунда иқтисодиётнинг мафкурадан холи бўлиши лозимлиги; **иккинчидан**, давлат бош ислоҳотчи эканлиги; **учинчидан**, қонун ҳамма нарсадан устун туриши керак; **тўртинчидан**, кучли ижтимоий сиёsat. «Биз ўзимизнинг шароитимизда кўп болали оилаларга, қарияларга, бечораларга мадад бермасак, ҳамма нарса портглаб кетади, ҳеч қандай бозор ва ишбилармонлик бўлмайди». «Янги уй курмай туриб, эскисини бузманг» (5-6 бетлар); **бешинчидан**, бозор иқтисодига босқичма-босқич ўтиш.

Табиийки, тарих ўқитувчиси бу беш тамойилнинг ҳар бир бандига батафсил тўхтаб ўтади ва уларнинг моҳиятини ўқувчиilar томонидан атрофлича ўзлаштириб, олишларига, уларнинг тарихий билим кўламларини янада кенгайтиришга эришади. Мазкур ўринда ўқитувчи давримиз талабларидан келиб чиқиб тарих таълими мазмунига интеграцион ёндашишда турли тарихий даврларга тааллуқли концепцион назариялардан фойдаланиш мумкин. Масалан, Ўзбекистан халқлари тарихидан ўқувчиларга маълум бўлган мавзуу **«Ўзбекистонда ислом динининг ёйилиши»** ўрганилади. Маълумки, мазкур мавзуни ўрганиш жараёнида ўқувчиilar диққат-эътиборлари исломнинг беш фарзидан бир кам таъмин этилган мўмин-мусулмонларга Оллоҳ йўлида эҳсон қилиш фарзи алоҳида уқтирилади. Мазкур ўринда ўқитувчи масалага интеграцион ёндошиб, Ўзбекистон тараққиётининг «ўз йўли»да қайд этилган бешта тамойилдан

тўртингчиси-кучли ижтимоий сиёсат юргизиш бўлиб, исломдаги фарзлардан бирини ўзида тўла ифода этганлигини кўрсатиб ўтади. Ўқувчиларга Ўзбекистон Республикасида олиб борилаётган кучли ижтимоий сиёсатнинг моҳиятини интеграцион усул билан атрофлича тушунтириб боришда дарс давомида ўқитувчи томонидан Қуръони Каримнинг «ал бақара» сураси (261-оят)дан қуидаги оятни ўқиб бериш, унинг мазмунини уқтириш дидактик жиҳатдан айни муддао ва катта таълимий самара касб этади. Оятда қуидагилар баён этилган: «ўз молларидан Оллоҳ йўлида садақа қилувчилар учун бериладиган савоблар учун берилаётган савоблар гўё бир бугдой донаси экилганда еттита сунбула бошоқ чиқарса-ю, ҳар бир сунбулада юзтадан бугдой ҳосил бўлганидек, битта қилинган садақа учун ҳам 700 баробар кўп савоб ато қилинур. Оллоҳ баъзи соҳиби эҳсонларга бундан ҳам кўпроқ савоблар ато қилиши мумкин, чунки у кенг ва доно зотдор». Ислом фикҳи закотни кимларга берилиши лозим деган суроққа ҳам аниқ жавоб беради. Унда айтилишича закот олишига қуидаги тоифадаги кишилар хақли ҳисобланадилар:-оддий ҳаёт кечириши учун маблаг ӣӯқ фақиру мискинлар;-қарзини тўлай олмай, қийналиб юрган қарздорлар; -мусофириликда камбагалашиб қолганлар; закотни биринчи навбатда қариндошлик алоқалари бор кишиларга, қўни-қўшини, маҳалла-куйга берииш тавсия этилади. **«Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида»** асарда аҳолини қайси табақаларига биринчи галда ижтимоий ёрдам кўрсатиш лозим? деган масалага бу борадаги илгари мавжуд бўлган текисчилик усули, яъни боқимандаликни танқид қилганлар. Мазкур асарда алоҳида қайд этиб ўтилганидек, «Энг кам иш ҳақи ва нафақалардан солиқ олинмайдиган бўлди; бошлангич синфлар ўқувчилари ва ёлеиз нафақахўрлар учун бепул нонушталар, 2 ёшгача бўлган болалар учун бепул овқат, барча мактаб ўқувчилари ва талабалар учун овқатни арzonлаштириши каби имтиёзлар берилди.

Кўпгина тоифадаги фуқароларга турар жойи шахсий мулк қилиб бепул берилди, баъзи турдаги коммунал хизматлар ҳақини тўлашда янгиликлар жорий этилди.

Вазирлар Махкамасининг 1997 йиdda иқтисодий ислоҳотларни

амалга ошириш якунлари ҳамда Ўзбекистон иқтисодиётини 1998 йилда ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларига бағишланган мажлисда алоҳида қайд этилганидек «*Мамлакатимизда амалга оширилаётган кучли ижтиёмоий сиёсат барпо этилган аниқ йўналтирилган ижтиёмоий муҳофаза тизими, ижтиёмоий таъминот ва серфарзанд оиласаларга ёрдам тизимининг ислоҳ қилингани жасамиятимизда фуқароларнинг даромадлар бўйича қутбларга ва гуруҳларга ортиқча бўлиннишининг олдини олди, аҳолининг қашишоқлашувига йўл қўймади. Илк бор биринчи синф ўқувчилари ўқув қуроллари билан, камҳарж солаларнинг биринчи синфларида (бошлиғи синфларида) ўқийдиган фарзандлари қишикийим-боши билан таъминланди. Мактабда олий ўқув юрти ўқитувчиларининг турмуши шароитини ва мавқеига ҳақ тўлашни яхшилаш борасида муайян тадбирлар амалга оширилди» (Тошкент оқшоми, 1998 йил 27 феврал, №23). Мазкур ўринда Биринчи Президент Ислом Каримовнинг 1999 йил 2 февралида «Туркистан» газетаси мухбирига берган интервьюсидаги умуминсоний қадриятларимизга хос миллий сифатларимизни яна бир бор эслатиб ўтган фикрларидан мақсаддага мувофик фойдаланиш айни муддаодир. «*Эркин фуқаролик жасамиятига, дунёдаги кўп давлатлар асрлар давомида тўпланган тажриба ва демократик анъаналарини ривожлантира бориб етиб келган. Бундай жасамиятни кўриши учун тинимсиз интилиши, жасамият ҳаётининг барча соҳаларини тақомиллаштириши, умуминсоний қадриятларини ижодий ўрганиб, ўз-заминимизга татбиқ этиши лозим. Шу билан бирга миллий ўзига хослигимизни, ҳамиша иймон-эътиқод билан яшаш каби ҳаётий тамоилларимизни ҳақиқий сақлаб, юксалтириб боришимиз зарур.*».*

Мазкур интервьюда миллий қадриятларимиз хусусидаги фикрини баён этар экан эркин фуқаролик маънавиятининг асоси бўлмиш миллий маърифатимизнинг доимо дикқат эътиборимизда бўлиши лозимлигига тўхталиб «*одамларда маърифатпарварлик гояларини тарбиялаш, мактаб-маориф тармоқларига ҳомийлик, савобталаблик каби эзгу хусусиятларни кўпайтириши зарур*» лигини алоҳида қайд этиб ўтди ва бу борада ўзбек зиёлиларининг умуминсоний маънавий - анъанавий тажрибалардан кенг фойдаланишимиз зарурлигини кўрсатилди.

## **2. ИНЕТГРАЦИЯЛАШТИРИШНИНГ МЕТОДИК АСОСЛАРИ**

Ўқитувчи тарих таълимида интеграцион ёндашмоқни давом эттириб бориб, ўқувчиларга Мустақил Ўзбекистон Республикасида олиб борилаётган кучли ижтимоий сиёsat тушунчаси ва унинг мазмунини баён этар экан, тарихда қайд этилган ҳозирги замон тараққий этган мамлакатларидан бири-Буюк Британиянинг энг янги тарихи билан, аниқроғи асримизнинг 80-йилларидағи тарихи ва унда «Темир хоним», «Тетчер эраси» каби номлар билан машхур бўлган даврда консерваторлар йўлбошчиси Маргарет Тетчернинг ҳокимият тепасида турган даври - «Тетчеризм» билан, айниқса унинг қуидаги беш тамойили билан атрофлича таништириш, Ўзбекистон Республикаси тараққиётининг ўзига хос беш тамойилини ишлаб чиқишида жаҳон етакчи мамлакатларининг XXI аср бўсағасидаги давлатчилик фаолиятини механик равишда кўр-кўронга эмас, балки уларга Ўзбекистонимизнинг ўзига хос миллий хусусиятларидан келиб чиқиб ижодий, зарур бўлган ҳолда эса танқидий муносабатда ёндошиб, ўқувчиларга чет эл давлатчилиги назариясига таҳлилий тафаккур муносабатларида бўлиш кўнимкамларини фаол ва системали равишда шакллантириб боришга эришмоғи керак. Мазкур ўринда «Тетчеризм»нинг қуидаги беш тамойилини дарс жараёнида талабаларга мустақил таҳлил этиш ва «Тетчеризм»нинг Ўзбекистоннинг тараққиёт йўлининг беш тамойили билан қиёсий таққослаштириш йўлида қилинган методик усулини келтирамиз: 1. «Гуллаб-яинаётган ҳар қандай иқтисодиётнинг ҳаракатлантирувчи кучи хусусий тадбиркорлик бўлиши керак; 2. Давлатнинг иқтисодий ҳаётга аралашуви минимум даражага тушиши лозим; у асло хусусий ташаббусларни бўлмаслиги керак; 3. Барча меҳнатга қобилиятли фуқаролар ўзини-ўзи таъминламоги керак. Давлат ва хайрия ташкилотлари ўз айбисиз ишилаш имкониятидан маҳрум бўлиб қолган меҳнатга қобилиятсизларга ёрдам кўрсатади. Шунга кўра, давлат ижтимоий дастурларидан воз кечиш ёки уни энг паст даражага тушириши лозим 4. Давлат баланслаштирилган танқисликсиз бюджетга эга бўлиши керак. Унинг энг муҳим

*қисмини барча аҳоли даромадига биноан тўлайдиган солиқлар ташкил этади. Иқтисодиёт тартибига қатъий риоя қилиб, харажатларни камайтиши зарур. 5. Касаба уюшмалари меҳнаткашлар манфаатини қонуний воситалар билан ҳимоя қилишига хақли, бунда бошқа одамларнинг манфаатларига зарар етказмаслиги керак. Шунинг учун ҳам жамиятга зарар етказадиган иш ташлашлар ўтказиш ҳуқуқи чекланиш лозим».*

Ўзбекистоннинг истиқлол даври ижтимоий-иктисодий сиёсатини, ёки бошқача қилиб айтганда Ўзбекистонимизнинг давлатчилиги тарихини жаҳонда илмий-техник инқилоб ватани бўлган Буюк Британиядек мамлакатнинг энг янги тарихи билан таққослаб ўрганиш ва ўқувчилар олдида бу мини давлатнинг ижтимоий-иктисодий сиёсатидаги тамойилларни интеграцион метод билан таҳлилий тафаккур этишга ўйналитириш ўз навбатида ёшларимизда ҳар қандай тарихий воқеа ва ҳодисани атрофлича идрок этиш қобилиятларини шаклланиб боришига катта имкониятлар яратиб беради. Ҳар қандай жамиятда янги типдаги давлат кўришда гарчи биринчи галда шу алоҳида олинган худуддаги ҳалкни, миллатнинг хоҳиш-иродасини ўзида акс эттирадиган давлатни кўриш жараёнида мазкур ҳалқ маънавияти, маърифати, маданияти, мағкураси ва тарихига кўп соҳадан мос бўлган бошқа давлатнинг босиб ўтган давлатчилик тарихи билан атрофлича танишиб чиқиш, табиийки ҳам назарий ҳам амалий жиҳатдан фойдадан ҳоли бўлмас. Шу нуқтаи-назардан қараганда ёш Ўзбекистон Республикаси мустақил Туркия Республикасининг асосчиси **Мустафо Камол Отатуркнинг** 1921 йил 20 ноябрида сўзлаган нутқида шўролар иттифоқида «дини бир, эътиқоди бир қардошларимиз бордир. Уларга хомийлик қилишига тайёр бўлишимиз шарт. Миллатларимиз ўртасидаги маънавий кўприкларни мустаҳкамлаш зарур. Тил бир кўприкдир. Эътиқод бир кўприкдир... Тарих бир кўприкдир» деган холосаларини ҳисобга олиш ҳам фикримизча мустақил Ўзбекистонимизда фойдадан ҳоли бўлмас.

Бутунги Туркия Республикасининг асосчиси ғози Мустафо Камол Отатурк (1881-10. 11. 1938)нинг Туркияни мустақил давлат ҳолига келишида ҳаракат дастури бўлган унинг тамойиллари умуман XX асрда давлатчилик назариясида ўзига

хос янги даврни бошлаб берди.

Отатуркнинг турк жамиятини-миллий асосда қайта кўриши учун икки асосий мажбурияти бор эди.

*Биринчиси* - Туркияning парчаланишдан ва ажнабийлашувидан сақлаб қоладиган миллий истиқлол ҳаракатини оғишмай амалга ошириш, миллий давлат қуришга эришиш;

*Иккинчиси* - Туркияning ривожланган гарб давлатларига кўра йўқотган юз йиллик тараққиётга қайтадан эришиш учун керак бўлган сифат ва жадаллик билан замонавийлашиш, бошқача қилиб айтганда ҳаётнинг ҳамма жабҳаларида гарб цивилизациясига эришиш. Биринчи Президент Ислом Каримов таъбири билан айтганда Мустафо Камол «1923 йилнинг 29 октябрида Туркия Давлат бошқарувининг янги тизимини - Туркия Республикасини жорий қилди.

Мамлакат тараққиётининг устувор йўналишларини белгилаб берувчи олтига тамойилни ишлаб чиқди. Шу тамойиллар асосида давлат бошқаруви тубдан ўзгартирилди, сиёsat, иктисад ва маданиятнинг барча жабҳаларида чуқур ислохотлар ўtkазилади. Отатурк ислохининг моҳияти ва пировард мақсади миллий анъаналарга путур етказмаган ҳолда мамлакатни жаҳоннинг тараққий этган давлатлари даражасига олиб чиқишига қаратилган эди»<sup>1</sup>.

Ниҳоят, ўз истиқлолига эришган ўзбек халқи ўз Президенти Раҳбарлиги остида миллий давлатчилигимизнинг ўзига хос ва мос йўли билан буюк келажак сари дадил қадамлар билан бораётганликларини аниқ амалий фактлар мисолида кўришга мувофиқ бўлдилар. Дарҳақиқат, шўролар даврида жаҳон тарихининг энг янги даврини ўрганишда талабаларга тарихий жараённи кўпинча бир ёқлама баён этиб келиб, тарих таҳлилига интеграцион ёндошиш тамойилларини батамом бузиб келдик. Масалан, ҳозирги кунга қадар биз мавжуд бўлган дарслер асосида энг янги тарих курсида «**XIX аср охирида Хитой**» мавзусини ўтар эканмиз 1899 йилга келганда Хитой капиталистик мамлакатлар таъсир доирасига бўлинганлиги уқтириб Хитойнинг Янцзи ҳавзаси Англия, Юньянь Франция,

---

<sup>1</sup> Турк халқининг буюк фарзанди Отатурк. -Тошкент: 1998. -Б. 5.

Шаньдун Германия, Манжурия ва унга дахлдор худудлар Россия, Фуцзянь, Корея эса Япония таъсир доирасига бўлиниб кетиб, Хитойдек буюк давлат деярли ўзининг мустақиллигини йўқотишгача келганлигини уқтирамиз. Шу билан бирга тала-балар дикқат-эътиборларини Хитойни чет эл империалистик мамлакатларининг таъсир доирасига бўлиниши даврида Тинч океанда босқинчилик урушлари олиб бориб, Самоа оролларини босиб олиши ва 1893 йилда Гавай оролларини босиб олиб, уларни 1897 йилда аннекция этилишига эришганлиги сабабли ва ниҳоят, 1898 йилда Хитойни асоратга солишга қаратилган «Очиқ эшиклар» сиёсатини эълон қилганлиги ва бу сиёсатнинг мазмуни АҚШ капиталистик мамлакатларининг Хитойдаги таъсир доираларига ўтган худудларда эркин савдо-сотиқ ишлари олиб бориб, Хитойда таъсир доирасига эга бўлган капиталистик давлатлар қандай тарифда солиқ тўлайдиган бўлсалар (албатта у солиқлар ниҳоятда минимал бўлган), АҚШ ҳам ўшандай ҳажмда солиқ тўлашга эришганлигини уқтириб келмоқдамиз. Бу албатта АҚШнинг Хитой халқига нисбатан зўравонлиги бўлганлигини ҳам алоҳида қайд этиб ўтамиз. Бироқ, Ўзбекистан халқлари тарихидан «XIX асрнинг охирида Ўзбекистон хонликлари» мавзусини ўтишда нима учундир Ўзбекистонга нисбатан XIX асрнинг охирги чорагида чор Россияси босқинчилари томонидан ўта зўравонликка асосланган, ҳеч қандай цивилизация доирасига сиғмайдиган «Очиқ эшиклар» сиёсатининг ваҳшиёна усуллари қўлланилган деб айтамиз. Гап шундаки, шўролар даври тарихида Ўрта Осиё Чор Россияси томонидан босиб олинган эмас, балки у қўшиб олган», деган ҳақиқий тарихий жараённи бузиб талқин этилган концепция мавжуд эди. Шунинг учун ҳам бу жараён шўро даври тарихчилари томонидан «прогрессив аҳамият касб этган» воеа деб тарғиб этилганлиги жоиз Ўзбекистонга нисбатан «Очиқ эшиклар» атамаси ишлатилмаган. Юқорида қайд этилганидек, шўролар даврида КПСС тарихидан етакчи мутахассис бўлган маҳаллий тарихчиларимиз Ўзбекистоннинг янги тарихини яратишда шўролар мафкурасини садди-пок этиб, янги тафаккурга ўтаётганлигини боис тарих таълими баёнида интеграцион методни қўллаб, Россия империализми томонидан Ўрта Осиё халқларига нисбатан қўллаган ижтимоий-иктисодий

сиёсат «Очиқ эшиклар» сиёсатининг накадар ёввойи формаси эканлигини кўрсата олмаётирлар. Бу борада кўп ҳолларда архивлардан келтирилган фактлар интеграцион таҳлилсиз бўлиб унинг шарҳлаш учун ўқитувчилардан катта таҳлилий тафаккурни талаб этади. Фактларга мурожаат қиласилик. Маълумки, 1867 йил 14 июлда рус подшоси Александр II Ўрта Осиёда босиб олинган худудда ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаш мақсадида Туркистон генерал-губернаторлиги лавозимига генерал-адъютанг фон Кауфман тайинланди. Рус подшоси томонидан фон Кауфманга берилган «Олтин ёрлиқ»ка кўра деярли чексиз хукуққа эга эди. Жумладан, у Туркистон ҳокими сифатида Туркистондаги рус манфаатларига қарши сиёсат юргизиш йўлида фаолият кўрсатадиган ҳар қандай давлатга қарши уруш ёки ўшандай ҳол содир бўлган вактда сулҳ тузиш, ижтимоий-иктисодий ва сиёсий масалаларда мустақил ҳаракат қилиш хукуқига эга эди. Шунинг учун ҳам 1868 йил июнида Зирабулоқда Бухоро амири Музаффарнинг 14 тўп, 15 минглик отлиқ армияси ва 6 мингли пиёдалари устидан ғалаба қозонганидан кейин, ўша йил 23 июнида тузилган шартномада у рус подшосидан олган «Олтин ёрлиқ» асосида маҳаллий миллат - ўзбекларни мутлоқ оёқ ости қиласидиган даражада мустақил ҳаракат қилди.

Кауфман Бухоро амиридан биринчи галда рус чоризми босқинчиларига қаршилик кўрсатгани учун 5000 сўм микдорида товон тўлашни талаб қилди. Иккинчидан энг унумдор ва сугориладиган серҳосил ерлар, шунингдек ҳарбий-стратегик ва иқтисодий жиҳатдан катта аҳамият касб этадиган Самарқанд, Каттақўрғон ва Зарафшон дарёсининг юқори қисмини Россия мулки деб эълон қилди. Учинчидан рус савдогарлари амирликнинг хоҳлаган худудида хоҳлаган товари билан ҳеч қандай тўсиқсиз савдо-сотик қилиш хукуқига эга бўлди. Улар амирлик худудидаги хоҳлаган бозор, карвонсарой гузарда хоҳлаган маҳсулоти билан савдо-сотик қилиш хукуқига эга эдилар. Нихоят, тўртинчидан, Бухоро амири рус подшоси ҳоҳиш-иродасидан ташқаридан бирон чет мамлакат билан сиёсий, дипломатик ёки савдо-сотик қилиш хукуқларидан батамом маҳрум этилиб, ўзининг рус подшосига сўзсиз бўйсунилишини тан олди. Бухоро амирлиги учун энг катта йўқотиш Зарафшон

дарёси хавзасининг бўлиниши бўлди. Амирликдаги экин ерларининг кўпчилиги Зарафшон дарёсидан сув ичар эди. Мустамлакачилик даврида Зарафшон дарёси Самарқанд вилоятидаги 2782 кв. км. ерни суғориб, йилига 37. 636. 197 сўм даромад келтирган. Бухоро вилоятида эса 3750 кв. км. ер суғорилган. Бу ерларни суғориш учун амир олтин билан генерал-губернаторга ҳақ тўлаган. Россияни эса сув учун ҳақ тўлашга қурби етмаган. Ф. Поспеловнинг ёзишича, 1870 йилда Зарафшон водийсининг Бухоро амирлиги қисмида қургоқчилик бўлиб, ота-оналар тирик қолиш мақсадида ўз фарзандларини бир коса унга сотганлар. Кўпчилик дехқонлар бор-йўғидан ажralганлар («Туркистанское сельское хозяйство» журнали. 1912 йил, 6-сон, 479 бет. ) Бухоро амирлигига нисбатан бундай сиёсат ҳам шўролар даври манбашунослигига «Очиқ эшиклар» сиёсати деб аталмаган. Шу боис истиқлонимиздан кейин пайдо бўлаётган тарих «дарслик»лари ҳам эски шўролар қолипи билан бориб, ҳамон Самарқанд шартномаси босқинчи рус чоризми томонидан Бухоро амирлигига нисбатан айнан «Очиқ эшиклар» сиёсатининг ҳар қандай цивилизацияни инкор этадиган ёввойи формаси эканлигини илмий асосда исботлаб беришга ожизлик қилмоқда. Худди шу нарсани 1873 йил 12 августида рус генерали Кауфман билан Хива хони Муҳаммад Рахимхон II Гандимиёнда имзоланган тенгсиз шартнома хусусида кўрсатиб ўтса ҳам бўлади. Гап шундаки, Гандимиён шартномаси асосида ҳам қуий Амударёнинг ўнг соҳилидаги серҳосил унумдор ерлар Россия мулки деб эълон қилинган эди. Рус савдогарлари Бухоро амирлигига бўлганидек, Хива ҳудудида ҳам хоҳлаган жойда, хоҳлаган маҳсулоти билан маҳаллий хукуматга ҳеч қандай солик тўламасдан савдо-сотиқ қилиш ҳуқуқига эга бўлган эди. Бундан ташқари маҳаллий ҳокимиятдан ҳеч қандай рухсат олмасдан туриб савдо ёки саноат тармоқларини кўриш, улардан ўз хошишлари билан фойдаланиш мумкин эди. Яна шуни алоҳида қайд этиб ўтиш лозимки, хонлик хусусида рус чоризми томонидан қилинган жиноят маҳаллий қозилар томондан кўриб чиқилиб, жазоланиш мутлоқ ман этилган эди. Бундан ташқари хонлик рус чоризми босқинчларига 2 миллион 200000 сўм товоң тўлаб, унинг устига ўзининг рус подшосининг вассали

еканлигини мутлоқ тан олдирилган эди. Кўриниб турибиди, мазкур ўринда ҳам рус чоризми Ўзбекистон хонликларини босиб олиш жараёнида цивилизациялашган ғарбда Хитойга нисбатан қўллаган «Очиқ эшиклар» сиёсати жорий этганлар. Натижада ҳалқ манфаати, унинг маънавий қадриятлари батамом оёқ ости қилинган.

Юқорида қайд этганимиздек, маҳаллий тарихшунос олимларимиз мазкур масалани баён этишда ҳам ҳамон эски шўролар колипидан саъди-пок чиқмаганлар. Бундай мисолларни яна кўплаб келтиrsак бўлади. Ўз миллӣ истиқтолига эришган Ўзбекистон Республикаси ҳалқ таълими тизимида тарих ўрганишга интеграцион ёндашув том маъносида ёшларимизда миллӣ мафкуруни фаол шакллантириб боришда ҳам ўлкан назарий ва амалий аҳамият касб этадиган жараёндир.

Хуллас, жамиятда юз бераётган туб ўзгаришлар, шубҳасиз, таълим соҳасини ҳам қамраб олмоқда. Айни пайтда, айтишимиз жоизки, кадрлар тайёрлаш соҳасида таълим турлари ўртасидаги алоқа ва узвийликнинг таъминланишида айrim камчиликлар ҳам кузатилди, бу пировардида, мақсадни белгилашдаги тарқоқликка ва таълим сифатини пасайишига сабаб бўлди. Кадрлар тайёрлаш бўйича давлат сиёсатида худудларнинг ижтимоий иктиносидий ўзига хослиги ва талаб ва эҳтиёжларининг тўлиқ хисобга олинмаслиги, меҳнат бозоридаги талаб ва таклифнинг чукур ўрганилмаслиги натижасида кадрларнинг худудлар кесимида тақсимотида мувозанатнинг бузилиши кузатилди. Бу айrim худудларда педагог кадрларга бўлган эҳтиёжнинг йиллар давомида қондирилмаслигига сабаб бўлди.

Тизимдаги бу каби камчиликларни бартараф этиш мақсадида кейинги икки йилдан ошиқроқ вақт мобайнида таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳаларига оид бир қатор Президент ва

хукумат қарорлари қабул қилинди<sup>1</sup>. Таълим тизимида кадрлар тақсимотининг тӯғри йўлга қўйилмаслиги натижасида юзага келган кадрлар тақчиллиги масаласи, бевосита, узлуксиз таълим тизимида назарда тутилган таълим турлари ўртасидаги узлуксизлик, узвийлик ва интеграциянинг таъминланмаганлиги, худудларда кадрларга бўлган талабнинг истиқбол режалари мавжуд эмаслиги билан юзага келди. Умуман, бу муаммо кенг қамровли ва кўпкірралি ижтимоий масала бўлиб унинг ечими ҳам бир ёки икки сабабнинг қондирилиши билан ўз ижросини топа олмайди. Бу масала худудий ҳокимликлар ва уларнинг тасарруфидаги тегишли бўлинмаларнинг айни масала бўйича тизимли иш олиб бориши натижасида ўзининг ижобий ечимини тапиши мумкин. Ўз навбатида педагогик таълим тизимида шундай янги меҳанизм яратилиши ҳаётий заруратга айландиди, унда таълим турлари ўртасида назорат ҳам, ракобат ҳам, манфаатларнинг қондирилиши ҳам таъминланиши зарур.

Таълимнинг жамият барқарор ривожланишидаги юқори ижтимоий аҳамиятидан келиб чиқсан холда замонавий талаблар, тизимдаги муаммолар ва уларни ҳал килишда таълим турлари ва таълим мазмунини интеграциялашда узлуксиз педагогик таълимни кластер модели асосида ривожлантиришни тақазо қилмоқда.

Бу муаммони ижобий ҳал этишнинг моҳияти яна шундан иборатки, Ўзбекистон Республикасининг бугунги давлатчилигини вужудга келишида баъзи бир оммавий ахборот воситаларида талқин этиб келинаётганидек, Ўзбекистон на Туркия ва на Англия, Хитой ёки Жанубий Корея ва яна бошқа давлатлар

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори, “Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим вазирлигини ташкил этиш тўғрисида”, Тошкент ш., 2017. 30сентябр, ПҚ-3305-сон; Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори, “Ўрта маҳсус қасб-хунар таълими муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, Тошкент ш., 2017. 14 март, ПҚ-2829-сон; Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори, “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, Тошкент ш., 2017. 20 апрел, ПҚ-2909-сон; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг Қарори, “Олий ўкув юртидан кейинги таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, Тошкент ш., 2017. 22 май, 304-сон.

курилиши тузилишидан нусха олмасдан, у ўзининг дастлабки шаклланиш кунларидаёқ, ўзининг «ўз истиқлол ва тараққиёт йўли», миллий дастурига эга бўлган. Бу борадаги интеграция масаласига келсак, Ўзбекистон ўзининг ўз истиқлол ва тараққиёт йўлини кашф этиши билан жаҳон давлатчилиги қурилишида ўзининг бетакрор ўрнини эгаллагани билан абадийликка қолган. Шундай қилиб, тарих таълимига интеграцион ёндошиш-ўқувчилар билим савиялари ва таҳлилий тафаккур қобилиятларининг ривожлантириб бориша тарих ўқитиш методикаси фанининг ижтимоий фанлар тизимидағи ўрни ва ролини тўғри белгилаш ва баҳолашда алоҳида аҳамият касб этади.

### **Савол ва топшириқлар:**

1. Таълим жараёнини инсонпарварлаштириш, демократлаштириш ва интеграциялаштириш ғоясини амалга оширишнинг асосий омилларда деб ўйлайсиз?
2. Ҳар бир шахсда мантиқий тафаккур қобилиятини узлуксиз ривожлантиришда инсонпарварлик, демократик ва интеграцион ёндашишга эришиш йўлларини биласизми?
3. Тарих таълимида интеграцион ёндашиш методикасининг амалга оширилиши асосан қайси жиҳатларга боғлиқ?
4. Бугунги кунда ривожланган мамлакатлар АҚШ, Франция, Англия, Германия, Япония ва бошқа давлатлардаги интеграцион ёндашув тажрибаларидан хабарингиз борми?
5. Ўзбекистон Республикасининг бугунги давлатчилигини вужудга келишида сизнингча дунёнинг қайси давлати қурилиши тузилишидан нусха олинган? Ёки республикамиз ўзининг алоҳида тараққиёт йўлини танлаганми?

### **Адабиётлар**

1. Каримов И. А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. –Тошкент: Ўзбекистон, 1992.
2. Ўзбекистон Республикасининг Кадрлар тайёрлаш Миллий Дастури. –Тошкент Шарқ, 1997. -Б. 97.
3. Эргашев К. Ўзбекистонда халқ таълимининг ривожланиши тарихи. –Тошкент: Ўқитувчи, 1998.
4. Хўжамуродов И. Маънавий қадриятлар ва миллий ўзлигини

англаш. –Тошкент: Мехнат, 1991.

5. Чориев А. Проблемы народного образования и подготовки педагогических кадров Узбекистана. –Тошкент: Фан, 1997.

6. Курбонов Ш., Сейтхалилов Э. Кадрлар тайёрлаш Миллий Дастири. Педагогик илмий тадқиқот муаммолари ва йўналишлари. –Тошкент: Фан, 1999.

7. Т. Тошпўлатов, Я.Faффоров. Тарих ўқитиш методикаси. –Тошкент: Турон-Иқбол, 2010.

8. Берулава М. Н. Теоретические основы интеграции образования. –Москва: Севершенство, 1988. –С. 192.

9. Дик Ю. И. Интеграция учебных предметов. // Сов. Педагогика. 1987. №9. –С. 42-46.

10. Шербакова С. Г. Проблема интеграции в школе. –Москва: 2012. –С. 120.

## **9-МАВЗУ: ТАРИХИЙ ТАРАҚҚИЁТ ҚОНУНЛАРИНИ ҮРГАНИШДА ТАРИХИЙ ФАКТЛАРНИ ТАНЛАШ ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШГА БЎЛГАН ТАЛАБАЛАР**

### **Режа:**

1. Тарих ўқитиши жараёнини самарали ташкил этишнинг мазмунни ва моҳияти.
2. Тарих дарсларида тарихий фактларнинг ўрни.

**Калит сўзлар:** тарихий жараён, тизимлаштириш, фожеавий, тарихий факт, парадкуш, маҳв этиш, умумбашарий муаммолар, демократияни экспорт қилиш, экстремистлар, ҳарбий потенциал, классик мисол, таҳлилий тафаккур, менталитет, монополистик хукумат, позиция, ядро дастурлари, максимум фактлар, деталлаштириш, хронологик саналар.

### **1. Тарих ўқитиши жараёнини самарали ташкил етишнинг мазмунни ва моҳияти**

*«Маълумки ҳаётий тажрибага эга бўлмасдан туриб тарихни самарали ўрганиши етарли бўлмайди. Лекин шуни унумтаслик керакки, агарда маҳорат ва аниқ тарихий билим бўлмаса биргина тажрибанинг ўзи тўла қонли билимларни ифода этиаомайди»<sup>1</sup>.*

*Лорд Болингброк.*

Тарихни тушуниш жараёни тарихий фактларни ўрганишдан бошланади. Тарихий фактларни ўзига хос хусусиятлари шундан иборатки, тарихий фактлар ҳаётда қайтадан тикланмайди, унинг тақроран учратиб бўлмайди. Лекин, нафақат ўқувчиларни, балки ўқитувчиларнинг ўзларини ҳам айрим тарихий фактлар

---

<sup>1</sup> Письмо об изучении и пользе истории. -Москва: Наука, 1978. –С. 26.

билангина қуролланишилари, хали уларни тарихни биладилар деган хуросадан йироқдир. Бир-бирлари билан мантиқан алоқада бўлмаган, алоҳида олинган тарихий фактлар тарихий жараённинг онгги, илмий равишда ўрганиб олишни таъминлай олмайди. Шундай қилиб, тарих ўрганишда тарихий фактлар шунчалик бир алоҳида олинган факт сифатида ўрганилмасдан, балки фактлар орасида мавжуд бўлган мантиқий алоқадорликларни ҳам атрофлича ўрганишни тақозо этади. Бундай методнинг кўлланилиши тарихий фактларни умумлаштириш, уларни атрофлича ўзлаштириш ва тизимлаштиришни тақозо этади.

Тарих ўрганиш жараёнида бизнинг кўпгина тарихий фактларга дуч келишимиз табиий бир хол. Тарих ўқитиш жараёнини самарали ташкил этиш учун эса, уларнинг мазмуни ва моҳиятига қараб аниқ гурухлаштириш лозим бўлади.

Тарихий фактлар икки хил ҳарактерда бўлиши ҳам мумкин:

**Биринчидан**, алоҳида олинган воқеаларни акс эттирадиган фактлар. Бу турдаги фактлар тарихда бир маротабагина содир бўлиб, унда алоҳида ўзигагина хос шароит мавжуд бўлади, воқеада чегараланган аниқ кишилар иштирок этадилар. У ўзиниг аниқ макони ва замонига ҳам эга бўлади.

Улар тарихда айнан такрорланмайдилар. Масалан, Улуғбек (Мухаммад Тарагай - 1394 йил 22 марта таваллуд топган) фожеасини олиб қарайдиган бўлсан, бу зоти олий 1449 йилнинг 27 октябрида (баъзи манбааларда 29 октября) ўз ўғли Абдуллатифнинг разиллиги билан қатл этилиши такрорланмас бир фожеавий тарихий фактдир. Бунда ўлимнинг мотиви, даври, яъни макон ва замони такрорланмас фожеавий факт хисобланади. Худи мана шу фожеавий фактнинг асосчиси - падаркуш Абдуллатифнинг ўз отасининг қатл этганидан андак вақт ўтмасдан унинг ўзини ҳам кишилик тарихида кам учрайдиган ҳолда «ал-қасосул минал-ҳақ» қабилида калласининг кесилиши ҳам такрорланмас тарихий факт хисобланади.

- Бу борада муаррих Бўрибой Ахмедов шундай ёзади: «*шу кечада Абдуллатиф ёмон ухлади, тун бўйи алаҳсираб чиқди, ёмон тушилар кўрди. Азонга яқин қаттиқ ухлаб қолган экан, яна туши кўрди: Ёши олтмишилардан ошган барваста, серсоқол бир одам унинг олдига мис табоқ келтириб қўйди. Абдуллатиф*

*ёпқични олиб қараса, мис табоқда ўзининг кесилган боши эмии. Кўрқанидан додлаб юборди ва ўз овозидан ўзи уйгониб кетди. «Хайрият-ей, туши экан бу» деди у ўз-ўзига, сўнг токчадан Низомий Ганжавийнинг «Ҳамса» сини олиб тўғри келган жойини очди. Очилган вароқда мана бу байт битилган экан:*

Падаркуш подшоҳиро нашояд  
Агар шояд ба-жуз шеш моҳ напояд.

Яъни:

Шоҳ бўлмас отасин ўлдирғон одам  
Ошмас олти ойдин магар бўлса ҳам.

- Э, тангри, бу не кўргулик? Шайх Низомий ушбу байтда кимни назарда тутган эканлар?

Абдуллатиф титраб қақшаганича хаёл денгизига чўмди. Ха, энди эслади - бу шеър не боис ёзилгани ва кимга аталгани маълум. Фахриддин Розийнинг «Ҳадоик ул-анвор» («Нурлар боғи») китобини Хиротда Бойсунқур мирзо кутубхонасида кўрган, ўқиган ва ёқтириб қолиб, ундан нусха кўчиритириб олган эди. Тарихда ўтган падаркушлар хақида мана шу «Ҳақоиқ ас-сехр» да ёзилган. Падаркушларнинг номлари ҳам эсига тушди. Булардан бири- Шеруя, Сосонийлар сулоласидан Кубод I нинг ўғли. Яна биттаси Мунтасирдир.

- Ха, даҳшат бу! Нахотки, биз Шеруя бирлан Мунтасирнинг ишини тутдик? Йўқ, бундай бўлиши асло мумкин эрмас. Шеруя бирлан Мунтасир оталарини ўз қўллари билан ўлдирғон бўлсалар, биз эрсак отамизга қўл текизғонимиз йўқ. Ул жанобни малъун Аббос ўлдирғон, биз эрсак бу қотилни жазога тортдук.

Абдуллатиф нима қилса ҳам ўзини оқлашга уринди. Лекин шу пайт қаёқдандир нидо келди:

- Йўқ тақсирам, сиз ҳам падаркушлар рўйхатига тиркалғонсиз. Шайх Низомийнинг ушбу шеъри сизга ҳам тааллукли.

- Э, парвардигори олам. Нахотки мен ҳам падаркуш бўлган.

- Йўқ шахзодам сизни энди хеч ким ўз ҳимоясига ололмайдур. Ўз қўли билан ўлдирдиму, одам ёллаб ўлдирдиму, онинг не фарки бор?! Ҳимоячи қидириб овора бўлманг, далил-дастак ҳам ахтарманг, шахзодам, сиз ҳам падаркушсиз. Отангизни ноҳақ тўқилғон қони сизни чорлаб турубдур, охират сафаригача ҳозирлигингизни кўрингиз, ҳазратим.

Абдуллатиф сапчиб ўрнидан туриб ташқарига чиқди. Кўзлари тиниб, боши тарс ёрилиб кўчгундай бўлди.

Наҳотки, ҳаёт битган бўлса ?!

(Бўрибой Ахмедов «Улуғбек». Тошкент, «Ёш гвардия» нашриёти 1989 йил, 206-207 бетлар.

-Эндиғи воқеани тарихчи Мирхонд ва «Тарихи Абулхайрхоний» китобининг муаллифи Масъуд ибн Усмон Кўҳистонийдан эшитамиз.

«Жангу-жадалларда Рустами достон ва Исфандиёрдек бўлғон ва Абдулазиз мирзо тарафидин мартабаси юқорилатдирилғон Бобо Хусайн баҳодир икки номдор подшоҳ: Улуғбек Кўрағон бирлан мирзо Абдулазиз шаҳид этилғонларидин сўнгра қасд қилуб бадкирдор Абдуллатиф мирзонинг хизматига кирдилар, аммо қалбида анча кина сақлаб, ул бадкирдорни маҳв этиш хаёли билан юрдилар.

Бобо Хусайн баҳодир ўша куни камонни елкага осуб, жонни шу ишга тикди, содик навкари бирлан Абдуллатифнинг йўлини пойлади. Шахзоданинг навкари Чорраҳа дарвозасидин ташқарига чиқди ва тор кўча бўйлаб йўл четидаги катта кайрағоч орқасида пойлаб турдилар. Абдуллатиф аларнинг ёнгинасидан ўтуб кетди, лекин беш-олти қадам ўтгач, Бобо Хусайн камонни елкасидин олди ва уни ўқлаб шахзодани аниқ нишонга олди. Абдуллатиф фақат «Олло, ўқ тегди!» деб айтишга улгурди, холос. У отдин қулаб тушди ва шу топдаёқ жон берди. Ўқ анинг чап қурагини тешиб ўтиб юрагига қадалғон эркин. Мирzonинг мулозимлари олди-орқасига қарамайин тум-тарақай бўлиб қочдилар. Бобо Хусайн баҳодирнинг навкари чопуб боруб Абдуллатифнинг бошини кесиб олди ва хуржунига солди. Падаркуш Абдуллатифнинг бошини шу пайтнинг ўзидаёқ Регистонга олуб боруб мирзо Улуғбек мадрасасининг пештохига осуб қўйдилар. »

Бу воқеа 854 йил рабби ул-аввал ойининг 26 кунида (1450 йил 9 май) содир бўлди.

Уч кунгача Регистондан одам оёғи узилмади. Акобир, Умаро ва шаҳар уламоси ўша куниёқ мирзо Абдуллани Кўксаройдан олиб чиқдилар ва уни подшоҳ кўтардилар. Янги подшо номига хутба Улуғбек мадрасасида шайхул Ислом хожа Бурхониддин

томонидан ўқилди.

*Яна бир мисол:* Россияда 1861 йилда чор ҳукуматининг 19 феврал қарори билан крепостной тузумнинг бекор қилиниши ҳам алоҳида тарихий факт ҳисобланади. Бу ҳодиса Россияда 1861 йилнинг 19 февраляда содир бўлиб, «юқоридан», яъни давлат аппарати томонидан туриб крепостной тузумни бекор қилган «Ислоҳот» эди (Хўш, аслида-чи?).

Иккинчидан, бу фактлар ўзларига хос ҳодиса воқеаларни баён этади. Масалан, шундай тушунчаларни олсак: «барщина», «оброк» - булар тарихий фактлар бўлиб, факат маълум даврга ва маълум ижтимоий тузумга оид бўлади (Хўш, капиталистик тузумда шундай тушунчалар борми?). Бундай фактларни биз тарихий воқеалар гурухига киритамиз. Яна бир мисол: 1640-йилларда Англияда содир бўлган «саноат тўнтарилиши». Бу тушунча XVI асрнинг 40-йиллари шароитида қўл меҳнатини машина билан алмашинуви, феодализм, қаърида капиталистик муносабатлар элементларини шаклланиб бораётганлигидан далолат берадиган тушунчалар сирасига киради («Қўйлар одамларни еб бормоқда» деган ибора нималарга ишора этар эди?). Шу билан бирга бу тушунчани янада батафсил очиб бериш, ўқувчиларга икки янги синф-ишчилар синфи билан буржуазия синфларининг шаклланиши диалектикасини ҳам яққол ифодалаб беради.

Биз юқорида тарихий фактларни икки холатда кўриб чиқдик. Лекин, айрим методик адабиётларда тарихий фактларнинг уч гуруҳга бўлиш тавсия этилганлигини ҳам кўрамиз. Масалан: «Актуальные вопросы методики преподавания истории в школе» (Москва, 1984 йил, 39-бет) қўлланмасида шўролар даври таниқли методист-олими Г. М. Донской *тарихий фактларни уч гуруҳга бўлишини қўйидагича тавсия этади*:

1. Алоҳида олинган воқеалар, такрорланмайдиган ҳодисалар;
2. Кўп маротаба такрорланадиган ҳодисалар, бир-бирларига ўхшаш бўлган фактлар;
3. Замонда, сабаб ва оқибатларида, ўзаро мантикий алокадорликлар бўлиб, ягона бир занжирни ташкил этадиган жараёнлар.

Келинг, энди бу уч шартни юқоридаги асар чоп этилган XX асрнинг 80-йилларигача содир бўлган фактлар мисолида эмасу,

кўплаб умумбашарий муаммоларни келтириб чиқараётган XX асрнинг охири ва XXI асрнинг бошларидағи **фактлар, тушунчалар, воқеа ва ҳодисалар мисолида** олиб қарайлик.

**Биринчидан, «алоҳида» ва «такрорланмайдиган» воқеа-нинг энг ягона мисоли қилиб ўтган асрнинг 60-йилларида со-биқ Шўролар давлатида КПСС томонидан қабул килинган «Комунистик жамият қуриш Программаси»да қайд этилган «Совет жамиятининг бугунги авлодлари коммунизм даврида яшайдилар» дейилган хаёлпаратлик билан йўғрилган жаҳоннинг ўз давридаги энг кучли давлати бўлган СССРнинг 1990 йилга келиб парчаланиб кетганлиги мисолида кўрилса; **Иккинчидан**, яна энг янги тарих даврига мурожаат қиладиган бўлсак, 1999 йил 16 февраляда бир гурух диний экстремистларнинг хатти-ҳаракатлари билан Тошкент шаҳрида содир бўлган **портлашлар**, 2001 йил 11 сентябрида бугунги кунда ўзича дунёning хоҳлаган гўшаси-ю, хоҳлаган мамлакатига, жумладан бизнинг мустақил Ўзбекистонимизга ҳам «демократия экспорт қилиш»га уриниб келаётган АҚШнинг дунёга энг машхур бўлган «Савдо Маркази» ва дунёни ўз ҳарбий кудрати билан қўрқитишга ҳаракат қилиб келаётган бу давлатнинг қуролли кучлари маҳкамаси жойлашган Пентагоннинг экстремистлар томонидан кулини кўкка совурилганлиги, шунингдек жаҳондаги энг қудратли ҳарбий по-тенциалга эга бўлгани буюк давлатлардан яна бири Россия Федерациясининг пойтахти - тарихий шаҳар Москвада куппа-кундузи содир бўлган бир неча портлашлар, Беслон фожеаси, Боғдодда АҚШ ҳукуматининг босқинчиликсиёсатига қарши деярли ҳар куни собдири бўлаётган террорчилик ҳаракатлари натижасида юзлаб одамларнинг ҳаётдан қўз юмиш ҳоллари ва бу жараёнларнинг бугунги кунда ҳам давом этиб келаётганлиги юқорида қайд этганимиздек, *«Кўп маротаба тақрорланадиган ҳодисалар, бир-бирига ўхшаш фактлар»* сирасига киради.**

**Учинчидан:** «Замонда, сабаб ва оқибатларида ўзаро мантиқий алоқадорликлар бўлиб, ягона бир занжирни ташкил эта-диган жараён»нинг классик мисоли-бу Собиқ Шўролар давлати ҳудудида унинг парчаланиб кетганлиги натижасида вужудга келган суверен мустақил давлатларни, ундан ҳам ҳарактерлироғи, Грузия, Украина ва Қирғизистонда вужудга келган **«Зарғалдоқ»**

инқилобларини мисол қилиб келтиришимиз мумкин.

Мазкур ўринда шуни унитмаслик керакки, педагог дарс жараёнида юқоридаги масалаларнинг ечими йўлида фаолият олиб борар экан, айниқса юқори синфларда мазкур методика алоҳида олинган аниқ мавзу мисолида атрофлича очиб беришга муваффақ бўлинса, ўкувчиларнинг тарих ўрганишга бўлган қизиқишилари таҳлилий тафаккур маҳсулидан келиб чиқадиган эхтиёж сифатида янада такомиллашиб боради.

Гап шундаки, она Ватанимиз тарихига алокадор бўлган, шундай фикр-мулоҳазалар, турли йўналишда берилган баҳолар борки, биз шундай фикр-мулоҳазаларни талабаларга етказишда аччиқ бўлса-да, содир бўлган тарихий воеаларни қандай бўлса ўшандайлигича баҳолашга эришмоғимиз керак. Масалан, рус подшоси Николай II нинг 1916 йил июнида *«Империядаги бегона халқлар эркин аҳолисини ҳаракатдаги армия ҳудудларида ҳарбий иншоатлар ва шунингдек, давлат мудофааси учун зарур бўлган бошқа ҳар қандай оғир ишларга жалб қилиши»* тўғрисидаги фармонига кўра Сибирь, Ўрта Осиё, Қозогистон, Кавказ орти ҳудудларидан 19 ёшдан 43 ёшгача бўлган 400. 000 кишини мардкорликка олиш буорилган.

Табиийки, бу фармон «Учлар иттифоқи»ни фаол аъзоси бўлган Россиянинг Биринчи жаҳон урушида ҳам ҳарбий, ҳам иқтисодий-ижтимоий жиҳатдан нихоят танг ахволда қолган бир даврига тўғри келган.

Рус подшоси Николай II нинг юқорида келтирилган фармонида алоҳида қайд этилгандек, биз рус империяси учун **«Бегона халқ»** бўлганлигимиз боис, **«оғир ишлар»**ни одам боласи чидаши нихоятда оғир бўлган шароитларда бажаришимиз керак эди.

Мазкур ўринда талабалар дикқат-эътибори халкимиз шўролар истилосидан олдинги Чор Россияси империяси даврида ҳам **«Бегона халқлар»** бўлиб келганлигини, шу боис ҳаётда энг оддий инсон хуқуқлардан маҳрум бўлиб, хор-зорликда умр кечириб келганликлари тарихий ҳужжатлар асосида кўрсатиб берилиши билан бир қаторда, Биринчи Президент Ислом Каримовнинг 2005 йил 14 январида Россияда чиқадиган **«Независимая газета»**нинг муҳбирига берган интервьюсида

Чор Россияси империяси давридагина эмас, ҳатто шўролар «Империяси даврида ҳам бизни иккинчи даражали одамлар, деб ҳисоблашган. Холбуки бизга нисбатан шундай фикрда бўлганлар одамларимиз бошқача тарбия кўрганини, улар Собик иттифоқнинг бошқа ҳудудларида содир бўлган кўп воқеаларнинг ўз юртларида такрорланишига сира ҳам йўл қўймаслигини англамас эдилар. Яъни одамларимизнинг менталитети ўзгача» деб кўрсатган концепцияни фикрларига қаратилади.

Яна шуни унутмаслик керакки, шўролар даврида ўзбек халқининг шўролар истилоси даврига қадар Ўзбекистон халқининг саводхонлиги хусусида ҳам тарихий хужжатлар асосида эмасу, шўролар тузуми даврида халқ таълимими кўкларга кўтариб мақташ мақсадида сохталаштириб кўрсатиб, айrim дарслкларда 2, 6 фоиз, яна бошқаларида 4, 6 фоиз саводхонлар бор эди, деб қайд этилар эди. Лекин халқимиз орасида саводхонликнинг паст даражада бўлиши Чор Россияси мустамлакачилик сиёсатининг оқибатлари эканлиги кўрсатилмас эди. Холбуки, Чор Россияси мустамлакаси даврида монополистик ҳукumat томонидан ҳар бир маҳаллий фуқаронинг маърифий-маънавий эҳтиёжлари учун давлат ҳазинасидан бир йил давомида бир танга ҳаражат сарфланиши лозимлиги тарихий хужжатларда аниқ баён этилган. Хўш, ўша даврда Россиянинг бир танга пулининг қиймати қандай эди? Бунга аниқ жавоб бериш учун тарих ўқитувчиси методика фанида «Таълим-тарбияга интеграцион ёндашиш шартлари» деган талабга амал қилиб адабиётлар дарсларида ўрганиладиган шоир Муқимийнинг «Саёҳатнома» шеърига мурожаат қиласидиган бўлса, унда қуйидаги сатрларни ўқиди:

«Бордим шаҳардан якка тут, баққоли дузду бадбурут,  
Бир танга сотгай бир қурут, инсофи йўқ таррор экан»

Демак, Чор мустамлакаси даврида маҳаллий бир фуқаронинг маърифий ва маънавий эҳтиёжи учун бир йил давомида сарфланган ҳаражати бир дона қурут қийматига тўғри келган экан.

Энди табиий бир савол пайдо бўлади. *Хўш, миллий мустамлакка эришиганимиздан кейин давлат томонидан халқ таълимими молиялаши масаласи қандай қўйилмоқда?* Бунга аниқ жавобни 2005 йил 28 декабрда Тошкент шаҳрида жойлашган

«Талабалар шаҳарчаси»да талабалар тураг жойларининг катта таъмирига муҳтож эканлиги, 2005 йилда Ўзбекистон хукумати ҳалқ таълими эҳтиёжлари учун 450 минг миллиард сўм маблағ сарфлаганигини талабаларга мустақиллик даврининг мамлакатимизда ҳалқ таълимими ривожида тутган ўрнини кўрсатиб беришда катта миллий ғурур тушучасини шаклантиришда алоҳида аҳамият касб этади.

Мана бир неча йилдирки, жаҳон давлатчилиги АҚШнинг Боғдодда оммавий қирғин куроли бор деб гумонсираб, Буюк Британия, Италия, Испания, Жанубий Корея, Япония, Германия, Франция ва бошқа давлатлардан чегараланган армия қўшинларини Ироқдаги уруш ҳаракатларига жалб этди.

Бироқ, АҚШ сенатининг тан олишича, АҚШнинг Марказий Разведка Бошқармаси (МРБ) Боғдодда оммавий қирғин куроли борлиги хусусида умуман нотўғри маълумот берган экан. Лекин, АҚШнинг кўпмингли армия қўшинлари ҳозирга қадар Ироқка «демократияни экспорт қилиш» билан банд. Мазкур ўринда талабаларга АҚШнинг Ироққа карши либ бораётган курашидан кўзлаган мақсади батамом бошқа эканлиги, аслида АҚШ «Афғонистонда демократия ўрнатаман» деб килган ҳатти-ҳаракатидан кузатган мақсади ҳам яқин Шарқда ўзининг ҳарбий базаларини қуришдан иборат эканлигини, қолаверса Ироқ нефтини қўлга киритиш учун жон-жаҳди билан кураш олиб бораётганилиги атрофлича аниқ фактлар асосида очиб берилмоғи керак. Ниҳоят, АҚШ томонидан Ироққа «демократияни экспорт қилиш» аслида Афғонистон вариантининг тақрорланиши холос эканлигини талабаларга уқтириш, мавзуни ўрганиш жараёнида ўқувчи-ёшларни ғоявий-сиёсий руҳда тарбиялашда катта назарий ва амалий аҳамият касб этади.

Бу борада Россия Куролли Кучлари Бош Штабининг бошлиғи Юрий Булавский 2005 йил 13 декабря «Труд» газетасига берган интервьюсида куйидагиларни баён этади:

*«Бир сўз билан айтганда, Россия билан НАТО ўртасидаги ўзаро муносабатларда совуқлик бор. Айтайлик, ядро қуролларини тарқатмаслик борасида бизларинг позицияларимиз бошига бошиқа. кўп ҳолларда қарашларимиз бир-биридан фарқланиб қолмоқда. Масалан, АҚШ КХДР ва Эроннинг ядро дастурларига*

ёркін очиқдик киритишни очиқ талаб этгани ҳолда, ўзининг иттифоқдоши бўлмиш Истроилда ядро қуролининг қудратли захираси яратилаётганлигидан кўз юмиб келмоқда. Ядро технологиясини тарқатмаслик масаласида ҳам АҚШнинг муносабати худди ана шундай бўлиб қолмоқда. Бу масалаларда биз, яъни Россия, улар учун исталмаган ҳолдаги рақобатдамиз. Худди шу вақтда америкаликлар бундай технологияларни ўз ҳамкорларидан бўлган ўша Истроилга етказиб турибди. АҚШ томонидан «Заргалдоқ» ва шунга ўхшиаш бошқа инқилобларни очиқ- ойдин қўллаб-қувватлаб келаётганлиги ҳам бизни қаноатлантирмайди. Халқ қандай яшашини ўзи хал этмоги лозим».

Тарих дарсларида «воқеа», «ходиса», «факт», «тушунча», «жараён» хусусида гап борганда педагог томонидан танланадиган ва қўлланиладиган аргументлар ниҳоятда ҳақиқий бўлиб, талабалар онгига бир умрга муҳрланадиган бўлиши лозим. Шу мақсадда XXI аср бошига келганда дунёнинг айрим давлат арбоблари томонидан «демократияни экспорт қилиш» йўлидаги хатти-харакатларини очиб ташлаш ўқувчи-ёшларнинг ғоявий-сиёсий руҳда тарбиялашда, қолаверса, XXI аср шароитида жаҳонда содир бўлиб ўтган геополитик сиёsatдан ўз вақтида боҳабар қилиб боришлирида, уларни комил инсонлар бўлиб этишишларида ўзларининг улкан ҳиссаларини кўшган бўлардилар.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, ҳодисалар ҳам типик фактлар бўлиб, албатта сабаб ва оқибат жараёнлари билан бевосита алокадор, шу жараёнларни албатта ўз ичига олади.

Жараён, яъни ҳодисаларни содир бўлиш жараёни - бу ҳам ҳодиса бўлиб, факат тарихий жараёнларни юқори даражада умумлаштиришни, яъни тарихий тараққиётнинг барча қонуниятларини фактларга келадиган бўлсақ, улар ўзларининг ҳажми, мураккаблиги ва моҳияти билан бир-бирларидан ажralиб туради.

## **2. Тарих дарсларида тарихий фактларнинг ўрни**

Маълумки воқеа ва ҳодисалар бир-бирлари билан узвий алоқадорликда бўлиб, бир турдаги гуруҳ фактларини ўрганиш, бошқаларини тушуниб олишга ёрдам беради.

Алоҳида олинган, такрорланмайдиган тарихий фактлар ва воқеаларни ўрганиш **типик** шакли эканлигини гувоҳи бўламиз.

Тарихни ўрганишда **факт** муҳим рол ўйнайди. Чунки, фактлар назарий хulosалар чиқариш ва умумлаштиришларда муҳим асос бўлиб хизмат қиласди.

Тарих фактлар билан тўла. Шундай экан, бир тарих дарсларида тарихий фактларни танлашда қуидаги талабларга риоя этмоғимиз лозим:

1. Фактлар илмий жиҳатдан атрофлича асосланган бўлиши керак;
2. Танланган фактлар тарихий жараёни тушунишда илмий ва амалий аҳамият касб этмоғи керак;
3. Танланган фактлар **максимум** аниқ ва образли бўлсин;
4. Танланган фактлар ўқувчиларни мустақил тафаккур этишга, унинг моҳиятига баҳо беришга йўналтирилган бўлмоғи керак.

Шу нарса муҳимки, ўқитувчи дарс жараёнида фактларни танлашда ўқувчиларнинг ёшларини албатта ҳисобга олмоғи керак. Масалан, VI-IX-синфларида фактлар кўпроқ образли шаклда танланса, юқори синфларга келганда танланадиган фактлар ўқувчиларда илмий дунёқарашларини шакллантиришга ёрдам берадиган бўлсин (Масалан, фактларни давлат ҳужжатлари, Президент асарлари, нутқлари ёки оммавий ахборот воситаларига берган интервьюларида фойдаланиш ўқитувчига тарих дарсини давр талаби асосида олиб бориш йўлидаги муаммолар ечимидағи фаол иштироқини таъминлайди).

Ўқувчилар факт ўртасидаги узвий алоқадорликларини қанчалик пухта ўзлаштирсалар, уларнинг фактлар асосида олган билимлари шундай системалашиб боради. Чунки, улар ҳар бир дарсда олдинги дарслардан ўргангандан фактлардан келиб чиқадиган назарий хulosаларга эга бўлиб борадилар. *Худди мана шу методик қонуният ҳисобга олинган ҳолда дарс тузилишида:*

- а) «Дарснинг таълимий мақсади»;
- б) «Дарснинг тарбиявий мақсади деган» талаблардан кейин
- в) «Дарсда ривожлантириб бориладиган таълим» талабининг тарих ўқитиши методикаси назариясининг ажралмас қисми бўлиб келаётган талаблар мавжуд.

Тарихий билимларни умумлаштириш ва тизимлаштириб бориш - бу тарихий илмий асослар тушунишнинг асосий қуролидир. Тарихий билимларни шакллантириш билмаган нарсадан уни билиб олишга, тўла бўлмаган, юзаки, бир-бирлари билан боғланмаган билимлардан нисбатан тўла билимларга эришиш, чуқур онгли равишда англаб олган, системалаштирган, кундалик амалий фаолиятда қўлланиши лозим бўлган билимларни эгаллаш йўлидаги ҳаракатни ифода этади.

*Билиши диалектикаси шундай:* у тарихий фактлар тўғрисидаги аниқ образларни яратиш, яъни тарихий тасаввурни яратишдан бошланади. Тарих ўқитувчиси ҳар бир дарсда мана шу методик талабни маҳорат билан қўлламоги керак. Бу борада классик педагогика вакили К. Д. Ушинский, шўролар даври тарихчи-методист олимлари Н. В. Андреевская, В. Н. Бернадский, А. И. Стражев, А. А. Вагин, П. В. Гора ва бошқалар асарларида тарихий тушунчаларни фактлар воситасида билиш жараёни ўзининг атрофлича баёнини топган.

Тарих ўрганиш жараёнида **тарихий тасаввурларнинг учхил турини** кўрамиз. Шуни алоҳида қайд этиб ўтиш лозимки, тарихий тасаввурларнинг роли ва турларини билишни ўзигина кифоя этилмасдан, балки уларни, яъни тарихий тасаввурларни яратиш бўйича қилинадиган ишлар методикасини ҳам атрофлича эгалламоқ керак.

Тарихий тасаввур ҳамма ёшдаги ўқувчиларда ҳам шакллантирилиб борилсада, уларни **деталлаштириш** даражаси турли-чадир. Масалан, V-VII синфларда тарих ўқитиши жараёнида кўргазмали образларни қўллаш алоҳида аҳамият касб этади (Н. В. Гора). Бу нарса шу билан алокадорки, бу синфлардаги ўқувчиларда тарихий билим захиралари бирмунча саёз, шунинг учун ҳам **адектив**, яъни ўхшаш даврларнинг образлари яратилмоғи керак. Ўрта синфларда (V-VII) бу масалага лоқайдлик билан қараш тарих ўрганишни давр талаби даражасида

бойитилишига путур етказади.

Ўқувчиларда тарихий тасаввурни шакллантиришда қўргазмали қўроллар, иллюстрациялар, схемалар, апплекация, шунингдек мавзуй хариталарнинг роли беқиёс каттадир.

Яна бир масала. Тарих ҳар доим **мақон ва замонда** содир бўлади. Бунда тарих ўқитиш методикаси талабларидан бири - «Давр лентаси»дан фойдаланиш дарс самарадорлигини оширишнинг асосий шартларидан биридир. (Масалан, Мустақил Ўзбекистон Республикасининг вужудга келиши, шаклланиш, такомиллашиб бориш жараёни, «Ўзбек модели» республикамиз анъаналарига кўра мустақилликка эришгандан буён ҳар бир йилни маълум умумдавлат муаммосини хал этишга багишлиланганлиги: 1991 йил- «Алишер Навоий йили», 1992 йил «Хамширалар йили», 1993 йил-«Ахмад яссавий йили», 1994 йил-«Мирзо Улуғбек йили», 1995 йил-«Ибн Сино йили», 1996 йил-«Амир Темур йили», 1997 йил-«Инсон манфаатлари йили», 1998 йил-«Оила йили», 1999 йил-«Аёллар йили», 2000 йил «Соғлом авлод йили», 2001 йил - «Оналар ва болалар йили», 2002 йил - «Қарияларни қадрлаш йили», 2003 йил - «Обод махалла йили», 2004 йил - «Мехр ва муруват йили», 2005 йил - «Сиҳат-саломатлик йили», 2006 йил - «Ҳомийлар ва шифокорлар йили», 2007 йил - «Ижтимоий ҳимоя йили», 2008 йил- «Ёшлар йили», 2009 йил-«Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили», 2010 йил-«Баркамол авлод йили», 2011 йил-«Кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркорлик йили», 2012 йил-«Мустаҳкам оила йили», 2013 йил-«Обод турмуш йили», 2014 йил-«Соғлом бола йили», 2015 йил-«Кексаларни эъзозлаш йили», 2016 йил-«Соғлом бола-соғлом она йили», 2017 йил- «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили», 2018 йил-«Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-кувватлаш йили», 2019 йил-«Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили», 2020 йил-«Илм-маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили».

Мактаб тарих курсидаги хронологик саналар ўзларининг моҳиятлари бўйича турлича бўлади.

Булар:

*1. Асосий саналар*, қайсики ўқувчилар хотираларида сақланиб

туриши керак. Масалан, Ўзбекистон мустақилликка эришган сана, «Мустақиллик Декларацияси»нинг қабул қилиниши, «Мустақил Ўзбекистон Конституцияси»нинг қабул қилиниши, «Ўзбекистоннинг БМТга қабул қилиниши» ва х. к.

2. *Таянч саналар*, тарих курсининг маълум даврини ўрганишда эсда сақлаб қолиш учун зарур бўлган саналар. Масалан, II жаҳон уруши 1939 йил 1 сентябр куни Германиянинг Польшага қарши кураш эълон қилиши билан бошланган бўлса 1945 йил 2 сентябрда АҚШнинг Япония бўғозида турган «Миссури» ҳарбий крейсери бортида Япониянинг иттифоқчилар томонидан таслим қилинганлиги тўғрисидаги актга имзо чекиши билан якунланади. Яна бир мисолда биринчи жаҳон уруши келтириб чиққанлиги «сабаб» ва «баҳона»лар хусусида тўхтаб ўтиш ҳам ҳар икки жаҳон урушини маълум даражаларда солишириб ўтишга имкон беради. Мазкур ўринда Австрия-Венгрия таҳтининг меросхўри шаҳзода Франц Фердинанднинг ўлдирилиши билан алоқадор бўлган фактни ёритиб бериш талабга мувофиқ бўлар эди.

3. *Таянч саналари* ва иккинчи даражали фактлар билан алоқа ўрнатадиган саналардир.

Фикримизча, Она Ватанимиз тарихига алоқадор бўлган, шундай фикр-мулоҳазалар, турли йўналишда берилган баҳолар борки, биз уларнинг бугунги талаба ёшларимизга халқимизнинг босиб ўтган машаққатли тарихий йўллари қанчалик аччиқ бўлган бўлмасин, уларнинг тарихий фактлар асосида шундайлигича шарҳлаб бермоғимиз лозим. Бу борада «Ўзбекистон тарихи» курсида қатор мавзуларни ўрганишда тарихий фактлар асосида миллий мустақиллигимизни қўлга киритганлигимизга қадар ўзбек халқи чет эл босқинчилари томонидан қанчалик камситилиб келинганлигини умумий сўзлар билан эмас, балки аниқ тарихий фактлар асосида ёритиб бермоғимиз лозим. Афсуски, академик лицей ва касб-хунар коллажлари учун «Ўзбекистон тарихи»дан мавжуд бўлган ўкув дастурларда муаллифларнинг тарих ўқитиш методикасига бўлган илмий-назарий талаблардан йирокликлари боис, академик лицей ва касб-хунар коллажларида Ўзбекистон тарихини ўрганишга бўлган узвийлик, яъни ўқувчиларни 7-8-9-синфларда Ўзбекистон тарихидан олган билимларига интеграцион ёндашишни амалга ошириб, тарих таълимини бир

бутун ҳолда ўзлаштиришларига имкон берадиган. Ўқитувчилар малакасини ошириш курслари ва ҳатто институтлари эса бундай камчиликлар янада чуқурлашиб бормоқда. Натижада талабаларимизда кўп ҳолларда Ватанимизда содир бўлган у ёки бу тарихий фожеанинг сабаб-оқибатлари аниқ тарихий фактлар асосида қўрсатиб, илмий асосда тушунтириб бериш имкониятидан, тўла билим ва тасаввур шакллантирмасдан, кўп ҳолларда тарихий мавзулардаги бош ғоялар, таянч тушунчалари профессор В. Ф. Шаталов ибораси билан айтганда, ҳар бир мавзудаги таянч сигналлар албатта ўз ўрнида мақсадга мувофиқ ҳолда фойдаланиши керак бўлгани ҳолда, биз ўқувчи-ёшларга тарихий воқеалар, уларни келтириб чиқарган сабаб, натижалар, уларга раҳбарлик қилган тарихий шахслар хусусида тарихий билимлардан мутлоқ йироқ бўлган умумий сўзлар билан «кифояланиб» келаяпмиз.

Шу нарсани яна бир карра эслатиб ўтишимиз жоизки, мустақил Ўзбекистон Республикаси тараққиётдан кутилаётган натижалар – бу мамлакатимизда демократик, ҳуқуқий, фуқаролик жамият қуришдек Олий мақсаддан иборатdir. Шундай экан, ана шу мақсадга эришмоқнинг асл илмий йўли бугунги кунда айрим давлат арбоблари томонидан айюҳаннос солиб “демократия” дейилмиш муқаддас тузумни зўравонлик билан бугунги Афғонистон ёки Ироқ мамлакатларида собиқ шўролар ҳудудида «Зарғалдоқ инқилоб» деган хунук ном олган ҳаракатлар натижасида вужудга келган Грузия, Украина ва Қирғизистон давлатлари ҳаётида содир бўлиб, зўрма-зўраки «ривожлантириш» йўлларидан мутлоқ фарқ этган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13 йиллигига бағишланган тантанали маросимда *«Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари – энг Олий қадрият»* мавзусидаги маърузада баён этилган биз эришмоқчи ва яратмоқчи бўлган демократияни қуидаги белгилари аниқ фактлар асосида атрофлича тушунтирилиб, ҳар бир талаба-ёшларимизнинг онгу шуурига тўла етказиб борилмоғи керак.

Хуллас, мана биз қурмоқчи бўлаётган демократияни асосий белгилари:

- жамоавий келишув. Конунлар кўпчилик томонидан тасдиқ-

ланиб, тан олинади;

- хокимиятларнинг тасдиқланиши;
- жамиятнинг давлатдан устунылиги;
- оппозициянинг қонунийлиги;
- мажбурлаш эмас, ишонтириш афзал эканлиги;
- эркин рақобатбардош доимий сайловлар;
- инсон хукуқларини ҳимоя қилиш;
- хукумат органларини алмаштириш;
- мустақил оммавий ахборот воситалари;
- озчилик фикрини ҳурмат қилиш;
- ривожланган фуқаролик жамияти.

Лорд Болингброк «тарихни ўрганишнинг фойдаси» хусусида алоҳида қайд этганидек, ёш авлодга тарихий тараққиёт қонунларини қунт билан ўргатиш, тарихий фактлардан мақсадга мувофиқ фойдаланишларида ҳар бир педагог ўзининг илмий-педагогика хусусидаги ҳаётий тушунчаси маҳорати ва аниқ тарихий билимлари хазинасидан эгалланган маҳсулуни ёш авлодга ҳар томонлама етказиб беришга эришмоғи лозим.

Зоро “*Тарихий воқеаларни, шахслар фаолиятини изоҳлаш йўли билан одамларни асл ҳақиқатдан огоҳ этишишимиз керак. Чунки, биз шакллантираётган жамиятимиз мағкураси ҳам тарих булоқларидан озиқланади*”<sup>1</sup>1

### **Савол ва топшириқлар:**

1. Тарихий фактларни ўрганишнинг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?
2. Тарих дарсларида «воқеа», «ҳодиса», «факт», «тушунча», «жараён» хусусида гап борганда ўқитувчи томонидан танланадиган ва қўлланадиган ҳолатлар қандай бўлишини изоҳлаб бера оласизми?
3. Тарих дарсларида тарихий фактларни танлашда қандай талабларга риоя этилиши лозим?
4. Сизнингча тарихий билимларни умумлаштириш ва тизимлаштириб бориш кундалик амалий фаолиятда қўлланилиши

<sup>1</sup> И. А. Какримов. Тарихчи олимлар ва журналистлар билан сухбат. // Мулоқот, 1998. №5. –Б. 15.

лозим бўлган билимларни эгаллаш йўлидаги ҳаракатни ифода эта оладими?

5. Тарих таълимида хронологик саналарнинг моҳиятини тушунтириб беринг.

### **Адабиётлар**

1. И. А. Каримов. Тарихчи олимлар ва журналистлар билан сухбат. // Мулоқот. 1998. №5. –Б. 15.
2. Бендриков К. Е. Очерки по истории народного образования в Туркестане (1865-1924 г). –Москва: 1960.
3. Лорд Болингброк. Письмо об изучении и пользе истории. –Москва: Наука, 1978. –С. 26.
4. Турсунов И. И. Халқ таълимининг долзарб муаммолари. –Тошкент: Ўқитувчи, 1990.
5. Юсупов Э. Инсон камолотининг маънавий асослари. –Тошкент: Университет, 1997.
6. Некрасов П. А. Изучение хронологии на уроках истории. –Одесса: 1960.

## **10-МАВЗУ: ТАРИХ ЎҚИТИШДА ТЕХНИК ВОСИТАЛАР ВА КҮРГАЗМАЛИ ҚУРОЛЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ**

### **Режа:**

1. Тарих ўқитишининг кўргазмали методи ва кўрсатмали қуроллар классификацияси, улардан фойдаланиш усувлари.
2. Тарихни ўқитишига техник воситаларини жорий этилиши.
3. Тарих таълимида техник воситалардан фойдаланиш муаммолари.

**Калит сўзлар:** ностандарт қарорлар, глобал, интеллектуал салоҳият, фундаментал, классификация, иллюстрация, электрон доска, диапроектор, ахборот қурилмалари, мониторинг, телекоммуникация, моделлаштириш, виртуал музейлар, таълимни ахборотлаштириш, ахборотлашган сектор, визуаллаштириш, ахборот маданияти, интеллектуал салоҳият, таълим парадигмаси, алгоритмлаш назарияси, локал ва глобал, электрон дарслик, виртуал стенд, парадигма, статус.

### **1. Тарих ўқитишининг кўргазмали методи ва кўрсатмали қуроллар классификацияси, улардан фойдаланиш усувлари**

Ҳозирги даврда таълим инсон фаолиятининг энг йирик соҳаси бўлиб қолди. Бу тизимда бир миллиарддан кўп ўкувчилар, эллик миллиондан ортиқ педагоглар банддир. Таълимнинг ижтимоий роли сезиларли даражада ошди: инсоният тараққиёти истикболи кўп жиҳатдан унинг йўналиши ва самарадорлигига боғлиқ.

Таълимга бўлган бундай эътиборнинг сабаби замонавий жамиятнинг энг муҳим қадрияти ва асосий капитали янги билимларни эгаллай оладиган ҳамда ностандарт қарорлар қабул қила оладиган инсондир, деган тушунчага асосланган.

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти Ислом Каримовнинг “Она юртимиз баҳту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш - энг олий саодатdir” номли асарида “Ахборот-коммуникация технологиялари, математика, физика, кимё,

саноат, менежмент - буларнинг ҳаммаси керак, албатта. Лекин, авваламбор тарихни билиш - бу ҳаёттий зарурат. Ҳаётни билиш, биз қайси асрда яшаётганимизни англаш - бу ҳаммизнинг бурчимиз. Яъни, ҳаётдан оёғи узилган, реал воқеликдан узоқлашган одам ҳеч качон ўз максадларига эриша олмайди. Ерда яшайдиган одамнинг ҳаёти шу замин, мана шу тупроқ билан боғлик бўлиши керак, у шу тупроқни қўзига суриб, унинг эртанги кунини янада обод қилишга ҳаракат қилиб яшashi зарур”, - эканлиги алоҳида таъкидланган<sup>1</sup>.

Ҳозирги замон ахборот ва компьютер технологияларининг имкониятлари, глобал интернет тармоғининг пайдо бўлиши ва инсониятнинг кўп қиррали фаолиятига кириб бориши муносабати билан янада кескин ортиб кетди. XXI асрда, таълимда рўй беравётган универсаллик, шунингдек, турли регионлар ва ўкув муассасаларида кечаётган таълимнинг глобаллашуви ва ривожланиши билан глобал интернет тармоғининг кескин ривожланиши имкониятларидан фойдаланиш очик таълим тизимини вужудга келтирмоқда.

Ахборот технологияларини таълим жараёнида қўллашнинг педагогик - психологик омиллари Ўзбекистан Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 6 июнда қабул қилган «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори<sup>2</sup> ахборотлаштиришнинг миллий тизимини шакллантириш, барча соҳаларда замонавий ахборот технологияларини жорий этиш ва ундан фойдаланиш, жаҳон ахборот ресурсларидан баҳраманд бўлишни кенгайтиришга замин яратади. Фан ва техниканинг жадал ривожланиши жамият ҳаётининг барча соҳаларини ахборотлаштиришга асос яратди. Мамлакатнинг иқдисодиётдаги, инсонлар ҳаёти ва жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни ахборот-технологик ривожланишнинг

<sup>1</sup> Каримов И. А. Она юртимиз баҳту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш - энг олий саодатdir. -Тошкент: O'zbekiston, НМИУ, 2015. –Б. 110.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 30 майдаги «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида»ги фармони.

холатига боғлик бўлиб қолмоқда. Замонавий технологияларнинг ривожланиш ҳолати биринчи навбатда жамиятнинг интеллектуал салоҳиятига, жумладан, таълим соҳасининг ривожланишига боғлик.

Ҳозирги замон ўқитувчиси, ўз фани бўйича мутахассислигидан ташқари фанни ўқитаётганда ахборот ва коммуникация технологияларининг барча афзалликларидан бемалол фойдалана оладиган, ўкувчи ва талабаларда бу технологияларни амалда ишонч билан фан ва техниканинг мавжуд янгиликлари уларни ўқув дастурлари ва дарслеклари мазмунига жадал киритишни талаб этади ва бу орқали талабаларнинг замонавий билимларини шакллантиришга замин яратади. Замонавий ўқитиш технологияларининг жорий этилиши ва турли методик ёндашувлар эса, ўз навбатида, талабаларда кўплаб фундаментал тушунчаларни нисбатан енгил ва мустахкам шаклланишига қулай шароит яратади.

Билим олишнинг эса замонавий технологияси сифатида ўрганиш, дарс жараёнида масофавий таълимдан фойдаланиш бугунги куннинг долзарб вазифалариданdir. Илгор тажриба таҳлили асосида ўқитувчи масофадан туриб ўқитишнинг жиҳатини ажратиб кўрсата олиши, машғулотларни ташқил этишни билиши, демакки тобора ривожланиб бораётган технологияни кўпроқ акс эттириши эҳтиёжи туғилди. Масофадан туриб ўқитишни ривожлантириш соҳасида бевосита шуғулланган ва ишлайтган, ушбу соҳада кўп йиллик интернетдан фойдаланиш тажрибасига эга бўлган жаҳоннинг етук олимлари томонидан бажарилган ишларни тадқиқ қилиш натижаларидан кенг фойдаланиш ўринлидир.

Янги ахборот технологиялари таълим жараёнини вақт ёки жойлашган жойига боғлиқликдан халос қилди. Бироқ, айни бир вақтда, ахборот технологиялари ўқув жараёнида иштирок этаётганлар олдига янги кўшимча. талаблар кўйди.

Оғзаки равишда материалларни ўзлаштириш кўрсаткичи 10%, бўлган шароитда дарс ўтиш самарасиз бўлади. Машғулотларда ўқув материални кўргазмали шаклда тақдим этиш лозим.

Кўрсатмалилик - ўқитиш ва тарихий билимларнинг ўрганишнинг кўрсатмали усули, ўқитувчи баёнининг манбай ва уни

кўрсатмали бўлиши, унинг ўқувчилардаги аниқ, тайёр образларга суяна билиши, ўқув воситаси материалини баён килиш вақтида кўрсатмали қуроллардан фойдаланиш ва кўрсатмали қуроллар воситасида ўқувчиларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш ҳамда уларнинг ўрганилаётган тарихий фактларни, воқеа ва ходисаларни айнан ўзини ёки уларнинг тасвирларини кўриш ёрдамида ўрганишлари тушунилади.<sup>1</sup>

Тарихий хужжатлар ва бадиий адабиётлардан фойдаланиш ўқитувчи баёнини образли қилиб аниқлаштиrsa, кўрсатмали қуроллар воситасида ўқувчиларда ўтмиш тўғрисида ёрқин ва аниқ тасаввур хосил бўлади, ўқувчиларнинг эшитиш фаолиятига кўриш ва сезиш органларининг фаолияти ҳам қўшилади. Шу билан уларнинг билими янада чукурлашади, мустаҳкамланади.

Тарих ўқитишининг кўрсатмали бўлишининг таълимий ва тарбиявий аҳамияти ҳам катта. Аввало кўрсатмали қурол ўқувчиларнинг билим олишида муҳим манба бўлиб хизмат қиласди. Ўқитувчининг баёни ҳар қанча тўлик бўлганда ҳам ўқувчиларнинг воқеалар тўғрисидаги тасаввурлари тўла бўлмайди. Шунингдек, безаклардан фойдаланмай туриб, ўрганилаётган даврнинг манзарасини ҳам тўла, аниқ ва чуқур тасаввур қилиб бўлмайди.

Кўрсатмали қуроллар ўқувчиларнинг тарихий тасаввурларига аниқлик киритиши ва бу тасаввурларни аниқлаштиришга ёрдам беради.

Кўрсатмали тасвирлар тарихий факт ва ходисаларнинг ташқи кўринишинигина эмас, балки уларнинг ички моҳиятини ҳам очиб беради.

Кўрсатмали қуроллар ўқувчиларнинг мураккаб тарихий ходисаларни, тарихий тушунчаларнинг маъносини осонроқ тушубниб олишларига ёрдам беради.

Кўрсатмали қуроллар ўқувчиларда тарихий тушунчаларни шакллантиришга, уларнинг назарий хулосалаш ва умумлаштиришга, якунларини, ижтимоий ривожланишнинг объектив конуниятларини, ўзаро алокаларни яхшироқ тушуниб олишларига

<sup>1</sup> Саъдиев А. Ўзбекистон халқлари тарихини ўқитиши. –Тошкент: Ўқитувчи, 1993. -Б. 126.

ёрдам беради, шунингдек, ўқувчиларни эстетик жихатдан тарбиялашнинг муҳим воситаси бўлиб ҳам хизмат қиласди.

Шу тариқа, кўрсатмаликнинг аҳамияти тарихий фактларни, ходисаларни кўриш органлари иштирокида мушохада этиш ва улар хакида аниқ тасаввур хосил қилиш билан чегараланмайди, мураккаб тарихий ходисаларни, тушунчаларни тушуниб олишни ҳам енгиллаштиради, тарихни ҳаққоний тушунишга ёрдам беради.

Шундай қилиб, кўрсатмалик методи:

- 1) тарихий билимларнинг асосий манбаларидан бири бўлиб хизмат қиласди;
- 2) Ўқув материалининг таълим-тарбия вазифаларини муваффакиятли амалга оширишга ёрдам беради;
- 3) Ўқитувчи баёнининг аниқ, образли ва таъсирчан бўлишига ёрдам беради;
- 4) ўқувчиларнинг ўқув материалини ўрганишга кизикишини оширади ва уларнинг билиш фаолиятини фаоллаштиради;
- 5) Ўқитувчининг баёнини ва унинг дарсда қўлланган бошқа ўқув усулларини ўқувчиларнинг тушуниб олишини енгиллаштиради;
- 6) Ўқувчиларнинг фикрлаш фаолиятини ва ижодий қобилиятини ўстиради;
- 7) Ўқувчилар билимининг аниқ, чукур ва мустахкам бўлишига ёрдам беради.

Кўрсатмали қуроллар классификацияси.

Кўрсатмали қуроллар ўзининг мазмунни, тарихий образларнинг характеристи, уларни тайёрлаш техникаси ва фойдаланиш усулларига қараб қўйидаги турларга бўлинади:

1. Предмет кўрсатмалик - тарихий ёдгорликлар, эсдалик жойлари, меъморий ёдгорликлари хўжаликка доир ва бошка қурилишлар, меҳнат қуроллари, қурол-яроғлар, рўзгор буюмлари, шу жумладан археологик топилмалар.
2. Тасвирий кўрсатмалар - ўқитишида фойдаланиш учун ишланган тарихий суратлар ва альбомлар, санъат асарлари, портретлар, расмлар, фотохужжатлар ва фотонусҳалар, дарслардаги безаклар, ўқув диапозитивлари, диафильмлар ва кинофильмлар, макетлар, муляжлар, ҳар хил моделлар ва бошкалар.

3. Шартли кўрсатмали қуроллар - тарихий ва контур хариталар, тарихий атласлар, чизмалар, графика, диаграмма ва картограммалар, аниликациялар ва педагогик расмлар.

Предмет кўрсатмалилик таълимда алоҳида аҳамият касб этади. Физика, химия ёки ботаника ўқитувчилари ўрганилаётган мавзуни ўқувчиларга формула, шакл ва бошқаларда кўрсатиб тушунтирасалар тарих ўқитувчиси ундан имкониятдан маҳрумдир. Тарих ўқитувчиси ўқувчиларга ибтидоий одамлар хаёти ва фаолиятининг айнан ўзини кўрсатиб беролмайди, фақат гапириб беради, кўрсатса фақат ибтидоий киши ишлатган қуролларни, яшаган жойларини, ёки айтайлик феодалларнинг узаро урушларини эмас, урушда ишлатилган қуролларни ва бошқа баъзи буюмларни, лекин ҳар холда кишиларнинг ўтмишидан колган бу ёдгорликлар тарихий воқеалар тўғрисида реал тасаввур қилишга сўзсиз ёрдам беради. Ўқувчилар орадан бир неча асрлар, хатто неча-неча минг йиллар ўтиб кетган замонлардаги воқеалар тўғрисида маълумот берувчи хақиқий буюм ва нарсаларни жуда кизикиш ва хаяжон билан ўрганадилар. Шунинг учун хам ўрта таълим ва ўрта маҳсус таълим тизимида тарихий ўтмишни ўрганишнинг асосий манбаларидан бири бўлган бу ёдгорликларни тўплаш ва улардан фойдаланишга жуда катта эътибор берилади.

Тасвирий кўрсатмали қуроллар ўрта таълим ва ўрта маҳсус таълим тизимида тажрибасида кўпроқ кўлланилади. Тасвирий кўрсатмалар бир неча хил бўлади:

а) ўтмишдан қолган хақиқий асл нусха ҳужжатлар асосида яратилган тасвирий кўрсатмалар, ҳужжатли фотосуратлар ва ҳужжатли кинофильмлар, предмет ёдгорликларининг тасвиirlари, меҳнат қуроллари, маданий ёдгорликларнинг тасвиirlари ва бошқалар.

б) илмий жихатдан асослаб кайта тикланган меъморий ва бошка ёдгорликлар тасвири, рўзгор буюмлари ёки уларнинг тасвири;

в) рассомнинг ижодий фаолияти билан килинган тасвирий кўрсатмалар; тарихий санъат асарлари, дарсликда берилган иллюстрациялар, макетлар, моделлар ва бошқалар.

Кўрсатмали қуролларни танлаш ва улардан фойдаланишда

ўқитувчи қўйидагиларни эътиборга олиши лозим:

1. Ўкувчиларнинг ёши, билими ва малакалари ўсиб борган сари уларнинг предмет ва тасвирий қўрсатмаларга қизиқиши ортиб боради. Масалан, 5-6-синф ўкувчиларини кўпроқ ўтмишдаги воқеа ва ходисаларнинг яхлит манзаралари тасвирланган расмлар, макетлар ва моделлар кизиктиради. Юкори синфлардаги ўкувчиларни эса предмет ёдгорликларининг айнан узи ва шартли қўрсатмалар кизиктиради.

2. Ҳар бир дарс учун танланган қўрсатмали қурол мазмуни, гоявийлиги, илмийлиги жихатидан талабга жавоб берадиган бўлиши, синф ўкувчиларига мос бўлиши, сони купайтириб юборилмаслиги лозим. Агарда қўрсатмали қуроллар купайиб кетса, ўқитувчи ва ўкувчилар шу қуроллар билан овора бўлиб қолиб, ўкувчиларнинг дарс материалини ўзлаштиришларига халакит бериши мумкин. Дарсда энг муҳим 2—3 та қўрсатмали қуролни таҳжил қилиш ва ўрганиш кифоя.

3. Ўкувчиларнинг қўрсатмали қуролларни онгли равишда пухта ўзлаштириб олишларига эришиш керак. Бунинг учун масалан, ўқитувчи “Лой жанг”нинг чизмасини тушунтиришдан олдин, ўкувчиларни мўғуллар хона Илёсхўжанинг Турон ҳудудлариги юриши, ҳудудида олиб борилган жанглар билан таништиради. Сўнгра жанг чизмасини деворга илиб қўяди ва уни бўлимларга бўлиб ўкувчиларга ҳар бир бўлимини алоҳида тушунтириб беради.

4. Кўрсатмали қуроллар ўқитувчининг баёни жараёнида кўрсатиб борилади.

## **2. Тарихни ўқитишга техник воситаларини жорий этилиши**

Таълим воситалари - ўқув жараёнини предметли қўллаб-куватлаш. Педагогнинг нутқи, дарслеклар, синфдаги асбоб-ускуналар, ўқитишнинг техник воситалари ва б. воситалар ҳисобланади. Шунингдек, таълим воситалари - ўқув материалини кўргазмали тақдим этиш ва шу билан бирга ўқитиш самарадорлигини оширувчи ёрдамчи материаллар ҳисобланади.

Таълим воситаларини шартли равишда 3 гурухга ажратиш мумкин:

1. Таълимнинг техник воситалари (ТТВ) - ўқув материалини кўргазмали намойиш этишга, уни тизимли етказиб беришга ёрдам беради; талабаларга ўқув материалини тушунишларига ва яхши эслаб колишлишларига имкон беради.

2. Ёрдамчи таълим воситалари (ЁТВ) - графиклар, чизмалар, намуналар ва х. к., бошқалар.

3. Ўқув - услубий материаллар (ЎУМ) - ўқув материаллар, ўзлаштирилган ўқув материалларини мустахкамлаш учун машқлар. Булар талабаларнинг мустақил ишларини фаоллаштиришга ёрдам беради.

Таълимнинг техник воситаларига - компьютер, диапроектор, ёзув таҳтаси, видеофильмлар, электрон доска, мультимедиали проекторлар, интерфаол синф доскалари ва бошқалар киради.

Кундалик турмушда турли кўринишдаги ахборотлар масалан, матнли, графикли, жадвалли, овозли (аудио), расмли, видео ва бошқа ахборотлар билан ишлашга тўғри келади. Ҳар бир турдаги ахборот билаи ишлаш (йиғиш, саклаш ва х. к.) учун ҳар хил техник характеристикаларга эга бўлган ахборот қурилмалари керак бўлади.

Микроэлектроника ишлаб чикириш технологиясининг ривожланиши ва замонавий процессорли компьютерларнинг яратилиши ахборотларни қайта ишлаш имкониятларини кенгайтиради.

Ҳозирги кунда таълим соҳасида ўқитишни компьютерлаштиришга катта эътибор берилмоқда, чунки замонавий ўқиш технологияларидан дарс жараёнида фойдаланиш катта ижобий натижалар беради. Ўқитишни компьютерлаштириш ёки ахборот технологияларидан фойдаланиш дастурига кўйидагиларни киритиш мумкиш:

- таълим тизимининг барча поғоналарида ахборотлаштиришни етакчи бўғинлигини таъминлаш;

- барча соҳалар бўйича билим беришда ахборотлаштиришни ривожлантиришни лойиҳалаш ва яратиш (мониторинг);

- ахборотлаштиришда меъёрий базаларни яратиш (илмий-методик бирлашмалар ва х. к.);

- техник таъминот — компьютерлар, ахборот технологиясининг бошқа қурилмалари, уларга хизмат кўрсатиш учун керакли материалларни яратиш;
- телекоммуникация тармоклари;
- таъминот ресурслари (дастурий таъминот, интернетдаги ахборотлар мажмуи, маълумотномалар ва х. к.).

Ахборот технологиясидан фойдаланиш ва уни бирор-бир соҳага татбиқ этиш ўз ичига қатор вазифаларни олади. Кўйида ахборотлашган фаолият объектлари ҳақида гап юритамиз.

Бундай объектларга сонлар (ўлчаш ва моделлаштириш натижалари), матнлар, тасвирий ахборотнинг статистик ва динамик ифодалари, расмлар, чизмалар, овозли образлар (ёзилган овоз, мусика) ва бошқалар киради.

Фойдаланувчининг мустакил ва онгли равишда олиб борадиган фаолиятига ахборот объектларини яратиш, керакли ахборот объектларини излаш, ахборотларни йиғиши, таҳлил қилиш ва ажратиб олиш, ташқиллаштириш, керакли кўринишда тасвирлаш, ахборот объектларини (матн, сухбат, расм, ўйин ва бошқа кўринишда) узатиш, моделлаштириш, лойихалаш, объектларни режалаштириш ва бошқалар киради.

Ахборот технологияси моделлари муайян амалларни онгли ва режали амалга оширишда ўзлаштирилади. Бу жараён қўйидагиларни ўз ичига олади:

- компьютер, шунингдек, принтер, modem, микрофон ва овоз эшииттириш қурилмаси, кўчирма, рақамли видеокамера, мультимедиа проектори кабилар ҳамда уларнинг дастурий таъминоти;
- ускунавий дастурий таъминот;
- виртуал матн конструкторлари, мультиплексорлари, мусикалар, физик моделлар, географик хариталар ва х. к. ;
- ахборотлар мажмуи — маълумотномалар, энциклопедиялар, виртуал музейлар ва х. к;
- техник кўнкималар мосламалар (тутмачалар мажмуудан тутмачаларга карамасдан маълумот киритиш, дастурий воситаларни дастлабки ўзлаштириш ва х. к.).

Тарақкий этган хорижий давлатлар ва республикамиздаги етакчи таълим муассасаларида компьютер технологиялари

асосида ўқитиш дастурлари таҳлили сифат жиҳатидан янги ўқитиш воситалари бўлиб, улар анъанавий ўқитиш методларидан тубдан фарқ қилишини кўрсатмокда. Бундай ёндашишнинг асосий воситаларидан бири сифатида, компьютерда моделлаштириш назариясини кўрсатиш мумкин.

Мультимедиа воситалари асосида ўқитиш жараёнида аник фанларни компьютер асосида тўлиқ ўқитиш, маъруза матнларини таҳрир қилиш, талабалар топширган назорат натижаларининг таҳлили асосида маъруза матнларини баён қилиш услубини яхшилаш, ўқувчи ва талабалар ахборот технологияларини мультимедиа воситалари асосида анимация элеменгларини дарс жараёнида кўриш, эшитиши ва мулоҳаза қилиш имкониятларига эга бўлади.

Таълимни ахборотлаштириш:

Ҳозирги жамиятни ахборотлаштириш жараёнининг асосий йўналишларидан бири таълимни ахборотлаштиришdir.

Таълимни ахборотлаштириш - кенг маънода таълим соҳасини методология, ўқитиш максадларининг психологик-педагогик тадбиғига йўналтирилган янги ахборот технологиялари воситаларидан самарали фойдаланиш ва яратиш (қайта ишлаш) амалиёти билан таъминлаш сифатида қаралади. Бундан ташқари, ахборотлаштириш масофали ўқитиш тизимининг тараққиёти учун база бўлиб хизмат қиласди. Ахборотлаштириш жараёнида таълим тизимида янги ахборот технологиялари воситаларидан кенг кўламда фойдаланиш амалга оширилади.

Таълимни ахборотлаштириш, биринчи навбатда қўйи-дагиларни назарда тутади:

- компьютер техникаси, ахборот ва коммуникация технологияларининг замонавий воситаларини тизимли ўрганиш, ташқил этиш ва фойдаланишни;
- талабаларнинг мустақил ишларини ташқил этиш, ўқув ва методик таъминлашни;
- ўқитувчилар томонидан зарурий ўқув-методик таъминотни яратиш бўйича ишларни;
- ахборот технологияларини самарали қўлланилишидан вужудга келаётган янги имкониятларни ҳисобга олган холда ўқув жараёнини такомиллаштиришни тақозо этади.

Ахборотлаштиришнинг ягона тизими ўз олдига таълимнинг кенг доирадаги ҳамда мутахассисликка доир яратилган дастурини ўзлаштириш орқали мустаҳкам фундаментал билимга эга бўлган ва уларни ўз фаолиятида кўллай оладиган кадрлар тайёrlаш мақсадини кўяди.

Ахборотлаштиришнинг мақсади масофали ўқитиш тамойилларининг самарали тадбиридан иборат.

Хозирги замон фанининг ривожланиши, хусусан, илмий-тадқиқот усуллари ва воситалари муттасил мураккаблашиб боришида намоён бўладики, бу ахборот техникасини қўллашни тақозо этади.

Ахборот технологияси – бу ахборотни танлаш, жамғариш, таҳлил қилиш ва фойдаланувчига етқазиб беришга йўналтирилган хисоблаш техникаси, электр алоқа, информатика имкониятларининг уйғунлигидир. Ишлаб чиқариш жараёни замира ида ётувчи ҳар қандай технологияни таърифлашда ишлов бериш предмети, усул ва методларини, ишлаб чиқариш куролларини, ишлаб чиқариш усулларининг тавсифини ажратиш мумкин. Технология жараён сифатида тартибга солинган ва ташкил этилган бўлади. Аммо анъанавий технологиилар моддий-энергетик омилларга таянса, ахборот технологияси ахборотга асосланади. Ахборот технологиясининг негизини моддий эмас, балки идеал омиллар ташкил этади. Ахборот технологияси ахборотнинг айланиши ва унга ишлов бериш жараёнлари мажмуи, шунингдек, бу жараёнларни тавсифлаш деб таърифланади. Ахборот маълумотларга ишлов бериш ва айланиш объектлари хисобланади. Ахборотга ишлов бериш жараёнларининг технологик маршуртлари ва сценарийларини тавсифлашнинг таркибий қисмларини яратиш мумкин. Шу боис ахборот технологияси тушунчаси икки хил назарий ва амалий нуқтаи-назардан талқин қилинади. Назарий нуқтаи-назардан ахборот технологияси илмий-техник фан бўлиб, унинг доирасида ахборот айланиши ва унга ишлов бериш автоматлаштирилган жараёнларни ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланиш муаммолари тадқиқ қилинади. Амалий нуқтаи-назардан ахборот технологияси ахборот айланиши ва унга ишлов бериш автоматлаштирилган жараёнлари мажмуи, муайян соҳага

боғлиқ бўлган ва замонавий техник-иктисодий воситаларда амалга оширилган мана шу жараёнларнинг тавсифидир.

Хозирги замон ахборот технологияси ўтмишнинг телеграф, телефон, радио, телевидение сингари техник ютуқлардан фойдаланади. Илмий-техник тажрибадан келиб чиқиб ахборотни машина ўқийдиган ташувчиларда жамғариш воситалари яратилди. Бундай воситалар вақт ва маконда бирон-бир чеклашларсиз ахборотни ер куррасининг исталган нуқтасига етказишни таъминлайди. Ниҳоят, белгиланган алгоритмлар бўйича компьютерлар ёрдамида ахборотга автоматлаштирилган ишлов бериш технологияси ишлаб чиқилди.

Дунёда ахборотлашган жамият ривожланишининг назарий асосларини XX асрнинг 70-йиллари охири ва 80-йилларнинг бошида ахборотлашган жамиятнинг шаклланиши ва ривожланиши ҳақидаги янги концепцияларда ижтимоий тараққиётнинг асосий омили ишлаб чиқариш ва ахборотлардан унумли фойдаланиш зарурлиги таъкидланди. З. Бжезинский, Д. Белл, Э. Тоффлер жамият тараққиёти “босқичлар алмашинуви” сифатида ўрганар эканлар, ахборотлашган постиндустриал жамият тараққиётини, қишлоқ хўжалиги, саноат ва бошқа иқтисодий хизмат соҳаларидан кейин келувчи “Тўртинчи” иқтисод ахборотлашган секторининг устуворлиги билан боғлайдилар. Улар индустрисал жамиятнинг асоси-капитал ва меҳнат ўз ўрнини ахборотлашган жамиятда ахборот ва билимга боғлиқ деб хисоблайдилар.

Хуллас, янги технология ва техникани ўзлаштириш ижтимоий-сиёсий ҳаётга бевосита боғлиқ. Улар одамлар ижод қилиши ва ташаббус қўрсатиши учун қулай шарт-шароит яратилиши лозим. Ахборот технологияси ёрдамида илмий билимлар формаллаштирилади ва айни вақтда маълумотларни ифодалашнинг кўргазмали шакллари (чизмалар, графиклар)дан фойдаланилади<sup>1</sup>.

Ахборотлаштириш масалалари қуйидагилардан иборат:

- уяли портатив шахсий компьютерлар (УПШК)ларнинг

---

<sup>1</sup> Н. А. Шермуҳамедова. Илмий-тадқиқот методологияси. –Тошкент: Фан ва технология. 2014. –Б. 403-404-407.

роли ўрнини аниқлаш;

- уларга дидактик талабларнинг қўйилиши;
- УПШК билан ишлашни талабалар ва ўқитувчиларга фойдаланувчи даражасида ўқитиш;
- улардан таълим жараёнида фойдаланишнинг услубий муаммоларини хал қилиш;
- масофали ўқитишни таъминлаш учун ахборот мухитини яратиш;
- фойдаланишни таъминлаш учун инфраструктурани яратиш.

технологияларини жорий этиш орқали самарадорликка эришиладиган методик максадларга:

- ўқитиш жараёнини индивидуаллаштириш ва дифференциялаш;
- тескари алока билан ўқув фаолияти назоратини олиб бориш;
- ўз-ўзини назорат қилиш;
- ўқув материалини ўзлаштириш жараёнида машқ қилиш ва мустакил тайёргарликни ташқил этиш;
- ўқув вақтини тежаш;
- ўқув ахборотларни компьютер орқали визуаллаштириш;
- ўрганилаётган ходиса ва жараёнларни моделлаштириш;
- компьютерда лаборатория машғулотларини бажариш;
- ахборот маълумотлар асосини яратиш ва ундан фойдаланиш;
- ўқишига кизикишни орттириш;
- ўқувчини ўқув материалини ўзлаштириш янги тизимли стратегияси билан қуроллантириш;
- фикрлашни ривожлантириш;
- оптималь қарор қабул қилиш малакасини шакллантириш;
- ўқувчидаги ахборот маданиятини шакллантириш кабиларни қиритиш мумкин.

Таълим тизимида ахборот технологияларининг жадал суръатлар билан жорий этилиши замонавий технологияларнинг қўлланиш соҳаларини кенгайтиради. Айни пайтда таълимда замонавий ахборот технологияларини ривожланаётган йўналишларини алоҳида таъқидлаш мумкин. Улар:

1. Ўкув мақсадларидағи дастурий воситаларнинг имкониятларини ўқитиши воситаси, ўрганиш асоси ва ахборотларни кайта ишлаш воситаси сифатида жорий этиши.

2. Ўкув-методик мажмуалар яратишида, ўқув-намойиш асбоблари ва компьютер воситалари имкониятларини интеграцияси.

Бундай мажмуалардан фойдаланиш ўқувчига ўрганилаётган жараён ҳақидаги ахборотларни жамлаш, сақлаш, жараёнларнинг қонуниятларини моҳиятларини очиб беришга ёрдам беради. Замонавий технологиялар негизидаги ўқув-намойиш мажмуаларининг қўлланилиши индивидуал ва жамоавий эксперимент фаолиятни ташкил этишга замин яратади. Бу эса, ўқувчидаги интеллектуал ва ижодий салоҳиятини ривожлантириш ва мустақил билим олиш имкониятини яратади.

3. Мультимедиа тизимларини яратишида, компьютерлар ва аудио-видео ахборотларни узатиши воситалари имкониятларининг интеграциясига эришиш. Бундай тизимлар ўзида дастурий-аппарат воситалар ва асбоблар мажмуасини мужассамлаштириб, ахборотнинг турли (матн, графика, овоз, тасвир) кўринишларини бирлаштиради ва фойдаланувчи билан интерфаол мулоқотни ташқил этади. Мультимедиа тизимларидан фойдаланиш, фаол ўқитиши методлари ва шаклларини жорий этишни таъминлайди, ахборотларнинг қабул қилиниш даражасини оширади.

Замонавий ахборот технологияларининг таълим тизимида жорий -етилиш таҳлили уларнинг:

- ўқувчига дунёвий билимларни эгаллашига;
- ўрганилаётган ходиса ва жараёнларни моделлаштириш орқали фан соҳасини чукӯр ўзлаштирилишига;
- ўқув фаолиятини ташқил этишнинг хилма-хиллиги ҳисобига ўқувчининг мустақил фаолияти соҳасининг кенгайишига;
- интерфаол мулоқот имкониятларининг жорий этилиши асосида ўқиши жараёнини индивидуаллаштириш ва дифференциялаштиришга;
- сунъий интеллект тизими имкониятларидан фойдаланиш орқали ўқувчидаги ўқув материалларини ўзлаштириш стратегиясини эгаллашига;
- жамиятнинг ҳар бир аъзосида ахборот маданиятини

шаклланишига;

- ўрганилаётган жараён ва ходисаларни компьютер технологиялари воситасида тақдим этиш, ўқувчиларда қизикишни ва фаолликни ошириш воситаси сифатида мухим аҳамият касб этишини кўрсатди.

Янги педагогик ва ахборот технологияларини бир-биридан ажратиш мумкин эмас, чунки янги педагогик технологияларнинг кенг жорий этилиши таълим парадигмасини ўзгартиради ва факат замонавий ахборот технологияларигина янги педагогик технологияларнинг имкониятларидан самарали фойдаланишни таъминлай олади.

Анъанавий ва замонавий ахборот технологиялари мухитидаги педагогик таълимларнинг асосий кўрсаткичларини таққослаш ахборотлаштирилган педагогик таълимнинг истиқболли эканлигини яққол намоён қилди. Буни қўйидаги фикрлар асосида ҳам тасдиқлаш мумкин. Анъанавий дидактика ўз олдига ўқувчининг ақлий ривожланишини тезлатиши, ўқув фаолиятининг малака ва кўникмаларини, билимни ўзлаштириш жараёнини оптималлаштиришни таъминловчи методик усууларни яратишга қаратилган ўқитиш назариясини шакллантиришни мақсад қилиб қўяди.

Анъанавий дидактика, ўқувчининг мустақил ишлашига жиддий эътибор бермагани ҳолда, асосан кўргазмали-тушунтирув усулини таклиф қиласди. Ўқувчиларнинг ижодий салоҳиятини ривожлантириш ва мустақил фаолиятни фаоллаштиришнинг айrim кўринишлари муаммоли ўқитиш, ўқитишни алгоритмлаш назарияларида ўз аксини топган. Бу назарияларга оид ғояларнинг самарали жорий қилиниши билим савиясининг, ундаги сифатнинг ортишига, ўқув материалларини ўзлаштиришга сарфланадиган вақтнинг тежалишига, ақлий фаолиятларнинг шаклланишига олиб келади. Аммо буларнинг барчаси, ўқитишнинг методлари ва воситаларидан қандай фойдаланишга ва унинг даражасига боғлиқ.

Замонавий ахборот технологиялари мухитида дидактика, замонавий ахборот технологияларидан фаол фойдаланиш оркали билимларни мустақил ўзлаштиришга йўналтирилган ўқув фаолиятининг кенг жабҳали турларини таклиф этади.

Бу мухитдаги дидактика фикрлашни, шахснинг салохияти ва имкониятларини, эстетик тарбияни, унда ахборот маданиятини тарбиялашни, билимларни мустақил ўзлаштиришни, ўқув-ахборот фаолияти бўйича малака ва кўникмаларини ривожлантиради.

Юқоридагиларни инобатга олиб, замонавий ахборот технологияларини жорий этишнинг педагогик максадлари баён этилади. Ахборот технологиялари ўқувчи шахсининг

- фикрлашини;
- эстетик тарбиясини;
- коммуникатив қобилиятини;
- оптимал қарор қабул қилиш малакасини;
- ахборот маданиятининг ривожланишини таъминлайди.

Ахборот ва телекоммуникацион технологиялар

Олий таълимдаги муҳим ахборот ва телекоммуникацион технологиялар кўйидагилар:

- электрон дарслик;
- мультимедиа тизимлари;
- эксперт тизимлар;
- автоматик лойиҳалаш тизими;
- электрон кутубхоналар;
- маълумотлар омбори;
- локал ва глобал хисоблаш тизимлари;
- электрон алоқа;
- овозли электрон алоқа;
- электрон доска;
- телеконференциялар тизими;
- электрон типография.

Янги ахборот технологиялар турлари ва воситалари белгиларига қараб таснифлашга ҳаракат қилдик, яъни уларни Згурухга ажратдик:

А-аудио, В-видео, Р- матн деб шартли номланди.

Янги ахборот технологиялари воситалари(ЯАТВ)-бу ўқитишнинг техник воситаларининг аналогидир.

Электрон алоқа - ахборот тармоқлари орқали фойдаланувчиларга хатларни етказиши таъминлашнинг муҳим тармоқли кўриниши. Электрон алоқа (элестронис mail) - компьютер

тармоғида маълумотларни саклаш ва уларни фойдаланувчилар орасида ўзаро алмашишини таъминлайдиган тизим.

Электрон алоқа масофадан уланиш воситалариға киради. У компьютер тармоқлари хизматларидан (холатларидан) биридир. Электрон алоқа фойдаланувчиларга, яъни ўқувчи ва талабаларга матнли ва график маълумотларни ўзаро алмашиш имконини беради.

Электрон алоқа хизматини жорий этиш учун фойдаланувчининг иш жойи қурилмавий воситалар билан жиҳозланган бўлиши керак.

Электрон алоқанинг қўйидаги имкониятларида компьютер тармоқларининг дидактик хусусиятларини умумлашган холда акс эттириш мумкин:

- бевосита компьютер клавиатураси ёрдамида тайёрланган ёки аввалдан файл ва компьютер дастури кўринишида сакланган маълумотларни узатиш;
- Ўқув ахборотларини чоп этиш имкониятлари билан бирга компьютер хотирасида саклаш;
- компьютер экранида матн ва графикани намойиш килиш;
- кабул қилинаётган матнли маълумотларни таҳрирлаш;
- жўнатилаётган матнли маълумотларни тайёрлаш ва таҳрирлаш;
- компьютердаги ўргатувчи дастурларни жўнатиш ва улардан фойдаланиш.

Хозирги кунда ривожланган хорижий давлатларда техник воситалардан интерфаол усулда фойдаланиб дарс самара-дорлигини оширмоқдалар. Интерфаол доска - бу компьютердаги тавсирларни кўрсатиш мосламаси орқали намойиш этадиган сенсорли экранdir. Махсус дастурий таъминот матн, видео ва аудио маълумотлар ва объектлар, ҳамда Интернет-ресурслар билан ишлаш ва улар устига ёзув ва изохлар тушириш имконини беради.

### **3. ТАРИХ ТАЪЛИМИДА ТЕХНИК ВОСИТАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ МУАММОЛАРИ**

Замонавий ахборот технологиялари, ўқув-тарбия жараёнларининг барча босқичларини жадаллаштиради. Бунда ахборот технологияларидан фойдаланиш асосида, таълим жараёнининг сифати ва самарадорлиги ортиши, ўқувчиларнинг билиш фаолиятини фаоллашувини, фанлараро алоқаларнинг чукурлашувини кузатиш мумкин.

Дидактика нуқтаи назаридан муҳим аҳамият касб этадиган, ахборот технологияларини жорий этиш орқали самарадорликка эришиладиган методик мақсадларга:

- ўқитиш жараёни индивидуаллаштириш ва дифференциялаш;
- тескари алоқа билан ўқув фаолияти назоратини олиб бориш;
- ўз-ўзини назорат қилиш;
- ўқув материалини ўзлаштириш жараёнида машқ қилиш ва мустақил тайёргарликни ташқил этиш;
- ўқув вактини тежаш;
- ўқув ахборотларни компьютер орқали визуаллаштириш;
- ўрганилаётган ходиса ва жараёнларни моделлаштириш;
- компьютерда лаборатория машғулотларини бажариш;
- ахборот маълумотлар базасини яратиш ва ундан фойдаланиш;
- ўқишига қизиқишини орттириш;
- ўқувчини ўқув материалини ўзлаштириш стратегияси билан қуроллантириш;
- фикрлашни ривожлантириш;
- оптимал қарор қабул қилиш малакасини шакллантириш;
- ўқувчида ахборот маданиятини шакллантириш кабиларни киритиш мумкин.

Замонавий ахборот технологияларидан таълимда фаол фойдаланишга киришилди. Лекин, замонавий ахборот технологияларини жорий этишда қатор қийинчиликлар қўйидаги келтирилган:

Замонавий ахборот технологияларини жорий этишдаги

## қийинчиликлар

- таълимни ахборотлаштиришга педагогик жамоаларнинг етарли тайёр
- эмаслиги;
- компьютер ўргатувчи дастурларнинг имкониятлари ҳақида тасаввурларнинг озлиги, уларни қўллаш бўйича методик ишланмаларнинг камлиги;
- компьютер технологиялари воситаларининг қимматлиги; таълимда ахборот технологиялари бўйича мутахассисларнинг этишмаслиги.

Қўйидаги муаммоларга эътиборли бўлайлик:

1. Республикамиз узлуксиз таълим тизимида замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш, электрон ўқув адабиётларини яратиш, улардан таълим тизимида, хусусан масофали таълимда фойдаланиш педагогик муаммо сифатида илмий таҳлилга мухтож.
2. Таълим сифатини таъминлашда ахборот технологияларининг имкониятларини аниқлаштириш лозим.
3. Ўрта маҳсус таълим тизимида ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланиши чора-тадбирлари меъёрий хужжат тарзида ишлаб чиқилиши зарур.
4. Таълим мазмуни ва тўпланган бой илмий ахборотларнинг унда акс этиши орасида узилиш вужудга келмоқда. Шу сабабдан ўқитишини ва ўқув материалларини баён этишини такомилаштириш тамоилларини қайта қараб чиқиш зарур.
5. Масофали таълим ва унда электрон дарсликлардан фойдаланишнинг педагогик имкониятлари илмий таҳлилга мухтож.
6. Ўрта маҳсус таълим тизими учун электрон дарсликлар яратиш ва улардан масофали таълимда фойдаланиш механизми яратилиши лозим.
7. Республикамиз таълим тизимига хос электрон ўқув адабиёти (ЭЎА) тузилиши, ЭЎА яратиш боскичлари, ЭЎАга қўйиладиган психологик- педагогик талаблар яхлит тизим шаклида тадқиқот этиш лозим.
8. ЭЎАни яратиш бўйича асосий мезонлар, ЭЎА мазмуни, дизайни ва шакли уйғунлиги бўйича асосий мезонлари, ЭЎА яратишида таяниладиган дидактик тамоиллар яратилиши лозим.

Ананавий дарсликдан электрон дарсликнинг афзаллик томонлари таълим олувчилар учун аниқ ўқиб олишлари керак.

9. Таълим босқичлари учун барча фанлардан туркум электрон дарсликлар яратилиши ва улар ташқил этиладиган масофали таълим порталига жойлаштирилиши лозим.

10. Яратиладиган электрон дарсликлар Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идорасидан расмий рўйхатдан ўтиши, кенг микёсда фойдаланиш учун тавсия олиниши лозим.

11. Яратилажак электрон дарсликнинг икки версияси, яъни маълумот ташувчи қурилма СД компакт дискдаги ва интернет версиялари бўлиши лозим.

12. Олий таълим муассасаси Интернет-фазосини ташқил этишғояси (интернетга уланган ва уланмаган олий таълим муассасалари учун)ни тугал амалга ошириш лозим. Унинг дастлабки варианти таркибий тузилиши, ҳеч бўлмагандан ўқув тарбиявий ва илмий-услубий ишлар ҳамда талабаларни фанлар буйича қўллаб-қувватлаш, олий таълим муассасасининг Wэб-саҳифаси, ўқитувчиларнинг индивидуал портфели, фанлар буйича ўқув дарсларининг услугубий таъминоти каби бўлимлардан иборат бўлиши лозим.

13. Илфор хорижий мамлакатлар таълим тизимида қўлланилаётган масофали ўқитиши моделлари (бирламчи, икқиламчи, аралаш, консорсиум, франсайзинг, валидация, узоклашган аудитория, лойихалар)дан танкидий фойдаланган ҳолда улардан республикамиз таълим тизимига мосини танлаш лозим.

14. Масофали таълимда ўқитувчи фаолиятини аниқлаштириш лозим.

15. Ўрта маҳсус таълим тизими ўқув жараёнига янги ахборот технологияларини жорий қилиш учун босқичма-босқич қўйида келтирилган муаммоларнинг ечимини топиш лозим:

- таълим муассасалари, педагогик қадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтларидағи мавжуд ахборот коммуникация технологиялари базаси ҳолатини таҳлил қилиш ва баҳолаш;

- таълим муассасалари моддий техник базасини такомиллаштириш йўлларини белгилаш;

- педагогик қадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини

ошириш институтлари ва ОТМ ахборот технологиялари ва масофали ўқитиш марказларини ташқил этиш вазифаларини аниқ белгилаш;

- тарих фанлари буйича электрон дарсликлар, виртуал стенд ва лабораториялар яратиш механизмини ишлаб чиқиш;
- тарих таълими тизими учун масофали ўқитиш курсларини яратиш механизмини ишлаб чиқиш;
- тарих таълимда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишининг бажарилишини назорат қилиш технологиясини такомиллаштириш лозим.

Хуллас, XXI аср интеллектуал бойлик устуворлик касб этган асрдир. Шахснинг интеллектуал ривожланганлиги тараққиётининг асосий кўрсаткичи ва жамият ривожининг бош омили саналади. Шунга кўра бу даврда фан янги билимларни ишлаб чиқадиган соҳа сифатида ҳамда таълим шу билимларни инсонийлаштирадиган ва биринчи навбатда интеллектуал ривожланишни таъминлайдиган соҳа сифатида тобора устувор соҳага айланиб бормоқда. Демак, педагог жамият тараққиётининг талаблари ва даражасига мос келадиган интеллектуал маънавияти юксак савияли кадрларни тайёрлаш замоннинг талабидир.

Ўзбекистан Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да олий таълим тизими олдига катор муҳим вазифалар қўйилган. Жумладан, мустақил билим олишни индивидуаллаштириш, масофавий таълим тизими технологиясини, унинг воситаларини ишлаб чиқиш ва ўзлаштириш, янги педагогик ҳамда ахборот технологиялари, тайёргарликнинг модуль тизимидан фойдаланган ҳолда талабаларни ўқитишни жадаллаштириш ана шундай долзарб вазифалар сирасига киради. Фан, техника ва технологиялар тараққиётининг бугунги даражаси билан бўлажак ўқитувчиларнинг касбий тайёргарлигини такомиллаштириш жараёни орасидаги мавжуд номувофиқликни бартараф этиш зарурати олий таълим тизимида замонавий педагогик ва ахборот технологияларининг етарли жорий этилмаганлиги сабабли янада юқори долзарблик касб этмоқда. Фан ва техниканинг мавжуд янгиликлари уларни ўкув дастурлари ва дарсликлари мазмунига жадал кири-

тишни талаб этади ва бу орқали талабаларнинг замонавий билимларини шакллантиришга замин яратади. Замонавий ўқитиш технологияларининг жорий этилиши ва турли методик ёндашувлар эса, ўз навбатида, талабаларда кўплаб фундаментал тушунчаларни нисбатан енгил ва мустаҳкам шаклланишига қулай шароит яратади.

Маълумки, фан ва техника жадал суръатлар билан ривожланаётган бугунги кунда кўплаб илмий билимлар, тушунча, тасаввурлар ва ахборотлар ҳажми кескин ортиб бормоқда. Бу бир томондан фан ва техниканинг янги бўлимлари ва соҳаларининг шаклланишини таъминлаётган бўлса, иккинчи томондан, фанлар орасида ҳукмрон бўлган чегараларни бузиб, интеграция жараёнини жадаллаштиришни талаб этади.

Таълим йўналишлари «бошидан кечираётган» бундай дифференциялашиш жараёнларининг ўқитишда ўз аксини етарли даражада топа олмаётгани ҳам бугунги олий таълим тизимида маълум муаммоларни келтириб чикармоқда. Хусусан, таълим мазмуни ва тўпланган бой илмий ахборотларнинг унда акс этиши орасида узилиш вужудга келмоқда. Шу сабабдан ўқитишни ва ўқув материалларини баён этишни такомиллаштириш тамойилларини қайта қараб чиқиш зарур. Бундай муаммоларни бартараф этишда таълим жараёнига замонавий педагогик ва ахборот технологияларини жорий этиш ва улардан фойдаланиш мақсаддага мувофиқдир. Замонавий таълим тизими шахсга йўналтирилган характерга эга бўлиши, яъни шахснинг ҳар хил хусусияти ва сифатига эътибор қилган холда дифференцияланган бўлиши зарур.

Шахсга йўналтирилган ўқитиш аввало таълимнинг парадигмасини ўзгартиради. Шу пайтга қадар мавжуд таълим тизимида ўқитиш устувор саналган бўлса, айни пайтда жамиятнинг ахборотлашуви даврида устуворлик - ўқишга ўргатишга йўналтирилган. Шу сабабдан таълимнинг ўқитувчи-дарслик-талаба парадигмаси талаба-дарслик ўқитувчи парадигмаси билан ўрин алмашиши зарурдир. Замонавий педагог кадрлар янги статусга эга бўлиб, унинг вазифаси энг аввало талабаларнинг мустақил билим олиш фаолиятини ташқил этишга, билимларни мустақил эгаллашга ва уларни амалиётда қўллаш малакаларини

шакллангиришга қаратилмоғи лозим. Ушбу мақсадларни амалга ошириш жараёнида ўқитувчи ўқитишининг методлари, технологияларини шундай танлаши керакки, улар талабаларга тайёр билимларни ўзлаштиришигагина ёрдам бериб қолмасдан, айни пайтда, уларда билимларни турли манбалардан мустақил равишда ўзлаштириш, шахсий нұқтаи назарнинг шаклланиши, уни асослаши, эришилган билимлардан янги билимлар олишда фойдаланиш малакаларига эга бўлишларига ҳам восита бўлиши лозим. Бундай ўқитиши ривожланувчи ҳам дейиш мумкин.

Шакл ва мазмуннинг ранг-баранглиги талабанинг қизиқиши, имконияти ва шахсий хусусиятидан келиб чикиб, таклиф этилаётган холлардан танлаш имкониятини беради. Бундай имконият таълим тизимида ҳам ўз аксини топиши зарур. Кўп босқичли ўқитиши мазкур муаммонинг ечими бўла олади дейиш мумкин.

Хуллас, хозирги пайтдаги ўқув машғулотларининг ташқил этилиши талабадан қундалик фанлар мажмуаси билан ҳам, улар бўйича бериладиган топшириқлар мажмуаси билан ҳисоблашишни талаб килади. Бу эса амалда кўплаб муаммоларни келтириб чиқаради. Бундай шароитда талабалар алоҳида олинган (ўзи жуда қизиқадиган) бирон бир фанга бутун дик-қат-эътиборини тўлиқ карата олмайди. Мазкур холларда, назаримизда, модулли ўқитиши энг яхши ечим ҳисобланади. Уларни бир-биридан ажратиш мумкин эмас, чунки янги педагогик технологияларнинг кенг жорий этилиши таълим парадигмасини ўзгартиради ва фақат замонавий ахборот технологиялариш ва янги педагогик технологияларнинг имкониятларидан самарали фойдаланишни таъминлади.

### **Савол ва топшириқлар.**

1. Тарих ўқитишининг кўрсатмали методи ва кўрсатмали куроллар класификацияси, улардан фойдаланиш усулларини тушунтириб беринг?
2. Тарихини ўқитишига техник воситаларини жорий этиш давр талаби. Техник воситалар дарс самарадорлигининг оширишда муҳим омил сифатида эканлигига нималарда намоён бўлмоқда?

3. Тарих таълимида техник воситалардан фойдаланиш муаммолари борлигини биласизми?

4. Замонавий аҳборот технологияларининг таълим тизимидағи сифат ва самарадорлиги ҳақида қандай фикрдасиз?

5. Аҳборот технологияларини таълим жараёнига қўллашнинг педагоги ва психологияк омиллари бизга нима бера олади?

6. Тарих ўқитишининг кўргазмали бўлишининг таълимий ва тарбиявий аҳамиятини биласизми?

7. Масофали ўқитиши тамоилларининг самарали томонлари нималардан иборат?

8. Тарих таълимида аҳборот коммуникация технологияларидан фойдаланишининг устувор жиҳатларини таҳлил қила оласизми?

### **Адабиётлар**

1. Каримов И. А. Она юртимиз баҳту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш-энг олий саодатдир. –Тошкент: Ўзбекистон, 2015. –Б. 110.

2. Никифоров Д. Н. Наглядность в преподавании истории. –Москва: Просвещение, 1964.

3. Полтарак Д. И. ва бошқалар. Методика использования и обучения в преподавания истории. –Москва: Просвещение, 1987.

4. Ҳамдамов Р., Бегимқулов У., Тойлақов Н., Таълимда аҳборот технологиялари. ЎзМЕ давлат илмий нашриёти. – Тошкент: 2010.

5. Саъдиев А. Ўзбекистон халқлари тарихини ўқитиши. – Тошкент: Ўқитувчи, 1993. –Б. 126.

6. Шермухамедова Н. А. Илмий тадқиқот методологияси. – Тошкент: Фан ва технолоиялар. 2014.

7. Яковлев Н. М., Соҳор А. М. Методика и техника урока в школе. –Москва: Просвещение, 1989.

## **11-МАВЗУ: ТАРИХ ТАЪЛИМИДА ЯНГИ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ УСУЛЛАРИ**

### **Режа:**

1. Тарих таълимида янги педагогик технологияларнинг роли.
2. Тарих таълимида янги педагогик ва ахборот технологияларнинг моҳияти ва вазифалари.
3. Интерфаол методлар асосида семинар машғулотларини ташкил этиши.
4. Мавзу бўйича слайдлар.

**Калит сўзлар:** технология, методологик асос, ахборот технологиялари, стандарт, илмий мерос, фундаментал ва амалий тадқиқотлар, интерфаол, инновацион технология, масофали ўқиши, узвийлик, контингент, дастурли таълим, модел воситаси, адаптация, концептуал асос.

### **1. Тарих таълимида янги педагогик технологияларнинг роли**

Мустақиллик йилларида давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири таълим-тарбия соҳасидаги ислоҳатларни амалга ошириш истиқболи тақдиримизни белгилаидиган ва жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнимиз бўлишини таъминлайдиган жараёнига айланди. Яъни, Ватанимиз келажагининг устуни бўлган ёш авлод онгига миллий ғоя тафаккури, ватанпарварлик ва инсонпарварликни шакллантиришда ижтимоий-гуманитар, айниқса тарих фанининг ўрни ва роли бекиёс бўлиб, унинг янги педагогик технология асосида ўқитиш методикаси алоҳида ва муҳим аҳамиятга эгадир. Айниқса, бу борада Истиқлолнинг ўзи бош тарихий воқеа бўлиб, ўтган йиллар давомида тарихни ўқитиш ва ўрганиш, умуман тарихнинг долзарблиги тўғрисида Президент «Ўзбекистон Республикаси ФА Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги (1998 йил, 27 июль) Фармони ва бошқа Ватан тарихини ривожлантириш хақидаги фикрлар тарих таълими тизимида ва хусусан тарих

ўқитиши методикаси учун методологик асос бўлиб хизмат қиласди. Барча эришилган мувоффакиятларни мустаҳкамлаш, келажаги буюк давлатни барпо қилиш, аввал бор ёшларни миллий ғоя ва мафкура руҳида тарбиялаш тарихий вазифа бўлиб қолди.

Кадрлар тайёрлаш Миллий Дастурини амалга оширишга амалдаги таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш уни замонавий илм-фанинг илфор тажрибаси ва ютуқларига асосланиб, Ўзбекистон Республикасининг узлуксиз таълим тизими муассасаларининг барча шакл ва турларида ўқув-тарбиявий жараённи илмий-методик жиҳатдан тўла таъминлаган ҳолда эришиш мумкин.

Тарих таълими тизими соҳасига ташки томондан доимо бўлиб турадиган ўзгаришлар амалдаги таълим тизими олдига фан, техника, технология, ишлаб чиқариш маданият ва кундалик педагогик амалиёт талабаларининг кўникуви муаммоларини узлуксиз равишда кўндаланг кўймоқда. Шу муносабат билан тарих таълими тизимида тарих фанининг тадқиқот жараёни самарадорлигини сифат жиҳатидан юқори боскичга кўтариш, илфор педагогик ва ахборот технологияларини замонавий ўқув-методик мажмуаларни ишлаб чиқиш, таълим мазмунини шакллантириш ва узлуксиз таълим бўғинларига мослаб давлат стандартлари тузиб чиқишига киришилган ва у ҳар фан хусусиятидан келиб чиқиб амалга оширилмоқда.

Мамлакатимиздаги таълим тузилиши ва моҳияти, кадрлар тайёрлаш ислоҳ қилиш тарих фани олдига ҳам аниқ вазифалар қўйди. Бундай вазифалар қаторидаги Республиканинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, фан, техника ва технологиялар соҳасидаги мувоффакиятлар истиқболларини ҳисобга олган ҳолда тарбиялаш ва таълим беришнинг мақсад, моҳият, усул, восита ва ташкилий шаклларини илмий таъминлаш билан боғлик муаммоларининг барча мажмуаси киради.

Кадрлар тайёрлаш Миллий Дастурига мувофиқ тарих фани ва амалиёти олий ўқув юргуларидан кейинги таълим тизимида ривожланишнинг мақсад, вазифа ҳамда истиқболи йўналишларини амалга ошириш баркамол, ўзини такомиллаштиришга, шахсий ва ижтимоий аҳамиятга молик муаммоларини хал этишга кодир бўлган юқори малакали мутахассисни шакллантиришга қаратилмоғи лозим.

Булардан ташқари, Республикаизда тарих фанининг асосий мақсади ижтимоий-иктисодий шароитда бозор ислоҳати, миллий-маданий ва анъанавий хусусиятлар, маънавий-аҳлоқий ва илмий меросимиз, умуминсоний қадриятларни ҳисобга олган ҳолда таълим тизимида энг муҳим фундаментал ва амалий тадқиқотларнинг истиқболини олдиндан белгилаш ва ишлаб чиқишидан иборатdir. Кўрсатилган мақсаднинг амалга ошуви жамиятни ривожлантириш ва бош муаммони ечишга қодир бўлган баркамол шахсни шакллантиришга хизмат қиласи.

Умуман олганда, бугунги кунда таълим жараёнида интерфаол услублар, инновацион технологиялар, педагогик ва ахборот технологияларини ўқув жараёнига қўллашга бўлган қизиқиш, эътибор кундан кунга кучайиб бормоқда, бундай бўлишининг сабабларидан бир, шу вақтгача анъанавий таълимда ўқувчи талабаларни факат тайёр билимларни эгаллашга ўргатилган бўлса, замонавий технологиялар уларни эгаллаётган билимларни ўзлари кидириб топишларига, мустақил ўрганиб, таҳлил қилишларига, ҳатто хуносаларни ҳам ўзлари келтириб чиқаришларига ўргатади. Ўқитувчи бу жараёнда шахсни ривожланиши, шаклланиши, билим олиши ва тарбияланишига шароит яратади ва шу билан бир қаторда бошқарувчилик, йўналтирувчилик функциясини бажаради. Таълим жараёнида ўқувчи-талаба асосий фигурага айланади. Шунинг учун олий ўқув юртлари ва факультетларида малакали касб эгаларини тайёрлашда замонавий ўқитиши методлари - интерфаол методлар, инновацион технологияларнинг ўрни ва роли бениҳоя каттадир. Педагогик технология ва педагог маҳоратига оид билим, тажриба ва интерфаол методлар ўқувчи-талабаларни билимли, етук малакага эга бўлишларини таъминлайди.

Таълим тизимида янги технологиялар педагогик жараёни ҳамда ўқитувчи ва талаба фаолиятига янгилик ўзгаришлар киритиш бўлиб, уни амалга оширишда асосан интерфаол методлардан тўлиқ фойдаланилади. Интерфаол усуллар-бу жамоа бўлиб фикрдаш деб юритилади, яъни педагогик таъсир этиш усуллари бўлиб, таълим мазмунининг таркибий қисми ҳисобланади. Бу усулларнинг ўзига хослиги шундайки, улар факат педагог ва ўқувчи-талабаларнинг биргаликда фаолият кўрсатиш орқали

амалга оширилади.

Бундай педагогик ҳамкорлик жараёни ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, уларга қуидагилар киради:

-ўкувчи-талабаларнинг дарс давомида бефарк бўлмасликка, мустақил фикрлаш, ижод этиш ва изланишга мажбур этиш;

-ўкувчи-талабаларни ўқув жараёнида билимга бўлган қизиқишлигини доимий равишида бўлишини таъминлаши;

-ўкувчи-талабанинг билимга бўлган қизиқишини мустақил равишида ҳар бир масалага ижодий ёндашган ҳолда кучайтириши;

-педагог ва ўкувчи-талабанинг ҳамиша ҳамкорликдаги фаолиятини ташкиллаштириш.

Тарих таълими тизимида педагогик технология масалалари, муаммоларги ўрганаётган ўқитувчилар, илмий-тадқиқотчилар, амалиётчиларнинг фикрича педагогик технология-бу факат ахборот технологияси билан боғлиқ, ҳамда ўқитиш жараёнида кўлланиши зарур бўлган ТСО, компьютер, масофали ўқиш, ёки турли хил техникалардан фойдаланиш деб белгиланади. Бизнинг фикримизча,тарих таълими тизимида педагогик технологиянинг энг асосий негизи-бу ўқитувчи ва ўкувчи талабанинг натижага ҳамкорликда эришишлари учун танланган технологияларга боғлиқ деб ҳисоблаймиз, яъни ўқитиш жараёнида мақсад бўйича кафолатланган натижага эришишда кўлланиладиган ҳар бир таълим технологияси ўқитувчи ва ўкув ўртасида ҳамкорлик фаолиятини ташкил эта олса, ҳар иккаласи ижобий натижага эриша олса, ўкув жараёнида ўкувчи-талабалар мустақил фикрлай олсалар, ижодий ишлай олсалар, излансалар таҳлил эта олсалар, ўзлари хулоса кила олсалар, ўзларига, гурухга, гурух эса уларга баҳо бера олса, ўқитувчи эса уларнинг бундай фаолиятлари учун имконият ва шароит яратади олса, бизнинг фикримизча, ана шу ўқитиш жараёнининг асоси ҳисобланади.

Тарих таълими тизимида ҳар бир дарс, мавзуу, ўкув предметининг ўзига хос технологияси бор, яъни ўкув жараёнидаги педагогик технология - бу якка тартиbdаги жараён бўлиб, у ўқитувчи-талабанинг эҳтиёжидан келиб чиқсан ҳолда бир мақсадга йўналтирилган натижага беришга қаратилган педагогик жараёндир.

Республикамизнинг ўзига хос таълим тизимида узвийликни сақлаш таълимнинг ҳар бир бўғинида умумий ва касб-хунар таълими дастурларини такомиллаштиришга истиқболи ёндашувни талаб этади. Шунингдек, бу талаб илмий билимларнинг тарих тизимига мослашган истиқболи мувозанати шароитидагина амалга ошиши мумкин. Шунинг учун ҳам узлуксиз таълим ва тарих фани соҳасида ижтимоий-иктисодий, илмий-техник, демографик, маданий-тарихий ва бошқа тармоқлар тараққиётининг истиқболини белгилашда, унинг яхлит ривожланишида интеграциялашни кўзловчи узлуксиз таълимнинг тизимли ёндашуви муҳим аҳамият касб этмоқда.

Барча фанлар тадқиқотида бўлгани сингари тарих таътимида ҳам янги педагогик ва ахборот технологияларнинг моҳиятини тўлиқ очиб бериб бўлмайди. Таълим ва тарбиянинг янги технологиялари тажриба майдонларида синовдан ўтказилади. Бунда ҳар бир таълим бўғинининг тажриба-синов майдонларига Ўзбекистан Республикаси Олий ўкув юртлари ва илмий-тадқиқот институтларининг олимлари тегишли вазирликларнинг бўйруқлари билан биринтирилиб кўйилади.

Устувор йўналишлардаги илмий-тадқиқотларни амалга оширишдан кутиладиган асосий натижалар: -узлуксиз таълим тизимининг назарий-методологик базаси; узлуксиз таълимнинг янгиланган мазмуни; шахсни камол топтиришнинг ижтимоий-тарбиявий тизими, шу жумладан, ўкувчиларнинг маҳсус тоифа контингенти; умумий таълим ва касб-хунар дастурлари бўйича давлат таълим стандартлари; ўкув-методик мажмууларнинг янги авлоди (янги дарсликлар, ўкув-методик ва меъёрий ҳужжатлар, тест материалалари ва бошқалар); замонавий ахборот-педагогик технологиялар; таълим сифатини ва узлуксиз таълим тизими фаолияти натижаларини баҳолашнинг мезонлари ва тартибларини яратиш; ҳозирги ижтимоий-иктисодий шароитда меҳнат қила оладиган мутахассис кадрларнинг янги авлодини шакллантириш ва ҳоказолар<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> III. Курбонов, Э. Сейтхалилов. Кадрлар тайёрлаш Миллий Дастури: педагогик илмий-тадқиқот муаммолари ва йўналишлари. –Тошкент: Фан, 1999. –Б. 11.

Шу тариқа, илмий-тадқиқот мавзулари ва муаммоларнинг устувор йўналишларини ҳаётга кенг жорий этиш учун илм-фанинг турли соҳалари олимлар ҳамда мутахассислари ҳамкорлигида иш юритсалар, таълим соҳасидагиги давлат сиёсатини амалга оширишга имкон яратилади. Бу эса ўз навбатида Ўзбекистан Республикасида ижтимоий-иктисодий ислоҳатларни янада чуқурлаштиришга хизмат қиласи.

Таълим тизимида педагогик технология шундай билимлар соҳасини, улар ёрдамида учинчи минг йилликда давлатимиз таълим соҳасида туб бурилишлар юз беради, ўқитувчи фаолияти янгиланади, талаба ёшларда хурфиксирлик, билимга чанқоқлик, Ватанга меҳр-муҳаббат, инсонпарварлик туйгулари тизимли равишда шакллантиради.

## **2. ТАЪЛИМИДА ЯНГИ ПЕДАГОГИК ВА АҲБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ МОҲИЯТИ ВА ВАЗИФАЛАРИ**

Аввало, педагогик таҳнология -бу ўқитувчининг ўқитиши вositалари ёрдамида ўқувчиларга муайян шароитда таъсир кўрсатиш ва акс таъсир маҳсули сифатида уларда олдиндан белгиланган шахс сифатларининг жадал шакллантиришни кафолатладидиган жараёндир.

Ҳозирги кунда ўқитувчилар методикани кўп ҳолларда технологиядан ажратса олмаяптилар. Таълим тизимида янги педагогик технология ўқитиши жараёнининг ўзаро боғлиқ қисмларини ташкилий жиҳатдан тартибга келтириш, босқичларини кўриш, уларни жорий этиш шартларини аниқлаш, мавжуд имкониятларни ҳисобга олган ҳолда белгиланган мақсадга эришишини таъминлайди. Ёхуд педагогик технология ўқитувчининг касбий фаолиятини янгиловчи ва таълимда якуний натижани кафолатладидиган муолажалар йигиндисидир.

Шу билан биргаликда маълум вақт давомида педагогик технология ўқув жараёни технологик вositалари ёрдамида амалга ошириш, деб қараб келинади. Фақат 70-йиллардан бошлаб педагогик адабиётларда бу тушунчанинг моҳияти янгича талқин

етила бошланади. Япон олими Т. Сакамото томонидан «ўқитиш технологияси - бу ўқитишнинг мақбуллигини таъминловчи йўл-йўриклар тизими билан боғлиқ билимлар соҳаси» эканлиги эътироф қилинади.

Таълим тизимида қатор йиллар давомида педагогик технология назарияси ва амалиёти бир-бирига боғлиқ бўлмаган ҳолда ўрганилиб келинади. Натижада ўқитиш жараёнини такомиллаштиришга ёки ўқувчиларнинг билим фаолиятини ривожлантиришга қаратилган у ёки бу илгор методикалар технологиялар даражасига кўтарила олмай аста-секинлик билан ўз мавқенини йўқотиб педагогика фанидан узоқлашиб кетмоқдалар. Мисол учун, 60-йилларда катта шов-шувга сабаб бўлган «Дастурли таълим» (Программированное обучение) ёки 70-йилларда собиқ иттифоқ миқёсидаги «Шаталовчилик харатики»ни эслаш кифоя<sup>11</sup>.

Бугунги кунда мамлакатимизда мутахассисларнинг илмий салоҳиятини бирлаштиришга имкониятлари етарли. Назария ва амалиёт бирлигининг таъминланиши педагогик технологиянинг асл моҳиятини аниқлашга йўл очади. Фикримизча, янги педагогика фанининг алоҳида тармоғи сифатида ёки фақат таълим амалиётини мақбуллаштиришга йўналтирилган тизим деб караш мумикин эмас. Педагогик технология бу соҳадаги назарий ва амалий изланишларни бирлаштириш доирасидаги фаолиятини акс эттиради.

Ўзбекистонда таълим-тарбия соҳасини ислоҳ қилишнинг асосий омилларидан бири «шахс манфаати ва таълим устуворлиги»дир. Бу омил давлатимизнинг ижтимоий сиёсатини белгилаб берганлиги туфайли таълимнинг янги модели яратилади.

яъни:

- ижтимоий-сиёсий иқлимга ижобий таъсир қиласди ва натижада мамлакатимиздаги мавжуд муҳит бутунлай ўзгаради;
- инсоннинг ҳаётидан ўз ўрнини топиш жараёни тезлашади;
- жамиятда мустақил фикрловчи эркин шахснинг шаклланишига олиб келади;

---

<sup>11</sup> Н. Сайдахмедов. Янги педагогик технологиялар. –Тошкент: Молия, 2003. –Б. 8-9 .

-жамиятимизнинг потенциал кучларини рўёбга чиқаришда жуда катта аҳамият касб этади;

-фуқаролик жамиятини кўришни таъминлайди, модел воситасида дунёдан муносаб ўрин олишга, ўзбек номини янада кенг ёйиб тараннум этишга эришилади.

«Портлаш эффекти» сари шижиоат билан қадам ташлаш, йўлларда учрайдиган қийинчиликларни босқичма-босқич ва изчил хал этиш масалалари нафакат педагог назариячи ва амалиётчиларни жунбушга келтиради, балки жамиятимизни тўлиқ педагоглаштириш муаммосини ижтимоий буюртма сифатида келтириб чиқаради. Демак, жамиятимизнинг ҳар бир фуқаросини тарбия асослари билан таништириш, ёш авлодни баркамол инсон қилиб вояга етказиш жараёнини янги қурол ва воситалар билан таъминлаш давр тақозосидир.

Маълумки, бугунги кунга келиб тарих таълимидаги ахборотли технология педагогик технологиянинг таркибий қисми, техник воситаларнинг мукаммаллашган замонавий тури сифатида таълим жараёнида қўлланила бошланди. Келажакда иқтисодий бўхронлар ортда қолиб ўкув юртлари дастурли «машина» билан етарли даражада таъминланади. Шундагина ахборотли технология асосида ўкувчи-талабаларнинг билиш фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш имконияти туғилади ва у ўқитувчининг яқин кўмакдошига айланади ёки унинг функцияларини тўлиқ бажариши мумкин.

Тарих таълимидаги технологиялаштириш объектив жараён эканлигини, замонавийлиги эса илмий-техник тараққиёти йўналиши билан белгиланишини эътироф этган ҳолда педагогик технологиянинг ўзига хос томонлари ва яқин келажакда у билан боғлиқ вазифаларни белгилашга ҳаракат қиласиз.

1) Кўп босқичли таълим тизимида педагогик технологиянинг ўрнини асослаш ва зарурий тавсияномалар ишлаб чиқиш;

2) Замонавий саноат, тиббиёт, иқтисодиёт, экология каби соҳа технологиялари билан педагогик технологияларни мунтазам равишда янгилаб бориш ва табакалаштирилган ёндашув асосида уларни кўллаш мезонларини аниқлаш;

3) Истиқболли ўқитиш воситаларини яратиш ва уларга таянган ҳолда илғор педагогик технологияларни лойиҳалаш,

амалиётга жорий этиш, оммалаштириш ва самарасини аниқлаш;

4) Тегишли бошқарув органлари (Таълим марказлари) томонидан ўқув муассасалари фаолиятида янги педагогик технологияларни татбиқ этилиши даражасини назорат қилиш ва баҳолаш;

5) Республикаиздаги олий таълим тизимида фаолият кўрсатаётган профессор ўқитувчиларни малака ошириш ва қайта тайёрлаш курсларида илфор педагог ва ахборот технологиялари бўйича янги билимлар тизими билан куроллантиришни узлуксиз ташкил этиш;

6) Олий ўқув юртлари талабалари, айникса, мутахассис-педагог (тарихчи-педагог)лар учун 40 соат ҳажмида педагогик технология назарияси ва амалиёти бўйича маҳсус курс жорий этиш;

7) Республикаизда фаолият кўрсатаётган ижодкор ўқитувчиларнинг иш услубларини мунтазам ўрганиб бориш ва улар томонидан яратилган методикаларни янги педагогик технология даражасига кўтариш борасидаги ишларни амалга ошириш ва ҳоказолар.

Бугун мамлакатимиз истиқболи шарофати туфайли барча фан соҳаларини ривожланган давлатларда тўланган тажрибалар асосида таҳлил қилиш ва янада такомиллаштириш имкониятлари мавжуд, умуминсоний қадриятларни ижодий ўрганиш ва ҳаётимизга татбиқ этиш даври келди. Миллий Дастурда таъкидланганидек, яқин келажакда «Кадрлар тайёрлаш соҳасидаги ҳамкорликнинг халқаро ҳуқуқий базаси яратилади, халқаро ҳамкорликнинг устувор йўналишлари рўёбга чиқарилади, халқаро таълим тизимлари ривожланади»<sup>1</sup>.

Ўзбекистан Республикаси демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамияти кўриш йўлидан изчил бораётганилиги учун кадрлар тайёрлаш тизими тубдан ислоҳ қилинди, давлат ижтимоий сиёсатида шахс манфаати ва таълим устуворлиги қарор топди. Ўқув-тарбиявий жараённи илфор педагогик технологиялар билан таъминлаш зарурати ҳам Кадрлар тайёрлаш

<sup>1</sup> Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. –Тошкент: Шарқ, 1997. –Б. 59.

Миллий Дастурини рўёбга чиқариш шартларидан биридир. Шу сабаб биз бу педагогик тушунчанинг пайдо бўлиши ва ривожланиш жараёнини ўрганишга тарихий ёндашмокдамиз.

Гап замонавий технологияларни таълим тизимида қўллаш хусусида борар экан, у мактабларнинг моддий техник таъминотига ҳам ўз талабини қўйди. Машғулотларни гурухларга ажратиб ва индивидул ўтиш учун ўқувчиларнинг синф ва синфдан ташқари фаолиятларининг ўзаро боғлиқлигини таъминлаш, олган билим, кўнишка ва малакаларини амалда қўллаш, қўл меҳнати, амалий фаолият жараёнида амалга оширишларига шароит яратишни кўзда тутиш муҳимдир. Шунингдек, ўқитувчининг дарсга пухта тайёрланиши керакли материаллардан фойдалана олиши учун замонавий педагогик-психологик, дидактик ва фалсафий адабиётлар, илмий-оммабоп журналлар, газеталар, бадиий адабиётлардан фойдалана олишлари учун бой фондга эга бўлган кутубхона, унинг ишини енгиллаштириш учун синф хоналари компьютер билан таъминланиши ҳам муҳимдир<sup>11</sup>.

Педагогик жиҳатдан таъминланишининг яна бир элементи, бу ўқитувчи шахси, мактаб педагогик жамоасини шакллантириш, педагогик технологияларнинг кириб келиши билан боғлиқ замонавий мактабларда жаҳон андозаларига мос равища ўқитиши ишларини янгилаш, мақсадида педагогик кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш сифати, касбига тайёргарлик даражаларини ошириш муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, замонавий педагогик технологияларни қўллашда мактабларнинг адаптация жараёнидан ўтишига имкон бериш ҳам педагогик жиҳатдан таъминланишининг элементларига киради. Шу билан бирга боланинг интеллектуал ривожланганлиги ҳақидаги ахборотларга эга бўлиш, замонавий педтехнологияларни қўллашда муҳим аҳамият касб этади. Бугунги замонавий таълим, илғор педагогик технология янги рух ва мазмундаги, педагогик тафаккур, тараққийпарвар фикр, foялар маҳсулидир. Янги фикр ва foялар ўз навбатида мавжуд муаммолар, йўл қўйилган хатолар ва камчиликларнинг чукур таҳлил қилиниши натижасида

---

<sup>11</sup> Юлдуз Амиржонова. Методика ва технология бир-биридан қандай фарқланади? //Маърифат. 2003. 19 март.

юзага келади. Шунинг учун ҳам жамиятдаги ижтимоий-маданий мухит аҳволи таҳлил қилинган ҳолда, таълимни инсонпарварлаштириш, юзага келган мавжуд муаммоларни оқилона хал этиб бориш, янгича ишлаш янги педагогик тафаккурнинг асоси бўлиб қолади. Бу эса ўз навбатида таълим натижасини кафолатлайдиган, таълим тизимининг ривожланиб бориши, жамият таракқиёти, шахс камолотига ҳисса қўшадиган замонавий педагогик технологияларнинг кириб келишига замин яратади.

Мамлакатимизда мафкуравий мўлжалларнинг тубдан янги-ланиши, миллий истиқлол ғоясининг омма онгига узлуксиз сингдириб борилиши педагогик тафаккурни ҳам ўзгартирмоқда. Мафкуравий жараёнлар педагогик воқеликни акс эттирадиган таълимий фаолият лойиҳаларини асослайдиган фан соҳаси, тасаввурларни қамраб олмасдан иложи йўқ. Янги педагогик билимлар кўлами Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талаблари асосида кенгайиб бормоқда, тадқиқот йўналишлари эркин шахсни шакллантириш муаммоларига қаратилаяпти, бу эса таълим-тарбия тизимида янгича методологик ёндашувларни юзага келтираётir.

Технологик ёндашув таълим таракқиётининг характерлантирувчи кучи сифатида бугун амалиётга тезкор татбик этилмоғи зарур. қолаверса, Биринчи чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XIV сессиясида «Замонавий педагогик ва ахборот технологияларини ўз вақтида ишлаб чиқиши ва жорий этишини таъминлашни алоҳида назорат остига олии зарур» ҳар бир фан ўқитувчиси янги технологияларни лойиҳалашга ижодий ёндашиши лозим<sup>11</sup> деб таъкидлаган эди.

Педагогик технология фан мавзулари бўйича олдиндан лойиҳаланиши ва у ўқитиш текислигига кўчирилса, якуний натижани кафолатланиши билан фарқланишини эслатиб ўтамиз. Шу билан биргаликда ҳар қандай педагогик технология асосини илмий жиҳатдан кўрилган дидактик жараён ташкил этади. Ана шу жараённи ажратилган ўқув вакти доирасида амалга ошириш

---

<sup>11</sup> Н. Сайидаҳмедов. Технологик ёндашув устуворлиги. // Маърифат: 2003. 19 феврал.

олий ўқув юрти ўқитувчисининг педагогик маҳоратини даражалаб беради.

Баён этилган фикрлар шундай хуросаларга келишимизга имкон беради: таълимнинг ҳар бир босқичида замонавий педагогик технологияларни ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий шароитларда жамият муносабатларини ислоҳ қилиш, яъни демократлаштириш, фуқаролик жамиятини барпо этиш, таълимни инсонпарварлаштиришга самарали таъсир кўрсатадиган илмий-концептуал асосга эга бўлгандагина қўллаш мувофиқdir.

Кўлланилаётган технологиялар ўқитувчи ва ўқувчи ҳаётига енгиллик олиб келиши, ўқувчининг хоҳлаб, қизиқтириб боришига имкон бериши ва жамият тараққиётининг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатишини кафолатлаши керак. Замонавий педагогиялар қўлланилишидан олдин адаптациядан ўтиши педагогик шарт-шароитлари, моддий-техник база ҳисобига олиниши лозим.

Агар педагогик технологияларни қўллашда илмий асос ва кафолатланган натижа бўлмас экан, бундай технологиялар оқибати шахс камолоти, таълим тизими ва жамиятнинг юксалишига тўғаноқ бўлаверади.

### **3. Интерфаол методлар асосида семинар машғулотларини ташкил этиш**

Методик хизматни ташкил этишда семинар ўқишлардан, тренинг машғулотларидан унумли фойдаланиш ўзининг самарасини бериб келмоқда.

Уларнинг ташкил этиш турлари босқичлари, эътиборталаб томонлари жуда кўп. Жумладан, семинар дастурларини ишлаб чиқишдан аввал бир неча foяларни белгилаш ҳамда муаммоларни аниқлаш унинг асосий мазмунини ташкил этади.

1. Семинар ўтказиш вақти.
2. Семинар ўтказиш жойи.
3. Семинарни ким ўтказади?
4. Семинар ўтказиш учун канча вақт талаб қилинади?

Семинар ўқиш жараёнини олдиндан лойиҳалаштиришда

бу жараён мавзусининг ўзига хослиги, жой ва шароити, қатнашчиларининг имконияти ва эҳтиёжи ҳамда ҳамкорлигидаги фаоллигини ташкил эта олиш ҳисобга олиниши керак. Шунда кафолатланган натижага эришиш мумкин. Бунда ҳар бир семинар-ўқиши технологиясига режа тузиб олиш мақсадга мувофиқ.

<b>Мавзу</b>	<b>Фанлар интеграцияси</b>
Мақсад ва вазифалар	Ўқитиш самарадорлигини ошириш
Машғулот жараёни	Методлар: оғзаки баён қилиш, сұхбат, мунозара, баҳс
Мазмунни	Амалий, кичик гурухларда ишлаш
Шакли	Жамоада ишлаш
Воситалар	Тарқатма воситалар. Техника воситалари
Усул	Назорат, ўз-ўзини назорат, оғзаки назорат
Бахолаш	Рағбатлантириш
Кутиладиган натижа	Тренинг учун: янгилекни етказиш, Иштирокчи учун: янгилекни ўзлаштириш

Ўтказилаётган семинар-ўқишида иштирокчилар қандай натижага эришишлари лозим? Уларни аник вазифаларга йўналтирилганлигининг 3 тури мавжуд.

1. Мазмунга қарашли натижалар.
2. Методларнинг ўтилишига қарашли натижалар.
3. Семинар ўқишида ўтказиш тартибига тегишли натижалар. қатнашчиларни кутилаётган натижага эришишлари учун ёрдам берадиган усуллар: «Ақлий хужум», «Кластер», «Бумеранг», «Скоробей технологияси», «ФСМУ технологияси», «ВЕЕР технологияси», «Блиц ўйини» технологияси .

**Изюминка (диққатни жалб этиши)-**бу иштирокчиларни ўқув машғулотининг мазмунни ёки услугуга қизиқишини оширадиган, таҳлилга тортадиган саволлар.

**Маъруза-**ўқув материалларини оғзаки баён қилиш усули. Одатда бу усул видео, күргазма намойиш қилиш билан олиб борилади. Маъруза катта хажмдаги ўқув материалларига нисбатан узок вақт давомида монолог баён этиш. Бу усулнинг асосий вазифаси таълим бериш, ўргатиш.

### ***Уишиб усулнинг самарадорлиги қўйидагича асосланади:***

1. Маъруза қилишда унинг мазмунини чуқур илмий-гоявий кетма-кет бўлиши;
2. Тушунарли, хиссиётга бой ва содда тилда ёритилиши;
3. Ёш ва руҳий ҳолатларини ҳисобга олган ҳолда қисқа савол-жавоб ўтказиш;
4. Режа тузиш ва ҳар бир режа баёнидан сўнг хulosалаш;
5. Муаммони баён қилиш;
6. Ёзиг олиш, зарур бўлган жойларни ажратиб кўрсатиш;

### **Тайёргарлик қўриши учун:**

1. Мавзу, мақсад ва долзарб муаммоларни аниқлаш;
2. Адабиётлар билан танишиши;
3. қатнашчиларнинг салоҳияти, билим даражаси, қизиқиши, психологиясини ҳисобга олган ҳолда режа тузиш;

4. Жихозлар, таълим воситаларини ташкил этиш; Маъруза-кириш, баён, хulosадан иборат бўлиши керак. Тингловчиларни қизиқтириш учун кириш қисмига пухта тайёргарлик кўриш лозим. Маърузанинг кириш қисми вақтида тингловчилар томонидан олинадиган дастлабки маълумот мияни маъруза давомида бериладиган ахборотни қабул қилиб олишга тайёрлайди. Маърузачи билдирадиган барча фикрлар иштирокчи томонидан факат ўзлаштирилиб қолмай, балки яна ижодий тарзда қайта ишлаши ҳамда ўз қарashi бўлиб қолиши керак. Баён икки-уч қисмдан иборат бўлади. Якуний кисм эса белгиланган мавзу юзасидан қисқа хulosалар ёки унинг гоясини таърифлаб беришга қаратилади.

### ***Семинар тренингда қўйидаги маъруза турларидан фойдаланиши мумкин:***

1. Муаммоли маъруза
2. Маъруза конференция
3. Конспектсиз маъруза
4. Муаллифнинг маърузаси
5. Маъруза мунозара
6. Аниқ вазиятни тахлил қилиш маърузалари.

Маърузада савол бериб, тингловчиларнинг жавобларидан фойдаланиб, вақтинча эркин фикр алмашишга рухсат этиб, кундалик хаётдан мисол келтириб уларни савол беришга

ундаб, илгари ўрганилган факт ва вазиятларни янгилари билан таққослаш билан амалга ошира бўлади.

**Сұхбат ўтказиши ва ўқитишининг диалогик савол-жавоб усуси.** Бу усульнинг етакчи функцияси-мотивация қилиш, аник мақсадни кўзда тутадиган ва моҳирона кўйилган саволлар ёрдамида белгиланган мавзу бўйича эсга олишга ва баён этишга ҳамда муҳокама қилишга ундейди. Таълим олувчилар, тренер билан биргаликда, қадамма-қадам янги билимларни мустақил фикрлаш, хулоса чиқариш, якунлаш ва умумлаштириш йўли билан ўзлаштирадилар.

**Сұхбатлар белгиланган мақсад асосида қуийдагилардан ташкил топади.**

1. Ташкил қилиш.
2. Янги билимлардан хабардор қилиш.
3. Синтезловчи-таълим олувчилар томонидан билимларни тизимлаштириш, эслаб қолиш ва англаш.

Сұхбатлар эркин вазиятда олиб борилади, саволларни аник ифода этиш ва бериш муҳимдир. Улар ўзаро мантиқий боғлик бўлиши, ўрганилаётган нарсанинг туб маъносини очиб бериши, билимни таркибли равища ўзлаштиришга имкон бериши лозим. Саволлар ўз маъноси ва шакли билан қатнашчиларнинг ривожланиш даражасига мос бўлиши керак.

Иш босқичлари	Ўқитувчи фаолияти
1-босқич. Тайёрлов	Сұхбат мавзуси. Мақсади ва вазифаларини белгилайди. Асосий ва ёрдамчи саволларни аниклайди. Саволлар бериш, умумлаш-тириш, хулоса чиқариш тартибини белгилайди.
2-босқич. Кириш	Мавзунинг максади ва вазифасини эълон қиласи. Мавзу бўйича билим малака эслатилади.
3-босқич. Сұхбат	катнашчиларнинг муроҳазаларини умумлаштириш, ҳаммани фаол ҳаракат қилишга ундаш. Тўғри жавобларни маъқуллайди нотўғриларини маъқулламайди.
4-босқич. Хулоса	Сұхбат натижаларини умумлаштиради
5-босқич. Якун	

Сұхбатда савол бериш муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун савол беришда ҳар бир саволни барча гурухларга бериш

учун ва қўшалоқ саволлар бермаслик керак. Агар саволга хеч ким жавоб бермаса саволни бошқача тузиш керак бўлади.

***Суҳбатга тайёргарлик ишлари қўйидаги жараёнларни ўз ичига олади:***

1. Суҳбат мавзусини аниқлаш, мақсад ва вазифаларини аниқлаш;
2. Ҳамкорликка оид тушунчалар моҳиятини очиб беришга ёрдам берадиган саволлар тузишни маълум тартибда ишлаб чиқиш;
3. Суҳбатга киришиши ва яқунловчи қисмлар мазмунини ифодалаш;
4. Суҳбат мазмунини тингловчилар фаолияти, хулқ атвори билан боғланишининг тўғри йўлини танлаш;
5. Суҳбатнинг мавзу ва мақсади, ўтказиш вақти ҳамда тингловчиларга мавзуга оид тушунчаларини бойитишга ёрдам берадиган адабиётларни тавсия қилиш;

***Китоб билан ишлани технология чизмаси.***

Иш босқичи	Ўқитувчи фаолияти
1-босқич. Тайёрлов	Тингловчилар мустакил ўрганишлари учун ўкув материаллари танлайди. Ўқув фаолияти мақсад вазифаси, натижалари баҳолаш мезони
2-босқич. Мавзуга кириш	Тингловчиларни ўрганилаётган мавзу билан таништириш мақсадида илгари ўрганилган қайси материал билан янгисини тақкослаш ва боғлаш зарурлиги ҳақида батафсил суҳбатлашади.
3-босқич. Китоб устида ишлаш	Баҳолаш мезонини эълон киласди, кузатади ва индивидуал ёрдам беради.
4-босқич. Яқунлаш	Ўрганилган материални ўзлаштириш сифатини текширади, тахлил киласди ва натижаларини эълон киласди.

Кичик гурухларда ишлаш асосида қатнашчи ўз фикрини ишлаб чиқиш, уни гурухда мухокама қилиш ва ҳар ҳил фикрлар асосида ўрганади.

***Гурухлар билан ишланинг қўйдаги турларини кўрсатишимиш мумкин:***

- Гурухларга ҳоҳлашлари бўйича ёки ҳисоблаш, уйинлар тарзида ажратиш мумкин;

- Гурухлар билан ишлаш учун топшириклар танлашда муаммоли бўлишига эришиш;
- Вақт аниқ белгиланиб, топшириклар танлашда бажаришга доир йўрикнома берилиши керак.
- Тақдимот ўтказилади. Тақдимот юзасидан мунозара ўтказилиб якунланади.

Лойиҳалар усули билим ва малакаларни таҳлил қилиш, баҳолашни амалий қўллашни назарда тутувчи таълимнинг мажмуавий усулларни амалга оширади.


## **4. МАВЗУ БҮЙИЧА СЛАЙДЛАР.**


### **Педагогик технология**


ўқув жасаёнидаги педагогик технология-бу аниқ кетма-кетмекелдеги яхлит жасаён бўлиб, у талабанинг эҳтиёжидан келиб чиқсан холда бир мақсадга йўналтирилган, олдиндан пухта лойиҳалашибирлигига ва кафолатланган натижса бершига қаратилган педагогик жасаёндир.

### **Педагогик технологиянинг ҳусусиятлари**

- ❖ Талабанинг дарс давомида бефарқ бўлмасликка, мустақил фикрлаш, ижод қилиш ва изланишга мажбур этилиши;
- ❖ Талабанинг ўқув жараёнида фанга бўлган Қизиқишлигини доимийлигини таъминланиши;
- ❖ Талабаларнинг фанга бўлган Қизиқишлигини ижодий ёндашган ҳолда кучайтирилиши;
- ❖ Педагог ва талабаларнинг Ҳамкорликдаги фаолиятини доимий равишда ташкил этилиши.







## **ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ ҲАҚИДА ТАЛҚИНЛАР**

- ❖ Педагогиканинг умумий қоида ва қонуниятларига асосланиб, фаннинг хусусиятларидан келиб чиқиб, дидактик вазифаларни амалга оширади. (П.Лейбенгруб ва бошқалар)
- ❖ Maxsus педагогик фан бўлиб, фан мазмуни орқали таълим ва шахсни ривожлантиришнинг барча вазифаларини ҳал этишга қаратилган. Бунда бирламчи мазмун усул ва воситалар хусусиятини белгилайди. (П.Гора ва бошқалар)
- ❖ Методика-фан эмас, балки методик ишланма, тавсия ва маслаҳатлар мажмуаси. Хозирда мазкур қараш янги атама-технология номи билан юритилмоқда. (В.Н.Бернадский)


**ХОЗИРГИ ПАЙТДА ЎЗБЕКИСТОНДА ЎҚИТИШ ЖАРАЁНИГА ҚУЙИДАГИ ТАЛАБЛАР  
ҚҮЙИЛМОҚДА.**


*Cиджат, яъни ўқиттишининг белгисланган даражасини эгаллани:*

*Самародорлик, яъни ўқиттига сарф қилинган харажатлар, албатта максимал самара бериши лозими;*

*Уибду вазифаларни ечни ўқиттиши жараёнини технологиялантитришига, инновацион ўқиттиши технологияларини ишлаб чиқни ва тадбик этинса олиб келади.*

# Педагогик тизимниң моделли





## ДАРСНИ ТАХНИИ КИЛИШ БҮЙЧА ЁРДАМЧИ МАТЕРИАЛ

### Анъянавий таълим

Аник сүйзсиз бажарувни  
шахсни тайёрлаш

### Бошлангич (асосий) максад

Шахни ривожлантириш, жахон стандарты талабига жавоб берадиган, ўзига болжа инсонга, жамията, давлатта, табиятта ва меҳнатга ўзининг тўғри мунисабатини билдира оладиган, мустакил фаолият юрита оладиган ижодкор, тайёрлаш, мустакил ишлашга, ўзинни тарбиялашга шароит яратиш.

### Ривожлантирувчи таълим

Фан соҳасида берилайтган саводларга жавоб беришда ўзи мустакил жавоб топа олиши, ёдлаш эмас, фан мазмунини ўзи тушуниб етиши, керакли билимни кидриб топа олиши.

### Кўрсатма

Дастур асосида ўрганиши  
(ёдлаш)

### Таълимий (дидақтика) максадлар


Билим кўнникма, малакани  
шакллантириши

Дарс жараённида ўқувчиларга ўз фикрларини мусаккил баён этишга ўргатиш, керакли адабиёттардан усталик билан фойдаланиш, уларни излаб, топнига ўргатиш

## **МЕТОДЛАР**


Информацион репродуктив  
Репродуктив муаммоли

Муаммоли кисман изланиши  
Ахборот-репродуктив, актив



ТЕХНОЛОГИК КАРТА

Так тимохентіюючи мотивуємо їх до творчості та відповідальності



## **«Кластер» (тармоқлар) методи.**

Фикрларнинг тармоқланиши –бу педагогик стратегия бўлиб, у ўқувчиларни бирон бир мавзуни чукур ўрганишларига ёрдам бериб, ўқувчиларни мавзуга таълуқли тушунча ёки аниқ фикрни эркин ва очиқ равишда кетма-кетлик билан узвий боғлаган ҳолда тармоқлашларига ўргатади.

Бу метод бирон мавзуни чукур ўрганишдан аввал ўқувчиларнинг фикрлаш фаолиятини жадаллаштириш ҳамда кенгайтириш учун хизмат қилиши мумкин. Шунингдек, ўтилган мавзуни мустаҳкамлаш, яхши ўзлаштириш, умумлаштириш ҳамда ўқувчиларни шу мавзу бўйича тасаввурларини чизма шаклида ифодалашга ундайди.

## **«БУМЕРАНГ» ТЕХНОЛОГИЯСИ**

Ўқувчи-талабаларни дарс жараёнида, дарсдан ташқари турли адабиётлар, матнлар билан ишлаш, ўрганилган материални ёдида саклаб қолиш, сўзлаб бера олиш, фикрни эркин ҳолда баён эта олиш ҳамда бир дарс давомида барча ўқувчи-талабаларни баҳолай олишга қаратилган.

Таълим билан қаторда мазкур метод тарбиявий характердаги қатор вазифаларни амалга ошириш имконини беради:

- Жамоа билан ишлаш маҳорати;
- Муомалалик;
- Хушфеъллик;
- Кўникувчанлик;
- Ўзга фикрига ҳурмат;
- Фаоллик;
- Раҳбарлик сифатларини шакллантириш;
- Ишга ижодий ёндашиш;
- Ўз фаолиятини самарали бўлишига қизиқиш;
- Ўзини ҳолис баҳолаш

## **«СКАРАБЕЙ» ТЕХНОЛОГИЯСИ**

«Скарабей» технологияси ҳар томонлама бўлиб, ундан ўқув материалининг турли босқичларини ўрганишда фойдаланилади.

- бошида-ўқув фаолиятини рағбатлантириш сифатида (Ақлий хужум);

- мавзуни ўрганиш жараёнида-ўзининг моҳияти, тузилиши ва мазмунини белгилаш;

- улар орасидаги асосий қисмлар, тушунчалар, алоқалар характеристини аниқлаш;

- мавзуни янада чукурроқ ўрганиш, янги жиҳатларини кўрсатиш;

- охирида-олинган билимларни мутахкамлаш ва якунлаш мақсадида.

Таълимдан ташқари мазкур метод тарбиявий характеристидаги қатор вазифаларини амалга ошириш имконини беради:

- ўзгалар фикрига ҳурмат;

- жамоа билан ишлаш маҳорати;

- фаоллик;

- хушмуомалалик;

- ишга ижодий ёндашиш;

- имкониятларини кўрсатиш эҳтиёжи;

- ўз қобилияти ва имкониятларини текширишга ёрдам беради;

- «мен»лигини ифодалашга имкон беради;

- ўз фаолияти натижаларига маъсуллик ва қизиқиш уйғотади.

## **«ВЕЕР» ТЕХНОЛОГИЯСИ**

Бу технология мураккаб, қўп тармоқли, мумкин қадар, муаммо характеристидаги мавзуларни ўрганишга қаратилган.

Технологияларнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бирйўла ахборот берилади. Айни пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида нуқталарда муҳокама этилади. Масалан, ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва заарлари белгиланади.

Бу интерактив технология танқидий, таҳлилий, аниқ мантии-кий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда ўз

ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда ихчам баён этиш, химоя килишга имконият яратади.

«BEEP» технологияси умумий мавзунинг айрим тармоқларини муҳокама қилувчи кичик гурухларнинг, ҳар бир қатнашувчининг гуруҳнинг фаол ишлашига қаратилган.

«BEEP» технологияси мувзуни ўрганишнинг турли босқичларида кўлланилиши мумкин:

- бошида ўз билимларини эркин фаоллаштириш;
- мавзуни ўрганиш жараёнида унинг асосларини чукур фахмлаш ва англаб этиш;
- якунлаш босқичида олинган билимларни тартибга солиш;
- аспект (нуқтаи назар) билан предмет, ходиса, тушунча текширилади;
- Афзаллик-бирор нарса билан қиёлангандаги устунлик, имтиёз;
- Фазилат-ижобий сифат:
- Нуқсон-номукаммаллик қоидаларига, мезонларга ному-вофиқлик;
- Хулоса-муайян бир фикрга мантиикий қоидалар бўйича далилдан натижага келиш;
- Таълимдан ташқари «Елпифич» таҳнологияси характердаги қатор вазифаларни амалга ошириш имконини беради;
- Жамоа, гурухларда ишлаш маҳорати;
- Муаммолар, вазиятларги турли нуқтаи назардан муҳокама қилиш маҳорати;
- Хушмуомалалик;
- Ишга ижодий ёндашиш;
- Фаоллик;
- Муаммога диққатни жимлай олиш маҳорати.

## **ФСМУ ТЕХНОЛОГИЯСИ**


Ушбу технология мунозарали масалаларни ҳал этишда, баҳс-мунозаралар ўтказишда ёки ўқув-семинари якунида (тингловчиларнинг ўқув-семинари ҳақида фикрларини билиш максадида), ёки ўқув реажаси асосида бирон бўлим ўрганиб бўлингач кўлланиши мумкин, чунки бу технология тинглов-

чиларни ўз фикрини химоя қилишга, эркин фикрлаш ва ўз фикрини бошқаларга ўтказишга, очиқ ҳолда баҳслашишга, шу билан бир қаторда ўқувчи-талабаларни, ўқув жараёнида эгалланган билимларини таҳлил этишга, қай даражада эгалланганликларини баҳолашга ҳамда тингловчиларни баҳслашиш маданиятига ўргатади.

Ушбу технология тингловчиларга тарқатилған оддий қоғозга ўз фикрларини аниқ ва қисқа ҳолатда ифода этиб, тасдиқловчи далиллар ёки инкор этувчи, фикрларнибаён этишга ёрдам беради.

## **ФСМУ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

- (Φ)-Фикрингизни баён этинг
- (С)-Фикрингиз баёнига бирон сабаб күрсатинг
- (М)-Күрсатилған сабабни тушунтирувчи (исботловчи) мисол келтириңг
- (Ү)-Фикрингизни умумлаштириңг



## **Савол ва топшириқлар:**

1. Республикализнинг ижтимоий-иктисодий ривожланиши, фан, техника ва технологиялар соҳасидаги муваффақиятларини нималарда деб биласиз?
2. Бугунги кунда таълим жараёнида интерфаол услублар, инновацион технологиялар, педагогик ва ахборот технологияларини ўкув жараёнида қўллашни қониқарли деб ҳисоблай оласизми?
3. Тарих таълими тизимида педагогик технологияларнинг қандай усулларини қўллаш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайсиз?
4. Тарих таълимида янги педагогик ва ахборот технологияларининг моҳияти ва вазифалари нималарга боғлиқ?
5. Маълумки Ўзбекистонда таълим-тарбия соҳасини ислоҳ қилиш жараёнида таълимнинг янги модел яратилди. Ана шу моделни биласизми?

## **Адабиётлар**

1. Азизходжаева И. Педагогик технология ва педагогик маҳорат. –Тошкент: Чўлпон, 2005.
2. Амиржонова Ю. Методика ва технология бир-биридан қандай фарқланади. // Маърифат, 2003. 19 март.
3. Баркамол авлод-Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Тошкент: шарқ, 1997. -Б. 59.
4. Сайдахмедов Н. Янги педагогик технологиялар. –Тошкент: Молия, 2003.
5. Толипов Ў. Қ., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг татбиқий асослари. –Тошкент: Фан, 2006.
6. Фарберман Б. Н. Илгор педагогик технологиялар. – Тошкент: Фан, 2000.
7. Шермуҳамедова Н. А. Илмий тадқиқот методологияси. – Тошкент: Фан ва технологиялар, 2014.
8. Гаффоров Я. Х. Махсус фанларни ўқитишида янги педагогик технологиялардан фойдаланиш усуллари. –Тошкент: Университет, 2015.

## ГЛОССАРИЙ

**Авлод** – умумий аждодларидан қариндошлиқ муносабатлари билан бир хилда узоқлашган кишилар гурухи.

**Агитация** – (лот. agitation – ҳаракатга келтириш) – оғзаки, ёзма, матбуот ёки бошқа фаолият орқали орқали омманинг сиёсий фаоллигини уйғотиш.

**Анархия** – (юононча anarchia - ҳокимиятсизлик) – бир ёки бир неча шахслар гурухининг ҳокимиятга бўйсунмаслиги натижасида келиб чиқадиган тартибсизлик.

**Ассоциация** – (лот. Association – бирлашма, қўшилма) – умумий мақсадга эришиш учун тузилган уюшма, иттифоқ, гурух.

**Ахборот** – объектив реалликнинг муҳим қисмини ифодаловчи тушунча бўлиб, ўзини сақлаш, қайта ишлаш ва таъсир натижалари (излари)дан фойдаланиш учун мўлжалланган моддий тизимларда намоён бўлади.

**Ахборот технологияси** – бу ахборотни танлаш, жамғариш, таҳлил қилиш ва фойдаланувчига етказиб беришга йўналтирилган ҳисоблаш техникаси, электр алоқа, информатика имкониятларининг уйғунлигидир.

**Ахборот эркинлиги** – фуқароларнинг конституциявий хукуқларидан бири бўлиб, сўз, матбуот ва бошқа оммавий ахборотга эга бўлган ахборотни олиш хукуқи ва қонуний асосда олинган ахборотларни тарқатиш хукуқи.

**Аллома** – Ўрта Осиё халқларида илм-фаннинг бир ёки бир неча соҳасини мукаммал эгаллаган киши, билимдон шахс аллома деб юритилган.

**Анализ** – бу билиш предметини фикран қисмларга ажратиш, унинг алоҳида томонлари, хоссалари, белгиларини, улар ўртасидаги муносабатларни ажратиш, объектнинг моҳиятини англаб етиш максадида унинг турли хилларини ва ҳоказоларини аниқлаш демакдир.

**Аниқлаштириш** – (киска ва лўнда ифодалаш) – бир бутун, ўзаро сабабий боғлиқ, кўп томонлама, кенг қамровли ва мураккаб ходисани аниқлаш.

**Ахборот соҳаси** – мақсадга эришиш учун ахборотларни

сақлаш, қайта ишлаш ва узатиш методлари ва воситалари йиғиндисига айтилади.

**Ахлоқий тарбия** – ўқувчилардан умуминсоний ахлоқий тамойилларга содик бўлишдек, жамият ахлоқий талаблари ва меъёрларини ҳисобга олган ҳолда ўз ҳатти – ҳаракатларини танлай олиш маҳоратини, ахлоқий тафаккур ва кундалик одатдаги ахлоқий ҳатти – ҳаракатларининг мустаҳкам тизимини шакллантириш.

**Ақлий тарбия** – табиатан берилган ақлий куч, сезги, руҳий ҳолат, билувчанлик ва фаолият эркинлигини ривожлантириш натижасида инсонда мустақил фикр юритиб, олдига мақсад қўя олиш ҳамда кўзлаган мақсадига эришиш қобилиятини шакллантириш.

**Анжуман** – кенг доирада ўтказиладиган йигин, йиғилиш, кенгаш ва мажлислар.

**Билим олиш ҳуқуқи** – фуқароларнинг ижтимоий ҳуқуқи. Давлат томонидан таъминланади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 41 – моддасида: “Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим давлат томонидан кафолатланади. Мактаб ишлари давлат назоратидадир” – деб қайд этилган. Ушбу Конституциявий тамойилдан келиб чиқиб, 1997 йил 29 – августда “Таълим тўғрисида”ги қонун ва қонунни ҳаётга тадбиқ этиш учун “Кадрлар тайёрлаш миллый дастури ишлаб чиқилган”.

**Брифинг** (ингл. briefing – йўл йўриқ, brief – қисқа, қисқача хуласа) – халқаро келишувлар, учрашувлар ва конференциялар жараёнида тадбир қай тарзда ўтаётганлиги, томонларнинг позиция ва қарашларини оммага етказиш учун ҳукumat раҳбари ва унинг ёрдамчиси ёки матбуот хизматчиси билан оммавий ахборот воситалари ходимлари ҳамда журналистлар билан ўткказадиган қисқа учрашув.

**Башорат** – эҳтимоллик билан боғлиқ илмийликка асосланган у ёки бу ҳодисанинг истиқбол, эҳтимолли ҳолатлари ҳақидаги қарашлар.

**Билимнинг кенглиги** – ҳодисалар ўртасидаги алоқадорликни кўра олиш қобилияти, муаммони кенг кўламда кўра олиш.

**Билиш** – оламнинг инсон онгидаги инъикос этиш жараёни

инсон ўзини қамраб олган атроф мұхит тұғрисида билиш ва тасаввурға эга бўлмай туриб, фаолиятнинг бирон – бир тури билан шуғулдана олмайди. Билишнинг маҳсали натижаси билим бўлиб, ҳар қандай касбни эгаллаш фақат билим орқали рўй беради.

**Биографик метод** – (юононча bios – ҳаёт, grapho - ёзаяпман) – шахс ҳаёт йўлини тадқиқ этиш, ташхислаш, таҳрирлаш, режалаштириш услуби.

**Генетик метод** – жараёнлар ва воқеаларни уларнинг келиб чиқиши, шаклланиши ва ривожланишини таҳдил қилиш, тадқиқ қилиш усуллари.

**Гипотеза** – ўрганилаётган ҳодисанинг сабаблари ва хусусиятларини тушунтирадиган асосли таҳмин тарзидаги билим шакли.

**График органайзерлар** – ўкув жараёнида қўйилган мақсадга эришишда ёрдам берувчи чизма, жадвал, графиклар мажмуи.

**Глобал муаммолар** – (фр. global – умумий, лот. globus – ер шари) – битта давлат ёки минтақанигини эмас, балки бутун ер юзи, инсоният ҳаёти ва келажагига даҳлдор умумбашарий муаммолар.

**Грант** – (инг. grant – ҳадя; кўмак; стипендия) – давлат томонидан бирор илмий тадқиқот, тажриба – конструкторлик ишларини бажариш учун ёки бошқа мақсадларга айрим шахслар, жамоалар, ташкилотларга бериладиган мақсадли ўрин ёки пул маблағи.

**Дарс** – аниқ мақсадни кўзлаб, берилган вақтда бир хил ёшдаги ўкувчи ёшлар билан ўқитувчи раҳбарлигида олиб бориладиган машғулот.

**Дарс ишланмаси** – мавзунинг номи, дарснинг мақсади, кутилаётган натижа, асосий фоя, таянч тушунчалар, дарс жиҳозлари, дарс режаси ва ҳоказолар.

**Дарслер** – юқори малакали ва тажрибали олим ва педагоглар томонидан тузилиб, юз фоиз намунавий дастурдаги фоялардан ҳамда дидактик тамойиллардан келиб чиқиб яратилган китоб.

**Дидактик материаллар** – ўқитувчи томонидан ҳар бир дарсга алоҳида тайёрланган бўлиб, у дарс мазмунини тўла ифодалаш ва ўкувчи талабалар дарс мазмунига яхши тушуниб етишлари учун

хизмат қиладиган асос.

**Дикқат** – фаолият кўрсатиш мақсадида танланган обьектга (жумладан, муайян фанга) онгнинг жамланиш ҳолати.

**Диалог** – мураккаб, ранг-баранг мазмунга бой ва тушуниш билан узвий боғлиқ ўзаро алоқа шаклидир. Диалогда инсоннинг икки табиий интилиши: айтиш ва ўзини эшитишларига эришиш, шунингдек, тушуниш ва тушунилишига интилиш рўёбга чиқади.

**Дидактика** – (юононча «didacticos» сўзидан олинган бўлиб, ўрнақ, сабоқ бўлишлик каби мазмунларни англатади) – педагогиканинг таълим жараёнида тарбиялаш назариясини ишлаб чиқадиган қисми ҳисобланади.

**Илмий факт** – факат муайян тарзда қайд қилинган, белгиланган ходисалар ва воқеалар.

**Илмий мулокот** – ўз ҳамкаслари билан бевосита ва билвосита мулокотга киришиш.

**Инновация** – ижтимоий амалиётда сезиларли ўзгаришлар туғдирадиган турли хил янгиликлар яратиш ва тадбиқ этиш.

**Интуиция** – заковатнинг барча белгиларини фаол ишга солгандан кейин воқеалар ривожини олдиндан кўра олиш қобилияти.

**Инсайт** – ойдинлашув. Муаммонинг ечими, баъзан бирдан ёрқин юлдуздай ялт этиб пайдо бўлади.

**Истиснометоди** – таркибий қисмларнинг катта гурухларининг учинчи истисно қонуни асосидаги босқичма босқич истиснога асосланади.

**Ижодий қобилият** – инсонларга керак бўлган қандайдир янгиликни очиш ёки яратиш.

**Илгор педагогик тажриба** – ўқитувчи томонидан педагогика тамоиллари ҳамда таълим-тарбия беришнинг усул ва услубларини яхши ўзлаштириб, уларга ижодий ёндошган ҳолда, нисбатан самаралироқ усул ёки услуг яратиш.

**Касбга йўналтириш** – жамият эҳтиёжидан келиб чиқкан ҳолда, тарбияланувчига маълум бир касб-хунар ўргатишнинг маърифий жараёни.

**Кейс стади методи** – таҳлилий кўнималарни баъзи бир матнларни жамоавий муҳокама қилиш воситасида ўрганиш бўлиб, бунда тасвирланаётган вазият “кейс” деб номланади.

**Классификация** – тушунчаларнинг мантиқий ҳажмини кўп даражали, тармоқларга ажратилиши, объектларнинг мавжуд белгилари бўйича тартибга солиниши.

**Когнитив харита** – муаммоли вазиятнинг характери ва тузилмаларини белгилашга қаратилган тадқиқот объектидаги сабаб-оқибат алоқаларининг жадвалли акси.

**Конструктив таҳлил** – тизимли таҳлил қилиш унинг мақсадларидан бошланади ва тизимга нисбатан функцияси орқали олиб борилади.

**Концепция** – бирор соҳани ривожлантиришга қаратилган кенг қамровли лойиҳа ёки соҳа тараққиётини асослаб беришини ўз ичига олган қарашлар мажмуи.

**Кўргазмалилик** – “юз маротаба эшитгандан бир маротаба кўрган яхши” тамойилидан келиб чиқиб, билим беришда турли туман кўргазмали қуроллардан самарали фойдаланиш.

**Кузатиш методи** – кишининг характерида намоён бўладиган турли ҳолатларни хисобга олиш, бирор бир жараённи кечишига оид ахборот олиш.

**Кластер таҳлил** – (ингл. cluster analysis) кўп киррали статистик жараён бўлиб, бир турдаги қиёсий гуруҳларни тартибга солиш мақсадида маълумотларни йиғиши ва объектлар бўйича танлашни кўзда тутади.

**Лидерлик** – гуруҳдаги шахслар аро муносабатлар тизимида ҳукмронлик ва бўйсунувчанлик, ҳокимлик ва қарамлик муносабатларидир.

**Маълумот** – ўқитиш жараёни ва унинг натижаси ҳисобланиб, ўқувчида билим, иқтидор ва кўникмаларнинг ўзлаштирилганлиги, билиш қобилияти ўсганлиги ва улар асосида илмий дунёкарош, шаҳсий сифатлар шаклланганлигини, уларнинг ижобий кучлари ва қобилиятларининг қай даражада ривожланганлигини англатади.

**Метод** (усул) – муайян мақсадга эришиш, аниқ вазифани бажариш усули, борлиқни амалий ва назарий ўзлаштириш (билиш усуллари ёки жараёнлари мажмуи).

**Методика** (услуб) – мақсадга етишишдаги қўлланиладиган усуллар тизими.

**Методология** – (юнонча ”метод”, “métodos” – тадқиқот этиш

йўли, назарияси, таълимоти деган маънони англатса, “logos” – таълимот деганидир). Методология тушунчаси икки асосий тушунчадан иборат бўлиб, биринчидан, фан соҳасида амалга оширилиб бориладиган маълум йўллар, операциялар тизимида айтилса, иккинчидан, шу тизим тўғрисидаги таълимот, метод назариясига айтилади.

**Меъёр** – объектнинг сифат ва миқдорий жиҳатлари ўзаро боғлиқлигини англатадиган, мазмун ва шакл имконият ва воқелик ўртасидаги зарурый уйгунлик таъминланишини ифодалайдиган фалсафий тушунча.

**Маҳорат** – ўзлаштирилган билим ва ҳаётий тажрибалар асосида барча амалий ҳаракатларни (шу жумладан, дарс беришни) кам куч ва кам вақт сарфлаб бажариш.

**Малака** – киши эгаллаган билимларини кўнкма босқичидан ўтиб, доимий ҳаракат турига айланиши, маҳорат ҳосил қилиши. Малака – паст, ўрга ва юқори бўлиши мумкин.

**Мотивация** – инсон хулқ-автори, унинг боғланиши ва фаоллигини тушунтириб берувчи психологик сабаблар мажмуи.

**Миллий ғурур** – инсониятнинг хар қандай фаолият жараёнига рағбат вазифасини ўтайдиган ижтимоий сифат.

**Маънавий қадриятлар** – кишилар маънавий фаолияти махсули, билишнинг мураккаб жараёни натижасида юзага келган билим, қараш ва малакалар самараси.

**Миллий қадриятлар** – муаяйн халқнинг расм-русуми, анъанаси, фазилатлари, ахлоқ ва одоби, яшаш тарзи, байрамлари, миллий кийимлар, уй-рўзгор буюмлари, рўзгор тутишлари ва ҳакозолар.

**Назария ва амалиёт бирлиги** – билим беришда назорат билимларнинг амалиётда ишлашини, яъни унинг ҳаёт билан, амалиёт билан боғлиқлигини кўрсатиб бериш.

**Назария** – бутабиат ва жамият қонунларининг тушунишгагина эмас, балки унга фаол тасир этиб ақлий асосда ўзгартиришлар киритиш ҳақидаги илмий ғоялар тўплами.

**Нанотехнология** – митти технология бўлиб, унинг прототипи табиатнинг ўзида мужассам. Кўзга кўринмас бактериялар, чумоли, ўргимчак ва шунга ўхшаш ҳашоратлар табиий нано жисмлардир.

**Номенклатура** – (лот. nomenklatura–номлар, исмлар рўйҳати) –1) фан техника ва бошқа бирон-бир тармоқда ишлатиладиган номлар ва атамалар мажмуаси ёки рўйҳати; 2) бирон-бир раҳбар орган томонидан тайинланадиган ёки тасдиқланадиган мансабдор шахслар ва уларнинг рўйҳати.

**Онглилик ва фаоллик** – билимни талабалар томонидан онгли равишда ва фаол қатнашиб эгаллашлик.

**Одоблилик** – ижтимоий сифат бўлиб, инсон фазилатларидан ҳисобланади.

**Оралиқ назорат** – бу мазкур фан бўйича ўтилган бир неча мавзуларни ўз ичига олган бўлим ёки қисм бўйича талабанинг билишлигини аниqlаши.

**Оптималлашув** – тизим фаолиятининг максимал ёки минимал аҳамиятини таъминлайдиган энг яхши муқобил йўлларини қидириш жараёни.

**Оғзаки таълим методлари** – ҳикоя, сухбат, маъруза.

**Педагогик жараён** – ўқитувчи ёки педагог, ўқувчи ёки талаба орасидаги билим бериш ва билим олиш, ўргатиш-ўрганиш ва тарбиялаш зайдида кечадиган муносабатлар тизими.

**Педагогик тамойил** (прициплар) – ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги муносабат орқали бериладиган билим тури, ҳажми ва мазмунни, шунингдек, ўқув-қуроллари ва тарбияланувчиларнинг руҳий хусусиятлари ўртасидаги зарурий боғлиқликлардан келиб чиққан қонуниятга амал қилиш.

**Педагогик мухит** – таълим тарбия мақсадларига мувофиқ равишда тузилган шахслараро (ўқитувчи-ўқувчи ҳамда ўқувчилар орасида) муносабатлар мажмуюи.

**Педагогик мuloқat** – таълим-тарбия билан боғлиқ мuloқat тури.

**Педагогик технология** – бу таълим жараёнларида шахс камолотини максимал даражада ривожлантиришга қаратилган илмий асосланган ва танланган таъсир кўрсатиш воситаларининг хусусияти.

**Рейтинг**–баҳолаш, тартибга келтириш, таснифлаш, бирор ходисани олдиндан белгиланган шкала бўйича баҳолаш.

**Репродуктив** (номахсул) –фикрлашнинг бир тури.

**Ривожланиш тамойили** – бу миқдорий ва комплекс

характеристикаларини олишга йўналтирилган.

**Референт гурух** – (лот. referens-хабар берувчи)-киши учун эътиборли бўлган, қадриятлари, фикрлаш хулқ-атвор нормалари ва қоидаларини сўзсиз тан олувчи ва уларни ўзи учун қабул қилувчи кишилар гуруҳи.

**Сабр-қаноат** – инсоннинг юқори ижтимоий сифати бўлиб, инсон руҳининг юксак даражага эришганидан далолат беради.

**Саховатлик** – бу хислат инсоният эришган энг юқори ижтимоий сифат бўлиб, барча фазилатларга эришган одамда намоён бўлади.

**Синтез** – предметнинг турли унсурлари, тамонларнинг ягона яхлитликка бирлаштириш.

**Сифатли таҳлил** – тизимнинг сифат хусусиятлари, ўзига хос белгилари нуқтаи-назардан таҳлил қилиш.

**Сухбат усули** – нутқ мулоқати ёрдамида бевосита ёки билвосита маълумот олиш.

**Талант** – инсон қобилиятларининг, энг аввало у ёки бу турдаги фаолиятда улкан ютуқларга эришишини таъминловчи маҳсус юксак ривожланиш даражаси.

**Тарбиянинг мақсади** – жамиятнинг алоҳида бир олинган шахсга бўлган эҳтиёжларини акс эттириш, унинг моҳияти идеал талабларни, ўзига хослиги ва фазилатларини, хаётга мунособатининг, ақлий, жисмоний, ақлоқий ва эстетик ривожланишини назарий умумлаштиришdir.

**Таълимни демократлаштириш** – муайян жамият ва аник шахс эҳтиёжи ҳамда имкониятидан келиб чиқиб, маълум билимлар тури ва ҳажмини эркин ҳолда танлаб олиш.

**Таълим** – маълум мақсадга йўналтирилган, режали равища амалга ошириладиган “ўқитувчи–ўқувчи–ўқитувчи” мулоқати бўлиб, унинг натижасида ўқувчидаги маълумот, тарбия ва умумий шаклланиш, ривожланиш амалга ошади.

**Таълим услубияти (методикаси)** – хусусий дидактика ёки таълимнинг хусусий назариясини ўзида намаён этадиган фаннинг тармоғидир.

**Таълим (ўқитиши) усуллари** – таълимнинг услубий таркибий қисмларини ташкил этган бўлаклардан иборат.

**Таълимнинг кўп тармоқли турлари** – бирламчи, хронологик,

репродуктив, алоҳида танланган, омиллар ва таққослаш.

**Тест** – стандартлаштирилган синов бўлиб, унинг ёрдамида у ёки бу хилдаги психик жараён бўлиб, шахсни бир бутунлигича ўрганиш мумкин бўлган усул.

**Усул** – мақсадга этишишда муайян тўсиқни енгиш учун қўлланиладиган чора-тадбирлар.

**Услуб (йўл)** – мақсадга этишишда қўлланиладиган усуллар тизими.

**Умум ўрта таълим** – Умум ўрта таълим мактаби, ўз навбатида, бошлангич таълим ва ўрта таълим деган босқичлардан иборат.

**Фаолият** – харакатлар ва операциялар тизимида амалга ошириладиган эҳтиёжлар ҳамда сабабларга жавоб берадиган, биронта мақсадга йўналтирилган фаоллик.

**Фанларни ўқитиш методикаси** – ҳар бир фаннинг мазмунини аниклаб, кетма-кетлигини белгилаб, танланган материалларни ўрганишнинг шакл ва методларини ҳал этади. Масалан, Тарих, Фалсафа, ва ҳоказолар.

**Шахс** – одамнинг жамият аъзоси сифатида ўз-ўзини англаш ва тафаккурини, фаолиятининг объективигини, мулокат ҳамда билувчанликни ташувчанлигидир.

**Шкалалаш** – аниқ жараёнларни ракамлар тизими ёрдамида моделлаштириш.

**Эстетик таълим–тарбия** – инсонда завқ уйғотувчи ва уни ҳаракат, шижаот ва қаҳрамонликларга ундовчи барча турдаги кўринишлар, ҳолатлар, ҳодисалар ва бадиий эстетик тафаккурни шакллантириш.

**Эмпирик тадқиқот методлари** – сўров, кузатув, қиёслаш, ўлчаш, тажриба.

**Ўрганиш-таълим** жараённинг таркибий тузилишларида ўкувчининг шахсий фаолияти.

**Ўқув материалини танлаш** – режага қараб танлаш принципига риоя қилинади.

**Ўқув курси орқали** – методик ёндашув хақида билим олиш, методологияни, шунингдек муоммали вазиятларни тасвирлашни ўрганиш.

**Қарор қабул қилиш** – инсон фаолиятидаги маҳсус жараён.

**Қарор қабул қилиш методлари** – уч гурух неформаль,

микдорий, сифатий усуллар мавжуд.

**Қонун** – бу атама аслида инсоният томонидан яратилған тартиб ба қоидаларга нисбатан ишлатиласы.

**Қоида** – бу инсон фаолият тартибининг сүнги босқичи бўлиб объектив қонуниятлар асосида ишлаб чиқилған тамойилларнинг у ёки бу ҳаракатларни чукурлаштириб, конкретлаштириб берувчи чора ва тадбир тартибидир.

## **АДАБИЁТЛАР**

### **I. Раҳбарий адабиётлар:**

1. Шавкат Мирзиёев. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. –Тошкент: Ўзбекистон, 2019. 1-жилд. –Б. 29.
2. Шавкат Мирзиёев. Буюк аждодларимизнинг муқаддас хотираси ва жасорати олдида бош эгамиз. –Тошкент: Ўзбекистон, 2019. 1-жилд. –Б. 396-397.
3. Шавкат Мирзиёев. Юрт қаҳрамонларининг қадри баланд, хотираси муқаддас. –Тошкент: Ўзбекистон, 2017. 2-жилд. –Б. 318, 322.
4. Шавкат Мирзиёев. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. –Тошкент: Ўзбекистон, 2019. 3-жилд. –Б. 147.
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисига Мурожаатномаси Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги. // 28. 12. 2018/ <http://www.uzat.uz>
6. И. А. Каримов. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. –Тошкент: Ўзбекистон, 1992. –Б. 22.
7. И. А. Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. –Тошкент: Ўзбекистон, 1996. –Б. 77.
8. И. А. Каримов. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. –Тошкент: Ўзбекистон, 1997. –Б. 259.
9. И. А. Каримов. Тарихчи олимлар ва журналистлар билан сұхбат. // Мулоқат, 1998. №5. –Б. 15.
10. И. А. Каримов. Она юртимиз баҳту иқболи ва келажаги йўлида хизмат қилиш-энг олий саодатдир. –Тошкент: Ўзбекистон, 2015. –Б. 110.

### **II. Норматив-хуқуқий ҳужжатлар:**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Тошкент: Ўзбекистон, 2016.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида” ва “Кадрлар тайёрлаш Миллий Даствури тўғрисида”ги Қонун. Баркамол авлод-Ўзбекистон тараққиётининг пойdevori. –Тошкент: Шарқ. 1997.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил, 7-февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947 сонли. //Халқ сўзи, 2017 йил, 8 февраль.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 14-мартдаги “Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2829 сонли. //Халқ сўзи, 2017 йил, 15-март.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 20-апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909 сонли. // Халқ сўзи, 2017-йил, 21-апрель.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2017-йил 22-майдаги “Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 304-сонли Қарори. // Халқ сўзи, 2017-йил, 23-май.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 30-сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-3304 сонли Қарори. // Халқ сўзи, 2017-йил, 1-октябрь.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030-йилгача ривожлантириш қонцепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5712 сонли. 2019 йил, 29-апрел. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

### **III. Асосий адабиётлар**

1. Архангельский Н. П. Сведения с состояния изданий учебной литературы на Туркестанской АССР для школ узбекских, казахских, туркменских, таджикских. –Ташкент: 1922.

2. Архангельский Н. П. О преподавании истории в Средне-Азиатской школе. -Ташкент: 1922.

3. Азизходжаева И. Педагогик технология ва педагогик махорат. –Тошкент: Чўлпон, 2005.

4. Бернадский В. Н. Методы преподавания история в старших классах. –Ленинград: 1939.

5. Бабанский Ю. К. Ҳозирги замон умумий таълим мактабида ўқитиш методлари. –Тошкент: Ўқитувчи, 1990.

6. Бендириков К. Е. Очерки по истории народного образования в Туркестане (1865-1924 г). -Москва: 1960.
7. Берурова М. Н. Теоритические основы интеграции образования. -Москва: Совершенство. 1998. -С. 192.
8. Вагин А. А. Методика преподавания истории в средней школе. Учение о методах. Теория урока. -Москва: Просвещения. 1968.
9. Вагин А. А. Типы уроков по истории. -Москва: 1957.
10. Голиш. Л. В. Фаол ўқитиши усуллари: мазмун танлаш, амалга ошириш. -Тошкент:ТАСИС, 2001.
11. Гора П. В. Программы педагогических институтов. Методика обучения истории. -Москва: 1970.
12. Гора П. В. Методические приёмы в средства наглядного обучения истории в средней школе. -Москва: 1971.
13. Гиттис И. В. Начальной обучение истории. Леувнград: 1939.
14. Дерябо С. Д., Ясвин В. П. Экологическая педагогика и психология. -Ростов-на Дону: Феникс, 2006, -С. 143.
15. Донской Г. М. Соотношение единичного, особенного общего в учебниках истории. -Москва: 1981.
16. Желтова Г. М., Ступова Т. А. Талабалар узлуксиз педагогик амалиётини ташкил қилиш ва ўтказиши. -Тошкент: Ўқитувчи, 1999.
17. Зиямухаммедов Б. Педагогик маҳорат асослари. - Тошкент: ТИБ-КИТОБ, 2009.
18. Йўлдошев Ж. Таълим янгиланиш йўлида. -Тошкент: Ўқитувчи, 2000.
19. Карцев В. Г. Методика преподавания истории в начальной школе. -Москва: 1951.
20. Лейбенгруб П. С. Дидактические требования к уроку истории. -Москва: 1960.
21. Лейбенгруб П. С. Дидактические требования к уроку истории в средней школе. -Москва: 1980. -С. 114-115.
22. Лафасов М., Тошпўлатов Т. Мустақиллик дарсларини ўқитиши бўйича методик кўлланма. -Тошкент: Ўқитувчи, 2001.
23. Миллий истиклол фояси: асосий тушунча ва тамойиллар. - Тошкент: Ўзбекистон. 2000.

24. Мухамедов Ф. И., Ходжамқулов У., Тоштемирова С. Педагогик таълим инновацион кластери. –Тошкент: Университет, 2020. – Б. 102.
25. Милонова Н. П., Кононов Ю. Ф. и др. Историческое краеведение. – Москва: Просвещение, 1969.
26. Народное образование в СССР. Сборник документов в 1917- 1973 гг. – Москва: Просвещение, 1974.
27. Некрасов П. А. Изучение хронологии на уроках истории. –Одесса: 1960.
28. Озерский И. З. Начинающему учителю истории. -Москва: Просвещения, 1987.
29. Ортиков. Н. Маънавият: миллий ва умуминсоний қадриятлар. -Тошкент: Ўзбекистон, 1997.
30. Полтарак Д. И., Аппарович Н. И., Думин С. В. Методика использования средств обучения в преподавании истории. -Москва: 1987.
31. Розиков О. Р. Дидактика. –Тошкент: Фан, 1997.
32. Сайдахмедов Н. Янги педагогик технологиялар. – Тошкент: Молия, 2003.
33. Студеникин М. Т. Методика преподавания истории и школе. – Москва: Владос, 2004.
34. Соловьёв С. М. Чтения и рассказы по истории России. -Москва: Правда, 1989.
35. Стражёв А. И. Методика преподавания истории. -Москва:1992.
36. Стражёв А. И. . Методика преподавания истории. Посо-бие для учителей. –Москва: 1964.
37. Саъдиев А. Мактабда тарих ўқитиши методикаси. –Тошкент: Ўқитувчи, 1988.
38. Саъдиев А. Ўзбекистон халқлари тарихини ўқитиши. – Тошкент: Ўқитувчи, 1933.
39. Тошпўлатов Т.,Faффоров Я. X. Тарих ўқитиши методикаси. –Тошкент: Университет, 2002.
40. Тошпўлатов Т.,Faффоров Я. X. Тарих ўқитиши методикаси. -Тошкент: Турон- Иқбол, 2010.
41. Толипов Ў. К., Усмонбоева М. Педагогик техноло-гияларнинг татбиқий асослари. -Тошкент: Фан, 2006.

42. Фарберман Б. Н. Илгор педагогик технологиялар. –Тошкент: Фан, 2000.
43. Чориев А. Проблемы народного образования и подготовки педагогических кадров Узбекистана. -Тошкент: Фан, 1997.
44. Шермуҳамедова Н. А. Илмий тадқиқот методологияси. – Тошкент: Фан ва технологиялар, 2014.
45. Щеглова Т. Устная история. Методика преподавания истории. –Барноул: 2010.
46. Щербакова С. Г. Проблемы интеграции в школе. –Москва: 2012. -С. 120.
47. Шамова Т. И. Активизация учения школьников. -Москва: 1982.
48. Экологик таълимдан барқарор ривожланиш сари. –Тошкент: Талқин, 2007.
49. Яковлев Н. М., Сохор А. М. Методика и техника уроке в школе. – Москва: Просвещение, 1989.
50. Эргашев Қ. Ўзбекистонда халқ таълимининг ривожланиши тарихи. -Тошкент: Ўқитувчи, 1998.

#### **IV. Қўшимча адабиётлар**

1. Ахлиддинов Р., Сайдов Х. ва бошқалар. Истиқлол ва таълим: Халқ таълими мустақиллик йилларида (1991-2001 йй). –Тошкент: Шарқ, 1997.
2. Ахмедов Б. Амир Темур ўгитлари. – Тошкент: Наврӯз, 1992.
3. Агибалов Е. В., Донской Г. М. Методическое пособие по истории средних веков. – Москва: Просвещение, 1978.
4. Андреевская Н. В. Очерки методики истории. – Ленинград: 1958.
5. Айдаров Э. Б. Ўқувчи ёшларда табиий худудларни муҳофаза қилиш орқали экологик тарбия бериш. – Тошкент: Илм–зиёзаковат, 2019.
6. Бартольд В. В. История Туркестана. – Тошкент: 1922.
7. Барг М. А. Эпоха и идеи: Становление историзма. – Москва: 1987.
8. Белинский В. Г. Избранные философские сочинение. – Москва: 1941. –С. 267.

9. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти. Асосий омиллар. – Тошкент: Весь мир, 2001.
10. Баркамол авлод орзуси. -Тошкент: Шарқ, 1999.
11. Добролюбов Н. А. Избранные педагогические высказывания. –Москва, 1939.
12. Дербов А. А. Введение в изучение истории.–Москва:1981.
13. Жўраев Н. Агар огоҳ сен. . . –Тошкент: Шарқ, 1998.
14. Зиямухаммедов Б. Педагогика. –Тошкент: Турон-Иқбол, 2006.
15. Зунунов А. (ва бошқалар). Педагогика тарихи. –Тошкент: Шарқ, 2000.
16. Кобзева О. П. Методика преподавания истории. -Тошкент: Университет, 2007.
17. Карцев В. Г. Очерки методики обучения истории СССР в VIII-X классах. -Москва: 1955.
18. Кулжинский Я. С. Методика систематического курса истории. –Москва: 1914.
19. Лорд Болингброк. Письмо об изучении в пользу истории. -Москва: Наука, 1978.
20. Лернер И. Я. Познавательные задачи в обучении истории. –Москва: Просвещение, 1968.
21. Мўминов И. Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли. –Тошкент: Фан, 1968.
22. Милонова Н. П. Методика преподавания истории. – Москва: Просвещение, 1967.
23. Некрасов П. А. Использование исторических документов в процессе обучения истории. –Одесса: 1963.
24. Никифоров Д. Н. Наглядность в преподавании истории. –Москва: Просвещение, 1964.
25. Некоторые вопросы Всеобщей истории и методики её преподавания. // В. Я. Боршевский. –Донбасс: 1972.
26. Питюков В. Ю Основы педагогической технологии. – Москва: 2001.
27. Родин А. Ф. Внеклассная работа по истории. –Москва: 1956.
28. Скрябин К. Учитель в моей жизни. Сборник. –Москва: 1996.

29. Смесова Е. А Методика преподования истории в школе. –Тошкент: FAYLASUFLAR, 2019.
30. Сафо Очил. Мустақиллик маънавияти ва тарбия асослари. -Тошкент: Ўзбекистон, 1997.
31. Турсунов И. И. Халқ таълимининг долзарб муаммолари. -Тошкент: Ўқитувчи, 1990.
32. Тошпўлатов Т.,Faффоров Я. X. Тарих ўқитиши методикаси. -Тошкент: Университет, 1999.
33. Туленов Ж, Валиева С. Илмий ижод методологияси. – Тошкент: ТДПУ, 2008.
34. Тойнби А. Постижении истории. –Москва: 1994.
35. Фарберман Б. Н. Прогрессивные педагогические технологии. –Тошкент: Фан, 1999.
36. Хўжамуродов И. Маънавий қадриятлар ва миллий ўзликини англаш. –Тошкент: Мехнат, 1991.
37. Ҳамдамов Р., Бегимқулов У., Тойлақов Н. Таълимда ахборот технологиялари. Олий таълим муассасалари учун. – Тошкент: ЎзМЕ давлат илмий нашриёти, 2010.
38. Хидоятов Г. А. Менинг жонажон тарихим. –Тошкент: Ўқитувчи, 1992.
39. Эргашев А., Эргашева Т. Экология, биосфера ва табиатни муҳофаза қилиш. –Тошкент: Янги аср авлоди, 2005.
40. Юсупов Э. Инсон камолотининг маънавий асослари. – Тошкент: Университет, 1997.
41. Ўзбекистон тарихини ўқитиши ва ўрганишнинг ягона концепцияси. –Тошкент: 1996.
42. Ўзбекистоннинг энг янги тарихи. –Тошкент: Шарқ, 2–китоб, 2000.
43. Ўзбекистон Республикаси. Энциклопедия. –Тошкент: Комуслар Бош таҳририяти, 1997.
44. Қурбонов Ш., Сейтхалилов Э. Кадрлар тайёрлаш Миллий Дастури: Педагогик илмий тадқиқот муаммолари ва йўналишлари. –Тошкент: Фан, 1999.
45. Faффоров Я. X. Maxsus фанларни ўқитишида янги педагогик технологиялардан фойдаланиш усуллари. –Тошкент: Университет, 2015.

## **V. Газета ва журналлар.**

### **Журналлар**

1. Хмелёв А. Н. Передовые методисты начало XXв. // Преподавание истории в школе. 1959. №5.
2. Гора П. В. К вопросу о системе методов и методических приёмов обучения. // Преподавание истории в школе. 1966, №3. –С. 47.
3. Дик Ю. И. Интеграция учебных предметов. //Совет. Педагогика. 1987, №9. –С. 42-46.
4. Саранцев Г. И. Методика преподавания. // Педагогика. 1988. №1.
5. //Мулоқат. 1998. №5. (И. А. Каримов. Тарихчи олимлар ва журналистлар билан сұхбат).
6. Экологиядан давлат таълим стандартлари. // Халқ таълими. 2000. №1.
7. Лихачев Б. Т. Экология личности. // Педагогика. 2003. №2, -С. 20.
8. Тошпұлатов Т. Миллий истиқлол мағкурасининг хаётда тобланган дастури. // Шарқ юлдзузи. 2003. №3.
9. Азимбоев М. С. Тарихни ўрганишда “Оғзаки тарих (oral history) услугбى”. // ЎзМУ хабарлари, 2013.
10. Fafforov Я. X. Taъlim tizimida ekologik tarbijanining muhim jihatlari: “Important aspects of environmental education in the education system. EPRA International Journal of research & development (IJRD)” –India. 2020.
11. Fafforov Я. X. Tariх ўқитиши усуллари тизимини rivожлантириш ва тарих таълими самарадорлигини ошириш методлари: Methods for developing a system of teaching history and increasing the effectiveness of history teaching. EPRA International Journal of Multidisciplinary Research (IJMR). –India. 2020.

### **Газеталар.**

1. // Туркистан. 1992. 2феврал.
2. // Ўзбекистон табиати. 1993. 3 февраль.
3. // Маърифат. 1994. 11 май.
4. // Тошкент оқшоми. 1998. 27 феврал.

5. // Маърифат. 2003. 19 феврал.
6. // Маърифат, 2003, 19 март.
7. // Маърифат. 2005. 13 август.

## **VI. Диссертациялар.**

1. Рахимов Ж. Ўқувчиларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда тарихий ўлкашунослик манбаларидан фойдаланишнинг педагогик асослари. Педагогика фанлари номзоди. . дисс. – Тошкент: 1996.
2. Шоназаров Қ. Бўлажак тарих ўқитувчиларини мактаб ўқувчиларининг тарихий тафаккурини шакллантиришга тайёрлаш. Педагогика фанлари номзоди. . дисс. –Тошкент: 2002.
3. Ходжаев Д. Ўқувчиларнинг мустакил фикрлашини шакллантириш (Тарих дарслари мисолида) Педагогика фанлари номзоди учун ёзилган дисс. -Тошкент: 2006.

## **VII. Интернет материаллар.**

www. uza. uz  
www. lex. uz  
www. ziyonet. uz

## МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
<b>1-Мавзу: Тарих ўқитиши методикаси–илмий педагогик фан .....</b>	<b>9</b>
1. Тарих ўқитиши методикасининг илмий-педагогик фан сифатида шаклланиши ва тараққиёти .....	9
2. Тарих ўқитишида ўқувчиларнинг билиш фаолияти ва мустақиллигини оширилиши. ....	19
3. Тарих фанининг назарий ва методологик асослари. ....	25
4. Тарих фани ва ҳозирги замон жамияти.....	30
<b>2-Мавзу: Тарих дарси, унинг турлари ва тузилиши .....</b>	<b>36</b>
1. Тарих дарсларининг турлари ва уларни таснифлаш.....	36
2. Тарих дарслари орқали ўқувчиларда таҳлилий тафаккурни ривожлантириш .....	42
3. Тарих ўқитишидав таълим билан тарбиянинг уйғунлиги.....	50
4. Ўқувчиларнинг мустақил ишларини ташкил этиш-таълимини демократлаштиришнинг асосидир.....	56
<b>3-Мавзу: Тарих дарслари ва унга бўлган замонавий талаблар .....</b>	<b>67</b>
1. Ўзбекистонда тарих ўқитишига бўлган янгича муносабатлар .....	67
2. Замонавий тарих дарсига бўлган талаблар ва унинг яратилиши.....	74
3. Тарих дарсларининг илмий-методик ва дидактик талаблари .....	86
4. Ноанъанавий ва муаммоли дарсларни тарих таълимидағи аҳамияти.....	95
<b>4-Мавзу: Тарих дарси самарадорлигини ошириш йўллари .....</b>	<b>103</b>
1. Тарих дарси самарадорлингини оширишнинг илмий-услубий ва дидактик негизлари .....	103
2. Тарихни ўрганишнинг асосий омиллари ва конуний жараёнлари .....	110

<b>5-Мавзу: Тарихий билимларни шакллантириш жараёни .....</b>	<b>118</b>
1. Тарихий билимларни шакллантиришда тарихий фактлар, тарихий тушунча ва тасавурларнинг ўрни .....	118
2. Тарихий билимларни ўзлаштириш жараёнлари .....	125
<b>6-Мавзу: Тарих ўқитишида экологик таълим-тарбиянинг асосий йўналишлари ва босқичлари .....</b>	<b>130</b>
1. Тарих таълими тизимида экологик тарбиянинг муҳим жиҳатларини ўрганиш усуллари .....	130
2. Экологик таълим-тарбиянинг асосий йўналишлари .....	136
3. Экологик таълим-тарбия тарихий босқичлардаги ўзгариш .....	145
<b>7-Мавзу: Миллий қадриятни англамоқ ватанинни англамоқдир .....</b>	<b>149</b>
1. Тарих дарсларида миллий қадриятлар ва ватанпарварлик тушунчаси .....	149
2. Миллий ва маънавий қадриятлар ҳамда миллий ўзликни англаш .....	153
<b>8-Мавзу: Таълим-тарбия тизимида тарих ўрганишга интеграцион ёндошишнинг баъзи муаммолари .....</b>	<b>159</b>
1. Таълим жараёнини инсонпарварлаштириш ва демократлаштириш .....	159
2. Интеграциялаштиришнинг методик асослари .....	169
<b>9-Мавзу: Тарихий тараққиёт қонунларини ўрганишда тарихий фактларни танлаш ва улардан фойдаланишга бўлган талабалар .....</b>	<b>179</b>
1. Тарих ўқитиши жараёнини самарали ташкил этишининг мазмуни ва моҳияти .....	179
2. Тарих дарсларида тарихий фактларнинг ўрни .....	189
<b>10-Мавзу: Тарих ўқитишида техник воситалар ва кўргазмали қуроллардан фойдаланиш .....</b>	<b>196</b>
1. Тарих ўқитишининг кўргазмали методи ва қўрсатмали қуроллар классификацияси, улардан фойдаланиш усуллари .....	196
2. Тарихни ўқитишига техник воситаларини жорий этилиши .....	202

3. Тарих таълимида техник воситалардан фойдаланиш муаммолари .....	213
<b>11-Мавзу: Тарих таълимида янги педагогик технологиялардан фойдаланиш усуллари.....</b>	<b>220</b>
1. Тарих таълимида янги педагогик технологияларнинг роли .....	220
2. Тарих таълимида янги педагогик ва ахборот технологияларнинг моҳияти ва вазифалари .....	225
3. Интерфаол методлар асосида семинар машгулотларини ташкил этиш .....	231
4. Мавзу бўйича слайдлар .....	237
<b>Глоссарий.....</b>	<b>255</b>
<b>Адабиётлар .....</b>	<b>265</b>
• •	

**Я.Х.Ғаффоров**

## **ТАРИХ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ**

*Муҳаррир: X. Taxirov*

*Техник муҳаррир: С. Мелиқузев*

*Мусаҳҳих: М. Юнусова*

*Саҳифаловчи: А. Мухаммадиев*

Нашр. лиц № 2244. 25.08.2020 й.

Босишига руҳсат этилди 07.05.2021 й.

Бичими 60x84  $\frac{1}{16}$ . Офсет қофози. “Times New Roman”  
гарнитураси. Ҳисоб-нашр табоғи. 14,0.

Адади 100 дона. Буюртма № 15.

«ZEBO PRINTS» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.

Манзил: Тошкент ш., Яшнобод тумани, 22-ҳарбий шаҳарча.